

# НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Манзура ХУДАЙБЕРДИЕВА  
Абдукарим ХУДАЙБЕРДИЕВ  
Ёкутхон ЁҚУБЖАНОВА

# ОЗИҚ-ОВҚАТ КИМЁСИ

Олий ўқув юрти  
талабалари учун  
ДАРСЛИК



УЎК: 373.167.1:54

КБК: 35 (5 Ўзб)

X – 32

Дарсликда оксилли озука маҳсулотларининг янги турлари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оксилларнинг функционал хусусиятлари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги липидлар, минерал моддалар, витаминлар, органик кислоталар ва уларнинг инсон организмидagi вазифалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ферментларнинг роли, озукавий ва биологик фаол қўшимчалар ва ароматизаторлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳамда рационал овқатланиш асослари билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Кириш қисмида эса “Озиқ-овқат кимёси” фани ва унинг бугунги кундаги вазифалари инсоннинг озиқланишида оксилли моддаларнинг аҳамияти, ер юзидаги оксил танқислиги муаммолари ва асоратлари, аминокислоталар ва уларнинг организмдаги функциялари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги пептидлар каби масалалар ёритилган.

Бу маълумотлардан ташқари юқорида келтирилган муаммоли мавзуларни ўзлаштиришда талабалар малака ва кўникмалар ҳосил қилишлари учун такрорлаш учун назорат ва тест саволлари, янги педагогик технологияларни қўллаб дарс жараёнини ташкил этишнинг янги усуллари келтирилган.

Мазкур дарслик “Озиқ-овқат технологияси” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, ундan шу соҳа мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

### Тақризчилар:

*Ш. Абдуллаев – Наманган давлат университети профессори, кимё фанлари доктори, профессор;*

*Х. Арипов – Наманган муҳандислик-педагогика институти доценти, кимё фанлари номзоди, доцент*

ISBN - 978-9943-977-87-7

©«Наманган» нашриёти, 2015

© Наманган муҳандислик-педагогика институти, 2015

## СЎЗ БОШИ

Бугун мамлакатимизда озиқ-овқат саноати қанчалик ривожланганини ёғ-мой, гўшт, сут ва таъм берувчи қўшимчалар ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ҳамда уларда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ билишимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012-2013 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланиб, унда тармоқни равнақ топтиришнинг асосий муносиватлари белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатга кўра 2015 йилгача озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш борасида кўп ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг иқтисодий муносибати тобора мустаҳкамланиб, ўсиб бораётган бир даврда, мамлакатнинг таълим тизими, унинг таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошидан кечириб келинмоқда.

Чунки, демократик жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бири бу – ишлаб чиқаришни етук, малакали, халқаро миқёсдаги мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий илғор технологиялари соҳасидаги билим, кўникма ва таҷрибалирга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Ушбу масalani ҳал қилиниши республиканинг бозор иқтисодиёти талабларига асосланган иқтисодиётини халқаро миқёсдаги талабларига тўла жавоб берадиган, экологик ва гигиеник талабларга мос бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қўшниқларнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимидаги Қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил 29 июль) мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муваффақиятлари, тимоийллари ва босқичларини белгилаб берди. Миллий таълимнинг ягона қилиниши билан таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муваффақиятлари билан ҳаётга тадбиқ қилиняпти. Жаҳондаги таълимнинг мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга катта ҳисса қўлади, уларнинг ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Раҳмонов томонидан “Янги дарсликлар, замонавий педагогик ва

ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб-чиқариш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарурлигини” таъкидланиши бу соҳадаги туб бурилишларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Ҳозирги кунда Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассислар олий ўқув юртларида ва касб-хунар коллежларида тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шу йўналиш бўйича тасдиқланган ўқув режасида “Озиқ-овқат кимёси” фанини 144 соат ҳажмда ўқитиш кўзда тутилган. Муаллифлар шуларни назарда тутган ҳолда дарсликда “Озиқ-овқат кимёси” фани ва унинг бугунги кундаги вазифалари, инсоннинг озиқланишида оксилли моддаларнинг аҳамияти, ер юзидаги оксил танқислиги муаммолари ва асоратлари, аминокислоталар ва уларнинг организмдаги функциялари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги пептидлар, хом-ашё таркибидаги оксиллар, бошқоқли хом-ашё оксиллари, оксилли озуқа маҳсулотларининг янги турлари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оксилларнинг функционал хусусиятлари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги углеводлар, углеводларнинг умумий тавсифлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда углеводларнинг ўзгариши, углеводларнинг гидролизланиши, озиқ-овқат таркибидаги моносахаридлар ва олисахаридларнинг функциялари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги липидлар, минерал моддалар, витаминлар ва уларнинг инсон организмдаги вазифалари, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталар ва уларни тавсифи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ферментларни роли ва уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш, озуқавий ва биологик фаол қўшимчалар ва ароматизаторлар, озиқ-овқат хом-ашёларини ва тайёр маҳсулотларни бузилишидан сақлашда қўлланиладиган қўшимчалар, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳамда рационал овқатланиш асослари каби муаммоларни ёритишга ҳаракат қилганлар.

Бу маълумотлардан ташқари дарсликда юқорида келтирилган муаммоли мавзуларни ўзлаштиришда талабалар малака ва кўникмалар ҳосил қилишлари учун муаммоли саволлар, тест саволлари ва жавоблар, янги педагогик технологияларни қўллаб дарс жараёнини ташкил этишнинг янги методлари келтирилган.

## I БОБ. КИРИШ

### 1.1. Озиқ-овқат кимёси фанининг мақсади ва вазифалари

Озиқ-овқат кимёси икки мураккаб жараёнларни ўзида мувожадлаштирган фан бўлиб, маҳсулотларни кимёвий таркибини урғиниб қолмасдан уларга иссиқлик ишлови беришда ҳамда маҳсулотларни ишлаш ва овқатларни тайёрлаш вақтида биологик жараёнларнинг гидролизланиши, тирозиннинг оксидланиши, витаминларнинг карамелланиши ва шу каби бир қанча кимёвий жараёнларни ҳам ўрганади. Коллоид жараёнлар кулинарияда кўпгина катта аҳамиятга эга, чунки озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми коллоид системалардан: сут, каймоқ, маргарин, маскадан иборат, желатин, крахмал ва пектин моддалар ўзига хос коллоид системалар- дирилдоқ(студень) ларни ҳосил қилади.

**Кулинария жараёнларининг кўпи коллоид жараёнлардир:** дирилдоқларнинг коагуляцияланиши (гўшт, балиқ, тухум ва шу жараёнларни қизитганда), барқарор эмульсиялар (кўпгина қайлалар) ҳосил қилиниши, кўпиклар ҳосил қилиниши (қаймоқ, тухумнинг қўқирғин, муссин кўпиртириш ва шу кабилар) дирилдоқларнинг эскириб қоллиниши (нон ва бошқа ёпилган овқатларнинг суви қочиши, дирилдоқларнинг сув қочиши ва ҳоказо), адсорбция (қуруқ дирилдоқларнинг тиниб қолиши) ва шу каби жараёнлардан иборат. Дирилдоқларнинг қандай хоссалари борлигини яхши билгандагина улардан самарали фойдаланиш мумкин. Бу жараёнларни ўрганишда озиқ-овқат кимёси фани муҳим ўрин тутди. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ишлашнинг ҳамда овқатлар ва дирилдоқларни маҳсулотларини сотишнинг санитария қоидаларини амалга ошириб, овқатдан заҳарланишнинг ва овқат орқали юкумли дирилдоқлар тарқалишининг олдини олиш мумкин эмас.

Кулинария фанининг сўнгги ютуқларини амалга тадбиқ этиб, илғор биологиклардан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари чиқариш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг асортиментини кўпайтириши, уларнинг сифатини жаҳон андозаларига мос ҳолда таъминлаш ва озуқавий қийматини инсон организми учун таъминлаш бўлиб, моддалар, оксиллар, ёғлар, углеводлар ва витаминлар чиқарилиши ҳамда аҳолининг талаб-истакларини ўрганган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақоза этади.

Озиқ-овқат муаммоси доимо кишилиқ жамияти олдида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Инсон ўзининг яшаши учун барча нарсаларни, кислороддан ташқари, овқатдан олади. У суткасига 800 гр гача (сувдан ташқари) озиқ-овқат маҳсулотлари ва 2000 гр га яқин сув истеъмол қилади.

Ҳозирги вақтда курраи-заминимизда 7 млрд. дан ортиқ киши яшамоқда, 4 млн. тоннадан ортиқ овқат истеъмол қилинмоқда, аҳоли сони ортиши билан, табиийки, овқатга бўлган талаб ҳам ортиб боради. Инсоният озиқ-овқат маҳсулотларининг, айниқса, оқсил маҳсулотлари танқислигини бошидан кечириб келмоқда. Бироқ, овқат истеъмол қилишни ўсишининг ўзи овқатланиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Овқатлар рационал бўлиши, овқатланиш тўғрисидаги фаннинг асосий қоидаларига мос келган ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир инсон овқатларининг кимёвий таркиби, уларнинг олиниш усуллари маҳсулотларининг кимёвий таркиби, уларнинг олиниш усуллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, маҳсулотларни олиш ва пишириш вақтида содир бўладиган кимёвий жараёнларни, ҳамда овқатни ҳазм қилиш тракти тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозим. Шундай экан инсон организми учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда содир бўладиган жараёнлар билан танишиб чиқамиз.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ачитқилардан фойдаланилади. Нонвойлик ачитқилари углеводларни бижғитади, бунда карбонат ангидрид гази ва кислоталар ажралади. Таркиби нуқтаи назаридан қараганда, ачитқилар –озуқавий маҳсулот. Ачитқи ҳужайрасининг таркиби (қуруқ вазн ҳисобиди) қуйидагича (%): оқсил – 35–50, ёғлар – 5–20, углеводлар – 20–40, нуклеин кислоталар –11–22 кўпгина витаминлар.

Ачитқилар керакли нисбатдаги таркибга эга эмас. Бундан ташқари уларда нуклеин кислоталар миқдори кўп. Нуклеидлар миқдори 2% дан юқори бўлган маҳсулотлар инсон учун зарарли ҳисобланади. Ачитқилардан инсон озуқаси сифатида фойдаланиш–келажакдаги вазифалардан биридир. Бироқ, у ҳозир ҳам озуқа миқёсида кенг қўлланилмоқда. (Масалан, ОВК - оқсилли витаминлаштирилган концентратлар).

Озуқавий моддаларни синтез қилиш (улар бор йўғи 100 тага яқин, улардан 45 таси алмаштириб бўлмайдиган) овқат миқдорини

таъминловчи моддаларни ҳам синтез қилса бўлади.

Минимал технологияларни қайта ишлаб ва янги сифатли маҳсулотлар яратилмоқда. Масалан, микроорганизмлар ёрдамида витамин кислоталар (лимон, сут кислоталари) ва аминокислоталарни (лизин, триптафан) ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Маҳсулотларни сақлаш, уларга иккиламчи ишлов беришда донни ўз-ўзидан қизиши (нафас олиш) унинг сифатини яқинлаштириб олиб келади. Бу ферментатив, кимёвий жараён, улар таъсирини ўрганиш бу жараённи минимал бўлишига йўналтирилади. Бошқа бир мисол, картошканинг ўсиши. Шу жараённи, нурлантириш ўсиш нуқтасида нуклеин кислоталар қўшилиши тўхтатилади, ва картошкани сақлаш мумкин бўлади. Маҳсулотларни микроорганизмлар ёрдамида бижғитиш технология жараёнларнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Микроорганизмлар, ичтиқилар, моғор замбуруғлари, сувда ўсадиган бактериялардан фойдаланиб махсус моддалар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг бу тармоқларини ривожланиши ва уларни батафсил ўрганиш ҳаётий жараёнларни ўрганишга қараб, кучли интилиш ва ҳамбирчас боғлиқдир ўз навбатида хужайра ва организмларда борадиган ҳаётий ҳодисаларни фундаментал ўрганиш натижалари технологик янгиликларнинг пайдо бўлиши ҳамбирчас боғланган.

### Тикрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Ишлатилиши тўғри ташкил этишда нималарга эътибор қилишимиз?

2. Ҳаётда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиниши фойдали иш коэффициенти деганда қайси масалаларни назорат қилишимиз?

3. Ҳаётда маҳсулотларининг ҳосил бўлиш давридаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш усулларига қайсилар?

4. Ҳаётда маҳсулотларини сақлаш вақтида содир бўладиган ўзгаришларни тадқиқ қилиш усулларини тушунтириб

5. Ҳаётда моддалар алмашинуви ва озуқавий моддаларнинг ҳосил бўлиши вақтида содир бўладиган кимёвий ўзгаришларни қандай тадқиқ қилишимиз?

## 1.2. Инсоннинг озиқланишида оксилли моддаларнинг аҳамияти

Инсон ташқи муҳит таъсири остида камолга етади, овқат эса барча тирик мавжудотларни, шу жумладан, инсонни ҳам атрофдаги мавжуд бўлган бутун табиат билан туташтириб турувчи воситадир. Инсон организми ташқи муҳитдан энергия келиб туришига мудом муҳтож бўлади. Инсонларнинг овқат рационали ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, балиқ, тухум) ва шуларни қайта ишлаб тайёрланадиган маҳсулотлар (колбасалар, сарийёғ, сир, творог ва бошқалар) ҳамда ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар: ғалладан тайёрланадиган маҳсулотлар (ун, нон, ёрмалар, макарон маҳсулотлари), сабзавот, резавор мева, мева ўзиқоринлардан иборат бўлади. Мана шу барча маҳсулотлар таркибидаги моддалар миқдори ҳар хилдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби ноорганик ва органик моддалардан иборат. Ноорганик моддаларга сув ва минерал моддалар, органик моддаларга эса углеводлар, ёғлар, оксиллар, ферментлар, витаминлар, органик кислоталар, фенол таркимлари, ранг, ҳид берувчи моддалар ва бошқалар кириди.

Шунинг учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари шу моддаларнинг қандай ҳолатда учрашига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади. Уларда кимёвий моддаларнинг миқдори стандарт билан белгиланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида учрайдиган ва инсон ҳаётида энг зарур бўлган моддаларга оксиллар, ёғлар, витаминлар ҳамда минерал моддалар кириди.

Инсон истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибидаги бу моддалар организм учун жуда зарур бўлиб, улардан баъзилари меъда ва ичаклар фаолиятини яхшилаб, овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Бу моддалар организм учун жуда зарур экан, ҳар бир инсон бу моддаларнинг хоссаларини яхши билмоғи лозим.

**Оксиллар.** Оксил – ҳаёт негизидир, организмнинг ҳар бир хужайраси ва тўқимаси асосан оксилдан иборат. Унинг бошқа озиқ моддаларидан фарқи шуки, организмдаги оксил моддалар истеъмол қилинган таом таркибидаги оксиллардангина ҳосил бўлади, ёғлар ҳам, углеводлар ҳам уларнинг ўрнини боса олмайди. Шунга кўра организмда янги хужайралар вужудга келиши, тўқималар ривожланиши ва қайта тикланиши учун организмга таом билан



... рившида оқсил ўтиб туриши, яъни, таомда оқсил модда миқдорда бўлиши лозим.

Истеъмол қилинадиган таомда оқсил модда етишмаслиги ҳам, кўп қилиб керагидан кўп бўлиши ҳам организм учун зарарли бўлади, бу ҳолат бош мия пўстлоғига салбий таъсир қилади, асаблар системасининг кўзғалиши ва тормозланиш шартли рефлекснинг ўртасидаги нисбатни, шартли рефлекснинг шартли ва пайдо бўлиш вақтини ўзгартиради.

Оқсилнинг асосий манбаи ҳайвонлар гўшtidан тайёрланган овқат маҳсулотларидир. Ўсимликлардан тайёрланган таомлар оқсил моддаларининг кўшимча манбалари ҳисобланади, лекин бу оқсил моддалар миқдори камроқ бўлади.

Резинор, мева ва сабзавотлар ҳайвон оқсилларининг ҳазм шартли кучайтиради. Шу сабабли овқатларга ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларини қўшиб биргаликда ишлатилиш лозим.

Картошка, карам, кўзикарин, пиёз, саримсоқ, шовул ва шу оқсил таркибидаги оқсиллар тўла қимматга эга озиқ модда ҳисобланади. Оқсиллар бошқа органик моддалардан таркибида азот қисми билан ажралиб туради. Оқсиллар таркибида азот миқдори таъриф бўлиб, ўрта ҳисобда 16 фоизни ташкил этади.

●, Энгельс оқсилларнинг аҳамияти ҳақида шундай деб ёзган

... қисми учратадиган ҳамма ерда оқсил моддаси билан таркибини кўрамай, шунингдек парчаланиш жараёнида бўлмаган овқат оқсил жисми учратадиган ҳамма ерда истисносиз ҳисоб қилинган ҳодисасини кўрамай”.

... ҳақиқат, организмда оқсил етишмай қолса, қон ҳосил бўлиши қийинлашади, ривожланиш секинлашади, тирик организмнинг ҳаёт қилиши қобилияти ҳам сустлашади, асаб системаси, жигар ва буйракларнинг фаолияти бузилади.

...дан ташқари оқсиллар организмда керакли ферментлар, витаминлар ва гормонларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади, оқсиллар ва ёғлар сингари энергия берувчи модда вазифасини ўтайдди. Организмда 1 гр оқсил оксидланганда 4,0 ккал ёки 16,7 ккал энергия ажралиб чиқади. Овқатланишнинг физиологик талабларини кўра, рациондаги умумий калориянинг 14 фоизи оқсиллар ҳисобига тўғри келиши керак. Оқсилга бўлган суткалик

эхтиёж одамнинг ёши, жинси ва меҳнат фаолиятига қараб 80-100 граммни ташкил этади.

Оқсиллар ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотлари таркибида учрайди. Масалан, оқсилларнинг миқдори гўштда 14-20, балиқда 13-18, пишлоқда 18-25, сутда 3-4, буғдой унидан тайёрланган нонда 6-10, сабзавотларда 0,5-6,5, меваларда 0,2-1,5, картошкада 1,5-2,0 ва тухумда 12-13 фоизни ташкил этади.

Оқсиллар юқори молекулали каллоид бирикма бўлиб, аминокислоталардан ташкил топган. Ҳозирги кунда табиатда 150 дан ортиқ аминокислоталар борлиги маълум бўлса-да, шулардан 20 таси оқсиллар ҳосил бўлишида иштирок этади. Оқсил молекуласида аминокислоталар пептид боғлар орқали боғланган. Пептид боғлар бир аминокислоталарнинг карбоксил гуруҳи иккинчи аминокислотанинг амин гуруҳи билан ўзаро реакцияга киришиш натижасида ҳосил бўлади:

$\dots -CO\ OH + H\ NH-\dots\ CO\ -NH\ -\dots + H_2O \dots -CO\ -NH-\dots$   
кўринишдаги боғланиш пептид боғланиш деб юритилади.

Пептидлар таркибидаги аминокислота қолдигининг сонига қараб дипептид, трипептид, тетрапептид, пентопептид деб аталади. Агар пептидлар жуда кўп аминокислоталардан ташкил топган бўлса, полипептид деб юритилади. Шунинг учун ҳам оқсиллар полипептидларга киради. Оқсиллар молекуласида полипептид занжирлар бир-бири билан водород ва дисульфид боғлар билан ҳам боғланган бўлиши мумкин. Оқсилларнинг молекуляр оғирлиги бир неча мингдан бир неча миллионларгача этади.

**Оқсилларнинг туркумланиши.** Оқсиллар келиб чиқишига қараб ўсимлик оқсиллари ҳамда ҳайвон оқсилларига бўлинади. Ўсимлик оқсилларини инсон организми нон, картошка, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш ҳисобидан олади. Гўшт ва балиқ маҳсулотлари, тухум, сут оқсиллари ҳайвон оқсилларига киради.

Оқсиллар молекулаларининг шаклига қараб икки хил бўлади. Агар, молекулалари толасимон тузилган бўлса, улар фибрилляр оқсиллар дейилади. Агар, оқсил молекулалари юмалоқ ёки эллипс шаклида бўлса, улар глобуляр оқсиллар деб юритилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи оқсиллар кўпинча глобуляр оқсиллардан иборат бўлади.

Бундан ташқари оқсиллар уларнинг таркибига кирувчи аминокислоталар таркибига қараб тўлиқ қийматли ва тўлиқ қийматга эга бўлмаган оқсилларга бўлинади. Оқсиллар таркибига кирувчи аминокислоталар эса ўз хусусиятларига қараб ўрин алмаштирадиган ва ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталарга бўлинади. Ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталар саккизта бўлиб, улар лизин, валин, лейцин, изолейцин, треонин, метионин, гистидин ва фенилаланиндир. Бу аминокислоталар инсон организмида бошқа аминокислоталардай синтез бўлмайди. Буларни организмимизда асосан озуқадан олиб олинади. Оқсиллар таркибига кирувчи бошқа аминокислоталар эса ўрин алмаштирадиган аминокислоталардир. Бундай аминокислоталар инсон аъзоларида етишмаса, аъзоларимиз бошқа аминокислоталардан етишмаган аминокислотани синтез қилиб олиши мумкин.

Оқсилларнинг таркибига юқорида айtilган 8 та аминокислотанинг ҳаммаси учраса, бундай оқсиллар тўлиқ қийматли оқсиллар деб юритилади. Тўлиқ қийматга эга бўлмаган оқсилларга бўлиб олинган оқсиллари ҳамда ҳайвонларнинг бириктирувчи тўқима оқсиллари кирди.

Оқсиллар таркибига қараб, катта икки гуруҳга: оддий ва мураккаб оқсилларга бўлинади. Оддий оқсиллар, баъзан ҳақиқий оқсиллар ҳам аталади.

Оддий оқсиллар. Оддий оқсиллар фақат аминокислоталардан тўzilгандир. Оддий оқсилларга альбуминлар, глобулинлар, гемоглобинлар, глотелинлар, протаминлар ҳамда гистонлар киради.

Мураккаб оқсиллар сувда эрувчи оқсилларга киради. Сувли эритмалар шунинг учун сувда ва тўйинган тузли эритмаларда улар осонлик билан эришиб кетиб қолди. Бу гуруҳга кирувчи оқсиллар ҳайвон оқсиллари таркибига ва ўсимликлар донида ортиқча ҳолда бўлади.

Мураккаб оқсиллар тоза сувда эримайди, лекин тузларнинг кучсиз тузлари билан эриб кетиб қолди. Шунинг учун ҳам глобулинларни сувда эриштириш учун аммоний сульфатнинг 10 фоизли эритмасидан фойдаланилади. Глобулинлар дон, картошка, мева ва сабзавотлардан олиб олинади. Гўшт ва сут маҳсулотлари оксилнинг ҳам мураккаб оқсиллар ҳиссасига тўғри келади.

**Проламинлар.** 60-70 фоизли этил спиртида яхши эрийди. Бу оксиллар ўсимлик оксиллари бўлиб, фақат бошқоқли ўсимликлар донидан ажратиб олинади. Масалан, буғдой ва сули донидан глиадин, маккажўхори донидаги зеин оксили ва бошқалар проламинларга киради.

Глютелинлар кучсиз ишқорий эритмаларда эрийди. Бу оксиллар ҳам ўсимлик оксиллари ҳисобланади, улар донли ўсимликлар таркибида учрайди.

Протаминлар молекуляр оғирлиги унча катта бўлмаган ҳайвонлар организмда учрайдиган оксиллар гуруҳига киради. Айниқса улар балиқ маҳсулотларида кўп бўлади.

Гистонлар ишқорий характерга эга бўлган оксиллардир. Бу оксиллар кўпинча ҳужайра ядросида нуклеин кислоталар билан биргаликда келади. Гистонлар мураккаб оксилларнинг ҳам таркибига кириши мумкин.

**Мураккаб оксиллар.** Мураккаб оксиллар, яъни протеидлар таркибига оддий оксиллардан ташқари оксил бўлмаган моддалар (ҳам углеводлар, фосфотидлар, ранг берувчи моддалар ва ҳакозолар) киради. Мураккаб оксиллар оксил бўлмаган бирикмалар характерига қараб фосфопротеидлар, липопротеидлар, гликопротеидлар, хромопротеидлар ва нуклеопротеидларга бўлинади.

Фосфопротеидлар таркибида фосфор кислотаси борлиги билан характерланади. Бу оксил ёш организмнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Фосфопротеидларга сут оксили – казеин, тухум оксили – вителлин, балиқ икраси оксили – ихтулинлар киради.

Липопротеидлар липидларнинг бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб оксиллардир. Липопротеидлар ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ҳужайра мембраналари тузилишида алоҳида ўрин тутади.

Гликопротеидлар углевод хусусиятига эга бўлган бирикмалар билан оксиллардан ташкил топган мураккаб бирикмалардир. Бу оксиллар ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотлари таркибида учрайди.

Хромопротеидлар оддий оксил билан рангли бирикмалардан (пигментлардан) ташкил топган мураккаб моддалардир. Масалан, қон таркибида учрайдиган гемоглобин, мускуллардаги миоглобин шундай оксилларга киради. Бу оксиллар ўсимликлар ва ҳайвонот

...да фотосинтез, кислород ташилиши ва оксидланиш-  
...реакцияларида муҳим роль ўйнайди.

Нуклеотетидлар эса оксил ва нуклеин кислоталарининг  
...дан ҳосил бўлган мураккаб бирикмадир.  
...барча тирик организмлар ҳужайрасининг  
...ва ядро ҳамда цитоплазманинг ажралмас қисми  
....

Оқсиллар маълум бир хусусиятларга ҳам эгадирлар. Бу  
...дан асосийси, уларнинг сувда бўкиш хусусиятидир.  
...натижасида оқсиллар ўз ҳажмини бир неча бор оширади.  
...и, ион ва макарон маҳсулотлари учун хамир тайёрлаганда,  
...ишлаб чиқаришда оқсиллар бўқади.

...ишқорлар турли таъсирлар натижасида ўзининг  
...хусусиятини йўқотади. Бу ҳодиса оқсиллар денатурацияси  
....

...ишқ-овқат маҳсулотлари (дон, ёрма, музлатилган гўшт,  
...) узоқ муддат сақланганда ҳам оқсиллар секин-асталик билан  
...ишқорига учраши мумкин. Бу ҳодиса баъзан оқсилларнинг  
...ишқорига ҳам юритилади. Натижада маҳсулотлар қаттиқ  
...ишқорига эга бўлиб, тез пишмайди ва ёмон ҳазм бўлади, ёки  
...ишқорлар уругининг маълум вақт ўтгандан кейин униш  
...ишқорига ҳам оқсиллар денатурацияси сабаб

...ишқорларнинг яна бир хусусияти уларнинг гидролизланишидир.  
...ишқорлар ферментлар, ишқорлар ёки кислоталар таъсирида  
...ишқорларга аминокислоталаргача парчаланadi. Организмда  
...ишқорларнинг ҳазм бўлишида гидролиз муҳим роль ўйнайди.  
...ишқорларнинг парчаланиши озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаганда  
...ишқорларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Оқсиллар қанақа моддалар? Тушунтириб беринг.
2. Организм оқсилларни қайси маҳсулотлардан олади?
3. Организмга оқсил етишмаслиги қанақа оқибатларга олиб келади?
4. Оқсилларнинг туркумлинишини тушунтириб беринг.
5. Мураккаб оқсилларга қайси оқсиллар киради?
6. Оддий оқсилларга қайси оқсиллар киради? Тушунтириб беринг.
7. Оқсилларнинг қанақа хусусиятларини биласиз?
8. Оқсилларнинг эскириши деганда нимани тушунасан?
9. Оқсилларнинг гидролизланиш хусусиятларини. тушунтириб беринг.

### 1.4. Оксилларнинг овқатлик ва биологик қиймати

Оксиллар ҳаёт учун зарур моддалар жумласига киради, уларсиз ҳаётини яшати, ўсиши ва ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаёт фаолият жараёнда ҳужайралар таркибидаги оксиллар парчаланиб боради ва янгиланиб туради. Ана шу оксилларни қувватлаб туриш учун организмга ҳар куни овқат билан суяб қимматли оксил кириб туриши зарур бўлади. Оксил ядролар идриси билан цитоплазмаси таркибига киради. Оксиллар одам организмда муҳим ролни ўтайди.

Оксилларнинг асосий вазифаси пластик функция бўлиб, оксилларнинг барча ҳужайралари шу оксиллардан тузилган. Оксиллар қон, лимфа, мускул толалари, суяклар, талайгина оксиллар таркибига, шунингдек, ферментлар ҳамда саломатлик қилувчи микроблар ва уларнинг токсинларига қарши кураш қилишда организм томонидан ишланиб чиқадиган антителолар таркибига киради. Оксилнинг пластик роли ўсиб-унадиган организм учун айниқса муҳимдир. Ўсиш жараёнида ҳужайралар қўшилиб боради ва бунинг учун оксиллар асосий материал қилиб қолдирилади.

Оксиллар алмашинув жараёнларини бошқариб борадиган оксиллар бўлиб хизмат қилади. Қалқонсимон без, гипофиз, ботти беч гормонларининг таркибига киради.

Оксиллар организмда бошқа моддалар, жумладан витаминлар, қон тузлар нормал алмашиниб бориши учун зарур фонни қилдирилади. Маълумки, оксил етишмайдиган бўлса, витаминлар алмаштирилмай қолади.

Оксилларнинг энергетик роли организм учун камроқ бўлади, чунки сарфланган энергиянинг атиги 14–15%и улар билан қопланади. Энергетик сарфларга кетадиган оксилларни оксиллар ва ёғлар билан алмаштиради бўлади, ҳолбуки оксилларнинг пластик эҳтиёжлари учун керакли оксилларни бошқа моддалар билан алмаштириб бўлмайди.

Оксил етишмаслиги организмда жиддий камчиликлар келишига олиб келади: болаларда ўсиш ва ривожланиш қийинлашади, катталарда жигарда чуқур ўзгаришлар (ёғ тўпланиши) рўй беради, оксиллар етишмаслиги узок вақтга соғини қийинлаштиради, цирроз бошланади, ички секреция безлари

(қалқонсимон без, жинсий безлар, меъда ости беzi) фаолияти бузилади, қоннинг оксил таркиби ўзгаради, организмнинг инфекция қасалликларга қаршилиги сусайиб кетади, одамнинг ақлий фаолияти йўқола бошлайди, хотира пасайиб, иш қобилияти бузилади.

Шу билан бир қаторда, организмга ортиқча микдорда оксил кириб туриши талайгина орган ва системаларнинг функциясига ёмон таъсир кўрсатиши, жумладан, бунда фермент системаларига зўр келиши ва қонда чала алмашинув маҳсулотларининг тўпланиб қолиши, мочевина, эркин аминокислоталар микдорининг кўпайиб кетиши аниқланган ва ҳоказо.

Оксил моддалари ҳаётий зарур вазифаларни бажариб, ҳар қандай тирик организмларнинг ҳужайраларини ташкил этувчи компонентлардан энг зарурийси ҳисобланади. Оксил моддалар ҳужайраларда, католитик, бошқариш, транспорт, биоэнергетик, ҳар хил юкумли қасалликлардан ва стресс факторлар таъсиридан ҳимоячи, заҳира ва бошқа вазифаларни бажаради, ўсиб турган ўсимликларда оксил модда 5 дан 15% гача (куруқ модда ҳисобидан), бошоқли ўсимликлар донида 8% дан 18% гача, ёғли ўсимликлар уруғида 16% дан 28% гача, дуккакли ғалла ўсимликлари уруғида эса 20% дан 40% гачани ташкил қилади.

Инсон ва ҳайвон тўқималарида одатда оксил микдори 20% дан 80% гачани ташкил этади.

Айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, ҳужайраларнинг ва организм тўқималарининг ҳосил бўлиши учун, шунингдек, ҳаётий зарур бўлган функцияларни бир маромда ушлаб туриш учун доимий равишда оксил синтези амалга оширилиб туриши керак. Оксил молекуласини синтези учун барча тирик организмлар 18 та аминокислота ва 2 та аминокислоталарни амидини (аспарагин ва глютамин) ишлатилади. Аммо, синтез бўлганидан кейин оксил молекулалари ҳар хил ўзгаришларга (модификацияга) учраши мумкин, оқибатда оксил таркибидаги аминокислоталар тури 26 тага етган ҳоллари ҳам учрайди.

Ўсимликлар ва кўпчилик микроорганизмлар ўзлари учун зарур бўлган аминокислоталарни оддий моддалардан карбонат ангидрид, сув ва минерал тузлардан синтез қила олиш имкониятига эга бўлса, ҳайвонлар ва одамлар организмда баъзи-бир аминокислоталар синтез бўла олмайдилар, шунинг учун ҳам улар организмга



Бундай ҳолда киришлари шарт. Бундай алмашмайдиган аминокислоталар деб булар: валин, лейцин, изолейцин, лизин, метионин, триптофан ва фенилаланиндир, мана шу аминокислоталардан бирортаси овқат таркибида бўлмаса, инсонни ҳайвон озуқасига олиб келади, ҳайвон озуқасида етишмаган ҳолда эса, уларни, ҳосилдорлигини пасайтириб юборади.

Инсон ва ҳайвонларни алмашмайдиган аминокислоталар билан таъминлаш шартлигини эътиборга олиб, уларни илмий асосларга сўзлаб ўртача миқдори ҳисоблаб чиқилган. Шундай ҳолда, бир одамни бир суткалик алмашмайдиган аминокислоталарга бўлган муҳтожлиги куйидагича (г): валин-5,0; лейцин-7,0; изолейцин-4,0; лизин-5, 5; метионин - 3,5; треонин-триптофан-1,0; фенилаланин - 5,0.

Инсон алмашмайдиган аминокислоталарни асосан ҳайвон ёки ўсимлик оқсиллари орқали олади, ҳайвонларнинг кўпчилиги эса ўсимлик оқсилларидан олади. Овқат ёки озуқа билан таъминланган оқсил моддалар ошқозон шираси таркибидаги ферментлари таъсирида аминокислоталарга айлантирилади, ҳосил бўлган аминокислоталар эса инсон ёки ҳайвон озуқасига олиб келинади. Бунда алмашмайдиган аминокислоталарнинг роли бекиёсдир. Уларнинг етишмаслиги организмнинг ўсишига ва организмнинг ўсишига олиб келади.

Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, барча алмашмайдиган аминокислоталар озуқа оқсил таркибида организмнинг талабидан кўпроқ бўлиши ҳолда маълум нисбатда бўлиши керак. Агарда овқатдан бирортаси етишмасдан қолса, қолганлари ҳам оқсил таркибида ишлатилмайди, чунки оқсилнинг синтез механизми шунини қилади. Бундай шароитда, оқсил моддаларни синтезини таъминлаш овқат ёки озуқа харажатларининг ошишига олиб келади. Бундай ҳодисаларни олдини олиш учун, бир томондан овқат таркибидаги оқсил моддаларни, иккинчи томондан эса, оқсил таркибида алмашмайдиган аминокислоталар миқдорини назорат қилиш зарур бўлади. Оқсил таркибидаги аминокислоталарни таъминлаш учун уларни биологик озуқа бирлигини аниқлаш керак. Алмашмайдиган аминокислоталарни оптимал миқдорда

сақлайдиган озука ёки озик-овқат оксиллари биологик сифатли оксил деб юритилади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) қошида ташкил этилган озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича халқаро ташкилот (ФАО) жуда кўплаб оксилларнинг аминокислота таркибини ўрганиб чиқиш орқали бир қатор йўлланмалар ишлаб чиққан. Бу йўлланмаларда озик-овқат ва озука оксили таркибидаги оксилларда алмашмайдиган аминокислоталарни меъёрий (оптимал) миқдори кўрсатилган. Масалан, агар ФАО йўлланмаси асосидаги оксил таркибини 100% деб қабул қилинса, кўпчилик ҳайвонлар оксили 90-95%; дуккакли ўсимликларнинг вегетатив ўтларидан олинадиган оксиллар 80-90%; дуккакли ғалла ва ёғли уруғли ўсимликлар уруғидан, картошкани илдиз мевасидан, сабзавотлардан олинадиган оксиллар 75-85%; бошоқли ўсимликлар уруғидан олинадиган оксиллар 60-70%, маккажўхори уруғидан олинадиган оксил эса атиги 52-58% ташкил қилади. Ҳар бир инсон кунига овқат билан 60 гр дан 120 гр гача оксил истеъмол қилиши керак. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини яхши боқиш учун уларни озуқаларида 100-120 гр яхши ҳазм бўладиган оксил сақланиши зарур. Агар, ҳайвонлар озуқасини ташкил этган ўсимлик таркибида оксил миқдори кам бўлса, бундай озуқани сифати оксил концентратлари қўшиш орқали тузатилади (1-жадвал).

Худди шу йўл билан озука оксилидаги алмашмайдиган аминокислоталар миқдори ҳам назорат қилинади.

1-жадвал

**Ҳар хил оксиллар таркибидаги алмашмайдиган  
оксиллар миқдори  
(100 гр оксилда гр. ҳисобида)**

Амино-кислоталар	Сигир сути	ФАО эталони	Соя	Шоли	Бугдой	Макка-жўхори	Арпа	Нўхат
Лизин	6,6	4,2	6,6	3,5	2,6	2,5	3,2	6,5
Триптофан	1,4	1,4	1,3	1,3	1,3	0,6	1,2	0,8
Метионин	2,4	2,2	1,4	2,9	1,7	2,1	1,7	1,4
Треонин	4,6	2,8	3,8	3,5	2,6	3,2	3,9	3,8
Валин	6,9	4,2	5,4	6,5	4,6	4,4	5,4	4,5
Лейцин	9,9	4,8	7,9	8,0	6,9	11,2	7,2	6,5
Изолейцин	6,6	4,2	5,3	4,6	3,4	2,7	3,5	5,0
Фенилаланин	4,9	2,8	5,1	5,2	4,3	4,1	5,1	4,8

...дан кўриниб турибдики, бошқа ўсимликларга ... соя ўсимлиги оксили алмашмайдиган аминокислоталар ... буйича бир қатор устунликка эга экан. Бу оксилда ... метионин ва триптофан миқдори бироз пастроқ. Нўхат ... ҳам нисбатан яхши биологик баҳога эга, аммо, буғдой, ... ўхори, арпа оксиллари таркиби ФАО талабларидан анчагина ... Соя уруғидан олинадиган оксилни аминокислота таркиби ... (АО) талабларига энг яқин бўлганлиги ҳамда соя уруғида оксил ... 35-40% га тенг эканлиги учун бу ўсимлик озик-овқат ... озуқа оксили манбаи сифатида кенг ишлатилади. Дунёда ... энг кўп экадиган мамлакат Америка Қўшма Штатлари ...

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам бу ўсимликни ўстириш ... муҳокама қилиниб, Андижон вилоятида уни экиш ... юборилган. Аммо, бу ўсимликдан юқори ҳосил олиш учун ... ирротехникасини ва бошқа бир қатор муоммоларни ечишга ... келиди.

Дунёнинг кўпгина илмий лабораторияларида арпа уруғи ... ошириш, унинг таркибидаги аминокислоталарни балансга ... йўлида селекция – генетика ишлари амалга ... ирилмоқда. Арпанинг донидан олинадиган оксил таркибида ... аминокислотаси кўп бўлган нав билан чагиштириш асосида ... яратилган. Шунингдек буғдой дони бўйича ҳам шунга ... ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишлар мамлакатимиз ... ва сув хўжалигига қарашли бир қатор илмий ... раторияларда ҳам олиб борилмоқда.

Иротехнология молекуляр биология фанлари ютуқларидан фой- ... ниб, ген ва хужайра муҳандислиги усуллари асосида ўсимлик- ... ни қимматбаҳо генотипларини яратишга алоҳида эътибор бер- ...

Дайвонлар учун озуқа тайёрлашда асосан бошоқли ... ликлардан фойдаланилади. Шунингдек, бу мақсадда балиқ ... гўшт, суяк уни, гўшт ва сут саноати қолдиқларидан, ёғ-мой ... кунжараларидан ҳам кенг фойдаланилади. Балиқ ва суяк ... ҳамда ҳайвонларни бошқа чиқиндилари озуқа оксили учун ... тилиётгиликлари учун, охириги вақтда уларни ҳар томонлама, ... алмаштира оладиган янги манбалар топиш йўлида илмий ... ирротехника тобора кучайиб бормоқдаки, ҳар хил организмларни

таққослаб ўрганиш оқибатида, кўпгина микроорганизмлардан фойдаланиш ҳам мумкин эканлиги аниқланмоқда.

Махсус тажрибалар асосида микроб оқсиллини озуқавий ҳамда токсикологик хусусиятлари ўрганиб чиқилмоқда ва натижада баъзи – бир микроорганизмлар оқсиллари биологик хусусиятлари бўйича ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган оқсиллардан паст эмаслиги исботланган. (2-жадвал)

Микроорганизмларнинг яна бир устуворлик томони борки, у ҳам бўлса тез оқсил масса ҳосил қилиш хусусиятидир. Масалан, 500 кг оғирликдаги соя пишиб-етилиш фазасида бир суткада 40 кг гача оқсил тўплай олса, шундай оғирликдаги бўтқа атиги 0,5-1,5 кг, ачитқи замбуруғининг 500 кг. и эса 1,5 т оқсил тўплаш имкониятига эга. Озуқа оқсили манбаи сифатида кўпроқ ачитқи замбуруғлари ва бактериялар, микроскопик замбуруғлар, бир хужайрали сув ўтлари, ўтли ўсимликларнинг оқсил қисмлари ишлатилади.

2-жадвал

**Баъзи бир микроорганизмлар оқсилларида  
алмашинмайдиган аминокислоталар миқдори  
(100 гр. оқсил ҳисобида)**

Амино-кислоталар	Ачит-килар	Бакте-риялар	Сув ўтлари	Замбу-руглар	Соя кунжа-раси	ФАО эталони
Лизин	6-8	6-7	5-10	3-7	6,4	4,2
Триптофан	1-1,5	1-1,4	0,3-2,1	1,4-2	1,4	1,4
Метионин	1-3	2-3	1,4-2,5	2-3	1,3	2,9
Треонин	4-6	4-5	3-6	3-6	4,0	2,8
Валин	5-7	4-6	5-7	5-7	5,3	4,2
Лейцин	6-9	5-11	6-10	6-9	7,7	4,8
Изолейцин	4-6	5-7	3,5-7	3-6	5,3	4,2
Фенилаланин	3-5	3-4	3-5	3-6	5,0	2,8

Микроорганизмлар озуқа оқсили манбаи сифатида ўсимлик ҳатто ҳайвон организмларига нисбатан бир қатор устунликка эга эканлиги аниқланган. Энг аввало, микроорганизмларда оқсил миқдори жуда ҳам баланд (60% гача қуруқ масса ҳисобида). Оқсил билан бирга микроорганизмлар бир қатор бошқа энг муҳим моддалар, яъни осон сўрилувчи карбон сувлар, тўйинмаган ёғ кислоталарини кўпроқ сақловчи ёғ моддалари, витаминлар, микро

микроэлементлар синтез қилиш хусусиятига эгадир. Микроорганизмлар асосида унча катта бўлмаган майдонда sanoat ишлаб чиқариш базасини ташкил этиб, катта ҳажмда озуқа концентратлари олиш мумкин бўлади ва бундай технология кишлок ҳудудини ёки sanoat чиқиндилари асосида ташкил қилиниб ишлаб чиқарилади.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Оксилнинг организмдаги аҳамияти нималар?
2. Оксилларнинг энергетик роли нимадан иборат?
3. Организмга оксилнинг кўпайиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?
4. Энергетик сарфларга кетадиган оксилларни углеводлар ёки углевлар билан алмаштирса бўладими?
5. Нима учун алмашмайдиган аминокислоталар дейилади?
6. Ҳайвонлар учун озуқа тайёрлашда микроорганизмлардан фойдаланса бўладими?
7. Қайси маҳсулотларда алмашмайдиган аминокислоталар миқдори кўп бўлади?
8. ФАО эталони деганда нимани тушунаси?
9. Организмда оксилнинг ортиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?
10. Оксилларнинг овқатлик ва биологик қиймати деганда нимани тушунаси?

### 1.3.1. Оқсилларнинг озукавий қиймати

Оқсил – инсон овқатининг муҳимроқ компонентиدير. Озуқавий оқсилнинг асосий манбалари: гўшт, суг, балиқ, донни қайта ишлаш маҳсулотлари, нон, сабзавотлар.

Инсоннинг оқсилга бўлган талаби унинг ёшига, жинсига, меҳнат фаолиятининг характерига боғлиқ. Катта ёшдаги соғлом киши организмда келиб тушадиган оқсил миқдори билан парчаланишда ҳосил бўладиган маҳсулотлар миқдори ўртасида баланс (мувозанат) бўлиши керак. Оқсиллар алмашилишини баҳолаш учун азотли баланс тушунчаси киритилган. Ўрта ёшли соғлом кишида азотли мувозанат мавжуд, яъни, овқат оқсиллари билан олинган азот миқдори ажралиб чиқадиган азот миқдорига тенг. Ёш ўсувчи организмда оқсил массаси тўпланиб боради, организм учун керакли бир қатор бирикмалар ҳосил бўлади. Шунинг учун азотли баланс мусбат бўлади ва овқат билан организмга кирадиган азот миқдори организмдан чиқариладиган азот миқдоридан кўп бўлади. Ёши улуг кишиларда, ҳамда айрим касалликларда овқатланиш рақонида оқсилларнинг, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг, витаминларнинг, минерал моддаларнинг етишмаслиги манфий азотли баланс бўлишига, яъни, организмдан чиқадиган азот миқдорининг унга кирадиган миқдоридан ошиб кетишига олиб келади. Манфий азот балансининг узоқ давом этиши организмни ҳалокатга олиб келади. Оқсилли алмашилишга оқсилнинг биологик қиймати ва унинг овқат билан тушадиган миқдори таъсир қилади.

Оқсилларнинг биологик қиймати аминокислотали таркибнинг балансланганлиги ва оқсилларнинг овқатни ҳазм қилиш тракти ферментлари томонидан ҳужум қилиниши билан аниқланади.

Инсон организмда оқсиллар аминокислоталаргача парчаланади, уларнинг бир қисми (алмашинадиган), янги аминокислоталар, яратиш учун қурилиш материали бўлиб ҳисобланадилар, бирок 8 та алмашмайдиган аминокислоталар бўлиб, улар ёши катта кишилар организмда ишлаб чиқарилмайди, улар овқат билан организмга тушадилар. Инсон организмни етарли миқдорда аминокислоталар билан таъминлаш – оқсилнинг овқатланишдаги асосий функциясидир. Овқат оқсилида нафақат алмашмайдиган аминокислоталарнинг таркиби балансланган бўлиши керак, балки, яна алмашмайдиган ва алмашинадиган аминокислоталарнинг

бу кўралинибати бўлиши лозим, акс ҳолда алмашмайдиган аминокислоталарнинг бир қисми мақсадсиз сарфланади.

Аминокислотали таркиб бўйича оксилнинг биологик қиймати уни «идеал» оксилнинг аминокислотали таркиби билан солиштириш вақтида баҳоланиши мумкин.

Ушунга катта кишилар учун "идеал оксил" сифатида ФАО/ЖССТ комиссиясининг аминокислота шкаласи қўлланилади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Аминокислота скорини ҳисоблаш учун аминокислота шкаласи

Аминокислота	Таклиф қилинадиган даража 1 гр оксил учун мг	Аминокислота	Таклиф қилинадиган даража, 1 гр оксил учун мг
Изолейцин	40	Фенилаланин+	60
Лейцин	70	тирозин	
Лизин	55	Треонин	40
Метионин	35	Триптофан	10
Цистеин		Валин	50
Жами			360

Биологик қийматини аниқлаш учун аминокислота скорини ҳисоблаш куйидагича амалга оширилади.

Идеал оксилдаги ҳар бир алмашинмайдиган аминокислотанинг аминокислота скори 100% деб қабул қилинади, табиий оксилда эса бу келиш фоизи аниқланади:

$$AK = \frac{1g \text{ текширилаётган оксилдаги амин-та микдори, (мг)}}{Шу аминокислотанинг амин-та шкаласи бўйича 1g оксилдаги микдори (мг)} * 100\%$$

Бу ерда: АК –аминокислота.

Натижада текшириладиган оксилдаги энг кичик скорли лимитланадиган кислота аниқланади.

Мисалан, озиқ-овқатдаги 1 гр текшириладиган оксилда куйидаги микдорда (мг) аминокислота мавжуд: изолейцин –45, лейцин –75, лизин 40, метионин ва цистеин –25, фенилаланин ва тирозин (қушилганда) -70, треонин 38, триптофан –11, валин –50. Стандарт шкали билан солиштирилганда аниқландики, скорлар (% да) тегишли равишда куйидагиларга тенг: 113,107,73,71,95,113,100.

Шундай экан, ушбу маҳсулотдаги оқсилда куйидагилар лимитланадиган аминокислоталар ҳисобланадилар: лизин (скор 73%), метианин ва цистеин қўшилганда (скор 71%) ва треонин (скор 95%).

Ҳайвон оқсиллари алмашмайдиган оқсилларга жуда яқин. Кўпгина ўсимлик оқсиллари алмашмайдиган аминокислоталарни (бир ёки бир нечтадан) етарлича миқдорда сақламайдилар.

Масалан, бошоқли ўсимликларнинг оқсиллари, ўз навбатида, улардан олинадиган маҳсулотлар лизин, метионин, треонин бўйича тўйинмаганлар. Картошка ва бир қатор дуккакликларнинг оқсилларида метионин ва цистин етишмайди (оптималь миқдорнинг 60-70% и).

Айни пайтда шуни эслаш керакки, айрим аминокислоталар маҳсулотларга иссиқлик таъсирида ишлов беришда, узоқ вақт сақлаганда организм томонидан ўзгартирилмайдиган бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин, яъни, яқинлашмайдиган бўлади. Бу оқсилнинг қийматини пасайтиради.

Оқсилларнинг биологик қийматини лимитланадиган аминокислотани қўшиб ёки аминокислота миқдори юқори бўлган компонент солиб ошириш мумкин. Масалан, 0,3-0,4% лизин қўшиб буғдой оқсилнинг биологик қийматини тахминан икки мартага, 0,4% лизин ва 0,7% триптофан қўшиб эса маккажўхори оқсилнинг биологик қийматини икки мартага ошириш мумкин.

Оқсилларни гидролизлаб, кимёвий ёки биологик синтез йўли билан аминокислоталар олинади. Айрим микроорганизмлар махсус муҳитларда ўстирилганда ўз фаолияти жараёнида маълум аминокислоталарни ишлаб чиқарадилар. Бу усул лизин, глутамин кислота ва бошқа аминокислоталарни саноатда олишда фойдаланилади.

Ҳайвон ва ўсимлик оқсиллари инсон организми томонидан бир хилда ҳазм қилинмайди. Агар, сут, сут маҳсулотлари, тухум оқсиллари 96% га, гўшт ва балиқ оқсиллари 93-95% га ҳазм қилинса, нон оқсиллари –62-86% га, сабзавотларники –80% га, картошка ва айрим дуккакликларники –70% га ҳазм бўлади. Бироқ, бу маҳсулотларнинг аралашмаси биологик жиҳатдан янада тўйинган бўлади. Оқсилларнинг организм томонидан ҳазм қилиш даражасига озик-овқат маҳсулотларини олиш технологияси ва ошпазлик ишлови бериш таъсир қилади.



Озқавий хом-ашё ва маҳсулотларга турли хилда ишлов беришининг (майдалаш, ҳарорат таъсири, ачитиш ва ҳоказолар) таърири сақланадиган оксилларнинг ҳазм бўлишига таъсирини таъхир қилиб, шуни айтиш лозимки, кўпгина озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш технологиясига риш қилинса, аминокислоталарнинг деструкцияси (структура бўлиши) содир бўлмайди. Озик-овқат маҳсулотлари, айниқса, ўсимликдан тайёрланганлари, секинлик билан қиздирилганда, оксилларнинг ҳазм бўлиши анча ошади, чунки, оксилларнинг қисман денатурацияланиши протеазаларнинг пептид боғларига таъсирини осонлаштиради. Исиклик таъсири тезлаштирилганда (тез қиздирилганда) ҳазм бўлиш пасаяди. Маҳсулотларда редукцияловчи қандларнинг ва ёғларнинг оксидланишидан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг бўлиши, уларнинг маҳсулотдаги оксил компонентлари билан ўзаро таъсири ҳам худди шундай таъсир қилади.

#### 4-жадвал

#### Инсон организмнинг аминокислоталарга бўлган суткалик эҳтиёжи

Аминокислота	Эҳтиёж, гр	Аминокислота	Эҳтиёж, гр
Глицин	3	Серин	3
Алаин	3	Треонин	3
Валин	4	Цистин	3
Лейцин	5	Метионин	3
Изолейцин	4	Тирозин	4
Фенилаланин	3	Пролин	5
Аспаргин	6	Триптофан	1
Глутимин		Гистидин	2
Лизин	4	Аргинин	6

Инсон танасининг ҳар 1 кг массаси учун турли хил оксилларнинг суткалик талаби катта ёшдагилар учун 1-1,5 гр, (болалар учун 4-1,5 г), яъни, тахминан 85-100 гр бўлади. Ҳайвон оксилларининг улуши унинг рациондаги умумий миқдорининг тахминан 55 фоизини ташкил этади, инсоннинг аминокислоталарга бўлган ўртача суткалик талаби жадвалда келтирилган. У ёшда, таъриқшида, касалликда ва бошқа ҳолларда ўзгариши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини ошириш учун оқсил компонентларининг улушини ошириш, унинг аминокислота таркибини баланслаштириш керак. Бу муаммони ҳал қилиш йўлларида бири – озиқ-овқат ишлаб чиқаришдаги оқсил сақловчи чиқиндилардан, масалан, ёғи ажратиб олинган кунжара, гўшт ва сут саноати чиқиндилари, оқсил маҳсулотларини олиш ва уларни мавжуд маҳсулотларнинг озуқавий қийматини оширишда ёки янги озиқ-овқат маҳсулотларини яратишда қўлланилади.


Ёғли уруғлардан оқсил маҳсулотларини яратиш нафақат озиқ-овқат саноатининг оқсилли хом-ашё базасини кенгайтириш учун, балки, уч босқичли занжирга (ўсимлик – ҳайвон организми – инсон организми) икки босқичли занжирга (ўсимлик – инсон организми) алмаштириб оқсилнинг йўқолишини анча камайтиришга имкон яратади.

#### **Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари**

1. Аминокислота шкаласи деганда нимани тушунасан?
2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?
3. Биологик қиймат нима?
4. Кўпик ҳосил қилиш жараёнини тушунтириб беринг?
5. Гидратация жараёнини тушунтириб беринг?
6. Аминокислоталар скорини ҳисоблашда нималарга эътибор берилади?

#### 1.4. Оксилларнинг тузилиши ва аминокислота таркиби

Бўйиб қилиб ўтилганидек, оксиллар – аминокислоталар каттигидан тузилган табиий полимерлардир. Аминокислоталар – бу гетерофункционал бирикмалардир. Аминокислота молекуласида бир неча функционал (уларнинг хоссаларини аниқловчи) гуруҳлар мавжуд: аминогуруҳ  $-NH_2$ , карбоксил гуруҳи  $-COOH$  ва ҳар хил турлишига эга бўлган радикаллар (қолдиқлар)  $-R$ :




аминокислота

Функционал гуруҳлар сони турлича бўлиши мумкин: моноамино моно карбонли, диаминомонокарбонли, моноаминодикарбонли аминокислоталар ва бошқалар. Ён занжирларининг тузилишига қараб (кўтбlilik, зарядланганлиги) аминокислоталар кўтбсиз (гидрофоб), кўтбли (гидрофил), лекин зарядланмаган ва мусбат ёки манфий зарядга эга бўлган кўтбли гуруҳларга бўлинади.

Оксилларнинг тузилишида  $\alpha$ -аминокислоталар катнашади, бу аминокислоталар молекуласида амин гуруҳ карбоксил гуруҳи билан қўшни бўлган углерод атомида жойлашган.

Оксиллар оптик фаолликка, яъни ёруғликнинг кўтбланиш таъсирини айлантириш хоссасига эга.

Бу хосса уларнинг таркибига кирувчи аминокислоталарнинг оптик фаоллиги билан боғлангандир. Ушбу аминокислоталарнинг молекуласи симметрик эмас (улар асимметрик деб номланган), чунки улар тўртта ҳар хил ўринбосарлар билан боғланган углерод атомларига эга. Углероднинг асимметрик атоми юлдузча билан белгиланади:




Оптик фаол моддалар оптик антипод-изомерлар жуфтлашган кўринишида учрайди, уларнинг фақат бир хоссаси – кутбланган нур текислигини қарама-қарши томонга айлантириш қобилиятидан ташқари барча физикавий ва кимёвий хоссалари бир хилдир. Кутбланиш текислигининг йўналиши "+" (ўнгга айланиш), ва "-" (чапга айланиш) белгилар билан белгиланади. Оптик фаоллик поляриметр деб номланувчи асбоб билан ўлчанади. Ўлчанган айланиш бурчаги нисбий айланишга  $[\alpha]$  нисбатан қайта ҳисобланади. Нисбий айланиш  $[\alpha]$  – кутбланиш текислигининг суюқлик ёки қатлам узунлиги 1 дм (10 см) бўлганда 1 миллилитрида 1 гр оптик фаол моддасакловчи эритма билан айланиш бурчагидир. D- ва L- аминокислоталар мавжуд.  $\text{NH}_2$  – аминогруҳни аминокислотанинг проекцион формуласида чапга жойлашуви L-шаклга, ўнгга жойлашуви D-шаклга мосдир.


Аминокислоталар табиий (тирик организмда учрайдилар) ва синтетикларга бўлинадилар. Табиий аминокислоталар орасида (150 га яқин) протеиногенли (20 та аминокислота) аминокислоталарни ажратишади. Барча протеиногенли аминокислоталар L-шаклига эга. Шулардан саккизтаси алмаштириб бўлмайдиган ҳисобланади, улар фақат ўсимликлар томонидан синтез қилинади ва инсон организмда синтез қилинмайди, шунинг учун, улар инсон организмга овқат билан тушади. Уларга валин, лейцин, изолейцин, треонин метионин, лизин, фенилаланин, триптофан кирадилар. Айрим ҳолларда улар қаторига бола организмда синтез қилинмайдиган гистидин ва аргинин ҳам қўшилади.

Агар, овқатда бу аминокислоталарнинг миқдори етарли бўлмаса, инсон организмнинг нормал ривожланиши ва ишлаши бузилади. Айрим касалликларда инсон организми аминокислоталарни синтез қилишга қодир эмасдир. Масалан, фенилкетонурияда тирозин аминокислотаси синтез қилинмайди.

Аминокислота молекуласида асосий хоссаларга эга бўлган аминогруҳ карбоксил гуруҳ билан ўзаро таъсир қилиб, дипол (қўшқутбли) ионларни ҳосил қилади:




Аминокислота молекуласининг ионланиши эритма рН га боғлиқ:



Демак, ўз молекуласида бир вақтда кислотали ва асосли гуруҳларга эга бўлган аминокислоталар сувли эритмаларда ўзинини амфотер бирикмаларига хос тутадилар. Шунинг учун аминокислоталар тирик организмда ва озуқавий системада водород ионларининг маълум концентрациясини сақловчи буфер моддалар ролини ўйнайдилар. Оксилларнинг фазовий тузилишида аминокислоталар молекуласидаги радикаллар (қолдиклар) R характери катта аҳамиятга эга. Аминокислоталарнинг кутбсиз радикаллари одатда оксил макромолекуласининг ичида жойлашадилар ва гидрофобли ўзаро таъсирга сабабчи бўлади (яъни қаранг), ионогенли (ион ҳосил қилувчи) гуруҳларни оқловчи кутбли радикаллар одатда оксил макромолекуласининг ичидида жойлашадилар ва электростатик (ионли) ўзаро таъсирни ташкиллайдилар.

Кутбли ионоген бўлмаган радикаллар (масалан, спиртли-ОН гуруҳи, амид гуруҳларини сақловчилар) оксил молекуласининг ҳам ичидида, ҳам ичида жойлашиши мумкин. Улар водород боғларини қўриқ бўлишида қатнашадилар.

Оксил молекуласида α-аминокислоталар ўзаро пептид (-CO-NH) боғлари билан боғланган:



Шундай қилиб қурилган полипептид занжирлар ёки полипептид занжирлар ичидаги алоҳида участкалар айрим ҳолларда дисулфид (-S-S-) боғлар билан ёки кўпинча уларни дисулфид кўприкчалар, деб аташувчи боғлар билан ўзаро қўшимча боғланган.

Оксил структурасини яратишда ионли (тузли) ва водородли боғлар, ҳамда гидрофобли ўзаро таъсир-сувли муҳитда оксил молекуласининг гидрофоб компонентлари ўртасидаги контактиларнинг алоҳида ўзига хос тури катта ўрин тутди. Бу

боғларнинг барчаси турли мустаҳкамликка эга ва мураккаб, катта молекуланинг ҳосил бўлишини таъминлайди.

Пиширилганда (қовурганда ва қайнатганда) саркаплазмадаги эриган мускул оксиллари денатурацияланиб ивийди, гел ҳолида бўлган миофибрилл оксилли эса зичлашиб, улардаги суюқлик эриган моддалар билан бирга сиқиб чиқаради. Гўштдаги эрувчи мускул оксиллари 30-35°C да денатурациялана бошлайди. Гўшт 60-65°C гача қизигунга қадар ҳамма эрувчи оксилларнинг 90 фоизи яқин қисми денатурацияланиб эрувчанлигини йўқотади. Лекин гўшт 95-100°C гача қиздирилгани билан оксилларни барчаси бўлса ҳам денатурацияланмайди ва уларнинг бир қисми эрувчанлигини сақлаб қолади. Ҳайвон ва парранда гўштини пиширишда, ҳар қандай маҳсулот қайнамай туриб сувда эрувчи оксилларнинг (миоген) бир қисми сувга ўтиб, жуда суюқ эритма ҳосил қилади ва қиздириш давом эттираверилса, ивиб, кўпик парчалари ҳолида шўрва сиртига ажралиб чиқади.

Ҳайвон ёки парранда гўшти пишаётган сувга маҳсулот қизимасдан аввал туз ташланса, глобулин (тузда эрийдиган) қисмига эритмага кўп оксил ўтади ва кўпик миқдори кўпаяди. Шунинг учун шўрвага гўштга, иссиқ ўтгандан кейин туз солиш керак.

Балиқ хом-ашёси пиширилганда оғирлигининг камайиши билан оксилларнинг денатурацияланиши, уларнинг коллоид ҳолатининг ўзгаришига когулланишига (ивишига) олиб келади. Эритмага ўтаётган оксиллар пиширилганда когулланиб кўпик ҳосил қилади. Кўпчилик лиофиль, коллоидларнинг когулланиши энг аввало нам сақлай олмаслик билан характерланади.

Гўшт ва балиқ пиширилганда миофибрилл оксил гели зичлашади ва бунда маҳсулотнинг оғирлиги ва ҳажми камийди.

тоналарнинг йўғонлашиши ҳам бунга сабаб

буларнинг сабаби ва баъзи гўштидан ажраладиган сувнинг миқдори гўштнинг катти-кичиклигига, қиздиришга ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ. Маҳсулот ёғининг эриб кетиши ва сувнинг камийишига сабаб бўлади. Гўшт ва балиқдан ташқи сув билан бирга эрувчи моддалар ҳам чиқиб кетади. Моддаларга энг аввал эрувчи оксиллар (коагулланувчи ва осмончи), минерал тузлар, экстрактив моддалар (азотли ва минерал). Эрувчи оксиллар қиздиришнинг бошланғич стадияларида ажралади.

Оксиллари коагулланишида ажралиб чиқадиган сувнинг ҳарорати  $40-75^{\circ}\text{C}$  да анча тезлашиб, юқори ҳароратгача -  $100^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Ҳалик гўштира эса бу жараён  $75^{\circ}\text{C}$  да тугайди.

Балиқнинг экстрактив моддалари қуруқ шўрвага таъмин ва шира ажрашига ёрдам беради, шунинг учун амалда моддаларнинг эритмага кўп миқдорда ўтадиган пишириш стадияларида танлашнинг аҳамияти муҳим. Икки хил асосий пишириш стадияларида ишлаб чиқилган: биринчиси қуруқ шўрва эритмачиси пиширилган қуюқ таом тайёрлаш усули. Гўшт эритмачисида қуруқ моддалар гўшт оғирлигига нисбатан (ёғни эритмачисида) ўрта ҳисобда 1,5-3% йўқолади. Эритмага моддаларнинг миқдори гўшт бўлагининг катталиги, шунинг тури ва тананинг қандай қисмидан кесилганлигига

боғлиқ. Қуруқ шўрва қайнатилганда, қайнатилгандагига нисбатан озиқ-овқат кам нобуд бўлади, чунки сувнинг бир қисми гўштнинг сувга буглиниди, лекин сувда эриган моддалар қолади, эрувчи моддаларнинг бир қисми гўшт селига ўтади. Бу ерда худди шундай усул қўлданатиш мумкин: қаттиқ қиздирилган товага солинган қуруқ моддасини анча кам йўқотади, сели кам чиқади ва таом бўлади.

Сутда казеин ёки казеиноген, лактоальбумин, глобулин ва бошқа бир қанча оксиллар бор. Сутда ҳаммадан казеин бўлади. Казеин фосфорли оксиллар группасига мансуб оксиллар у кальций тузи кўринишида бўлади. Сутдаги барча оксиллар (коллоид эритма) ҳолатида бўлади. Сутдаги оксил юзидаги пардасидан ивий бошлайди, чунки

пардада оксил қисман денатурацияланган бўлади. Сут пардаси ивиган альбумин, казеин, ёғ ва фосфорли тузлардан иборат. Сутдаги кислота миқдори ошса, казеин кальцийни парчалаб гел ҳосил қилади, шунинг учун бундай сут қайнатилганда ивиб қолади.

**Тухум оксили:** Тухум саригида оқига нисбатан оксил анча кўп бўлади. Овоальбумин, овоглобулин, кональбумин тухумнинг асосий оксиллари ҳисобланади. Тухум саригидаги (вителлин ва бошқалар) фосфоропротеиннинг пазандалик қиммати юқори. Фосфоропротеинда фосфотид группаси бор, шунинг учун яхши эмульгатор ҳисобланади.

Бу эса ундан майонез сардаги олишда фойдаланиш имконини беради.

Тухум оксили аталаб кўпчилганда қисман денатурацияланиб, тухумнинг ҳазм бўлишини енгиллаштиради. Буни ҳазм қилиш ферментларнинг зарбига чидамлилигининг пасайиши, ҳамда оксиллар денатурацияланганда антиферментларнинг парчаланиши билан тушунтириш мумкин. Тухум оксили киздирилганда ҳам аввал денатурацияланиб кейин ивийди. Тухумда антифермент ва ҳазм бўлишни тормозловчи оксиллар бор. Антиферментлар киздирилганда парчаланadi ва тухум яхшироқ ҳазм бўлади.

**Сабзавот оксили:** Сабзавотларда оксил нисбатан оз. Оксиллар протоплазма ва хужайра ядроларида, шу билан бирга хужайра шарбатида ҳам бир оз миқдорда бўлади. Хужайра қобиғининг ички томонида протоплазма қатлам ҳосил қилади. Бу қатлам пишмаган сабзавотларни сувда сақланганда хужайра шарбатида эриган моддаларни атрофдаги муҳитга чиқармайди. Қайнатиш жараёнида протоплазма оксили ивиб, қобиқнинг ўтказувчанлиги катталашади. Шунинг учун сабзавотлар қайнатилганда кўп озик моддалари сувга ўтади.

**Дуккакли дон маҳсулотлари оксили.** Қора буғдой ёрмасидан ташқари барча ёрмаларда альбумин кам бўлиб, асосан уларда глобулин бўлади. Дон-дуккакли маҳсулотлар пиширилганда оксили денатурацияланиб эрувчанлиги кескин камаяди.

## Тикрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Оксид нима ва нималардан ташкил топган?
2. Оксидларнинг инсон организмидаги аҳамиятини гапириб беринг?
3. Оксидлар алмашинув жараёнини бошқариб борадиган регуляторлар тўғрисида маълумот беринг?
4. Усимлик ва ҳайвон оксидлари тўғрисида маълумот беринг?
5. Инсон овқатидаги оксид нормаларини асослаб беринг?
6. Оксидларнинг биологик қиймати деганда нималарни тушунасан?

#### IV БОБ. ОҚСИЛЛИ ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Оқсиллар аминокислоталардан ташкил топган. Овқат билан бирга тушган оқсиллар меъда-ичак йўли ферментларнинг таъсирида аминокислоталарга парчаланadi, булар қон билан бирга хужайраларга ўтиб, одам организми учун хос бўлган оқсилларнинг синтезига сарфланади.

Инсон рационадаги оқсил нормаларини асослаб беришга дастлаб XIX аснинг иккинчи ярмида уриниб кўрилган. Немис физиологи Фойт аҳолининг кенг табақаларини сўраб суриштириб чиқиш йўли билан бир кеча кундузда битта одам истеъмол қиладиган ўртача маҳсулотлар миқдорини ҳисоблаб чиққан. Ана шундай текшириш натижаларига асосланиб туриб, у оқсилларнинг 118 гр га тенг бўлган суткалик нормасини биринчи марта таклиф этди. Организмга сарф бўлиб турадиган миқдордан кўра, кўпроқ оқсил киритиш азот балансининг мусбат бўлиб қолишига олиб келади. Бордию, организмга бир кеча-кундузда сарфланадиган миқдордан кўра камроқ оқсиллар киритиб туриладиган бўлса, у ҳолда азот баланси манфий бўлиб қолади. Кириб турадиган оқсил билан сарфланиб турадиган оқсил бир бирига тенг бўлса, буни азот мувозанати ёки нолинчи азот баланси деб айтилади. Одам учун мусбат азот баланси ёки лоақал азот мувозанати фойдали бўлиб ҳисобланади.

Одамнинг ўзига хос, яъни специфик оқсилларнинг синтезланиши овқат билан бирга тушган оқсилларнинг миқдоридан ташқари, уларнинг таркибидаги аминокислоталар нисбатининг ҳам аҳамияти бор организм, хужайраларнинг ирсий-генетик аппарати томонидан кодланган аминокислоталар таркибини тўқималарда доим маълум бир даражада сақлаб туришга ҳаракат қилинади, бироқ, организм баъзи бир ҳолатларга тушиб қолганида (ҳомиладорликда, кексаликда, хавфли ўсмалар пайдо бўлганида) тўқималардаги аминокислоталар нисбати ўзгаради. Демак, одам организми аминокислоталар таркиби тайинли бўлган маълум бир хилдаги оқсилларнинг доим кириб туришига муҳтож бўлади. Лекин, аминокислоталарнинг таркиби жиҳатидан олганда одам тўқималарининг оқсиллари билан бир хил бўладиган оқсиллар табиий озиқ-овқат маҳсулотларида бўлмайди. Шу сабабдан одамнинг аминокислоталарга бўлган эҳтиёжини генетик йўл билан

мушаккамланган, ирсиятига мос келадиган қилиб жуда бекаму кўст қилиниши учун хилма-хил оксиллардан шундай фойдаланиш керакки, токи улар организмда парчаланганида одам оксилларининг қилиниши учун зарур, аминокислоталарнинг тайинли бир комплекси ҳосил бўлсин.

Организм учун зарур аминокислоталарнинг кўпчилиги организмда синтезланади, лекин 8 таси синтезланмайди ёки етарлича синтезлана олмайди. Шуларни алмаштириб бўлмайдиган ёки ҳаёт учун муҳим аминокислоталар деб, айтилади. Уларга троптофан, лизин, метионин, фенилаланин, лейцин, изолейцин, валин, треонин киради. Сўнгги йилларда гистидий деган аминокислотани ҳам алмаштириб бўлмайди, деган маълумотлар олинган. Шундай қилиб, алмаштириб бўлмайдиган ҳамма аминокислоталарининг сони 9 та. Ҳайвонлардан олинadиган оксиллар (гўшт, балиқ, тухум, сут, сут маҳсулотлари) таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар комплекси ҳаммадан кўра тўла бўлади. Ҳаёт учун зарур аминокислоталардан бир нечтаси ёки ҳатто биттаси етишмай қолганида оксилнинг синтезланиш тарихини издан чиқади, бошқа аминокислоталар ҳам ўзлаштирилмай қолади ва оксил етишмовчилигига характерли бўлган ўзгаришлар руи беради.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг аминокислота таркибини яқинлаш учун ҳозирги вақтда уларни бойитишнинг ҳар хил усуллари таклиф қилинмоқда. Масалан, сўйилган моллар қони билан ёғи олинган сут (обрат) иборат аралашмадан оксилли бойитиш (Белковой обогатитель – БО) тайёрлаганининг техник шарт-шароитлари ишлаб чиқилган бўлиб, нисбатларда олинган шу аралашма 95°C гача қиздирилади, олинган оксил массаси бирга қўшиб, тушган оксиллар аралашмасини қалбаса маҳсулотларига ишлатиш, паштетлар, сомса қиймаларига қандолат маҳсулотларига қўшиш тавсия этилади ва ҳоказо.

Ёғи олинган сут оксили – казеин қўшиш ҳисобига ёрмалар, макарон маҳсулотларини бойитиш усули ҳам синаб кўрилмоқда.

Овқатга ярайдиган чиқиндилардан чигит ва кунгабоқар кунжираси, углеводород ачиткилари ва бошқа манбалардан оксилли бойиткичлар олиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилмоқда. Мана шу маҳсулотлардан олинган оксиллар (изолятлар) ва уларнинг сувдаги еритмалари (гидролизатлар) нинг организм томонидан нечоғли

Ўзлаштирилиши ва биологик жиҳатдан қанчалик тўла қийматлилиги ҳозир илмий йўл билан текшириб кўрилмоқда. Уларнинг биологик таъсир кўрсатадиган мезонлари кўнгилдагидек бўлиб чиқса, ўсимликлардан олинадиган табиий ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг оксил ва аминокислоталар таркибини яхшилаш учун булардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотларига синтетик аминокислоталарни, масалан, лизинни қўшиш мумкин.

### **Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари**

1. Оксил нима ва нималардан ташкил топган?
2. Оксилларнинг инсон организмидаги аҳамиятини гапириб беринг?
3. Оксиллар алмашинув жараёнини бошқариб борадиган регуляторлар тўғрисида маълумот беринг?
4. Ўсимлик ва ҳайвон оксиллари тўғрисида маълумот беринг?
5. Инсон овқатидаги оксил нормаларини асослаб беринг?



#### 4.1. Оксилларни зарурий аминокислоталар билан бойитиш

Дунёда ҳар йили 700000 тоннадан кўпроқ аминокислоталар ишлаб чиқарилади. Бу соҳада Япония бошқа мамлакатлардан кўра кўпроқ, яъни йилига 2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган баҳода тоза ҳолатдаги аминокислоталар, ҳамда уларни аралашмасини ишлаб чиқаради. Аминокислоталар озиқ-овқат маҳсулотларини тайинини тузатиш ва уларни озуқа бирлигини ошириш мақсадида кенг қўлланилади. Аминокислоталарни биосинтези учун озиқ-овқат маҳсулотларини ҳар хил таксономик гуруҳга мансуб бўлган микроорганизмлардан фойдаланилади. Масалан, лизин ва глютамин кислотасини синтези учун *Corynebacterium glutamicum* ва *Brevibacterium flavum* бактериалари ишлатилади.

Аминокислоталар синтез қилувчи микроорганизмларнинг кўпчилиги классик микробиология усулларида фойдаланиб, тайиниб олинганлар, яъни улар мутантлар ҳисобланадилар. Паст молекуляр оғирликга эга бўлган бирикмаларни суперпродукентларини яратиш стратегияси унчалик яхши йўлга қўйилмаган бўлсада, баъзи аминокислоталарни продуцентлари ген-муҳандислик усуллари ёрдамида яратилган ва улардан ишлаб чиқариш миқёсида фойдаланиб келинмоқда. Кимёвий йўл билан, синтез орқали олинган аминокислоталарни қисми ҳозирча кўпроқ. Масалан, кенг миқёсда ишлатиладиган аминокислоталардан глицин ва метионин асосан кимёвий синтез йўли билан ишлаб чиқилади.

Кейинги йилларда халқ хўжалиги ва медицинада турли хил аминокислоталар кенг миқёсда қўлланилмоқда. Асосан улар оксилли озуқаларнинг тўйимлилигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Баъзи бир озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари ўзида шимашинмайдиган аминокислоталарни хусусан, лизинни етарли миқдорда сақламайди. Бундай маҳсулотларга маккажўхори, буғдой, гуруч ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Саноат асосида олинган аминокислоталар озуқа тўйимлилигини ошириш учун тоза усулда ёки комбинирланган озуқа сифатида қўлланилади. Шунинг учун аминокислоталардан фойдаланиш соҳаларида озуқанинг ўсимлик оксиллари сақлашини ошириш имконияти вужудга келади. Сунбий аминокислоталарни қўллаш

табийй озуқалар сарфини иқтисод қилишга олиб келишининг илмий асослари исботлаб берилган.

Аминокислоталарни қишлоқ хўжалигида ҳайвонлар озуқасида қўллашдан ташқари озиқ-овқат саноатида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Улар қатор полимер хом-ашёлар тайёрлашда масалан, синтетик тери, қатор махсус толалар ва озиқ-овқат маҳсулотларини қадоклаш учун плёнкалар тайёрлашда фойдаланилади. Баъзи бир аминокислоталар ёки уларни ишлаб чиқарувчиларининг инсектицид таъсири ўрганилган. Метионин ёки  $\gamma$ -аммоний кислота доривор воситалар сифатида кенг қўлланилади.

Аминокислоталардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилишини Япония мамлакати мисолида яққол кўриш мумкин. Японияда бутун мамлакат бўйича ишлаб чиқариладиган аминокислоталарнинг 65% и озиқ-овқат ишлаб чиқариш соноатида, 18% ини чорвачилиқда, 15% ини медицинада ва 2% и турли хил соҳаларда қўлланилади. Айни вақтда жаҳон миқёсида аминокислоталар ишлаб чиқариш йилига бир неча миллион тоннани ташкил этмоқда.

Жаҳон миқёсида L-глутамин кислота, L-лизин, DL-метионин, L-аспарагин ва глицин ишлаб чиқариш етакчи роль ўйнайди.

Аминокислоталарни олишнинг асосий усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

- *ўсимлик хом-ашёлари оқсилли гидролизатларидан экстракциялаш;*

- *кимёвий синтез;*
- *ўсувчи ҳужайралардан микробиологик синтез;*
- *микроорганизмлардан ажратилган ферментлар ёки иммобилланган микроб ҳужайраларидан фойдаланиш.*

Микробиологик синтез асосида қўллаб аминокислоталарни олиш, айни вақтда истикболли ва иқтисодий самарали усул ҳисобланади.

Аминокислоталарни микробиологик синтездан ташқари юқорида келтирилганидек, ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёлари сақлаган табиий оқсиллар гидролизи йўли орқали олиш мумкин. Бу усул эски усуллардан бири ҳисобланади. Бу усулнинг асосий камчиликларидан бири оқсилли озуқа ёки озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган усуллардандир. Масалан, жануби-шарқий Осиёда натрий моноглумат соя шротидан олинади.

Шу каби бир қатор хом-ашёлардан бу усулда аминокислоталар олини иқтисодий самара бермайди.

Япония мамлакати мисолида аминокислоталарни олишнинг қувидаги усулларини келтириш мумкин (13-жадвал).

*13-жадвал*

**Японияда аминокислоталар ишлаб чиқариш усуллари ва бир йилдаги ҳажми**

Аминокислоталар	Ишлаб чиқариш усули	Ишлаб чиқариш ҳажми, т/й.
Аланин	Ф, Х	150-200
Аргинин	М, Х, ГР	100-300
Аспарагин кислота	Ф	1000
Аспарагин	Х, ГР	10-50
Цитруллин	М, Х	10-50
цестеин	ГР	1-10
цистин	ГР	100-200
Глицин	Х	5000-6000
Глутамин кислота	М	100000
Гистидин	М, ГР	100-200
Гомосерин	М	10-50
Оксипролин	ГР	10-50
Глутамин	М	200-300
Изoleyцин	М, ГР	10-50
Лейцин	М, ГР	50-100
Лизин	М	15000
Метионин	Х	60000-70000
L-метионин	М	100-200
Орнитин	М, ГР	10-50
Фенилаланин	М, Х	50-100
Пролин	М, ГР	10-50
Серин	М, ГР	10-50
L-треонин	М	50-100
DL-, L-триптофан	Х, Ф	100
Тирозин	М, ГР	10-100
Валин	М	50-100
ДОФА	Ф	0,1

*Изоҳ:* Ф – ферментатив синтез; Х – кимёвий синтез; М – микробиологик синтез; ГР – ўсимлик хом-ашёлари ва ҳайвон оқсилли гидролизатларидан экстракциялаш йўли орқали; ДОФА – диоксифенилаланин.

Аминокислоталарни кимёвий синтез қилиш етарли даражада самарадор бўлиб, юқори автоматизациялаш орқали узлуксиз ишлаб чиқаришни ташкил этиб, хоҳлаган тузилишли бирикмани олиш имкониятини беради. Бунда озик-овқат бўлмаган хом-ашёлардан фойдаланилади ва катта миқдордаги маҳсулотларни ташкил этади. Бирок, қонуниятдагидек, бу жараёнлар кўп босқичли ва мураккаб асбоб-ускуналарни талаб этади. Бу усулнинг асосий камчилиги эса аминокислотанинг фақатгина рацемик шаклини олиш мумкинлиги ҳисобланади. Паррандачиликда кенг қўлланиладиган LD-метионинни бу усулда олиш яхши йўлга қўйилган.

Кейинги йилларда аминокислоталарни олишнинг кимёвий-микробиологик комбинирланган усули кенг қўлланилмоқда, бунда дастлабки бирикма кимёвий реакция натижасида олинади, кейин эса микроорганизмларнинг мувофиқ штамmlарининг ферментатив фаоллиги ҳисобига охириги босқич амалга оширилади.

Аминокислоталарни микробиологик усулда синтез қилиш кўпчилик микроорганизмларнинг озуқа муҳитида ушбу маҳсулотларни юқори даражада тўплашига асосланади. Микроорганизмлар орасида юқори даражада глутамин кислота ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган қатор бактериялар, ачитки ва замбуруғ турлари мавжуд.


Ўрганилган кўпчилик микроорганизмларнинг штамmlари, уларнинг систематик ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда L-аланин ва глутамин кислотани кўп миқдорда синтез қилиши аниқланган. Жуда кўллаб штамmlар эса аспарагин кислота, лейцин, валин, изолейцин ва лизинни жуда кам миқдорда синтез қилиши ўрганилган.

Микроорганизмларнинг аминокислоталар тўплаш хусусияти ва турлар аро корреляцияси қатъий кўринишда бўлмайди. Аминокислота продуцентларининг кўпчилиги грамманфий спорасиз бактериялар бўлиб, улар *Corynebacterium*, *Micrococcus*, *Arthrobacter*, *Brevibacterium* туркумларига мансубдир.

### Лизин ишлаб чиқариш.

Маълумки, лизиннинг икки хил оптик фаолликдаги D-L-изомерлари мавжуд:

Лизин( $\alpha$ - $\epsilon$ -диаминкапроон кислота):  $C_6H_{14}N_2O_2$




Лизин одам ва ҳайвонлар организмида қатор ўта муҳим биологик функцияларни бажаради: хужайрада калцийнинг асослиги, овқат ҳазм қилиш ферментлари секрециясини ва азотнинг азот нисбатини оширишни таъминлайди ва ҳ. к.

Лизиннинг продуцент-микроорганизмлари, ауксотроф бактерияларнинг *Brevibacterium*, *Micrococcus*, *Streptobacterium* каби гомосеринга муҳтож мутант туркумлари ҳисобланади.

Лизиннинг озиқ-овқат саноатида қўлланилиши маҳсулотларнинг сифатини яхшилаб, уларнинг биологик қийматини оширади. Шунингдек, лизин ҳайвонлар озукасидаги энг танқис аминокислоталар ҳисобланади ҳамда ҳайвонлар озука рационига лизиннинг 0,1-0,4% миқдоридида қўшилиши озуқанинг қийматини оширади ва шу билан бирга уларнинг сарф бўлиш миқдорини қисқартиш имконини беради.

### Глутамин кислота ишлаб чиқариш.

Глутамин кислота ( $\alpha$ -аминоглутар кислота):



Аланинмайидиган аминокислоталар қаторига кирмасида, глицилик ва ҳайвон оксилларининг энг зарурий аминокислоталаридан бири ҳисобланади. Унинг асосида одам организмнинг мўътадил ривожланиши учун зарур бўлган кўплаб биологик фаол бирикмалар синтез қилинган.

Глутамин кислота буйрак ва жигардаги турли хил ферментлардан ҳимоя қилувчи фактор бўлиб хизмат қилиш

қобилиятига эгадир, шунингдек, дориларнинг фармакологик таъсирини ошириш ва турли хил моддаларнинг заҳарли (токсик) таъсирини камайтиради. Мана шунга асосан у медицинада кенг қўламда қўлланилади. Шунингдек, глутамин кислотанинг монокатрий тузи – натрий глутаматдан ҳам кенг фойдаланилади.

Бу бирикма кўпгина озука маҳсулотлари таъминини ошириш, шунингдек, консерваланган маҳсулотларнинг таъминини узоқ вақт давомида сақлаб туришини таъминлайди. Кўпчилик мамлакатларда натрий глутаматдан сабзавотлар, балиқлар ва гўшти маҳсулотларни консервлаганда кенг қўламда фойдаланилади.

Глутамин кислотани ишлаб чиқаришнинг самарали ва истикболли усулларида бири – микробиологик синтез ҳисобланади.

Глутамин кислота синтез қилиш қобилиятига эга бўлган маълум микроорганизмлар орасида ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлганлари *Micrococcus* ва *Brevibacterium* туркумига мансуб бактериялар ҳисобланади.

Глутамин кислоталар олиш учун углевод манбаси сифатида глюкоза, сахароза, крахмал гидролизатлари, меласса ва гидролиз хизмат қилиши мумкин. Углеводлардан ташқари қом-ашё сифатида углеводдорлар (метан, этан, нефтнинг *n*-парафинлари), шунингдек, сирка, фумар кислоталар ва бошқа маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин.

Озука муҳитида азот манбаси сифатида 1,5-2,0% миқдорда мочевинадан фойдаланилади, аммо, кўп миқдорда солинамасдан талаб даражасида қўшилади ва бунда озуканинг мочевина сақлаши 0,8% дан ошиб кетмаслиги лозим. Кўпинча мочевинага қўшимча сифатида азот манбаи бўлган аммоний сульфат  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  ва аммоний хлорид  $(\text{NH}_4\text{Cl})$  0,5% гача ёки аммиакнинг сувли эритмаси ҳолида қўлланилади.

Озука муҳитида культураларнинг мўътадил ўсиб ривожланиши учун юздан ёки ўндан бир фоиз ҳисобида калий  $(\text{KH}_2\text{PO}_4)$  ҳолида, магний  $(\text{MgSO}_4 \times 7\text{H}_2\text{O})$ , марганец  $(\text{MnSO}_4 \times 4\text{H}_2\text{O})$ , шунингдек, озука муҳит *pH* ини мўътадиллаштириш (*pH* 7-7, 2) бўр қўшиш зарур бўлади.

Глутамин кислота биосинтезини оширувчилар сифатида биотин, тиамин, баъзи бир антибиотиклар (пенциллин, тетрациклин), спирт ва сирт фаол моддалар таъсир этиш хусусиятига эга. Аммо,

Биостимуляторлар микдорини қатъий равишда назорат қилиш мумкин бўлади. чунки уларнинг юқори даражали микдори масалан, биогинн биомасса ўсишини тезлаштиради аммо, глутамин кислота чиқишини пасайтиради.

**Натрий глутамат:**  $HOOC-CH_2-CH_2(NH_2)-COONa$  – техник глутамин кислотадан олинади. Кислота кристаллари сувда эрийди, суғули эритмани фаол кўмир билан ишлов берилиб, 60-70°C ҳароратда кристаллар эриши тўлиқ таъминланади. Кейин глутамин кислота эритмаси 45-50% ли NaOH эритмаси билан pH-6,8 булгунча нейтралланади ва шундан кейин филтрланади.

Филтрат вакуум-буғлатиш ускунасида 40-50°C ҳароратда буғлантрилиб, сўнгра совутилади. Кристаллизация паст ҳароратда 3 сутка давомида амалга оширилади. Глутамат натрий глутамат кристаллари дастлабки эритмадан центрифугада ажратилиб иссиқ ҳавода қуритилади. Тайёр маҳсулот 98% асосий модда (натрий глутамат) сақлайди.

#### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари


1. Аминокислоталар нима?
2. Қандай аминокислоталар алмашинмайдиган аминокислоталар деб аталади ва нима учун?
3. Аминокислоталар халқ хўжалигининг қандай соҳаларида қўлланилади?
4. Аминокислоталарни микробиологик синтез йўли билан олиш кимёвий синтезга нисбатан қандай афзалликларга эга?
5. Қандай бактериялар ауксотрофлар деб аталади?
6. Лизин олиш технологик жараёнининг охириги босқичини кишириб беринг?
7. Қандай микроорганизмлар лизин продуцентлари деб ҳисобланади?
8. Глутамин кислота ва натрий глутамат қаерларда қўлланилади?
9. Қандай микроорганизмлар глутамин кислота продуценти ҳисобланади?
10. Глутамин кислота биосинтези учун углерод манбаси сифатида қандай хом-ашёлар қўлланилади?
11. Натрий глутамат қандай олинади?

## 4.2. Оқсилли озуқа маҳсулотларининг янги турлари

Озиқ-овқат оқсилли олиш учун ачитки биомассаси астойдил тозаланиши зарур. Бу мақсад учун ачиткиларни ҳужайра қобиллари ҳар хил йўллар (механика, ишқорий, кислотали ёки ферментлар билан ишлов бериш орқали) билан бузилади ва ҳужайра ичидаги барча масса органик эритувчилар ёрдамида экстракция қилинади. Органик ва минерал қолдиқлардан тозалангандан кейин, ачитки маҳсулоти ундаги оқсилни эритиш мақсадида ишқор эритмаси билан ишлов берилди, кейин оқсил эритмаси қолган ачитки массасидан ажратилиб, диализга юборилади.

Диализ жараёнида оқсил кичик молекулали қолдиқлардан тозаланади. Кейин оқсил чўктирилади, қуритилади ва олинган оқсил массаси ҳар хил озиқ-овқатга (сосискалар, паштетлар, гўштлик ва қандолатчилик маҳсулотлари, холодец ва х. к) қўшимча сифатида ишлатилади.

Ачиткилардан инсонлар учун озиқ-овқат оқсилли олишнинг қуйидаги чизма орқали изоҳлаш мумкин:





Ачинки замбуруғларидан олинган оксил моддалари шунингдек, органик түшт тайёрлашда ҳам ишлатилади. Бунинг учун оксилга маълум шакл бериш мақсадида уни иситилади ва тез совутилиб, маълум (исталган) шаклдаги тешикчалардан босим остида ишлатилади. Оксилга таъм бериш мақсадида унга маълум микдорда аминокислоталар ва бошқа керакли компонентлар қўшилади. Шунингдек, оксил гидролизатлари тиббиёт учун препаратлар тайёрлаш ҳамда парҳез овқатларга таъм берувчи сифатида ҳам ишлатилади.

### Бактериялардан олинадиган оксил концентратлари

Ачиткилар қатори, ҳайвонлар озукасига қўшиб ишлатиш учун бактериялардан олинадиган оксил концентратлари ҳам катта аҳамиятга эга. Энг аввало уларни таркибидаги оксил микдори 60-70% ни ташкил этишини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Тулақонли озуқа оксили олиш учун, манбаа бўлиб хизмат қиладиган 30 дан ортик бактериялар маълум. Бактерияларда, ачиткиларга нисбатан бир неча баробар тезроқ ва кўпроқ биомасса оқсил қилиш имконияти мавжуд бўлиб, уларни оқсилларида амингугурт сақловчи аминокислоталарни микдори ҳам кўрагиндир, шу сабабли ҳам бактериялар оқсиллари, ачитки замбуруғлари оқсилларига нисбатан кўпроқ биологик баҳога эришиши мумкин. Бактериялар ўсиши учун углерод манбаи бўлиб, ҳар хил газсимон моддалар (табиий газ, газ концентрати ва ҳ.к.), тубан аэроблар (метанол, этанол) ва водород хизмат қилишлари мумкин.

Субстрат сифатида газсимон маҳсулотлардан фойдаланилганда, органик компонент бўлиб метанхизмат қилади, шунинг учун ҳам органик аралашмалари, босим остида пуркагич типига ясалган махсус ферментларга юборилади.

Субстратни яхшироқ утилизация бўлиши учун, бундай ферментларга газ аралашмаларини қайта айлантирадиган фермент мўлжалланган. Бактерияларга етарлича кислород етказиб олиш мақсадида махсус тешикчалар қилинади.

Таъм озуқа муҳитида кўпроқ *Methylococcus* авлодига мансуб бактериялар ўстирилади. Бу бактериялар оптимал шароитда ферменттерга юборилган 85-90% метанни ҳазм қилиш имкониятига

эга. Газли озук мухитида бактериялар ўстиришга мўлжалланган ускурмалар мухит таркибини аниқ назорат қилиш ва мустаҳкам бекилган, портлашларга хавфсиз қилиб ясалган бўлиши шарт. Ферментация тугагандан кейин бактерия хужайралари чўктирилган ва сепараторлар ёрдамида суюкликдан ажратиб олинади. Олинган бактериал массага механик ёки ултратовуш ишлов берилади. Шу йўл билан қобиклари ёрилган масса қуритилиб, озук оқсил концентратлари тайёрлаш учун ишлатилади.

Метан ва ҳаводан иборат бўлган газ мухити алангага ўта хавфли бўлганлиги, ҳамда бактериялар томонидан метанни тўлиғича парчалаш учун жараёни бир неча бор қайтариш зарурлиги, газсимон моддалардан озик-овқат оқсили тайёрлаш ўта мураккаб ва қимматбаҳо технология ҳисобланади. Метандан оксидлаш орқали олиш мумкин бўлган, метанол асосида оқсил тайёрлаш технологияси кўпроқ ишлатилади. Метанол сақловчи озук мухитида ўстириш учун *Methylomonas*, *Pseudomonas*, *Methylohillus* авлодларига кирувчи бактериялар ишлатилади. Бу бактерияларни суюқ озук мухитида, оддий ферментерларда ўстирилади. Метанол асосида озук оқсили тайёрлашни кенг миқёсидаги технологияси дастлаб Англияда ишлатилган. «Ай-Си-Ай» концерни томонидан «Прутин» номи билан озук оқсил препарати ишлаб чиқарилади. Россияда эса, метанол асосида «Меприн» номи бактериал оқсил массаси ишлаб чиқарилади. Бу препарат таркибида 70-74% оқсил, 5% гача ёғсимон моддалар, 10% атрофида минерал моддалар, 10-13% нуклеин кислоталари сақлайди. Россияда шунингдек, *Acinebacter* авлодига мансуб бактерияларни этанолли озук мухитида ўстириш орқали «Эприн» номи билан янги препарат ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу препаратни озик-овқат таркибида ҳам ишлатиш мўлжалланмоқда.

Оқсил моддаларни синтез қилиш самарадорлиги бўйича, водород оксидлайдиган бактерияларга етадигани йўқ. Бу бактерияларни хужайраларида 80% гача оқсил моддалар сақланади (куруқ модда ҳисобидан). Бу бактериялар карбонат ангидридни баъзи штаммлар эса ҳаттоки, ҳаводаги азотни утилизация қилиш учун водородни оксидланиш энергиясидан фойдаланадилар. Водород оксидлайдиган бактерияларни ўстириш учун газсимон озук, одатда 70-80% водород, 20-30% кислород ва 3-5% карбонат ангидрид сақлайди. Бундай таркибдаги озук мухитида бенат

аниндрин саклайди. Бундай таркибидаги озук мухитида  
фотосинтезга, *Pseudomonas*, *Alcaligenes*, *Achromobacter*,  
*Cytophasterium* ва бошқа авлодга мансуб бактериялар юкори  
параметрликка эга бўладилар.

Оксил массаси ишлаб чиқариш учун керак бўлган водород  
манбаидан, уни электролиз ёки фотохимиявий парчалош орқали  
олинади. Карбонат ангидрид қандайдир саноат ишлаб-чиқаришини  
ёқимон чиқиндиларидан ёки ёқилги газлардан олинаши мумкин,  
бундай ҳолларда бир йўла газли мухитни тозалаш муаммоси ҳам  
ҳал бўлади. Водород оксидловчи бактериялар асосида оксил тайёрлаш  
технологияси, қўшимча маҳсулот сифатида водород ҳосил қилувчи  
саноати корхоналарига яқин жойда ташкил этилиши ҳам  
мумкин.

Одатда озук оксили ҳайвон озукасига 2,5-7,5%, чўчкаларга  
15% гача қўшиб ишлатилади. Улардан кўпроқ микдорда  
фойдаланишга тўсқинлик қилиб келаётган муаммо бу оксил  
препаратлари таркибидаги нуклеин кислотаси микдорини ўта  
кўпайтиришидир (10-25% гача). Бундан ташқари бактериал массада  
фойдаланишга моддалар қатори, қийин сўриладиган ёғсимон  
моддалар (липидлар) ҳам синтез бўлишидир. Бактериал оксил  
препаратларини ажратиш методларини қийинлиги ва уларни  
фойдаланишга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

### Сув ўтларидан олинадиган озук оксиллари

Дунёни кўплаб мамлакатларида бир хужайрали сув ўтлари:  
*Chlorella* ва *Scenedesmus* шунингдек, *Spirulina* авлодига мансуб  
фотосинтез сув ўтларидан озук оксили тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу  
фотосинтезликлар кўш нури энергиясидан фойдаланиб, карбонат  
ангидрид, сув ва минерал моддалардан оксил ва бошқа органик  
моддалар синтез қиладилар. Уларни ўстириш учун кўп микдорда  
ёқимон, керакли микдорда ёруғлик ва ҳарорат бўлса кифоя. Иссиқ,  
субтропик минтакаларда сув ўтларини очик хавзаларда ўстириш  
ёқимон қўйилган бўлсада, ёпик, яримстерил ҳолатда ўстириш юкори  
фотосинтезлик оксил моддалари ва бошқа органик моддалар ишлаб  
чиқариш имкониятини яратади.

Хлорелла ва сценедемус авлодларига мансуб сув ўтлари ўзларини ўсишлари учун нейтрал муҳитни талаб қиладилар, уларни хужайра қобиклари мустақкам целлюлозадан ташкил топганликлари учун ҳам ҳайвон организмда яхши ҳазм бўлмайди. Уларни яхши бўлишлари учун махсус ишлов беришни талаб қилинади.

Спирулиналар хужайралари хлореллага нисбатан 100 мартаба каттароқ, аммо, қалин целлюлоза қобиғи бўлмаганлиги учун, улар организмда яхши сўриладилар. Спирулиналар ишқорий муҳитда ўстирилади (рН 10-11), табиатда ҳам ишқорий кўлларда ёки хавзаларда кўпроқ тарқалган.

Сув ўтлари биомасса тўплаш тезлиги бўйича ачирки замбуруғлари ва бактериялардан пастроқ бўлсада, кишлоқ хўжалиқ ўсимликларидан анча устунликка эга. Очик типдаги махсус ўстиргичларда ўстирилганда 1 гектар майдондан йилига 70 тонна куруқ биомасса олиш мумкин. Таққослаш учун қуйидаги сонларга эътибор беринг: 1 гектар майдондан 3-4 тонна ғалла; 5 тонна шоль; 6 тонна соя; 7 тонна маккажўхори олиш мумкин бўлади.

Хлорелла ва сценедемус хужайраларида оксил миқдори (куруқ массага нисбатан) 45-55%, спирулинада эса 60-65% ни ташкил этади. Сув ўтларидаги оксил таркибидаги алмашмайдиган аминокислоталар миқдори ҳам баланд, фақат метионин камроқдир. Сув ўтларида тўйинмаган ёғ кислоталари ҳам кўпроқ синтез бўлади (баъзи бирлари алмашмайдиган ёғ кислоталари сафига кирадилар). Шунингдек, провитамин А-каротин (150 мг% гача), В гуруҳи кирувчи витаминлар кўплаб синтез қилинади. Сув ўтлари таркибидаги каротин миқдори беда унига нисбатан 7-9 мартаба кўпроқ. Бир хужайрали сув ўтларида нуклеин кислоталар миқдори (4-6%), бактерияларга нисбатан камроқ бўлсада, ўсимликларда олинадиган оксил таркибидагидан (уларда 1-2%) кўпроқни ташкил этади.

Сув ўтлари хужайраларидан оксил массаси олиш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат: махсус танланган штаммларни ўстириш (очик ёки ёпиқ типдаги ўстиргичларда); сув ўтларини сувдан ажратиш (сепарация); суспензия ҳолатидаги маҳсулот олиш; пастасимон ёки куруқ порошок ҳолатидаги маҳсулот тайёрлаш. Сув ўтлари хужайраларини сувдан ажратиш, кўп миқдорда энергия

танаб килиётини жараёндир. Чунки, сувни миқдори жуда ҳам кўп, сувни миқдори эса жуда ҳам кам.

Сув ўтларини ўстириш ёпиқ ва очик усулда амалга оширилади. Ўсулда ўстириш тўлиқ бошқарилсада, ўстириш технологияси яратилган ва уни таннархи юқоридир. Очик усулда ўстириш ярим бошқарилгани ва ўстириш технологияси оддий, таннархи эса анча кам.

Дунёни бир қанча мамлакатларида (Япония, Исроил, Болгария, Руминия, Туркменистон, Ўзбекистон ва х. к.) сув ўтларини очик усулда ўстириш технологияси яратилган. Улар бир-бирларига таълим бўлганликлари сабабли, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, профессор Ахрор Музаффарович Музаффаров томонидан яратилган ускурмага диққатингизни қаратамиз:

Сув ўтлари ўстириш ускурмасини узунлиги 10 метр, эни 2 метр, кенлиги 30 см ли охур (лоток) шаклидаги ўзидан сув ўтказиб бериладиган ускурмада 15 см чуқурликда 3 тонна хлорелла суспензияси этиштириш мумкин. Бунинг учун ускурмага 3 тонна сульфатга 600 гр аммонийни сульфатли тузи, 90 гр калий гидрофосфат, 240 гр магнийни сульфатли тузи, 300 гр натрий карбонат ва 3-5 хил микро элементлар қўшиб эритилади ва 30 л 1-15 кун давомида ўстирилган хлорелла суспензияси этилиб, сувни махсус насос ёрдамида аралаштирилади. ўстириш давомида карбонат ангидрид ( $CO_2$ ) махсус балонларда минутига 0,2 л миқдорда ротометр орқали юбориб турилади. Ўзбекистон шартларида табиий қуёш ёруғлиги етарли бўлиб, ҳарорат 16 дан 20°C орасида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Орадан 9-10 кун ўтгач суспензия кунлари 6-7 кунда) 1 л озуқа муҳитида 1,5-3 граммгача хлорелла суспензиялари сақлаган суспензия этилиб тайёр бўлади. Хлореллани суспензия фақлида ҳам ўстириб, фойдаланишга эҳтиёж бўлганда, суспензиянинг устини ойна ёки полиэтиленпенкаси билан ёпиш кифоя.

Тайёр суспензиядан бузоқларни озиклантиришда фойдаланиш мумкин. Битта бузоққа бир суткада 3-6 л, катта ёшли хайвонларга 8-10 л суспензия бериш тавсия этилган. Кавш қайтарадиган бузоқларда 50% ўсимлик оксилани хлорелла оксили билан суспензия этиштириш мумкинлиги исботланган.

Сув ўтларини оқава сувларида ўстириш катта аҳамиятга эга. Бу усулнинг, сценедесмус ёки хлореллани чорвачилик комплекси оқава

сувларида ўстирилганда 15 кун давомида, ифлос оқава сувларини органик моддалардан бутунлай тозалаш мумкин, бунда сувни ранги ўзгариб, хиди қолмайди. Сув ўтларини саноат оқова сувларида ёки иссиқлик берувчи станцияларни оқава сувларида ўстирилганлиги ортиб қолган иссиқлик, ҳамда технологик жараёнда ёки ҳар хил чиқиндиларни ёқишдан пайдо бўлган карбонат ангидриди ишлатилади, оқибатда эса қўшимча биомасса олинади.

Хлорелла ўстириш бўйича энг йирик компания – «Хлорелла Сан Компани» Японияда ташкил этилган. Болгарияни иссиқ сув табиий манбаларида хлорелла ва сценедесмус ўстириш усуллари яратилган. Шу мамлакат олимлари томонидан қобиғида целлюлоза сақламайдиган хлорелла штамлари яратилган, бу эса олинган биомассани ҳайвон организмида тез ҳазм бўлишини таъминлайди. Спирулина марказий Африка ва Мексикани ишқорий табиатли сув сақлаган қўлларида кўплаб экилиб, биомасса тўплайди. Спирулин биомассасидан оксил ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган энг йирик компания Мексиканинг «Соса Текскоко» фирмасидир. Италияда денгиз сувларида спирулина экиб, ўстириш ҳамда ёпиқ типдаги ўстиргичларда биомасса олиш устида илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Спирулина сув ўтининг биомассаси ошқозон ферментлар томонидан яхши парчаланиши, ҳамда ундаги оксил миқдори жуда ҳам баланд бўлиб (70% гача), организм учун зарур бўлган аминокислоталарга бой бўлганлиги сабабли, у оксилга бой бўлган қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатилади. Спирулина сервитамин ва ноёб ёғ кислоталар манбаи сифатида таблетка ҳолатида тиббиётда ҳам ишлатилиб келинмоқда.

Саноат шароитида ишлатиладиган сув ўтларини қўшимча оқова манбаи сифатида чорвачиликда, ҳамда одамлар овқатланишида мувоффақиятли ишлатилиши дунё олимлари олдида ҳар хил йўналишда яъни: селекция, генетика, биокимё ва бошқа соҳаларда изланишлар олиб боришни бош масалалардан бири килиб қўйилмоқди. Мақсад янада ҳосилдорроқ, фотосинтезни жадалроқ олиб борадиган, алмашмайдиган аминокислоталарга бой, совуқроқ шароитда ҳам яхши ўсиб ривожлана оладиган, организмда яхши сўриладиган, витаминларга бой штамmlар яратишдир. Бундай мақсадга албатта ген муҳандислиги усуллари сиз етишиб бўлмайди.

## Микроскопик замбуруғлар оксиллари

Микроскопик замбуруғларни мицелийлари оксил ва минимийдиган аминокислоталарга бой манба ҳисобланиб, уларнинг отуқавий хусусиятлари бўйича мицелиал замбуруғлардан янададиган оксил моддалари соя ва гўшт оксигига яқин туради, уларнинг учун ҳам нафақат чорвачиликда, балки инсон таомларига ҳам хизмат қила олади. Мицелиал замбуруғларини саноатда қўлдан чиқариш учун озуқа манбаи сифатида одатда лигнин, целлюлоза, клетчатка сақловчи ўсимликлар чиқиндилари қўлдан чиқарилади.

Бунда бир йўла оксил массасини тайёрлаш ҳамда атроф-муҳитни тазаруқлаштириш манбаи бўлиб, хизмат қилиши мумкин бўлган, қўлдан чиқариш ҳамда ёғочга ишлов бериш ва целлюлоза-қоғоз қўлдан чиқиндиларини утилизация қилишдек икки йирик муаммо ҳал қилини топади.

Айниқса, микрофлора таъсирига чидамли бўлган лигнин қўлдан чиқарилиши утилизация қилиш имкониятига эга бўлган фаол штаммлар яратиш катта аҳамиятга эгадир. Табиатда лигнин қўлдан чиқариш кўнғир ва оқ рангли чиришни амалга оширувчи *Phararia*, *Pleurotus*, *Abortiporus*, *Coriolus*, *Sterium* ва бошқа моддаларга мансуб бўлган замбуруғлар иштирокида парчаланаяди. Ҳозирги вақтда чуқур изланишлар оқибатида токсин қўлдан чиқарилидиган, захарсиз, тез ўсувчи мезо ва термофил замбуруғларни штаммлари яратилган ва ишлаб-чиқаришга тадбиқ қилинган. Бундай штаммлар *Penicillium*, *Aspergillus*, *Fusarium*, *Sclerotinia* авлодларига мансуб штаммлардир. Бу замбуруғларни қўлдан чиқариш кўнғир ва оқ рангли чиришни амалга оширувчи штаммларни тез парчаланаяди. Уларни таркибида ўзига хос ҳид ва маза қўлдан чиқарилидиган ароматик моддалар, витаминлар ва ёғлар бор.

Ачитки замбуруғларига караганда, мицелиал замбуруғлар штаммлари олтингугурт сақловчи аминокислоталарга бой ва яхши манба бўлади. Уларни таркибидаги нуклеин кислоталар микдори (1-2%) ўсимликларникига яқин. Шунинг билан бирга мицелиал замбуруғлар ҳужайраларида оксил камроқ синтез бўлади (20-60% қўлдан чиқаришдан), улар ачитки замбуруғларига нисбатан секин қўлдан чиқарилиди ва биомасса ҳосил қиладилар (биомассани икки

маротаба кўпайиш даври 4-16 соат, ачитки замбуруғларида эса (1 соат).

Целлюлоза ва лигноцеллюлоза сакловчи чикиндиларни ўстирилган тубан мицелиал замбуруғларнинг гидролитик ферментлар синтез қилиш хусусияти туфайли, лигнин ва целлюлозани оддий моддаларгача парчалаб ташлайдилар ва улардан аминокислоталар ҳамда оксил моддалари ҳосил бўлади. Мицелиал замбуруғларни ўсишини тезлаштириш учун, ўсимлик чикиндиларига дастлабки ишлов бериш (ювиш, иситиш, майдалаш ва х. к) фойдалидир. Кўпроқ ишқорий кислотали ишлов бериш юқори босимда буғ билан ишлов бериш, аммиак ёки каустик сода билан ишлов бериш усулларидан фойдаланилади.

Мана шундай ишлов беришлар оқибатида лигнин ва бошқалар кийин гидролизланувчи полисахаридлар қисман парчаланадилар ва бу эса замбуруғ массасини тезроқ ўсиб, ривожланишини (7-8 сутка таъминлайди. Ўсимлик маҳсулотларини тайёрланганлигига қараб микроскопик замбуруғларни ўстиришни тегишли усуллардан танланади. Замбуруғларни қаттиқ озуқа муҳитида ўстириш учун қаттиқ фазада ферментация қилиш усули ишлаб чиқилган. Бу усул ўсимлик маҳсулотларини майдалаш, уларга иссиқ буғ ёки аммиак суви билан ишлов бериш, уларни минерал моддалар билан таъминлаш, тўйинтириш, замбуруғларни экиш ва уларни олдиндан аниқланган

Аэрация режимида ва мўтадил ҳароратда ўстириш жараёнларини ўз ичига олади. Аммо, замбуруғларни буғ билан технология асосида ўстиришда, ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кoeffициенти жуда паст бўлганлиги сабабли, ҳосил бўладиган оксил миқдори ҳам унчалик юқори бўлмаслигини олдиндан билиш керак бўлади. Бу технология асосида етиштирилган замбуруғ массасида оксил 20-30% ни ташкил этади ҳалос. Масалан, тубан мицелиал замбуруғларни тўғридан – тўғри сомонда ёки бошқа ўсимлик чикиндиларига ўстирилиши шу манбалардаги углеродни 17-20% ни тини замбуруғ мицеласини органик моддаларига ўтиштириш таъминлайди ҳолос. Ўсимлик маҳсулотини ишлаб чиқариш кoeffициенти одатда замбуруғларни ҳар хил гидролизатлар билан ўстирилганда ошади. Маълумки, бунинг учун замбуруғлар суви муҳитда махсус ферментерларда ўстирилади. Бундай шароитда ўстирилган замбуруғ мицелийсида оксил миқдори 50-60% гача



ташқари (суқ) муҳитни кўпроқ ишлатиш мақсадида замбуруғлар  
Бактерияларни қўшиб ўстириш мумкин.

Ҳимлик чиқиндиларидан ташқари, торф, гўнг ва бошқа ҳайвон  
чиқиндиларни оқсилга айлантириш усуллари ҳам яратилган.  
Замбуруғлардан олинадиган оқсил моддаларини ҳайвон  
ташқарида сингил сўрилиши, ҳамда уларни таркибига нуклеин  
кислоталарини нисбатан камлиги, булардан ачитки оқсиларига  
қўшни кўпроқ миқдорда ишлатиш имконини яратади. Одатда  
қўшни болаларини озиклантиришда озуқа рационига 15-20%  
Замбуруғ оқсили қўшиш тавсия этилган. Ёши катта ҳайвонлар  
рационига эса 50% гача замбуруғ оқсили қўшиш мумкин.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Оқлик-овқат оқсили олиш учун қанақа жараёнлар боради?

2. Димализ жараёни деганда нимани тушунасиз?

3. Бактериялардан олинадиган оқсил концентратлари қандай  
қилинади?

4. Оқсил моддаларини синтез қилиш деганда нималарни  
тўғрилайди?

5. Суи Утларидан олинадиган озуқа оқсиллари тўғрисида  
қандай ахборот бериш?

6. Микроскопик замбуруғлар оқсиллари нималарга бой  
қилинади?

7. Ҳимлик чиқиндиларидан саноатда фойдаланиш мумкинми?

### 4.3. Ўсимликлардан олинадиган оксил концентратлари

Сифатли озуқа ва озиқ-овқат оксиллини, манбаини топиш йўлини олимлар азал-азалларидан фақатгина табиий ўсимликлардин овқатланиб келаётган ёввойи ҳайвонларни ҳаётини, уларни овқатланиши ва ривожланишини синчиклаб ўрганиб келганлар. Энг қизиғи шундаки, улар ўз ҳаётлари учун ягона, ҳар йили қайтадан ўсиб чиқадиган ўтлардан фойдаланадилар-у аммо, ҳеч қандай алмашмайдиган аминокислоталар, ёғ кислоталари ёки витаминларга муҳтожлик сезмайдилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўтларнинг таркибидаги оксил моддаларни синтез тезлиги бир-бирларидан фарқ қилсада, ана шу оксиллар таркибидаги алмашмайдиган аминокислоталар миқдори барча ёввойи ўтларда бир-бирига яқин экан (14-жадвал).

14-жадвал

Ўтли ўсимликларнинг вегетатив массасидаги оксиллардаги алмашмайдиган аминокислоталарнинг миқдори (100 гр оксил таркибида гр ҳисобида).

Аминокислоталар	Ўтли ўсимликлар	ФАО эталони
Валин	5,9–6,9	4,2
Изолейцин	4,5–5,5	4,2
Лейцин	8,8–10,2	4,8
Лизин	5,6–7,3	4,2
Метионин	1,6–2,6	2,2
Треонин	4,7–5,3	2,8
Триптофан	1,2–2,3	1,2
Фенилаланин	5,5–6,8	2,8

14-жадвалдан кўришиб турибдики, ўтлар таркибидаги аминокислоталар миқдори бўйича ФАО эталонидан ҳам баландроқ бўлиб, фақатгина метионин миқдори бироз камроқ экан. Илмий тажрибалар, барча хилма-хил ўтлар орасида дуккакл ўсимликларни яшил озуқа қисми, ўзларини биологик хусусиятлари бўйича бошқалардан устун туришлигини кўрсатди (80-90%). Бу ўсимликларни яшил қисмида ҳам оксил миқдори бошқаларга nisbatan кўпроқ (15-25% куруқ модда ҳисобидан). Энг кўп оксил беда ўтида экан.

Уларни вегетатив массасидаги оксиллар таркибидаги витаминизолталарни етарлилиги, бу ўсимликларни баргларида ҳам оксил синтези жадал амалга оширилиши ва ниҳоят уларни таркибидаги оксил миқдорини нисбатан баландлиги, яшил ўсимликларни вегетатив массасидан оксил ажратиб олишни тарқали технологиясини яратишни тақазо қилади. Дастлаб мана шундай тажрибалар 1773 йилда ўтказилган. Бу тажрибаларда оксил қили ўсимликлардан сиқиш (преслаш) орқали чиқариб олинган. Кейинроқ ўсимлик шарбатига оксидан ташқари бир қатор органик моддалар: феноллар, оғир металллар, трипсинни ингибитори бўлган ҳайвон ва инсон ошқозони шарбатигаги оксил қилинишида фаол иштирок этувчи фермент), нуклеин кислоталар, витаминлар, хлорофилл парчаланишида ҳосил бўладиган моддалар ва к. борлигини кўрсатади. Юқорида келтириб ўтилган моддалар оксил ядрога, хлоропластларда, митохондрияда учраса цитоплазмада уларни миқдори камроқ. Мана шу натижалардан келиб чиққан ҳолда озунка ёки озиқ-овқат оксиллини цитоплазмадан олиштириш мақсадга мувофиқлиги аён бўлади.

Оксил концентрацияси тайёрлаш технологияси ўсимлик қилини майдалаш, шарбатни сиқиб чиқариш, шарбатни сулация қилиш, коагулянтни творогсимон яшил масса ва кўнғир шарбатга ажратиш, оксил витамин пастасини консервация қилиши ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ўсимлик массасига ишлов бериш орқали уч хил тайёрлаш мумкин: оксил коагулянти (чўкмаси), бундан оксил қилини концентрати тайёрланади: шарбат сиқиб олингандан кейин оксил ўсимлик маҳсулотлари (жом ҳолатида).

**Оксил коагулянти** – қуруқ масса ҳисобидан 15-22% оксил қилини. Одатда бу маҳсулотдан қиш фаслида ҳайвонларни қилинтириш учун фойдаланилади. Паст ҳароратда, консервантлар қилинигида бир ой давомида сақланиши мумкин. Ковуш қилинигида ҳайвонларга умумий рациондаги оксил миқдоридан қилини миқдоридан бу маҳсулотдан бериш тавсия этилган.

**Ферментланган кўнғир рангли шарбат** 7-12% қуруқ модда; 1-2% оксил; 1,0-1,5% органик кислоталар; 4-5% азот сақламайдиган қилиниги моддалар (одатда яхши сўриладиган карбон сувлар қилиниги); 1-2% кул моддалари; 40-50 мг % каротин сақлайди. Бу қилиниги қишлоқ хўжалик ҳайвонларини умумий озункасига қўшиб

берилади. Масалан, чўчқаларни ҳар бирига суткасига 1,5 л дан бериш тавсия этилган. Бундан ташқари бу шарбат асосида аччиқ замбуруғлари оксигени тайёрлаш ҳам мумкин.

**Жом** – ҳам ҳайвонларни озиклантириш мақсадида ишлатилиши мумкин. Уни таркибида 12-17 % оксиген моддалари; 3-4 % ёғли ёғсимон моддалар; 8-9 % кул моддалари; 35 % клетчатка бор.

**Одатда оксиген** – витамин пастасини тайёрлаш учун беда, йўнғичқа, қанд лавлагиси баргларидан фойдаланилади, қанд лавлагиси баргидан тайёрланган оксиген - витамин пастасини махсус усуллар орқали тозалаб оксиген - овқат учун ҳам ишлатиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирча ўсимлик массасидан оксиген - витамин концентратлари тайёрлаш технологияси кўп энергия талаб қилиши ҳамда самарадорлиги пастлиги учун қўлланилмасдан турибди

#### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Сифатли озуқа ва оксиген-овқат оксигенларини топиш усулларини гапириб беринг?
2. Оксигенлар таркибидаги алмашмайдиган аминокислоталар тўғрисида маълумот беринг?
3. ФАО эталони нима?
4. Оксиген концентрацияси қандай тайёрланади?
5. Оксиген каогулянти деганда нимани тушунасан?

## **УНИВ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ОҚИМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **4.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёлар таркибидаги сув эрувчанлик сув билан бирикувчанлиги ва ёғлар билан бирикувчанлиги**

Бу киши ҳаёти учун энг керакли минерал модда  
судир. Инсонларнинг ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб  
олмайди. Агар, инсон овқатсиз узоқроқ (даволовчи парҳез вақтида  
тунча ва ундан кўпроқ) яшай олса, сувсиз эса 4-5 суткадан ортик  
олимайди. Ўртача киши организмда 65% гача сув бор. Лекин  
тарқатилиши билан унинг миқдори камаяди. Масалан, янги  
тутилган чакалоқ танасида 70% сув бўлса, ёши ўтган кишининг  
организмида эса бу 60% ни ташкил қилади.

Сув ҳаёт манбаи бўлиб ҳисобланади, чунки ҳаётдаги ҳамма  
жараёнлар сув иштирокида содир бўлади. Сув – бу тирик  
организмлардаги ҳаёт жараёнларининг фаоллигини белгилловчи  
вақтинчалик омиллардан биридир.

Инсон организмда сувнинг етишмаслиги қоннинг юқори  
қисқалиқлигига, меъёрдан ортикча бўлиши – организмлардан  
сувнинг кучайтирилган равишда ювишга, юрак ва буйрақларнинг  
фаоллигига олиб келади. Сув ортикча истеъмол қилинганда  
организмнинг тез парчаланиши содир бўлади. 20% сувнинг  
етишмаслиги кишининг ҳалок бўлишига олиб келади, чунки инсон  
организми куклашган қонни томирларда юргиза олмайди.

Сув инсоннинг барча органлари ва тўқималари таркибига  
кирилади. Масалан, у хужайра протоплазмасини 80% ни, бош  
миёсини 85% ни ташкил қилади. Одам мускул тўқималари 76%  
сув билан иборат. Сув бу муҳит бўлиб, унда организмнинг ҳамма  
жараёнлари - қон айланиш, нафас олиш, овқатни ҳазм  
қилиш ва ҳоказолар учун хизмат қилади. Бир суткада инсон 1,75-  
2,0 литр сув истеъмол қилади: у овқат (0,7 л), ичимликлар (0,8-  
1,0 л) шўрвалар (0,25-1 л) кўринишида организмга тушади.

Организмни сув билан таъминлаш – бу инсон ҳаётининг асосий  
шартидир. Инсон овқатсиз сувсизликка нисбатан узоқроқ яшаши  
мумкин. Сув миқдори озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига,  
физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг фаоллигига,  
климат шартларига таъсир қилади. Сув массаси улушининг ортиб

бориши билан тез бузиладиган маҳсулотлар консервацияга мувофиқ муддатда сақланмайди.

Организмда кимёвий тоза сув йўқ. Унда қўп моддалар: оксилланган қанд, витамин ва минерал моддалар эриган ҳолда бўлади. Сувнинг алмашинувига минерал моддалар катта таъсир кўрсатади. Уларнинг концентрацияси ва нисбати осмотик босимни, организмнинг суюқликлари ва тўқималаридаги сувнинг тақсимланишини белгилайди. Бунга коллоидларнинг физик-кимёвий ҳолати, биринчи навбатда оксиллар, ферментлар, бинобарин, уларнинг функционал фаоллигига боғлиқ бўлади.

Сув-туз мувозанати ички муҳитда барча параметрларнинг доимийлигини сақлашда, ҳамда қўплаб физиологик механизмларнинг нейрогоморал, овқатни ҳазм қилиш, ажратиш ва бошқа системаларнинг фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Уларнинг фаолияти ташналикни сезиш билан боғлиқ бўлиб, организмнинг марказий асосий системасига сувнинг етишмаслиги ҳақида хабар беради.

Асосан, табиий ва ёлғон ташналик (чанқоқлик) мавжуд.

**Табиий ташналик** асосан қоннинг таркибидаги сув миқдорининг камайиши ва унинг қуюқлашуви билан боғлиқ. Қон томирларнинг рецепторлари орқали сигнал гипоталамусда жойлашган ташналик марказига юборилади. Гипоталамусни қўзғатиш ташналикни туйғусини ҳосил қилади. Ташналикни (чанқоқликни) босиш учун асосан тузланган, нордон, минерал сувларни, морс, нон қавати, мева ва яшилликларни ичиш тавсия этилади.

**Ёлғон ташналик** – киши оғзининг шиллиқ пардасининг қуриши билан асосланган бўлиб, маърузаларни ўқиш вақтида, инсонларнинг юқори ҳарорат кўтарилганда, ҳавонинг исинишида, вегетатив асосий системасининг симпатик бўлимининг қўзғалишида: асаб системаси таранглашиши, стрессли пайтларда ҳосил бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларда киши организмга суюқликларни киритилишининг ҳаётини хоҳати йўқ. Ёлғон ташналик, сўлак секрецияларини қўзғатувчиларни: нордон қандчилар, оғизни сув билан чайқаш, газлаштирилган сув ичиш билан бартараф этилади.

... қилиши учун буфер тузлар қўшилади. Муҳитнинг рН  
... ва қанд концентрацияси бир хил бўлган метоксилланиш  
... юқори бўлса, студень ҳосил бўлиш ҳарорати баланд  
... қилиши.

Паст метоксилланган маҳсулотларнинг студень ҳосил қилиш  
...  $\text{Ca}$  нинг турли тузларини қўллаш йўлибилан  
... қилилади.  $\text{CaCl}$  яхши эрувчан туз студень ҳосил бўлишини  
... қилиради. Калций, жараёни тезлигини пасайтиради.  
... даражаси 40-50% атрофида бўлган, куруқ  
... миқдори ва кислота миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда оз  
...  $\text{Ca}$  билан студень ҳосил қилади.

Агар, маҳсулотда 70-80% куруқ моддалар миқдори бўлса,  
... ҳосил қилиш учун  $\text{Ca}^{++}$  ионлари кифоя.  $\text{Ca}$  концентрацияси  
... билан қотиш ҳарорати ҳам ортади. Паст метоксилланган  
... кўрсаткичи рН 2,9-5, 5 бўлганда ва куруқ моддалар миқдори  
... кам бўлганида студень ҳосил қила оладиган жараён  
... метоксилланиш даражаси билан боғлиқ бўлади.

Юқори метоксилланган маҳсулотлар студенларида тугунлар занжирли сегмент таъсири остида ҳосил бўлиб, улар галактурон кислота қолдиқларидан ташкил топган. Бундай системаларда студень ҳосил бўлиш шарти шуки, куруқ моддалар миқдорисалмоғи юқори бўлиб, у эритувчи ва кислоталар хоссаларини ўзгартириб, метилланмаган галактурон кислота қолдиғини диссоциясини йўқотиши керак. Бунда Са ионлари студень ҳосил бўлишига таъсири кам бўлади.

Паст метоксилланган маҳсулотлар студенларида тугунлар шундай занжирли сегментдан ҳосил бўладики, улар таркибда метоксилланмаган галактурон кислота қолдиқлари бўлади. Бундай системаларда студень ҳосил қилиш учун, металл ионлари ва кислоталар бўлиши, улар эса эркин галактурон кислота қолдиғини ионизациясини йўқотиши керак.

Иккала студень структурасига таркибдаги рамноза таъсир этиб, рамнагалактуронан чизикли конформациясини бузади.

Юқори метоксилланган студень ҳосил қилиши учун, эритманинг паст сув активлиги ва кислотали муҳит эркин карбоксил группалар диссоциация даражасини пасайтириши зарур бўлади.

Юқори метоксилланган (куруқ моддалар миқдори 60-65%) студень ҳосил қилиш учун, муҳит рН кўрсаткичи 2,6-3,1 рН нинг бу қиймати метоксилланиш даражаси ва препаратлари тозалигига боғлиқ бўлади.

Паст метоксилланган рН 2,5-3,5 да студень ҳосил қилиб, юқори сув активлиги ва Са ионлари мавжудлигини кўрсатади. Студень ҳосил бўлиш жараёнига муҳит кўрсаткичи рН эмас, кислота аниони ҳам таъсир этади.


Бир катионли металл ионларистудень ҳосил қилишини камайтириб, уларнинг эрувчанлигини орттиради. Аммо, молекуласи катта бўлса, бир оз лимон ёки вино кислотаси қўшилса бир валентли катионларни сиқиб чиқариб, пектовая кислотани озод қилади ва студень ҳосил бўлишини яхшилайдди.

Ацетил группаларининг 1% дан ортиғи студень ҳосил бўлиши камайганда, маҳсулотлар нисбатан паст термостабил ҳисобланади.

Паст метоксилланган маҳсулотлардан олинган студень ўз шаклини узоқ вақт юқори ҳароратда сақлаб туради. Шунинг учун у



сиз жонс, жем ва бошқа консерва махсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.



300 2. 63. 7pH

### 6.9. Крахмалнинг несиклик таъсирида ўзгариши

Пазандалик ишлови натижасида крахмалда гидролизланиш (ферментатив ва кислотали), декстринланиш ва елимланиш каби ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Картошкани пиширганда, хамирни эса қорганда ва ёлганда фермент (амилоза)лар таъсирида ферментатив гидролизланиш ҳодисаси рўй беради. Крахмал гидролизланганда қанд ҳосил бўлади. Картошка қайнатилганда қанд қайнатмага ўтади. Сардак қайнатилганда ва нордон мевалардан кисель тайёрланганда крахмал қисман кислотали гидролизланади. Сардак узоқ қайнатилганда ундаги крахмалнинг 25 фоизи декстрин ва қандга айланади. Бу сардакнинг мазаси ҳазм бўлиши ҳамда қуюқ-сууюқлигига яхши таъсир этади.

**Крахмал 110 градус** ва ундан юқори ҳароратгача қиздирилганда декстринланади. Картошка ва буланган масаллиқ қонурилганда, ёрма қовурилганда, хамирдан ясалган махсулот ёшилганда, ун пиёздоголганда, макаронли махсулотлар сингитиб пиширилганда декстринланиш содир бўлади.

Қизарган декстрин (елимшак модда) маҳсулотнинг сиртига ёки унинг бутун мағзига ҳам (ун, ёрма) характерли тус беради. Бунда сувда эрувчи моддаларнинг миқдори кўпаяди ва таомнинг мазаси ўзгаради.

Краҳмал дончалари тузилишининг (структураси) бузилиши ва уларнинг букиши елимланиш дейилади. Краҳмал дончаси мураккаб биологик таркибот бўлиб, асосан икки полисахарид: амилоза ва амилопектиндан иборат, булар билан бирга бошқа моддалар (фосфор кислота ва бошқалар ҳам бўлади). Амилоза кам қовушоқ эритма, аминокпектин эса бўкиб дирилдоқ гел ҳосил қилади.

Елимланиш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда краҳмал дончалари ҳали тузилишини йўқотмайди, иккинчи босқичда эса пуфакка айланади. Бу пуфакчаларнинг қобиғи амилопектиндан иборат бўлиб, ички томонида амилоза эритмаси бўлади. Сувни ўзига сингдира олиши туфайли краҳмал эритмаси қовушоқ бўлади.

Елимланиш жараёнининг биринчи босқичида краҳмал оз сув билан (краҳмал оғирлигига нисбатан 100 фоизгача сув билан) 100 градусгача қиздирилади. Бу босқич ундан тайёрланган маҳсулотларни ёпганда содир бўлади.

Елимланишнинг иккинчи босқичида краҳмал кўп миқдордаги сув билан елимланиш ҳароратидан юқори ҳароратгача қиздирилади. Бу ҳарорат турли хилдаги краҳмал учун турлича: картошка краҳмали учун 62-68 градус, буғдой краҳмали учун 53-57 градус, маккажўхори краҳмали учун 64-70 градус бўлади. Елимланишнинг иккинчи босқичида краҳмал дончалари анчагина сувни (200-400%) ўзига сингдиради. Краҳмал сувни бир хилда сингдирмаслиги туфайли турли ёрмадан тайёрланган фарғуша бўтқа ҳар хил бўлиб пишади.

Краҳмалнинг елимланиши асосан амилозанинг қўйи молекулали фракцияси ҳисобига эрувчи моддаларнинг миқдорини анчагина оширади. Краҳмал қанчалик кўп сув сингдирса, сувда эриган моддаларнинг миқдори шунча кўп бўлади.

Сувда эриган моддаларнинг миқдори ёрмадагига қараганда бўтқаларда 2-10 марта кўп бўлади. Гурунч ва буғдой ёрмасидан тайёрланган бўтқада сувда эриган моддалар кўп бўлганлиги учун бундай бўтқалар яхши ҳазм қилинади. Оз миқдордаги краҳмал кўп

сундаузоқ вақт қайнатилса, крахмал доначалари бўкиб ҳажми бирнеча марта катталашади ва ҳосил бўлган пуфакчалар ёрилади. Бунда крахмал дирилдоғининг қовушоқлиги кескин камаяди. Крахмал кам солинган киселларнинг узоқ қайнатганда суюлиши ҳам шундан. Кислоталар айниқса, лимон кислотаси (жоҳарлиму) крахмал доначаларининг парчаланишига ёрдам беради.

### 6.10. Хужайра деворларининг углеводи


Ўсимлик маҳсулотларини пиширганда юмшаши уларнинг ҳазм бўлишини жуда яхшилайди, шунинг учун ҳам бунинг аҳамияти катта.

Ўсимлик маҳсулотлари юмшашишининг асосий сабаби хужайра деворларидаги углеводларнинг физик-кимёвий жиҳатдан кучли ўзгаришидир. Хужайра деворларининг асосий углеводи-клетчатка унинг асосий структурасини ташкил қилади. Айрим хужайралар протопектин пардалари билан бирикади. Пектин моддалари ва ярим клетчатка хужайра девори таркибига киради.

Протопектин ва бошқа эримайдиган пектин моддаларикайнатиш жараёнида эрувчи пектинга ўтади. Бунда айрим хужайралар ўртасидаги боғланиш анча бўшашади. Пектин моддалари, ярим клетчатка ва хужайра қобиғидаги пентозанларнинг эриши хужайраларни анча бўшаштиради, лекин уни бутунлай парчалай олмайди. Шунинг учун маҳсулотнинг хужайра структураси асосан ўзгармайди.

Протопектиннинг эрувчи пектинга ўтиши қуйидагича содир бўлади. Протопектин узун занжир ҳолида бириккан полигалактурон кислотамолекулаларининг каттагина қолдиқларидан тошқил топган мураккаб бирикмадан иборат; бу узун занжир бир-бири билан турлича, асосан кальций ва магний ионлари орқали боғланади. Масаллик пиширганда кальций ва магний атомлари натрий ва калийнинг бир валентли ионлари билан алмашинади. Буни схематик равишда қуйидагича тасвирлаш мумкин.

(ГК- галактурон кислота молекулалари қолдиғи).



COONa

COO

---ГК-ГК-ГК-ГК----

---ГК-ГК-ГК-ГК---

Кальций (ёки магний) ионларининг натрий (ёки калий)нинг бир валентли ионлари билан алмашиши полигалактурон кислота занжирлари ўргасидаги боғларнинг парчаланиши ва протопектиннинг пектинга айланишига сабаб бўлади. Бу қайтар реакциядир. Бу реакцияни амалга ошириш учун реакция муҳитида фитин моддаси (олти асосли спирт-инозитнинг мураккаб эфири ва фосфор кислотаси) бор. Фитин ажралаётган кальций ионларини бириктиради ва протопектиннинг пектинга айланишига ёрдам беради. Лекин кальций ионлари фитин билан кислотали муҳитда бирикмайди. Шунинг учун кислота протопектиннинг пектинга айланишига ва сабзавотларнинг юмшашига тўсқинлик қилади. Бу жараён таркибида кальций ва магний ионлари бўлган қаттиқ сувда жуда секин ўтиши табиий.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Ўсимлик маҳсулотларининг асосий таркибий қисми қайси моддалардан ташкил топган?
2. Резавор мева ва илдиз меваларнинг таркиби нима учун ширин, уларда қандай моддалар бор? Уларга иссиқлик ишлови берилганда қандай ўзгаради?
3. Карамелланиш жараёни деб нимага айтилади? Мисоллар тариқасида тушунтириб беринг?
4. Крахмал. Декстринланиш ва елимланиш жараёнини тушунтириб беринг? Елимланиш нима? Бу жараён неча усулда амалга оширилади?
5. Саноатда қайси маҳсулотлардан крахмал олинади? Крахмал олишнинг технологик жараёнини тушунтириб беринг?
6. Крахмалнинг елимланиш жараёни қайси маҳсулотларда қандай содир бўлади? Ёрма, дуккакли, донларда бу жараён қандай кечади?
7. Хужайра деворларининг углеводи деганда нимани тушунаси? Мисоллар тариқасида тушунтириб беринг. Ўсимлик маҳсулотларини пиширганда юмшаши нималарга боғлиқ бўлади?

8. Протопектин нима, унинг эрувчи пектинга ўтиш жараёнини кўрсатириб беринг?

9. Масаллиқларни пиширганда таркибидаги минерал моддалар қандай ўзгаради?

10. Углеводларга қайси моддалар киради?

11. Углеводларга бой бўлган сабзавотларни янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, кимёвий таркибини ўрганиб чиқинг ва “Кластер” усулидан фойдаланиб схематик тарзда асосланг?

12. Таркибида углеводларга бой бўлган меваларни классификациясини тузинг ва “Венн диаграммаси”дан фойдаланиб, уларни умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини ёзув диаграммисига жадвал асосида ёзиб чиқинг?

13. Мева ва сабзавотларни кимёвий таркиби жиҳатидан бир-бирига ўхшаш томонларини, сифат кўрсаткичларини ва органолептик хоссаларини “Синквейн” усулидан фойдаланиб шикланг?

14. Ўсимлик маҳсулотларининг юмшашининг асосий сабаблари.

15. Протопектиннинг эрувчи пектинга ўтиши.

16. Кальций магний ионларининг алмашилиш жараёнлари.

## ҲҲ БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЛИПИДЛАР. ЛИПИДЛАР (ЁҒЛАР) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

### 7.1. Липидлар

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида сувда эримайдиган, аммо, органик эритувчиларда яхши эрийдиган табиий бирикмалар учрайди. Бундай бирикмалар липидлар деб аталади. Липидлар кимёвий таркиби, тузилишига қараб ёғлар, мумлар, фосфотидлар, гликолипидларга бўлинади. Шулардан энг кўп тарқалган ёғлардир.

Ёғлар асосий энергия манбаи бўлиб, таомнинг калориясини белгилаб беради. Бунинг устига, ёғлар организмдаги оксиллик химоячиси ҳисобланади, организмда ёғ моддалари етарли миқдор бўлса, оксил моддалар камроқ емирилади. Ёғлар организм парчаланар ва ёнар экан, оксилларга ҳамда углеводларга нисбатан 2,5 баравар кўпроқ энергия ҳосил қилади.

Организмдаги ёғ моддалари истеъмол қилинган таом таркибидаги ёғдангина эмас, балки углеводлар ва оксиллардан ҳам ҳосил бўлади.

Ўсимликлар, яъни резавор, мева ва сабзавот тўқималарида ҳам моддалари жуда кам бўлади, лекин кишининг овқатланишида яшашу оз миқдордаги ёғлар ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар организмда модда алмашинувида қатнашади. Кейинги вақтлардаги маска ёғи, эритилган сариеғ, қаймоқ ва ширава таркибидаги ёғларгина организм учун фойдали деб ҳисобланилади. Лекин тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, ўсимлик мойларининг чунончи: чигит ёғи (пахта мойи), кунгабоқар ёғи, маккажўхори ёғи жуда катта физиологик аҳамиятга эга экан: улар организмни турли касалликлардан химоялайдиган, шунингдек, ёш организмнинг ўсишига ёрдам берадиган витаминлар вазифасини бажаради.

Катта ёшдаги кишининг кундалик таомида ўсимлик мойи етилмаган ҳолларда организмда зарарли ва заҳарли маҳсулотлар биринчи навбатда, ёғларнинг тўла ёнмаслигидан вужудга келадиган маҳсулотлар тўпланиб, қонда холестерин алмашув жараёни издан чиқади, бунинг оқибатида юрак-томир системаси касаллиги атеросклероз пайдо бўлади.

Ёғлар юқори калориялиги ва биологик фаоллиги учун озиқ-овқатнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Организмда ёғ




... (оксидланганда) 37,7 кЖ (7,3 ккал) иссиқлик ажралади, ... 1 грамм углевод ёнганидагига қараганда тахминан икки ... кўпроқ иссиқлик чиқади. Бундан ташқари ёғ истеъмол ... натижасида организм энг зарур ёғда эрувчи А, D, E ... ҳам ёғлар ҳисобига олади. Шуни ҳам айтиш ... киши саломатлиги учун тўйинмаган ёғ кислоталари ... аҳамияти айниқса муҳим. Ёғлар организмда ... углеводлар билан бир қаторда хужайраларнинг асосий ... бири ҳисобланади.

Иссиқларнинг кундалиқ сарф қилган энергия миқдорига қараб ... киши бошига бир кунда истеъмол қилинадиган ўртача ... 80-100 гр деб қабул қилинган.

Ёғлар нимадан олиншига қараб ўсимлик ва ҳайвон ёғларига ... Одатда, ўсимликларнинг мева ва уруғларидан мой ... олинади. Ҳар хил ўсимликлар учун таркибидаги мой ... ҳар хил бўлади. Масалан, чигитда 16-29, кунгабоқар ... 33-57, зиғирда 37-50, ёнғоқда 60-74, сояда 14-25, ер ёнғоқда ... 40-61 фоиз миқдорида мой бўлади.

Шунинг учун ҳам бу ўсимликлар мой берадиган ўсимликлар деб ... Ҳайвонлар ёғларига эса эритилган мол, қўй, уй ... (товуқ, ғоз, ўрдак, курка), илик ёғи, денгиз сут ... ҳайвонлари ва балиқ ёғлари киради.

Ёғлар кимёвий таркибига кўра юқори молекулали ёғ ... уч атомли спиртлар (глицерин) билан ҳосил ... мураккаб эфирларидир. Демак, ёғлар қуйидаги умумий ... :



Буида:  $R_1, R_2, R_3$  – ёғ кислоталарининг радикаллари дур. Шу ... бундай тузилган ёғлар триглицеридлар деб ҳам аталади. ... триглицеридларнинг таркибида глицеринни ҳиссаси 10 фоизни, ёғ ... ҳиссаси эса 90 фоизни ташкил этади. Ёғларнинг

физик-кимёвий хусусиятлари глицерин билан эфир боғларини ҳосил қилувчи ёғ кислоталари табиати билан аниқланади.

Ёғлар таркибига учрайдиган ёғ кислоталари тўйинмаган ва тўйинган ёғ кислоталаридан иборатдир.

Ёғларнинг уй ҳарорати шароитида қаттиқ ёки суяқ бўлиши, уларнинг таркибида қанчалик даражада тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари борлиги билан характерланади. Қаттиқ ёғларда, яъни ҳайвон ёғлари таркибида тўйинган ёғ кислоталаридан пальмитат, стеаринат, лауринатлар кўпроқ бўлади. Ўсимлик мойларида эса жуда кўп тарқалган тўйинмаган ёғ кислоталари – олеинат, линолат, линоленат кислоталари бўлади.

Ёғларнинг кўпчилиги баъзи бир умумий физик хусусиятларга ҳам эгадирлар. Ҳамма ёғлар ҳам сувдан енгил ва сувда эримайди. Аммо, ёғлар органик эритувчилар (бензин, ацетон, эфир) да яхши эрийди. Ёғлар сув билан аралашганда кучсиз ишқорлар, оксиллар ва бошқа эмульгаторлар таъсирида эмульсиялар ҳосил қилиши мумкин. Ёғларнинг бу хусусиятидан маргарин маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Ёғларга хос бўлган муҳим хусусиятлардан яна бири уларнинг кислород таъсирида оксидланишидир. Ёғларнинг ферментлар иштирокисиз кислород таъсирида бузилиши ўздан-ўзи оксидланиш деб юритилади. Оксидланиш тўйинмаган ёғ кислоталарига кислород бирикиб перёкис бирикмаларини ҳосил қилишдан бошланади. Перёкис бирикмалари унча турғун бирикмалар бўлмаганлиги сабабли тезда парчаланиб альдегид ва кетонларни ҳосил қилади.

Ёғларнинг оксидланиши ташқи омиллар, жумладан, сув, ҳаво, ва ёруғлик таъсирида тезлашади. Уларнинг таркибида қанча тўйинмаган ёғ кислоталари кўп бўлса, улар шунча тез оксидланади. Ёғларнинг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган турли моддалар, масалан, альдегидлар, кетонлар, мой кислоталар қўланса ҳидли ва тахир таъмли бўлади. Шунинг учун ҳам ёғларни сақлаганда кислород таъсиридан сақлаш зарурдир.

Тўйинмаган ёғ кислоталаридаги кўш боғга водород атомларининг бирика олиши ҳам ёғларга хос бўлган муҳим хусусиятлардандир. Бу гидрогенланиш реакцияси натижасида суяқ мойлар қаттиқ ёғларга айланади. Гидрогенланган ёғлар эса маргаринлар олишда кенг қўлланилади.



Ёғлар таркибида ёғга ўхшаш моддалар ҳам учраши мумкин. Буларга мумлар, фосфотидлар, стеринфосфотидлар, ёғда эрувчи витаминлар, эркин ёғ кислоталари ва бошқалар киради. Лекин уларнинг миқдори ёғлар таркибида 2-3 фоиздан ошмайди.

## 7.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги ёғларнинг ўзгариши

Балиқ ва гўшти пиширганда ёғ миқдори анча камаяди. Судак, чўртан, треска ва бошқа балиқлар димлаб пиширилганда 14-50% ёғини, сазан, лешч 4-14%, осётр балиқлари эса 3-6% ёғини йўқотади.

Суяк ўз оғирлигига нисбатан 2,9 дан то 5,12 фоизгача ёғини ёки таркибидаги 25,7 дан то 43,3 фоизгача бўлган ёғини йўқотади. Гўшт эса 40 фоизгача ёғини йўқотади. Ёғнинг бир қисми шўрванинг бетига чиқади, бир қисми эса эмульсияланади.

Таом пиширилаётганда ёғнинг эмульсияланиши унчалик маъқул эмас, чунки кислота ва тузлар таъсирида эмульсияланган ёғ осон гидролизланади ва гидролиз маҳсуллари шўрванинг мазасини ва ҳидини ёмонлашади. Ёғ гидролизланганда глицерин ва ёғ кислоталари ҳосил бўлади. Эмульсияланишни камайтириш учун шўрванинг ёғини вақт-вақти билан олиб туриш ва шўрвани кучли кайнатмаслик керак.

Ярим тайёр масаллиқлар турли хил ёғда қовурилади. Юқори ҳароратда ёғлар анча ўзгаради. Қовурганда ёғнинг бир қисми йўқолади, шўрва қаттиқ қайнаганда ёғи сачраб ва сув буғи билан чиқиб кетиб йўқолади. Ёғнинг сингиши кўпгина омилларга, биринчи навбатда қовурилаётган маҳсулотнинг намлигига боғлиқ. Ёғнинг сингиши маҳсулот таркибидаги сувнинг қандай ҳолатдалигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Коллоид ҳолида боғланган сув (масалан, крахмал сингдирган сув) қийинроқ буғланиб, ёғнинг сингишига қаршилиқ кўрсатмайди. Шунинг учун картошка қовурилаётганда ўз вазнига нисбатан 5, 3 фоизгача ёғни сингдирса, пиширилган картошка эса 7, 6 фоизгача ёғни сингдиради.

Маҳсулотга сингиган ёғ кам ўзгаради, лекин идишдаги ёғ узок қайнатилганлигидан анчагина ўзгариши мумкин. Олеин, линол ва линолен каби тўйинмаган ёғ кислоталари айниқса кучли ўзгаради. Бу ёғ кислоталарининг физиологик аҳамияти катта.

Ўсимлик ёғида линолен ва линол кислотаси бор. Бу кислоталар узоқ қовурилганда оксидланиши мумкин. Шунинг учун ўсимлик ёғини узоқ доғлаш ярамайди.

Сариёғ ҳам анчагина ўзгаради, лекин унинг ҳазм қилиниши ўзгармаса ҳам, анча қимматли ўта тўйинмаган ёғ кислоталарининг парчаланиши туфайли физиологик қиммати бирмунча йўқолади. Шунинг учун сариёғни маҳсулотни қовуриш учун эмас, балки сардак тайёрлаш ва тайёр таомга қўшиш учун ишлатилади.

Ёғга чўмиб қовурганда масаллик бўлакчаларининг қўйишидан ҳосил бўлган моддалар ёғнинг бузилишини тезлатади. Шунинг учун бундай ёғни вақти-вақти билан сузиб туриш керак.

Ёғнинг таркиби қовуриш жараёнида асосан қуйидагича ўзгаради: оксидланиши натижасида оксид ва пероксид ҳосил бўлади, глицерин парчаланиб акролеин (кўз ёшини оқизувчи модда) пайдо бўлади, полимерланади, триглицеридлар тутун ҳосил қилиб, қисман гидролизланади ва кучли парчаланади.

Тутун пайдо бўлиш ҳарорати бир хил бўлмай, у ёғнинг табиатига (ўсимлик ёғида тутун ҳосил бўлиш ҳарорати паст, ошхонабоп ёғларда эса юқори), ёғнинг кислоталик даражасига (кислоталик даражаси қанчалик юқори бўлса, тутун ҳосил бўлиш ҳарорати шунчалик кичик) боғлиқ бўлади.

Ёғнинг таркиби кераксиз ўзгариб кетмаслиги учун 170 градусдан юқори қиздирмаслик керак, қайнатиш жараёнида эса ёғ қисман гидролизланиши мумкин.

### **Такрорлаш учун муаммоли назоратсаволлари.**

1. Липидлар қанақа моддалар, тушунтириб беринг?
2. Ёғларнинг организмдаги аҳамияти нималардан иборат?
3. Катта ёшдаги кишиларнинг қундалик истеъмолида ёғларнинг етишмаслиги қанақа оқибатларга олиб келади?
4. Организмда ёғлар оксидланганда қанча энергия ҳосил бўлади?
5. Ёғлар нималардан олинади?
6. Қайси ўсимликлар мой берадиган ўсимликлар деб аталади?
7. Ёғлар таркибида учрайдиган ёғ кислоталари неча турга бўлинади?
8. Ёғларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг?

### 7.3. Ёғларнинг кимёвий таркиби, хоссалари ва аҳамияти

Липидлар сувда эримайдиган, аммо, органик эритувчиларда – спирт, ацетон, бензол, хлороформ ва бошқаларда яхши эрийдиган табиий органик бирикмалардир. Липидлар кимёвий таркиби, тузилиши ва организмдаги функциясига қараб ёғлар, мумлар, фосфотидлар ва гликолипидларга бўлинади.

Озиқ-овқат кимёсида липидлардан ҳақиқий ёғлар, юқори молекулали ёғ кислоталари, фосфалипидлар ўрганилади.

Озуқавий ёғлар инсон рационали учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Аввало ёғлар инсонлар учун энергия манбаи бўлиб хизмат қилади. Инсон кундалик ҳаёт фаолиятида сарф қиладиган энергиянинг қарийиб учдан бир қисмини ёғлар ҳисобига олади. 1 грамм ёғнинг энергия бериш қобилияти 37,7 кЖни ташкил этади.

Ёғларнинг бир кунлик илмий асосланган истеъмол меъёри ўртача 100 гр. Лекин, бу кўрсаткич инсонларнинг жинси, ёши, ҳаёт фаолиятларига қараб 80-120 граммларни ташкил этиши мумкин. Белгиланган меъёрнинг 60% дан кўпроғи ҳайвон ёғлари ҳисобига тўғри келиши керак.

Ёғлар инсон организмни фақатгина энергия билан таъминлаб қолмасдан, хужайраларнинг тузилишида иштирок этиб, организмда қурилиш материали вазифасини ҳам бажаради. Тери остида ёғ тўқимасининг ҳосил бўлиши бундан яққол далолат беради. Шунингдек, ёғлар инсон организмни ташқи муҳитдан ҳимоя қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Ёғларнинг аҳамияти фақат юқорида айтилганлар билан чекланиб қолмасдан, улар организмда катта физиологик жараёнларда ҳам иштирок этишини қайд этиш лозим. Ёғларнинг физиологик аҳамияти шундан иборатки, ёғларда инсон ҳаёти учун зарур бўлган фосфатидлар, витаминлар, ўрин алмаштирмайдиган юқори даражада тўйинмаган ёғ кислоталари ва бошқа фаол моддалар мавжуддир. Бу физиологик фаол моддалар эса инсон ҳаёти фаолияти учун зарур бўлган ҳамма жараёнларда иштирок этади.

Масалан, ёғлар таркибидан учрайдиган тўйинмаган ёғ кислоталари инсон организми қон томирлари деворига ўтириб қоладиган холестеринни организмдан чиқариб, атеросклероз касаллигидан сақлайди. Шу сабабли ҳам кам ҳаракат қилувчи

одамлар, айниқса қариялар ўз рационларига кўпроқ ўсимлик мойларини киритишлари мақсадга мувофиқдир. Ёғлар овқатга тўғридан-тўғри истеъмол қилинишидан ташқари маргаринлар, майонезлар, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғлар олишда ҳам кенг қўламда ишлатилади.

Ёғлар юқори молекулали ёғ кислоталарининг уч атомли спиртлар (глицерин) билан ҳосил қилган мураккаб эфирларидир. Шу сабабли бундай тузилган ёғлар триглицеридлар деб ҳам аталади.

Ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари улар таркибида учрайдиган ёғ кислоталарининг табиати билан аниқланади. Ёғлар таркибида учрайдиган барча ёғ кислоталар тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталардан иборатдир.

Ҳайвон ёғларининг ўзига хос хусусиятлари, биринчи навбатда уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлади. Ҳайвон ёғлари ўсимлик мойларидан триглицеридлари молекуласида стеаринат, палмитинат, миристинат каби тўйинган ёғ кислоталарининг кўплиги билан фарқ қилади. Ҳайвон ёғлари ёғ кислотасининг тузуми 26-жадвал маълумотларида келтирилган.

26-жадвал

Асосий ҳайвон ёғларининг ёғ кислотаси тизими

Кислота номлари	Кислоталар миқдори, %			
	қорамол ёғи	қўй ёғи	чўчка ёғи	қорамол суюғи ёғи
Тўйинган ёғ кислотаси:				
Лауринат	0-0,2	0-0,1	0,1	0,1-1,6
Миристинат	2-8	1-4	0,7-1,1	2, 4-4, 9
Палмитинат	24-33	20-28	26-32	18, 2-32
Стеаринат	14-19	25-32	12-16	7, 1-15, 5
Арахинат	0,4-1,3	-	-	0,6-0,8
Тўйинмаган ёғ кислотаси:				
Тетрадецин	0,4-0,6	0,2-0,4	0-0,3	0,7-1,8
Гексадецин	1,9-2,7	1,3	2-5	3, 0-5, 8
Олеин	39-50	36-47	41-51	43, 2-56, 6
Линолат	0-5	3-5	3-14	1,3-3,3
Линоленат	0-0,5	0,5-1	0-1	0,7-1
Арахидонат	0-0,5	0,1	0,4-3	0,6

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳайвон ёғларида учрайдиган тўйинмаган ёғ кислоталаридан асосийси олеин кислотаси ҳисобланади. Тўйинмаган ёғ кислоталарининг бошқа гуруҳлари ҳайвон ёғларида кам миқдорни ташкил этади. Ҳайвон ёғларининг бошқа ёғлардан ёғ кислотаси тузуми бўйича фарқларидан яна бири шундаки, ҳайвон ёғлари таркибида ўсимлик мойларида учрамайдиган араҳидонат кислотаси бўлиши ҳам аниқланган.

Ҳайвон ёғларининг уй ҳароратида қаттиқ ёки юмшоқлиги, суоқланиш ва қотиш температуралари, ҳазм бўлиш даражаси, йод сони ва бошқа физик-кимёвий кўрсаткичлари уларнинг таркибига кирувчи ёғ кислоталарининг тўйинган ёки тўйинмаганлигига ҳамда уларнинг миқдorigа боғлиқ бўлади.

Куйидаги 27-жадвалда эса, асосий ўсимлик мойлари таркибида учрайдиган ёғ кислоталари миқдори келтирилган.

27-жадвал

### Ўсимлик мойлари таркибида ёғ кислоталари миқдори

Кислоталар	Миқдори, % ҳисобида			
	пахта мойи	кунгабоқар мойи	зигир мойи	маккажўхори мойи
Палмитинат	20	-	12	15
Стеаринат	2	9	12	15
Олеинат	31	39	19	14
Линолат	40	46	16	61
Линоленат	-	-	52	-

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўсимлик мойлари таркибида учрайдиган асосий ёғ кислоталари тўйинмаган ёғ кислоталари экан. Ўсимлик мойлари таркибида тўйинмаган ёғ кислоталарининг кўп бўлиши эса уларнинг ўзига хосхусусиятларини белгилайди.

Ёғларнинг асосий таркибий қисмини триглицеридлар ташкил этсада, маълум миқдорда бошқа моддалар ҳам учрайди. Буларга фосфатидлар, витаминлар, ранг берувчи моддалар, эркин ёғ кислоталари ва стеринларни киритиш мумкин. Бу моддаларнинг миқдори ҳам ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Келиб чиқишига қараб ёғлар икки гуруҳга бўлинади: ўсимлик ва хайвон ёғлари. Ўсимлик ёғларини мойлар деб аталади. Улар қаттиқ ва суюқ ҳолда бўлади. Масалан, какао, какао ёнғоғининг мойлари қаттиқ ёғлар ҳисобланади. Кўпчилик ўсимлик мойлари суюқ ҳолда бўлади.

Хайвон ёғлари уй хайвонларининг ва денгиз хайвонларининг ёғларига бўлинади.

Баъзи ўсимлик уруғларида, меваларида, илдиз меваларида, умуман бошқа аъзоларида кўпроқ даражада ёғ тўпланганлиги учун ёғ берувчи ўсимликлар дейилади, уларда ёғнинг миқдори 50-70 фоизгача етади. Масалан, кунгабоқарнинг юқори даражадамой тўпловчи навларида ёғнинг миқдори 70 фоизгача боради. Лекин, мой олиш учун таркибида бундан анча кам миқдорда мой тўпловчи уруғлар ҳам ишлатилади. Кам мой берувчи ўсимликлар кўпчилик ҳолларда халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган бошқа маҳсулотлар олишда ишлатилади. Масалан, ғўза асосан пахта толаси олиш учун экилса, соя ўсимлиги эса асосан озуқавий оқсил олиш учун ва хайвонларга оқсилга бой озуқа сифатида экилади.

Ҳозирги кунда мой берувчи ўсимликларга 100 дан ортиқ ўсимлик турини киритиш мумкин. Лекин, уларнинг кўпчилигида ёғнинг миқдори унча кўп бўлмаганлиги туфайли мой ишлаб чиқариш саноатида ишлатилмайди.

Мой олиш учун ишлатиладиган асосий ўсимликлар уруғи таркибидаги мой миқдори 28-жадвалда келтирилган.

*28-жадвал*

**Мой берувчи уруғлар таркибида мой миқдори  
(курук моддасига нисбатан% ҳисобида)**

Ўсимликлар	Мой миқдори
Кунгабоқар	23,5-45,0
Ғўза (чигит)	15, 9-28, 6
Соя	13,5-25, 4
Рапс	38-45,0
Ёнғоқ	60,0-74,0
Ер ёнғоқ	40,2-60,7
Кунжут	46, 2-61,0
Зигир	36,8-49, 5
Наша ўсимлиги	30,0-38, 9
Какао-дуккаги	49-57,0
Зайтун (мевасининг эти)	23-49, 0

Бу 28-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мой берувчи уруғлар таркибидаги мой миқдори билан бир-биридан маълум даражада фарқ қилар экан. Мой берувчи асосий ўсимлик кунгабоқар ва ғўзадир. Шу сабабли, инсон рациониди ишлатиладиган асосий мой ҳам кунгабоқар ва пахта мойи ҳисобланар эди. Эндиликда ўсимлик ёғларининг турлари кўпайиб, сифатли ёғ маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Юқоридаги жаadwalда қайси ўсимликлардан ёғлар олиш мумкинлиги ва уларнинг таркибидаги мой миқдори келтирилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, мой ишлаб чиқаришда маълум даражада таркибида ёғ бор чикиндиларни ҳам ишлатиш мумкин. Масалан, крахмал-патакаси ва ун-ёрма саноатида ажралиб чиқадиган маккажўхори куртагидан маккажўхори мойи олинади. Шунингдек, озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган мойлар донларнинг куртакларида (буғдой, сули, арпа ва бошқалар) ва сабзавотларнинг уруғларида (узум, олма, помидор, тарвуз ва бошқалар) ҳам бўлади.

Куйидаги 29-жаadwalда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида, ҳосил бўладиган озукавий чикиндилар таркибида бўладиган мойларнинг миқдори келтирилган.

#### 29-жаadwal

#### Озукавий чикиндилар таркибида липидлар миқдори (абсолют куруқ моддасига нисбатан% ҳисобида)

Хом-ашёсининг тури	Мойлилик даражаси
Муртақлари:	
буғдой	10-17
сули	11-13
маккажўхори	30-48
Кепақли:	
гуруч	8-18
тариқ	10-24
Данақли:	
ўрик	35-45
олхўри	30-50
гилос	30-39
бодом	42-53
Уруғли:	
помидор	25-35
узум	10-15

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, озиқ-овқат чиқиндилар таркибида ҳам эътиборга молик миқдорда молиқ бўлар экан. Лекин, охириги йилларгача таркибида мой бўлаётган озиқ-овқат чиқиндилари бизнинг республикамизда саноат миқёсида ишлатилмай келинди. Бу чиқиндилар аксарият ҳолида ишлатилмасдан ташлаб юборилар ёки молларга ем сифатида қўлланилар эди. Экспериментал-тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, бу чиқиндилардан олинган мойлар озиқ-овқат саноатида ҳам тўғридан-тўғри ишлатилиши мумкин экан.

Бу мойларни атторлик ва тиббиёт соҳаларида ишлатиши мумкинлиги эса қадим-қадимлардан маълумдир. Демак, бу хом ашёларни ҳам қайта ишлаб, мой ишлаб чиқаришни амалга ошириш халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу масала ҳозирги кунда мустақил республикамизда катта эътибор берилмоқда. Мева-сабзавот консервалари саноати чиқиндиларни қайта ишлаб мой оладиган Қўкон мой-экстракция заводини қурилиши ва ишга туширилиши фикримизнинг далилидир. Лекин бу қилинаётган ишларга қарамасдан иқтисодий алоқаларни сусайиши туфайли мой танқислиги сезилмоқда. Бу муаммони тезроқ ечиш учун, албатта пахтадан ташқари бошқа мой берувчи экинларни кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шуни айтиш керакки, бутун Ер шарида асосий мой берувчи ўсимликлар бор, улар жами ишлаб чиқиладиган мойнинг 92 фоизини беради. Шуларнинг қарийиб 54 фоизи соя, 14,5 фоизи гуё, 10,2 фоизи ерёнғок, 8,7 фоизи кунгабоқар, 5, 8 фоизи рапсда олинади. Бу келтирилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки соя дунё миқёсида мой ишлаб чиқариш ҳажми бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари соя экиладиган майдонларни кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

### Мойли уруғларнинг анатомик тузилиши ва кимёвий таркиби

Мойли уруғларнинг анатомик тузилишининг ўзига хослиги уларнинг тўқималарининг физик-механик хусусиятларини белгилайди ва улардан мой ажратиш олиш технологиясига катта таъсир кўрсатади. Тўлиқ етишиб пишган уруғлар қобиқ ва қобиқ ичидаги мағиздан иборат бўлади. Липидларнинг миқдори уруғ массасининг тўртдан бир қисмидан то тўртдан уч қисмигачини



...идаги липидлар кўпчилиги ҳолларда углеводлар билан боғланган ҳолатда бўлади. Бундан ташқари уруғлар таркибида азотли моддалар, оксиллар, углеводлар ва бошқа бирикмалар учрайди.

Ёғларнинг хоссалари уларнинг таркибига кирувчи ёғ кислоталарига боғлиқ бўлади.

Ёғлар таркибида учрайдиган ёғ кислоталари тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталаридан иборатдир. Ёғларнинг уй ҳарорати шароитида қаттиқ ёки суяқ бўлиши, уларнинг таркибида қанчалик даражада тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари борлиги билан алоқадор бўлади. Қаттиқ ёғларда, яъни ҳайвон ёғлари таркибида тўйинган ёғ кислоталаридан пальмитат, стеаринат, лауринатлар кўпроқ бўлади.



Ўсимлик мойларида эса жуда кўп тарқалган тўйинмаган ёғ кислоталар—олеинат, линолат, линоленат кислоталари бўлади. Шунинг учун ҳам ўсимлик мойлари оддий шароитда суяқ бўлади.

Ёғларнинг таркибида юқори молекулали тўйинган ёғ кислоталарининг бўлиши уларнинг эриш ҳароратининг ошишига олиб келади. Ёғларнинг эриш ҳарорати қанча юқори бўлса, улар организмда шунча қийин ҳазм бўлади.

Ёғларнинг кўпчилиги баъзи бир умумий физик хусусиятларга эгадир. Ҳамма ёғлар ҳам сувдан енгил ва сувда эрмайди. Аммо, ёғлар органик эритувчилар (бензин, ацетон, эфир) да яхши эрилади. Ёғлар сув билан аралашганда, кучсиз ишқорлар, оксиллар ва бошқа эмульгаторлар таъсирида эмульсиялар ҳосил қилиши мумкин. Ёғларнинг бу хусусиятидан маргарин маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади.

Ёғлар бир қанча кимёвий хоссаларга ҳам эгадир. Масалан, ёғлар суни нитрокида, ферментлар, кислоталар ва ишқорлар таъсирида эфир боғларининг узилиши ҳисобига осон парчаланиб, эркин ёғ кислоталари ва глицерин ҳосил қилиши мумкин.

Бу ўзгаришни қуйидагича формула билан изоҳлаш мумкин:



Демак, ёғларнинг таркибида эркин ёғ кислоталарининг кўпайиши уларнинг сифатининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ёғларни навларга ажратишда уларнинг кислоталарини аниқланади.

Ёғларга хос бўлган муҳим хусусиятлардан яна бири уларнинг кислород таъсирида оксидланишидир. Ёғларнинг ферментлар иштирокисиз кислород таъсирида бузилиш ўзидан-ўзи оксидланиши деб юритилади. Оксидланиш тўйинмаган ёғ кислоталарининг кислород бирикиб перёкис бирикмаларини ҳосил қилишига бошланади. Перёкис бирикмалари унча турғун бирикма бўлмаганлиги сабабли, тезда парчаланиб альдегидвакетонларга ҳосил қилади. Ёғларнинг оксидланиши ташқи омиллар, жумладан сув, ҳаво ва ёруғлик таъсирида тезлашади. Уларнинг таркибида қанча тўйинмаган ёғ кислоталари кўп бўлса, улар шунча оксидланади. Ёғларнинг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган турли моддалар, масалан, альдегидлар, кетонлар, мой кислоталари қўланса хидли, тахир ва мазали бўлади. Шунинг учун ҳам ёғларни сақлаганда кислород таъсиридан ҳимоялаш зарурдир.

Ёғларга хос бўлган муҳим хусусиятларидан яна бири тўйинмаган ёғ кислоталардаги қўшбоғга водородатомларнинг бирика олишидир. Гидрогенланган ёғлар эса маргаринлар олиб кенг қўлланилади.

Ёғларнинг зичлиги 0,92 дан 0,95 гача бўлади ва уларнинг зичлиги таркибида юқори молекулали ёғ кислоталарининг оқибати билан камайиб боради.

Жуда юқори ҳароратда масалан, 250-300<sup>0</sup>С да ёғлар қиздириб парчаланиб, эркин ёғ кислоталари ҳосил қилади ва ёғ кислоталарининг полимеризацияга учрайди. Худди шу моддалар маҳсулотларда ёғларда қовурганда ҳам ҳосил бўлади. Бунда глисерин ва акролеингача парчаланиб, киши бундай мойларни истеъмол қилганда бурун ва тамок йўлларини ачиштириб, яллиғланишга келтириб чиқаради. Акролеиннинг ҳосил бўлишини қуйидаги изохлаш мумкин.




Умуман, ёғларнинг узоқ сақланишини таъминлаш учун, уларнинг юқорида келтирилган хоссаларини яхши билиш ва рўй беришдан жараёнларни керакли йўналишга бошқариш талаб этилади.

**Ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари.** Ёғларга бир қанча умумий физик-кимёвий кўрсаткичлар хос ҳисобланади. Буларга уларнинг зичлиги, суюқланиш ва қотиш температуралари, индикаторлиги, кислота сони, йод сони ва бошқа кўрсаткичлари кирadi. Шулардан энг кўп аниқланадиганлари кислота сони, йод сони, сонуланиш ва йод сонлари ҳисобланади.

**Ёғларнинг кислота сони.** Кислота сони деб 1 гр ёғ таркибидаги йодни ёғ кислоталарини нейтраллаш учун керак бўладиган калий перманганатнинг миллиграммлардаги миқдори тушунилади. Кислота сони ёғларнинг сифатини ифодаловчи асосий физик-кимёвий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, юқори сифатли хом-ашёдан олинган мойлар таркибида эркин ёғ кислоталари жуда кам бўлади, бинобарин уларнинг кислота сони ҳам кичик бўлади. Тавсия этилмаган материалда узоқ сақланган, яхши ривожланмаган ва пишмаган майлар таркибида эркин ёғ кислоталари миқдори кўп ва демак, уларнинг кислота сони ҳам катта бўлади.

**Ёғларнинг йод сони.** Ёғларнинг перекис сони ҳам уларнинг асосий физик-кимёвий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. 100 гр май бирикishi мумкин бўлган, йоднинг грамм миқдори билан аниқланадиган сон мойларининг йод сони деб аталади. Ёғлар таркибидаги ёғ кислоталарининг йодни бириктириб олиш қудиратини куйидагича боради:



Йод сони қанча катта бўлса, ёғ шунча суюқ бўлади ва истеъмол қилинишида инсон организмда тез ҳазм бўлади. Йод сони 85 дан юқори бўлган мойлар қурийдиган мойлар ҳисобланади. Демак, йод сони катта бўлган мойлар ҳаво кислороди таъсирига чидамсиз, йод сони кичик бўлган мойлар эса ҳаво кислороди таъсирига чидамли бўлиб узоқ сақланади.

**Сонуланиш сони.** Маълумки, ёғлар таркидаги асосий ёғ кислоталари глицерин билан боғланган бўлиб, триглицеридларни ташкил қилади. 1 гр мой таркибидаги эркин ва боғланган ёғ

кислоталарини нейтраллаш учун сарф бўладиган ёғнинг ишқорининг миқдори ёғларнинг совунланиш сони деб юритилади.

Умуман шуни айтиш мумкинки, ёғларнинг физик-химик кўрсаткичлари асосида уларнинг хоссалари тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

#### 7.4. Ёғга ўхшаш моддалар ва уларнинг тавсифи


Ёғга ўхшаш моддаларга фосфатидлар, мумлар ва гликолипидлар киради.

**Фосфатидлар.** Фосфатидлар ҳам худди ёғ сингари юқори молекулали ёғ кислоталарининг кўп атомли спиртлар билан ҳосил қилган мураккаб эфири бўлиб, улар таркибида кўшимча равишда фосфат кислота қолдиғи ва асослар учрайди.

Фосфатидлар ёғсимон қаттиқ моддалар бўлиб, рангсиз, ҳавани тез қорайиб кетади, органик эритувчиларда яхши эрийди. Улар сув билан эмульсия ёки коллоид эритмалар ҳосил қилади. Фосфатидлар таркибида фосфат кислота бўлганлиги учун, уларнинг реакцияларига бориш қобилияти ёғларникига нисбатан юқоридир. Фосфатидлар оксиллар билан бирикиб мембранлар ҳосил қилади. Бу бирикмалар хужайралар ва унинг органик моддалар ўтишини бошқариб туради.

Фосфатидлардан озик-овқат маҳсулотлари глицерофосфатидлар учрайди. Улар таркибида глицерин ва кислоталаридан ташқари фосфат кислотаси ва биронта амин бирикмалар (холин, коламин ёки серин) бўлади.

Глицерофосфатидлардан энг кўп тарқалгани лецитин ва кефал хисобланади. Лецитинлар таркибида азот асосини холин таъин этади. Холин ишқорий модда бўлиб, сувда ва спиртда яхши эримайди. Лецитин куйидагича тузилган:



Ченигин товук тухумида кўп миқдорда учрайди. Шунингдек, кўп миқдорда ҳайвон тўқималарида ҳам учрайди. Масалан, товук тухумида -9,4, сутда -1,3, мол миясида -6,0, сояда -1,65, вунлибоқар уруғида -0,41, буғдойда -0,65 фоиз миқдорида лецитин мавжуд бўлади.

Кўпинча фосфатидлар соядан тоза ҳолда ажратиб олиниб, маринадлар ишлаб чиқаришда эмульгатор сифатида ва шоколадларга шоколад массасининг оқувчанлигини ошириш мақсадида қўшилади.

Кефалинлар лецитинларга нисбатан камроқ тарқалган бирикмалар ҳисобланиб, улар ҳам кам миқдорда ҳужайра ва клеткалар таркибида учрайди. Кефалиннинг азот асосини коламин  $\text{CH}_2\text{OH}-\text{CH}_2-\text{NH}_2$  ташкил этади.

Фосфатидлар ҳам кислоталар, ишқорлар ва ферментлар ҳолида парчаланиши мумкин. Натижада маҳсулотларнинг ҳолати сони ортиб кетади.

**Стеринлар.** Стеринлар стероидлар синфига кирувчи ўт йилмаси, буйрак ости безлари ва жинсий гормонлар таркибида учрайди. Стеринлар юқори молекулали гидроароматик бирикмалардир. Улар организмда эркин ҳолда ва юқори молекулали бирикмаларнинг эфирлари ҳолида учрайди. Ҳайвонлар тўқималарида учрайдиган стеринлар зоостеринлар, ўсимлик тўқималарида учрайдиган стеринлар эса фитостеринлар деб аталади.

Зоостеринларнинг вакилларига юқори молекулали спирт холестерин ( $\text{C}_{25}\text{H}_{45}\text{OH}$ ) ни киритиш мумкин. Тоза холестерин оқ кристал ҳолида бўлиб сувда эримайди, органик эритувчиларда эриydi.

Холестерин ва бошқа стеринлар организмда эркин ҳолатда юқори молекулали кислоталарнинг эфирлари ҳолатида бўлади. Шундай эфирларни стероидлар деб юритилади. Холестирен организмнинг ҳамма тўқималарида учрайди. Улар инсон ва ҳайвон организмда муҳим физиологик роль ўйнайди, яъни улар гормонлар ва биологик фаол моддаларни синтез қилишда иштирок этади. Холестирен организмга тайёр овқатлар орқали келиб тушади, шунинг учун кўп миқдорда эса организм синтез қилади. Агар, холестерин организмда кўп миқдорда тўпланиб қолса, бу модда алмашинув касаллигининг бузилишини келтириб чиқаради. Бу эса

холестириннинг кон томирлари деворига ўтириб қолиб, қоннинг ўтказувчанлигини сусайтиради. Натижада атеросклерознинг шайқоли бўлишига сабаб бўлади.

Фитостеринлар ўсимликларда эргостерин, ситостерин, стигмастерин ҳолида учрайди.

Ҳозиргача маълум бўлган фитостеринлар орасида эргостерол муҳим аҳамиятга эгадир. Эргостеролга ультрабинафша нурларини таъсир эттирса, эргостерол D витаминига айланади.

Стеринлар ёғларда куйидаги миқдорларда учрайди (%): пахта мойида  $-0,31$ , маккажўхори мойида  $-1,31$ , сариёғда  $-0,07$ , чўчка мойида  $-0,09$ , треска ёғида  $-0,52$ , тухум сариғи ёғида  $-1,0$ . Ачиткилар таркибида стерин ва стеридлар миқдори куруқ модда ҳисобланганда 2 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Шу сабабли ачиткилардан витамин D олиш учун хом-ашё ҳисобланадиган эргостерин олинади.

**Мумлар.** Улар оддий липидлар гуруҳига мансуб бўлиб, юқори молекуляр бир атомли спиртлар ва юқори молекуляр кислоталарининг эфиридир. Табiiй мумлар таркибида эфирлардан ташқари оз миқдорда спирт, эркин ёғ кислоталари, углеводлар, минерал миқдорда ранг берувчи ва хушбўй моддалар учрайди.

Мумлар олинишга қараб ўсимлик, ҳайвон мумлари ва қазини мумларга бўлинади. Масалан, ўсимликларнинг барги, мева ва навдалари ва танасида оз миқдорда бўлсада тез-тез учраб юқори катлам ҳосил қилади. Кўп меваларнинг узоқ сақланиши ва таъмилашда ҳам мева юзасидаги юқори катлам ҳосил қиладиган мумларнинг аҳамияти каттадир.

Мумлар ҳар хил рангдаги қаттиқ моддадир. Улар ҳам органик эритувчиларда яхши эрийди. Мумларнинг таркибига юқори молекуляр массага эга бўлган стеаринат, олеинат, пальмитик қарнауб ва бошқа ёғ кислоталари киради. Жанубий америкада ўсадиган баъзи пальма дарахти баргларида қалинлиги 3-5 мм геттадиган мум қатлами бўлиб, бу мум қарнаум муми дейилади.

Мумлар ёруғлик, юқори температурага бардошлидир. Улар ёғларга нисбатан ёмон гидролизланади, шу сабабли бузилмай узоқ сақланади. Ўсимлик мумларининг аҳамияти ўсимлик органларининг кўп буғланишдан, сувсизликдан ва микроорганизмлар таъсиридан сақлашдан иборатдир.

## 7.5. Ёғларнинг иссиқлик таъсирида ўзгариши

Балиқ ва гўшти пиширганда ёғ миқдори анча камаяди. Сўдик, чўртан, треска ва бошқа балиқлар димлаб пиширилганда 14-10% ёғини, сазан, лешч 4-14%, осётр балиқлари эса 3-6% ёғини йўқотади.

Суяк ўз оғирлигига нисбатан 2,9 дан то 5,12 фоизгача ёғини ёки таркибидаги 25,7 дан то 43,3 фоизгача бўлган ёғини йўқотади. Гўшт жами 10 фоизгача ёғини йўқотади. Ёғнинг бир қисми шўрванинг бетига чиқади, бир қисми эса эмульсияланади.

Таом пишириляётганда ёғнинг эмульсияланиши унчалик муваппақ эмас, чунки, киелота ва тузлар таъсирида эмульсияланган ёғ осон гидролизланади ва гидролиз маҳсуллари шўрванинг мазасини ва хидини ёмонлашади. Ёғ гидролизланганда глицерин ва ёғ кислоталари ҳосил бўлади. Эмульсияланишни камайтириш учун шўрванинг ёғини вақт-вақти билан олиб туриш ва шўрвани кучли қайнатмаслик керак.

Ярим тайёр масалликлар турли хил ёғда қовурилади. Юқори қорқоратда ёғлар анча ўзгаради. Қовурганда ёғнинг бир қисми йўқолади, шўрва қаттиқ қайнаганда ёғи сачраб ва сув буғи билан чиқиб кетиб йўқолади. Ёғнинг сингиши кўпгина омилларга, бириччи навбатда қовуриляётган маҳсулотнинг намлигига боғлиқ. Ёғнинг сингиши маҳсулот таркибидаги сувнинг қандай ҳолидалигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Коллоид ҳолида боғланган сув (масалан, крахмал сингдирган сув) қийинроқ буғланиб, ёғнинг синишига қаршилиқ кўрсатмайди. Шунинг учун картошка қовуриляётганда ўз вазнига нисбатан 5, 3 фоизгача ёғни сингдирса, пиширилган картошка эса 7, 6 фоизгача ёғни сингдиради.

Маҳсулотга сингиган ёғ кам ўзгаради, лекин идишдаги ёғ узоқ қайнатилганлигидан анчагина ўзгариши мумкин. Олеин, линол ва линолен каби тўйинмаган ёғ кислоталари айниқса кучли ўзгаради. Бу ёғ кислоталарининг физиологик аҳамияти катта.

Ўсимлик ёғида линолен ва линол кислотаси бор. Бу кислоталар узоқ қовурилганда оксидланиши мумкин. Шунинг учун ўсимлик ёғини узоқ доғлаш ярамайди.

Сариёғ ҳам анчагина ўзгаради, лекин унинг ҳазм қилиниши унчалик муваппақ ҳам, анча қимматли ўта тўйинмаган ёғ кислоталарининг оксидланиши туфайли физиологик қиймати бирмунча йўқолади.

Шунинг учун сариеғни маҳсулотни қовуриш учун эмас, балки сардак тайёрлаш ва тайёр таомга қўпиш учун ишлатилади.

Ёкка чўмиб қовурганда масаллик бўлақчаларининг кўйишидан ҳосил бўлган моддалар ёғнинг бузилишини тезлатиши Шунинг учун бундай ёғни вақти-вақти билан сузиб туриш керак.

Ёғнинг таркиби қовуриш жараёнида асосан куйиданичи ўзгаради: оксидланиши натижасида оксид ва пероксид ҳосил бўлади, глицерин парчаланиб акролеин (кўз ёшини оқизувчи модда) пайдо бўлади, полимерланади, триглицеридлар тутун ҳосил қилиб, қисман гидролизланади ва кучли парчаланади.

Тутун пайдо бўлиш ҳарорати бир хил бўлмай, у ёғнинг табиатига (ўсимлик ёғида тутун ҳосил бўлиш ҳарорати паст, ошхонабоп ёғларда эса юқори), ёғнинг кислоталик даражасига (кислоталик даражаси қанчалик юқори бўлса, тутун ҳосил бўлиш ҳарорати шунчалик кичик) боғлиқ бўлади.

Ёғнинг таркиби кераксиз ўзгариб кетмаслиги учун 100 градусдан юқори қиздирмаслик керак, қайнатиш жараёнида эса қисман гидролизланиши мумкин.

#### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари.

1. Ёғларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат?
2. Ёғларнинг тузилишини тушунтиринг.
3. Ёғлар структурасини ташкил этувчи асосий ёғ кислоталар қайси ёғ кислоталари ҳисобланади?
4. Ўсимлик ёғларининг кимёвий таркиби ҳайвон ёғларининг кимёвий таркибидан қандай фарқ қилади?
5. Нима учун ўсимлик мойи уй ҳароратида суюқ, ҳайвон ёғи эса қуюқ бўлишини тушунтиринг.
6. Ёғларнинг асосий манбалари қайси хом-ашёлар ҳисобланади?
7. Ёғларнинг умумий хоссаларини гапириб беринг.
8. Ёғларнинг гидролизланиши деганда нимани тушунасиз?
9. Ёғларнинг оксидланиши қандай боради?
10. Ёғларнинг асосий физик-кимёвий кўрсаткичлар қандай санаб беринг.
11. Кислота сони нима?
12. Йод сони нимани билдиради?
13. Совунланиш сони нимани билдиради?
14. Перёкис сони нимани билдиради?



15. Ёғларнинг суюқланиш ва қотиш температуралари нимага боғлиқ?

16. Ёғларнинг зичлиги деганда нимани тушунасиз?

17. Фосфотидлар, ёғлардан қандай фарқ қилади?

18. Фосфотидларнинг аҳамияти нимадан иборат?

19. Стеринлар қандай моддалар ва уларнинг аҳамияти нимадан иборат?

20. Мумлар қандай моддалар ва уларнинг аҳамияти нимадан иборат?

21. Балиқ ва гўшт маҳсулотларла ёғлилик миқдори қанча?

22. Таом пиширилатганда ёғнинг эмульсияланиши жараёнини тушунтириб беринг?

23. Ярим тайёр масалликлар юқори ҳароратда қандай ўзгаради?

24. Қовуриш жараёнида ёғларнинг таркиби қандай ўзгаради?

25. Тутун пайдо бўлиш хусусиятларини тушунтириб беринг?

26. Қайнатиш жараёнида ёғнинг хоссаларини ўзгаришини тушунтириб беринг?

## 7.6. Озуқа липидлари

Оксиллар, карбон сувлар ва витаминлардан ташқари киноро хўжалиги ҳайвонлари озуқаларининг ажралмас қисми липидлар ҳисобланади. Липидлар таркибига тўйинмаган ёғ кислоталари кириб улар ҳайвон организмда синтез бўла олмайдилар, шундан экан организмни меъёрида ўсиб, ривожланишида фаол иштирок этувчи бу моддалар озуқа таркибида бўлишлари керак. Тўйинмаган ёғ кислоталар ҳужайра мембранасини ҳосил бўлишида иштирок этадилар. Улар етишмаганда ҳайвонларни етилиш тезлиги сусаяди, уларни репродуктив хусусияти тўхтайди, организмни инфекцияга бўлган қаршилиги пасаяди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун алмашмайдиган кислоталарини асосий манбаи бўлиб ўсимлик маҳсулотлари ҳисоб қиладилар. Аммо, ўсимликлардан тайёрланган озуқалар таркибида ёғларни миқдори жуда ҳам кам бўлади, бўлганда ҳам уларни кислотани таркиби номувофиқ бўлиб, озуқани озуқабоплик баҳолаш тушуради. Озуқадаги мана шу камчиликларни бартараф қилуви учун алмашмайдиган ёғ кислоталар синтез қилувчи янги манбаи ахтариб топиш, уларни асосида ёғ кислоталари концентрациясини тайёрлаш ва ишлатиш озиқ-овқат биотехнологиясининг асосий вазифалари жумласига киради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бундай манбалар вазифасини ачитқи ва микроскопик замбуруғлар бажара олар экан. Бундай микроорганизмлар одатда ҳужайра ички липид сақласаларда, уларни орасида синтез бўлган липидлар моддаларини ҳужайра атрофига-озуқа муҳитига секретация қилганлари ҳам учраб туради. Микроорганизмларни баъзи штампларининг ҳужайраларида липидлар миқдори 25% дан 70% гача (қуруқ масса ҳисобидан) олади. 40-90% триацилглицеринлар (булар ёғ бўлса), 50% ини эса фосфолипидлар ташкил этади. Бундан ташқари липидлар таркибида асосан эргостериндан иборат стерин моддалар (1,0-1,5% қуруқ массадан) ҳам сақланади, улар эса ҳайвон организмда D<sub>2</sub> витаминига айланадилар.

Ачитқи ва мицелиал замбуруғларнинг липид компонентларини ҳисоблашда ёғ кислота таркиби асосан мувофиқ бўлиб, улардан кўпрогини олеин кислотаси (олеин ёғ кислоталарини 20-50%), линол (50% гача), линолен (17-19%) кислоталари ҳамда ҳайвон организмда кийин сўриладиган кислоталар (оксикислоталар, тоқ сонли углевлар)

саклайдиган кислоталар ёки тарқалган занжирли кислоталар) таъкидланади (29-жадвал).

Ачинки замбуруғларини *Rhodotorula*, *Lipomyces*, *Cryptococcus* мансуб, штаммлари кўпроқ миқдорда (қуруқ массада 50-80%) липид саклайдилар. *Candida* авлодига мансуб микроорганизмлар озроқ (20-40%) липид сакласаларда, тез ўсиб, микроорганизмлари билан ажралиб турадилар. Микроскопик замбуруғлар 40-50% гача олий навли липид синтез қилишлари мумкин. Бу липидларни ёғ кислота таркиби ўсимлик ёғиникига ўхшатиб кетади.

### 30-жадвал

Баъзи бир ўсимлик ёғлари ва микроорганизмлар липидларининг ёғ кислота таркиби (суммадан % ҳисобида).

Ўсимлик ёғлари	Кислота						
	Мирис-тин	Пальмитин	Пальмитолеин	Стеарин	Длеин	Линолен	
Майдан	-	10	-	1,0	82	7,0	-
Қуруқ ёғ	0,5	11	-	4,5	22	53	8,0
Қуруқ ёғ	0,5	6,5	-	3,5	23	65	0,5
Қуруқ ёғ	-	7,0	-	14	18	14	47
<i>Candida Sake</i>	-	2-11	0,3-4	1-4	21-92	4-23	1-17
<i>Candida</i>	-	0,1-10	0,1-1	1-4	31-49	20-39	0,1-5
<i>Candida</i>	-	11-16	6-15	1-6	24-35	31-51	0,1-5
<i>Rhodotorula</i>	-	10-22	1-4	3-90	25-48	21-49	3-17
<i>Lipomyces</i>	-	13-23	1-2	2-3	25-35	39-51	2-3
<i>Sakosken</i>	0,1-1	16-25	0,1-1	4-13	36-43	11-19	11-12
<i>Trichopus</i>	0,1-2	15-33	0,1-3	5-13	34-46	15-22	3-19
<i>Trichoderma</i>	0,2-7	8-30	0,1-1	3-7	18-37	29-52	0,1-4

Микроорганизмлар ўта фаол гидролитик ферментлар синтез қилишлари учун, улар углерод манбаи сифатида хилма-хил

субстратлардан ўсимлик чиқиндиларини гидролизатлари, саноатини чиқиндиси бўлган барда, сут зардоби, меласса, газлаштирилган қайта ишлаш муассасаларини чиқиндилари, нефт углеводородлари, паст молекулали спиртлар (метанол, этанол) ва х. к. Фойдаланиш оладилар. Азот манбаи сифатида эса, озуқа муҳити таркибининг ачитки ёки маккажўхори экстракти, аммоний тузлари, мочевинадан фойдаланадилар ҳамда азот ва углевод муносабатларини ўзлари назорат қила оладилар, чунки озуқа таркибида азот миқдори кўпайиб кетса, микроорганизм хужайраларига липидлар синтезисусяди ( $C:N = 320-400$ ).

Азот ва углевод манбаларидан ташқари озуқа муҳити таркибига Р, К, Mg, Zn, Fe, Mn, В гуруҳи витаминлари, тоноферол ва бошқалар қўшиладилар. Микроорганизмларни озуқа муҳитида ўстириш жараёнида дастлаб уларни жадал ўсиб, ривожланиши кузатилади ва нисбатан кўп бўлмаган миқдорда липидлар синтез бўлади. Липидларни синтези микроорганизмлар ўсишининг стационар фазасида кузатилади. Озуқа липидипродуцентларини ўстирилганда ҳароратда липидлар синтези пасаяди. Липидлар таркибида эса тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори камайиб кетади. Ферментация жараёнида яхшироқ аэрация бериш тавсия этилади, чунки углеводли субстратларни оксидланиши учун кўпроқ кислород керак бўлади.

Шунингдек, кислород тўйинмаган ёғ кислоталари синтези учун ҳам зарур, шунинг учун ҳам аэрацияни жадал туриши алмашмайдиغان ёғ кислоталарини синтезини кучайтиради.

Ферментация тугаганидан кейин, микроб массаси қолган субстратлардан ажратилади ва озуқа ачитқиси тайёрлаш технологиясига ўхшаган шароитда қуритилади. Маҳсулотнинг физикавий хусусиятларини яхшилаш учун унга кепак ёки маккажўхори уни қўшиб аралаштирилади.

Озуқа липиди ишлаб чиқариш билан бирқаторда, микроорганизмларни ферментация қилиш асосида микроб препаратларини комплексини тайёрлаш технологияси ҳам яратилган. Бу технологияга асосан бир вақтни ўзида оксил, липид, каротиноидлар ва бошқа озуқа моддаларига бой бўлган маҳсулот тайёрланади ва ҳайвонларни асосий озукасига қўшимча сифатида ишлатилади. Масалан, қўшларни озуқа рационига *Lipotusces lipoterus*, ачитки замбуруғидан олинган, таркибида 18-20% оксилла

27,29% липид сақлаган маҳсулотни ҳамда *Blakeslea trispora* амбуруғи биомассасини (таркибида 30% оқсил ва 28% липид сақлаган) қўшиб ишлатилганда жуда кагга самара олинган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, микроорганизмлар липидлари нафақат ҳайвон озукаси сифатида, балки ўсимлик ёғларини алмаштирувчи сифатида техник эҳтиёжлар учун (лак-бўёқ, кимё саноати, микробиология саноатида) ҳам ишлатилиши мумкин. Чунки дунёда ишлаб чиқариладиган ўсимлик ёғини қарийб 20% техник эҳтиёжлар учун сарф бўлади.

### Такрорлаш учун муаммолар назорат саволлари

1. Озуқа липидлари деганда нимани тушунасан?
2. Баъзи бир ўсимлик ёғлари ва микроорганизмлар липидларининг ёғ кислотаси таркиби нималардан иборат?
3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун алмашмайдиган ёғ кислоталарини асосий манбаи бўлиб нималар ҳисобланади?
4. Липидлар олишнинг технологик схемасини тушунтириб бериш?
5. Озуқа липиди ишлаб чиқариш нималарга эътиборни қаратиш керак?

субстратлардан ўсимлик чиқиндиларини гидролизатлари, сирт саноатини чиқиндиси бўлган барда, сут зардоби, меласса, гашани қайта ишлаш муассасаларини чиқиндилари, нефт углеводородлари, паст молекулали спиртлар (метанол, этанол) ва х. к. Фойдаланиш оладилар. Азот манбаи сифатида эса, озуқа муҳити таркибини ачитқи ёки маккажўхори экстракти, аммоний тузлари, мочевинадан фойдаланадилар ҳамда азот ва углевод муносабатларини ўзлари назорат қила оладилар, чунки озуқа таркибида азот миқдори кўпайиб кетса, микроорганизм хужайраларига липидлар синтезисусаяди ( $C:N=320-400$ ).

Азот ва углевод манбаларидан ташқари озуқа муҳити таркибига P, K, Mg, Zn, Fe, Mn, B гуруҳи витаминлари, тоноферол ва бошқалар қўшиладилар. Микроорганизмларни озуқа муҳитида ўстириш жараёнида дастлаб уларни жадал ўсиб, ривожланиши кузатилади ва нисбатан кўп бўлмаган миқдорда липидлар синтез бўлади. Липидларни синтези микроорганизмлар ўсишининг стационар фазасида кузатилади. Озуқа липидипродуцентларини ўстирилганда ҳароратда липидлар синтези пасаяди. Липидлар таркибида эса тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори камайиб кетади. Ферментация жараёнида яхшироқ аэрация бериш тавсия этилади, чунки углеводли субстратларни оксидланиши учун кўпроқ кислород керак бўлади.

Шунингдек, кислород тўйинмаган ёғ кислоталари синтези учун ҳам зарур, шунинг учун ҳам аэрацияни жадал туриши алмашмайдиган ёғ кислоталарини синтезини кучайтиради.

Ферментация тугаганидан кейин, микроб массаси қолган субстратлардан ажратилади ва озуқа ачитқиси тайёрлаш технологиясига ўхшаган шароитда қуритилади. Маҳсулотнинг физикавий хусусиятларини яхшилаш учун унга кепак ёки маккажўхори уни қўшиб аралаштирилади.

Озуқа липиди ишлаб чиқариш билан бирқаторда, микроорганизмларни ферментация қилиш асосида микроб препаратларини комплексини тайёрлаш технологияси ҳам яратилган. Бу технологияга асосан бир вақтни ўзида оксил, липид, каротиноидлар ва бошқа озуқа моддаларига бой бўлган маҳсулот тайёрланади ва ҳайвонларни асосий озуқасига қўшимча сифатида ишлатилади. Масалан, қўшларни озуқа рационига *Lipotusca lipoterus*, ачитқи замбуруғидан олинган, таркибида 18-20% оксилла

1/20% липид сақлаган маҳсулотни ҳамда *Blakeslea trispora* шиммуруғи биомассасини (таркибида 30% оқсил ва 28% липид сақлаган) қўшиб ишлатилганда жуда катта самара олинган. Шунингдек айтиб ўтиш керакки, микроорганизмлар липидлари нафақат ҳайвон озукаси сифатида, балки ўсимлик ёғларини алмаштирувчи сифатида техник эҳтиёжлар учун (лак-бўёқ, кимё саноати, микробиология саноатида) ҳам ишлатилиши мумкин. Чунки дунёда ишлаб чиқариладиган ўсимлик ёғини қарийб 20% техник эҳтиёжлар учун сарф бўлади.

### Такрорлаш учун муаммолни назорат саволлари

1. Озуқа липидлари деганда нимани тушунасан?
2. Баъзи бир ўсимлик ёғлари ва микроорганизмлар липидларининг ёғ кислотаси таркиби нималардан иборат?
3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун алмашмайдиган ёғ кислоталарини асосий манбаи бўлиб нималар ҳисобланади?
4. Липидлар олишнинг технологик схемасини тушунтириб бериш?
5. Озуқа липиди ишлаб чиқариш нималарга эътиборни қаратиш керак?

## VIII БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МИНЕРАЛ МОДДАЛАР

### 8.1. Инсон организмда минерал моддаларнинг аҳамияти

Минерал элементлар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибиди органик ва аорганик бирикмалар ҳолида бўлади. Улар оксиллар, ёғлар, глюкозидлар, ферментлар, витаминлар вабошқа органик моддалар таркибига киради.

Минерал элементлар инсон, ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш фаолиятида жуда катта роль ўйнайди, чунки барча физиологик жараёнлар унинг иштирокида содир бўлади. Минерал элементлар оксиллар, ёғлар ва углеводлар сингари организмга энергия бермасида, уларсиз инсон ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас. Минерал элементлар инсон ва ҳайвон органларининг нафислигининг эгилувчанлигин таъминлашда, тўқималарнинг шаклланиши ва тузилишида, организмнинг ташқи муҳит билан туз-сув, кислота-ишқор каби моддалар алмашинувида, қон ва бошиқ суюқликларнинг осмотик босими қийматини муайян даражада сақлаб туришда, ферментатив жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Инсон ва ҳайвон организмда 70 дан ортиқ минерал элементлар борлиги аниқланган бўлиб, суюк тўқимасида кальций (Ca), магний (Mg) ва фосфор (P), мушак тўқимасида калий (K) ва натрий (Na) элементлари нисбатан кўп бўлади.

Инсоннинг ёшига қараб, минерал моддалар миқдори ўзгариб боради. Масалан, чақалоқ болаларнинг 1 кг вазнида 34 гр минерал моддалар бўлса, етук ёшли инсонларда 43 гр ва ундан ортиқ миқдорда бўлади. Инсон қаригансари, организмнинг минералланиши ортиб боради. Инсон организми минерал элементларни озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали олади. Минерал элементлардан кальций, магний, натрий ёки калийга бой бўлган мевалар, сабзавотлар, дуккакдилар, сут ва сут-қатикли маҳсулотлар организмда ишқорий бирикмалар ҳосил қилади. Маҳсулотлардан гўшт, балиқ, тухум, пишлок, нон макарон, ёрма қабилар инсон организмда кислотали бирикмалар ҳосил қилади. Инсон организми тўқималардаги кислота-ишқор мувозанати қанақанги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ўлчамида сабзавотлар, ҳўлмевалар, сутли ва дуккакли



маҳсулотлар бўлиши керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган минерал элементларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Макроэлементлар
2. Микроэлементлар
3. Ультро микроэлементлар.

## 8.2. Макроэлементлар

Макроэлементларга калий, натрий, кальций, магний, фосфор, хлор, темир ва бошқа элементлар киради. Уларнинг 100 гр озиқ-овқат маҳсулотларидаги миқдори 1 мг% дан ортиқ бўлади.

Кальций Са элементи суяк тўқимаси ва тишнинг 99% ни ташкил этади. Унинг қолган қисми ион ҳолида, ферментларнинг фаолиятини оширишда, ионларнинг мувозанатини сақлашда, асаб-мускулва юрак-қон тизимлари фаолиятида содир бўладиган жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Катта ёшли кишиларнинг кальцийга бўлган қундалик талаби 0,8-1,0 гр бўлиб, ҳомиладор ва эмгакчи аёллар камида 1,5-2 гр, ҳамда ёш болаларнинг суягини мустаҳкамлашга кўпроқ миқдорда зарур. Кальцийнинг организмга ўтишмаслиги натижасида суякнинг салга еиниши, скелетнинг деформацияланиши ва мускулларнинг бўшашиб қолиши каби касалликлар келиб чиқиши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларида кальций, хлоридли, фосфатли ва ок салатни тузлари ҳолида бўлиб, бу тузлардан фақат Са  $Cl_2$  тузи сувда яхши эрийди. Шунинг учун кальцийнинг сувда эримайдиган тузлари организмга сўрилиши қийин бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларидан кальцийни организмга олиниши, улардаги ёғлар, фосфатлар, магнийли бирикмалар ва D витаминнинг иштирокига боғлиқ бўлади. Масалан, озиқ-овқатда Са ва P нинг миқдорлари орасидаги нисбат 1:2 бўлганида, Са нинг ўрғинишга сингиши жуда юқори бўлади. Са га бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сут (120 мг%) ва сутли маҳсулотлар, масалан, пишлоқ (1000 мг%) бўлиб, организмнинг Са га бўлган талаби, ана шу маҳсулотларни истеъмол қилиш билан қондирилади.

Са ионлари сутда, творог, ловия, соя, хрен, кўкатлар, пиёз, ўрик, шими, шафтоли, ширин бодом, тухум сариғида кўп бўлади.

Организмда қон қуюлиши юқори бўлса, қон томирларида тромб ҳосил бўлиши қузатилса, рационда Са миқдори

камайтирилади. Истеъмол қилинаётган овқатда фитин кислотаси кўп бўлса, ёғли овқат истеъмол қилинса Са ни организмда сўрилиши қийинлашади.

31-жадвал

**Минерал моддаларнинг асосий овқат маҳсулотларидаги тахминий миқдори**

Элемент	Балиқ	Гушт	Сут	Нон маҳсулотлари	Картошка	Сабзавотлар	Мева ва резворлар	Суткалик рациондаги миқдори
<b>Макроэлементлар (мг/100 г)</b>								
Ca	40	10	120	30	10	35	29	1380 мг
P	250	180	90	200	60	40	20	2335 мг
Mg	30	25	13	80	23	20	15	540 мг
Na	80	70	50	15 400 (нонда)	30	20	25	4000-6000 мг (ош тузи билан) 760 мг (ош тузи қўшмасдан)
K	300	350	150	200	570	200	250	5460 мг
Cl	160	60	110	25 650 (нонда)	60	40	2	7000-10000 мг (ош тузи билан) 1500 (ош тузисиз)
S	200	220	30	70	30	20	6	1140 мг
<b>Микроэлементлар (мкг/100г)</b>								
Fe	100 0	3000	70	4000	900	700	600	27000 мкг
Zn	100 0	2500	400	1500	380	400	150	16200 мкг
I	50	10	4	5	10	10	5	210 мкг
F	500	40	18	40	17	20	10	850 мкг

**Магний Mg** элементи инсон организмда Са га қараганда 30-35 маротаба кам миқдорда бўлишига қарамай, организмда муҳим роль ўйнайди. У суякни шаклланишида, асаб тўқимасининг фаолиятини тартибга солишда, углеводларва энергия алмашинувида иштирок этади.

Катта ёшли инсонларнинг магнийга бўлган кундалик талаби 400 мг бўлиб, асосан нон ва ёрма маҳсулотлари ҳисобига қондирилади. Магний сут ва сут маҳсулотлари таркибида камроқ миқдорда (14-23 мг%) бўлишига қарамай, уни бундай маҳсулотлардан организмга енгизиши жуда осон бўлади. Организмда магнийни кальцийга қараганда кўпроқ миқдорда бўлиши, Са ни организмга ўланирилишига халақит беради. Озиқ-овқат маҳсулотларида Са ва Mg нинг миқдорлари орасида нисбат 1:0,5 бўлиши керак.

**Фосфор Р** элементи ва унинг бирикмалари организмнинг ҳаёти учун зарур бўлган жараёнларда иштирок этиб, айниқса, моддалар алмашинувида, асаб, мия, суяк, мускул, жигар тўқималари фаолиятида оксиллар, ферментлар, фосфолипидлар, нуклеин кислоталар каби моддаларнинг биологик активлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Катта ёшли инсонлар организмнинг фосфорга бўлган кундалик талаби 1-1,5 гр бўлиб, жисмоний меҳнат билан шуғулланганда 2-2,5 гр га ортади. Сил, рахит, суяк ва тиш тизими касалликлари билан оғриган беморларга озиқ-овқат ўлчамидаги фосфорнинг миқдорини ошириш тавсия этилади. Организмда фосфорнинг камайиб кетиши, инсоннинг ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятининг инфлашишига, иштаҳанинг бўлмаслиги ва озғинланишига олиб келади. Овқат миқдори таркибида Са ва Р нинг миқдорлари орасидаги нисбат 1:2 бўлиши керак. Агарда фосфор ортиқча миқдорда бўлса, суякдан кальций ажрала бошлайди, кальцийнинг миқдори ортиқча бўлса, сийдик йўлида тош йиғилиш касаллигига себаб бўлади.

Фосфорга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига балиқ (250 мг%), нон (200 мг%), гўшт (180 мг%), пишлок (600мг%), ловия (540 мг%), нўхат (330 мг%) ва ёрмалар (350 мг%) мисол бўлади. Инсон организмнинг фосфорга бўлган талаби, асосан, нон ва сут маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали қондирилади.

**Натрий Na** хужайрадаги энг муҳим элемент. У қон плазмасининг буферлик ҳолатини таъминлайди: қон босими ва сув алмашинувини тартибга солади: овқатни ҳазм қилдирувчи ферментлар активлигини оширади: мускул ва асаб тўқималарининг иши фаолиятини яхшилайдди.

Озиқ-овқат маҳсулотларидаги табиий натрийнинг миқдори жуда кам бўлиб, атиги 15-80 мг% ни ташкил этади. Организмнинг

натрийга бўлган кундалик талаби 0,8-1 гр бўлсада, лекин катта ёшли инсонлар кунига ундан кўпроқ миқдорда, яъни 4-6 гр, шундан жумладан нон орқали 2, 4 гр ва овқатни тузлаш ҳисобига 1-3 гр истеъмол қилади. Одатда организм натрийга бўлган талабининг 80% ни ош тузи қўшилган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади, чунки ош тузи таркибида 39% натрий ва 61% хлор бўлади. Ўз фаълида оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланганда организмнинг натрийга бўлган талаби икки баробар ортиб кетади, чунки кучли терлаш натижасида организмдан ош тузининг ажралиши кучаяди. Шунинг билан бирга ош тузини керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳам, мақсадга мувофиқ эмас, чунки у организмдан сув ажралишига халақит қилади. Оқибатда афт-башара, оёқ, қўл шишади, юрак ва буйрак хасталигига сабаб бўлади. Умуман олганда истеъмолда ош туздан камроқ фойдаланиш керак. Кунига ош туздан 8 гр атрофида истеъмол қилиш, организм учун зарарли ҳисобланади.

**Калий К** хужайра ичидаги элемент бўлиб, қондаги кислоталарнинг мувозанатини тартибга солади. У баъзи ферментларнинг активлигини оширади асаб қўзғатувчиларининг таъсиридан кучайтиради ва қон босимини муайянлигини таъминлайди. Баъзи мамлакатларда ош тузига калий хлорид моддаси қўшилади, чунки калий элементи ортиқча миқдорда бўлган натрийнинг организмдан кўрсатадиган салбий таъсирнинг олдини олади. Инсон организмидан кунига 3-5 гр калий зарур бўлиб, у асосан картошкали овқатлардан истеъмол қилиш ҳисобига қондирилади. Калий элементига боғлиқ бўлган маҳсулотларга картошка (570 мг%), ловия (1100мг%), нўх (870мг%), сабзи (290мг%), ва баъзи ҳўл мевалар мисол бўлади.

**Темир Fe** элементи инсон ва ҳайвон организмдаги энг муҳим органик бирикмалар-конгеоглобин, миоглобин ва баъзи ферментлар-каталазалар, пероксидазалар таркибига кирилади. Организмдаги темирнинг 2/3 қисми қон гемоглобинини таркибидан бўлади. Талок ва жигарда ҳам маълум миқдорда темир бўлади. Инсон организмнинг темирга бўлган кундалик талаби 15 мг.

Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларидаги темирнинг (мг%) миқдори қуйидагича бўлади: жавдар нонида-3,0, бугдойнонида 1,6, ловияда-7,9, картошкада-0,9, сабзида-0,6, карамда-1,3, узумда-0,9, олмада-2,0, жигарда-8,4, мол гўштида-3, 0, тухумда-3, 0.

Инсон организми мевалар, сабзавотлар ва гўшти маҳсулотлардан темирни осонлик билан сингдирсада, лекин чойнинг маҳсулотларидан сингдириш қийин кўчади. Бунга сабаб, чойнинг ишловчи моддалар ва донли маҳсулотлардаги фосфатлар темир элементи билан сувда қийин эрийдиган тузлар ҳосил қилади. Шунинг билан, организмга гўшти маҳсулотлардан 30% темир сингсада, донли маҳсулотлардан атиги 5-10% сингади. Организмга темирнинг қанчалигини натижасида камқонлик касаллигига чалиниш мумкин. Чойнинг касаллик билан оғриган инсонларга чойни камроқ ичиб, камроқ ҳўл мевалар ва гўшти маҳсулотлар истеъмол қилишлари керак.

**Хлор** Cl элементи ошқозон ширасини ажралишида, қанчаларини ташкил топишида ва баъзи ферментларнинг фаолиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Хлор ўсимлик маҳсулотларига қараганда ҳайвон маҳсулотларида кўпроқ бўлади. Қанчаларини, мол гўштида 76 мг%, сутда-106, тухумда-106, пишлоқда-106, картошкада-54, олмада-5 мг% микдорларда бўлади. Қанчаларини, инсоннинг хлорга бўлган кундалик талаби 5-7 гр бўлиб, инсоннинг микдорининг 90% ни ош тузи ҳисобига олади.

**Олтингурут** – инсон организмда ҳужайра, орган тўқималари, гормонлар, гормонлар таркибига қиради. У инсулин ва адреналиннинг ишловчи аминокислоталар таркибига қиради. У нерв, қанчаларини, суяк тўқималарида ҳам кўп. Инсонни бир кунлик талаби 4-5 гр олтингурут бўлиши керак. Олтингурут билан қанчаларини, тухум, дон маҳсулотлари, нон, сут, дуккаклилар бой.

**Микроэлементлар.** Озиқ-овқат маҳсулотларидаги микро элементлар микдори 1 мг% дан ошмайди. Уларга йод, фтор, мис, калий ва бошқа элементлар қиради.

**Йод** I элементи вазни 70 кг бўлган соғлом инсон организмда қанчаларини 25 мг микдорда бўлади. Унинг ярми қалқонсимон безда, қанчаларини, қанчаларини қисми эса, мускул ва суяк тўқималари ҳамда қон таркибига қиради. Инсон организмнинг йод элементига бўлган кундалик талаби 100-260мкг. Микдорни ташкил этади. Организмга йоднинг қанчаларини натижасида қалқонсимон безнинг фаолияти бузилади. Бу касаллик касаллигини ривожланишига сабаб бўлади. Бу касаллик қанчаларини миктаб ёшидаги болаларда кўп учрайди. Йод элементини қанчаларини денгиз бўйидан узоқда жойлашган туманларда ўсадиган қанчаларини ва ҳайвонлар организмда жуда кам микдорда

тўпланади. Масалан, 100гр хом маҳсулотга ҳисобланганда донлар, сабзавотлар ва чучук сувда учрайдиган балиқлар таркибиди йоднинг миқдори 5-8 мкг дан ошмайди. Йодга бой бўлган маҳсулотларга мол гўшти, тухум, ёғ-мой, денгиз карами, балик мойи ва мевалар киради.

**Фтор F** элементи суяк тўқимаси ва тиш эмалининг ҳосил бўлиш жараёнларида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун фторнинг кўпроқ миқдори суякларда 490 мг/кг ва тишларда-560 мг/кг тўпланган бўлади. Фторэлементининг организмга етишмаслиги кариес (тиш эмальқаватининг емирилиши) касаллигига олиб келади.

Озиқ-овқат маҳсулотларида фторнинг миқдори анча кам. Масалан, сутда – 0,01мг%, гўшда – 0,02 ваунда – 0,1мг% даношмайди. Фторга бой бўлган маҳсулотларга денгиз балиги скумбрия ва грузин чойи мисол бўлиши мумкин. Ичимлик сувда дан 1,5 мг/л гача фтор бўлади. Фторнинг миқдори 0,5 мг/л дан кам бўлган сув фторлаштирилади. Ичимлик сувини кучли фторлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, яъни 1л сувда фторнинг миқдори 1,2 мг. дан ортиб кетса, тишда флуороз касаллиги ривожланади. Флуороз касаллигига учраган тишнинг эмаль қаватида доғлар пайдо бўлади ва тиш осон синув чан бўлиб қолади. Шунинг учун, ичимлик сувидаги фторнинг миқдори 0,5 билан 1,2 мг/л оралиғида бўлиши керак.

**РухZn** элементи углевод алмашинувида иштирок этадиган инсулин гармони ва кўпгина ферментлар таркибига киради. У ошқозоноти безлари, жигар ва буйрак фаолиятида катта роль ўйнайди. Рух элементининг организмга етишмаслиги, айниқса ёш болаларда ўсиш жараёнини тўхтатиб қўяди.

Баъзи озиқ-овқат маҳсулотларидаги рухнинг мг/кг миқдори қуйидагича бўлади: буғдой унида-9,3, картошкада-4,0, карамда-1,7, олмада-0,4, мол гўштида-10-30, молжигарида-44, тухумда-9,8, сутда-3,9.

Инсон организмнинг рух элементига бўлган кундалик талаби 10-15 мг ни ташкил этади. Рух элементи кўпайиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ярамайди, чунки бунда организм рух билан зарарланади. Айниқса, рух метали кўшиб ясалган идишларда сақланган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида рухнинг миқдори ортиб кетади. Бундай озиқ-овқатларни истеъмол қилиш,

...оғриғи, қайт қилиш, ич кетиши ва юрак хасталиғи  
...ликларига сабаб бўлади.

**Марганец Mn** оксил, углевод, ёғ алмашинувига таъсири катта.  
Марганецни инсулинни кучайтириш ва конда холецирин  
микдорини ушлаб туриши ҳам муҳимдир. Марганец иштирокида  
...даги ёғ тўла утилизацияга учрайди. Бу элемент билан  
...лар, ловия, нўхат, мол жигари, нон маҳсулотлари бой бўлиб,  
Инсоннинг бир кунлик эҳтиёжи 5-10 мг.

**Кобальт Co.** Уни кам истеъмол қилиш марказий нерв  
системасини бузилиши, камконлик, иштаҳа йўқолишига олиб  
...лади. Кобальт ёмон ўсмалар хужайрасини нафас олиш ва  
...ини тўхтатади. Бундан ташқари у пенциллинни микробга  
...риши хоссасини 2-4 марта кучайтириш хусусиятига эга. Кобальт  
...да, узумда, редиска, бодринг, пиёз, жигарда кўп. Инсоннинг  
...р кунлик кобальтга бўлган эҳтиёжи 0,1-0,2 мг.

**Мис Cu.** Тўқима хужайраларини кислород билан  
...ини бошқариш, гемоглобин ҳосил бўлиши ва  
...цит етилиши учун зарур. У шунингдек организмдан оксил,  
...ни тўла утилизацияси ва инсулин активлигини ошириш  
...иятига эга. Инсоннинг бир кунлик мисга бўлган эҳтиёжи 2 мг.  
... нўхат, сабзавот ва мева, ҳайвон гўшти, нон маҳсулотлари,  
...да кўп микдорда бўлади. 1 литр ичимлик сувида 1мг мис бор.  
...нинг кўп микдори ҳайвон жигарида бўлади.

**Никель Ni** кобальт, темир, мис билан биргаликда қон ҳосил  
...ида, ўзи эса ёғ алмашинуви ва хужайрани кислород билан  
...лашда иштирок этади. Никелга бўлган эҳтиёж гўшт,  
...авот, балиқ, нон маҳсулотлари, сут, мева, ер мева истеъмол  
...и билан қондирилади.

## 8.2. Ультрамикрözэлементлар

Ультра микроэлементларга 100 гр маҳсулотда микрограмм  
...ларда бўлиб, уларга калай, кўрғошин, симоб ва бошқа  
...лар киради.

**Қалай Sn** озик-овқат маҳсулотларида жуда кам микдорда  
...ди. Масалан, қора мол ва қўйларнинг жигарида - 0,14 мг/кг,  
...ида - 0,003, ўпкасида - 0,63 ва миясида 0,019 мг/кг микдор  
...бўлади.

Қалай элементи кўрғошин, мис ёки рух элементларидан фаркли ўларок заҳарли металл эмас. Шунинг учун, консерва маҳсулотларни қалай югуртириб оқартирилган тунука банкаларда, маълум муддатда сақлаш тавсия этилади. Қалайи ва локи кўчган тунука банкаларда кучли кислотали муҳитга эга бўлган томат қайласида тайёрланган балиқ, сабзавот, гўшт каби консерва маҳсулотларини сақлаш ва уларни истеъмол қилиш ман этилади. Консерва маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш ҳам мумкин эмас, чунки қалай маҳсулотларидаги органик кислоталар билан таъсирлашиб, организм учун зарарли бўлган тузлар ҳосил бўлади. Қалай элементининг 1кг консерва маҳсулотларидаги миқдори 200 мг дан ошмаслиги керак.

**Кўрғошин Рb** элементи жуда кам миқдорда ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларида учрайди. Масалан, 1 кг олма, нок, узум таркибида 0,1 мг, гўшзда - 0,05 ва осётр балиғининг гўштида 0,06 мг кўрғошин бўлади.

Кўрғошин инсон организми учун заҳарли элемент ҳисобланади. У жигарда тўпланиб, кўрғошинли заҳарланишга сабаб бўлади. Сурункасига овқатдан 2-4 мг миқдорда кўрғошинни организмга ўтиши, бир неча ойдан кейин, кўрғошинли заҳарланишга олиб келади. Кўпинча кўрғошинли заҳарланиш, сопол идишларда сақланган озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида рўй беради.

**Симоб Hg** элементи ва унинг баъзи бирикмалари жуда заҳарли моддалар бўлиб, асосан, жигар, буйрак ва меъда-ичак трактига салбий таъсир кўрсатади. Симобнинг алкилли бирикмаларидан бири-метил симоб организм учун жуда хавфли модда бўлиб, марказий асаб тизимига таъсир этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари симоб билан пецицидлар орқали зарарланса, денгиз ўсимликлари ва балиқлари эса, саноат корхоналарининг чиқинди сувлари билан зарарланишига яна бир сабаб, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ва тошқўмирни ёндирилганда ажраладиган газлардир. Маълум бўлишича 1кг қўмир таркибида 1 мг гача симоб бўлар экан.

Ўсимлик маҳсулотларининг 1кг да ўртача 0,01 мг симоб бўлса, гўшт, тухум, сут ва айникса, балиқ маҳсулотларида бундан кўпрок миқдорда бўлади.



Минерал элементларнинг инсон организми учун, ҳам фойдали, ҳам зарарли томонлари бор экан. Уларнинг баъзилари, масалан, симоб, кўрғошин, кадмий, сурьма каби ўта заҳарли элементлар озиқ-овқат маҳсулотларида умуман бўлмаслиги керак. Мис, рух, темир ва қалай элементларнинг ортқича миқдорда бўлиши ҳам организм учун зарарлидир. Озиқ-овқат хом-ашёларни қайта ишлаш жараёнларида минерал элементларнинг миқдори камайиб кетади. Масалан, ун тегирмонларида минерал элементлар бугдойнинг келаги билан, сабзавот, мева ва картошкаларнинг пўстлоғи билан ажралиб кетади. Ҳайвон, парранда ва балиқ гўштарини суягидан ажратганимизда, элементлардан Са ва Р ни, гўштни қайнатиш, қовуриш ёки димлаб пишириш жараёнларида 5% дан то 50% гача муҳим минерал моддаларни йўқотиш мумкин.

### **Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари**

1. Кальций, фосфор, магний, калий ва темир инсон организмида қандай аҳамиятга эга?
2. Организмнинг микроэлементларга бўлган талаби қандай?
3. Озиқ-овқат хом-ашёларига ишлов бериш вақтида минерал моддалар қандай ўзгаришларга учрайди?

## IX БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ВИТАМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

### 9.1. Витаминлар

Мева, резавор ва сабзавотлар инсонлар озиғини витаминлар билан таъминлайдиган асосий манбаа ҳисобланади. Витаминлар киши организмнинг қувват (энергия) га бўлган эҳтиёжини кондиришда жиддий роль ўйнамасада, организм учун жуда зарур. Истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларида витаминлар етишмаслигини организмда модда алмашинуви издан чиқишига, унинг нормал ҳаётий фаолияти бузилишига сабаб бўлади, оқибат-натижада киши авитаминоз деб аталадиган касалликка чалинади.

Кўпчилик витаминлар организмда оқсил моддалар билан бирикиб, ферментлар ҳосил қилади ва модда алмашинув жараёнини бошқариб ростлаб туради. Организм витаминлар билан етарлича таъминлаб турилмаса, ферментлар ҳосил бўлмайди, натижада мазкур ферментлар кучайтирадиган реакциялар тўхтаб қолади, реакциялардан бирортасининг издан чиқиши эса организмда содир бўладиган бошқа жараёнларга салбий таъсир кўрсатади, буларнинг ҳаммаси кўпгина органларнинг фаолияти бузилишига сабаб бўлади – авитаминоз касаллигининг оқибати ана шундан.

Ферментлар – табиатан мураккаб оқсил моддалардир. Организм ферментлар, бинобарин витаминлар билан таъминланиб турмаса, киши озиб-тузиб, силласи қуриб, ҳалоқ бўлиши мумкин, бунда тўқ тўтадиган овқатлар ҳам кор қилмайди, чунки таом ферментларсиз ҳазм бўлмайди.

Организмда витаминлар етишмаса, у турли юқумли касалликларга қаршилиқ курсата олмайди. Шунинг учун ҳам баҳорда – айни организмда витаминлар етишмаётган вақтда – киши тез-тез тумов бўлади, нафас йўллари яллиғланади, шамоллаб касал бўлади. Витаминлар етишмаслигидан айниқса болалар ва ўспиринлар организми кўпроқ жабр кўради.

Турли маҳсулотлар таркибидаги витаминлар миқдори мг лар билан (100 гр га миллиграмм ҳисобида), жуда кам миқдори эса 1 гр га билан (миллиграммнинг қисми) ёки % билан (100 гр га) ифодаланади.

**Инсон организмнинг витаминларга бўлган суткалик  
эҳтиёжи**

	Витаминлар, мг.						
	A	каротин	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	C	PP	D
Катта ёшдаги кишилар:							
Уртача оғир меҳнат билан шуғулланганда, камида	1	2	2	2	50	15	
Энг оғир меҳнат билан шуғулланганда, камида	1	2	3	2	100	25	
Оғир меҳнат билан шуғулланганда	1	2	2,5	2	75	20	0,025 гача
Ҳомиладор аёллар (ҳомиласи 5-8 ойлик) камида	2	4	2,5	2	75	20	
Эмизаклик оналар камида (чакалоғи 7ойлик бўлгунча), камида	2, 5	5	3	2	100	25	
Болалар:							
7 ёшгача, камида	1	2	1	3	25- 30	15	0,012 дан
7дан 14 ёшгача, камида	1	2	1,5	2	50	15	0,025 гача
14 ёшдан ошганлар камида	1	2	2	2	50	15	

Витаминлар киши организмга мевалар, резавор ва сабзавотлар билан ёки ҳайвонлар гўштидан тайёрланган маҳсулотлар билан ўтади; ҳайвонлар ўсимликлар билан озикланганлиги сабабли уларнинг организмда витаминлар кўп бўлади.

Витаминлар иссиқликдан ва сувда эрийдиган хилларга ажратилади. А, Е, D ва К витаминлар биринчи гуруҳга, С, Р, РР, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub> витаминлар эса иккинчи гуруҳга мансубдир.

**А витамин** - энг муҳим ва кенг тарқалган витаминлардан биридир. А витамин етишмаса, организмда қариш ва организмнинг сўниш жараёнини эслатадиган ҳодиса рўй беради, яъни тери дағаллашади, шўрлайди, юзни ажин босади, соч барвақт оқаради, хира тортади ва кўз ожизланади, жинсий заифлик сезила бошлайди, киши турли касалликларга, хусусан нафас йўллари касаллигига тез-

тез чалинадиган бўлади. Агар, организмда А витамин етишмаслиги давом этаверса, у қуриб, киши бутунлай кўр бўлиб қолиши мумкин.

Ҳайвон маҳсулотларидагина А витамин бор. Ўсимликлар таркибидаги каротин, яъни А провитамин организмда А витаминга айланади. Эти сариқ мева ва сабзавотлар, қизил сабзи, помидор, эти сариқ қовоқ, ўрик, шафтоли, ошқўқлардан эса исмалоқ, коҳу (салат), кўк пиёз каротинга бой бўлади.

Қишда айниқса қизил сабзи, сабзи аралаштирилган сабзавот консервалари, шунингдек, тузланган қизил помидор, помидор шарбати, исмалоқ бўтқаси (шпинат-люре) ва шу кабиларни кўпроқ истеъмол қилиш керак, бунинг соғлиқ учун катта аҳамияти бор. А витаминнинг энг қимматли манбаларидан бири-қорамол жигаридир.

**В витамин** мой билан бирга истеъмол қилинганида яхши ҳазм бўлади. Сабзавот ва мевалар консерванганида ва тузланганида уллардаги каротин яхши сақланади.

**Д витамин.** Болалар организмда Д витамин етишмаса, улар ширзада (рахит) касаллигига чалинади. Катта ёшдаги кишилар организмда Д витамин етишмаганда остеомолиция касаллиги бошланади; бу суякларнинг юмшаши – мўртлашишидан иборат касалликдир. Мева ва сабзавотда Д витамин эмас, балки стероллар бўлади; Д провитамин ҳисобланувчи стероллардан ультрабинафша нурлар таъсирида Д витамин ҳосил бўлади. Бадан терисида доимо етарли миқдорда Д провитамин бўлади ва у қуёш нури (ультрабинафша нурлар) таъсирида Д витаминга айланиб, ҳамма органларга тарқалади ва авитаминоз касаллигининг олдини олади.

Балиқ мойи, тухум сариғи, ёзги маска ёғда ва қора моллар жигарида Д витамин кўпроқ бўлади.

**Е витамин** (токоферол) урчиш омилдир. Ўсимлик мойлари, ўсимликларнинг яшил қисмлари, буғдой, жавдар каби бошоқли ўсимликлар мўртагида Е витамин айниқса кўпдир. Е витаминнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, у каротин ҳамда А витаминнинг турғунлигини оширади ва яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради.

**К витамин** қоннинг қуюлиши (ивиши) ни оширади ва жароҳатнинг битишини тезлаштиради. К витамин сабзи, қарам, қовоқ, исмалоқ, картошка, лавлаги, помидор, наъматак, кўк ёнғоқ (хитой ёнғоқ) ва шу кабиларда бор.

**С витамин ёки аскорбин кислота** зангила (цинга) деб аталадиган милк касаллигининг якка-ягона давосидир. Организмда С витамин етишмаса, киши тез чарчайдиган бўлади, меҳнат қобилияти пасаяди, организм ангина, грипп каби юкумли касалликларга чалинади. Сабзавотлар, мева ва резаворлар С витаминнинг асосий манбалари ҳисобланади. Тузланган ва сиркаланган (зираворли сирка- мойга босилган) маҳсулотларда С витамин яхши сақланади. Сабзавот, резавор ва мевалардан витаминларга бой ҳар хил консервалар тайёрланади: помидор ва мева шарбатлари, компотлар, зираворли сиркага босилган мевалар, ичига қийма солинган сабзавотларшулар жумласидандир.

**С витамин** бошқа витаминларга нисбатан тезроқ емирилади (кучини йўқотади); шунга кўра консерва тайёрлаш чоғида бир қанча шартларни бажариш талаб этилади. Шулардан энг муҳими-ҳарорат билан таъсир кўрсатиш; пишириш, киздириш, микроорганизмларни йўқотиш, яъни стериллаш ва жараёнларни тезлатишдир, чунки иссиқлик ва ҳаводаги кислород таъсиридан С витамини оксидланади ва кучини йўқотади. Қизил булғор гармдори ва қора қорағат С витаминга бой; у лимон, апельсин, мандарин, помидор, қизил, исмалоқ, шовул, қулупнай (ер тут), крижовникда ҳам кўп бўлади.

**Р витамин (цитрин).** Организмда Р витамин етишмаса, қил томирлар, мўртлашиб, ёрилиб, қон кетиш ҳоллари юз беради. Олхўри, кишмиш, майиз, узум, лимон, апельсин, мандарин, наъматак, аччиқ қалампир, қора қарағат ва қора чой Р витамин манбалари ҳисобланади. Бу витамин организмнинг С витаминни тўла ўзлаштиришига, шу билан модда алмашинувининг яхшиланишига ёрдам беради.

**РР витамин (никотин кислота).** Кундалик овқатда РР витамин бўлмаса, киши пеллагра касаллигига чалинади, бунда меъда-ичаклар фаолияти издан чиқади, тери ўзига хос равишда шикаст топади ва рухий касаллик келиб чиқади. Картошқада РР витамин жуда кўп.

**В – витамин (тиамин).** Организмда бу витамин камайиб кетса ёки бутунлай бўлмаса, асаблар системаси ва юракнинг фаолияти бузилади; бу хасталик бери-бери ёки полиневрит деб аталади.

**В** витаминга тетиклик, бардамлик, витамини дейилган. Организмда бу витамин озгина камайганда ҳам ақлий чарқоқлик сезилади, мушакларда куч-қувват қолмайди. Иштаха йўқолиши, асабийлашиш, фикр тарқоқлиги, ҳолдан тойганлик ҳисси, мушакларда оғриқ пайдо бўлиши, юрак ўйноғи организмда В витамин етишмаётганлигидан далолат берувчи белгилардир. Бундай киши жисмоний меҳнатдан кейин анчагина ҳордиқ чиқара олмайди.

33-жадвал

Баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги  
витами́нлар миқдори  
(100 грамм маҳсулотда мг ҳисобида)

Маҳсулотлар номи	A	B <sub>1</sub>	B <sub>2</sub>	PP	C
Жавдар бугдой уни	-	0,5	0,13	0,45	-
Арпа ёрмаси	-	0,20	0,15	2,50	-
Оқ бугдой нони	-	0,10	0,07	0,67	-
Гречиха ёрмаси	-	0,50	0,24	4,40	-
Мол гўшти	0,01	0,10	0,19	4,20	-
Кўй гўшти	-	0,17	0,15	5,8	-
Мол жигари	15	0,40	0,61	22,0	31,6
Товуқ гўшти	-	0,16	0,16	6,9	-
Сазан балиғи	-	0,02	0,14	2,8	-
Сут	0,05	0,05	0,19	0,1	-
Пишлоқ	0,45	0,03	0,45	0,1	-
Тухум (1 донаси)	0,65	0,07	0,16	0,12	-
Картошка	-	0,10	0,16	0,910	20
Оқ бош қарам	0,04	0,15	0,05	0,4	45
Сабзи	9	0,06	0,06	0,4	5
Помидор	2	0,06	0,04	0,5	40
Бош пиёз	0,03	0,04	0,04	0,2	10
Олма	0,1	0,04	0,03	0,2	7
Лимон	0,4	0,04	-	0,1	40
Қора смородина	0,7	0,06	-	-	300

**В** витаминнинг асосий манбаи бошоқли ғалла ўсимликларидир. Бу витамин доннинг мўртагида ва сиртки пўстида жойлашган бўлади. Хўл мева ва сабзавотларнинг кўпчилигида В витамини бор. Гречиха ёрмаси, нўхат, ловия ва бурчоқларда ҳам бу витамин кўп миқдорда бўлади. Нон В витаминга айниқса бой; шунга кўра ҳар кун ейиладиган ноннинг

организмни кепакли ундан ёки жавдар ундан ёпилган нон ташкил этиши лозим.

**В<sub>2</sub> витамин (рибофлавин).** Организмда В<sub>2</sub> витамин етисмаси, модда алмашинув жараёни бузилади, бунда дерматит (терининг яллиғланиши) касаллиги, тил ва лабларнинг яллиғланиши, кўз мугўз пардаси томирларининг кенгайиши, кўзнинг ачишиб оғриши, ёруғликка қарай олмаслик, кўзнинг яллиғланиши каби ва бошқа касалликлар келиб чиқади. Организм В<sub>2</sub> витамин билан етарлича таъминланган ҳолларда бу касалликларнинг ҳаммаси ўтиб кетади. В<sub>2</sub> витамин мева ва сабзавотларда етарли микдорда, сабзи, карам, пийёз, исмалоқ ва помидорда анча кўпдир.

**В<sub>6</sub> - витамин (пиридоксин)** организмда оксил алмашинувини ва ёғларнинг синтезланишини таъминлайди. Бу витамин қовоқда ҳам, лавлагиди ҳам бор.

**В<sub>12</sub> - витамин** организмнинг қон яратиш қобилиятини тиклайди ва оғир асаб касалликларидан халос қилади, сезувчанликни, ҳаракатнинг уйғунлигини тиклайди, меъда-ичаклар фаолиятини тартибга солади, иштаҳани очади, хавfli камқонлик касаллигини даволайди. Истеъмол қилинадиган овқатда В<sub>12</sub> витамини жуда кам бўлган ҳолларда қонда гемоглобин камайиб кетади. Ўтхўр, ҳайвонларнинг жигари ва буйрақлари, шунингдек, сабзи шарбати В<sub>12</sub> витаминга бой.

Аҳолининг овқатланиш характери иқтисодий ва маданий даражасига қараб аста-секин таркиб топиб боради. Биологик химия, физиология, овқатланиш гигиенаси, витаминологиянинг илмий ютуқлари одамнинг ёши, касб-кори, жинси, иқлим хусусиятлари, коммунал хизматлардан қанчалик фойдаланиши ва бошқа омилларга қараб физиологик жиҳатдан олганда озик моддаларга нечоғли эҳтиёж сезишини аниқлаб олиш ҳамда илмий жиҳатдан асослаб беришга имкон очди. Овқатланиш характери организмнинг физиологик хусусиятлари билан касб-корига алоқадор хусусиятларига ҳамда ташқи муҳит омиллари таъсирига боғлиқ бўлишини айтиб ўтмоқ керак.

Организмда углеводлар, ёғлар ва оксил ўзгаришларга учраганида ҳосил бўладиган энергия иссиқлик энергияси бирликлари, килокалориялар билан ёки энергия бирликлари килокалориялар билан ўлчаш расм бўлган. Организмда 1 гр оксил

ёнганида 4 ккал ёки 16,74 киложоул (кЖ), 1 гр ёғ ёнганида 9 ккал ёки 37,67 кЖ, 1 гр углеводлар ёнганида 3,75 ккал ёки 15,7 кЖ ҳосил бўлади.

### **Инсон организмнинг энергия сарфи куйидагилардан таркиб топади:**

1) асосий алмашинув – ички органлар, системалар ва тўқималар функцияларини таъминлаб берувчи биокимёвий жараёнларга сарфланадиган энергия бўлиб, бу ўрта ҳисобда 1400–1700 ккалниташкил этади;

2) овқатнинг специфик-динамик таъсири – овқатни ҳазм қилиш ва озиқ моддаларни ўзгартиришга сарфланадиган энергиядир, бу асосий алмашинувнинг 10–15%ни ташкил этади;

3) касб-корга алоқадор ишларни, уй-рўзғор ишларини бажаришга, актив дам олиш, ўз-ўзига хизмат қилиш, спорт фаолиятига ва бошқаларга сарфланадиган энергия.

Шундай қилиб, одамнинг бир кеча-кундузда сарфлаб турадиган энергияси ўрта ҳисобда 2700–4500 ккални ташкил этади ва бундан ортади.

Тўғри овқатланишнинг илмий асослари, одамнинг жинси, ёши, ишининг характери, спорт билан шуғулланиш – шуғулланмаслигига аҳоли турмушининг шароитлари ва иқлимга қараб рационда қанча озиқ-моддалар бўлиши кераклиги тўғрисидаги тавсиялар куйидаги бобларда келтирилган.

### **Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари**

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи қайси витаминларни биласиз?
2. Организмда витаминларнинг етишмаслиги қанақа салбий оқибатларга олиб келади?
3. Табиатда учрайдиган витаминлар тўғрисида маълумот беринг?
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қанча витаминлар бўлиши керак. Мисоллар келтиринг.
5. Организмдаги витаминларга бўлган суткалик эҳтиёж қанча?
6. Организмда қайси асосий витаминлар бўлиши керак, нима учун? Мисоллар келтиринг.
7. Витаминлар неча турга бўлинади ва қайсилар?



## 9.2. Витаминлар ва уларнинг хоссалари

Витаминлар организмда синтезланмайдиган ёки оз миқдорда синтезланадиган паст молекулали органик бирикмалардир. (Организмда витаминлар моддалар алмашинувида иштирок этади, одамнинг саломатлигига, мосланиш лаёқатлари, меҳнат қобилиятига, ўсиш даврида организмни ҳар томонлама яхши ривожланиб боришига таъсир кўрсатади.

Витаминлар тўғрисидаги фан – витаминология учта тараққиёт босқичини босиб ўтган. Биринчи босқичи – витаминларнинг алиштириб бўлмайдиган овқат омиллари сифатида кашф этилиши уларнинг табиий манбалардан ажратиб олиниши, кимёвий тузилишининг аниқланишидир. Витаминларнинг кашф этилиши рус врачлари Н.И. Лунин номи билан боғланган. 1880 йили у овқатда бошқа ҳеч нарса билан ўрнини тўлдириб бўлмайдиган моддалар бўлишини тажриба йўли билан топди. 1911 йили поляк биохимики К. Функ биринчи марта тиаминни (витамин В<sub>1</sub>) ни тоза ҳолда ажратиб олди. Ана шу витаминга қиёс қилиб бу тоифа моддаларнинг ҳаммасини ҳаёт учун зарур аминлар - витаминлар деб аташди. Витаминология тараққиётининг иккинчи босқичи витаминларни саноатда синтез қилиш билан таърифланади, чунки оммавий гиповитаминозларнинг олдини олиш кўп миқдор витаминларни талаб қилар эди. Учинчи босқич витаминлар асосида биологик жиҳатдан актив бўлган янги моддаларни ичак ферментларига, коферментларга анча чидамли бўладиган витамин аналогларини (кокарбоксилаза, витамин ва коферментларни ва бошқаларни) яратиш, шунингдек витамин комплексларни ҳаёт учун бошқа зарур озик моддаларни, масалан, аминокислоталар билан синтезлашдан иборат бўлади. Ҳозир 50 тадан ортиқроқ витаминларнинг хоссалари ўрганиб чиқилган шулардан тахминан 20 таси одам организмдаги алмашинув жараёнларида иштирок этади.

Витаминлар классификациясига уларнинг сувда ва ёғларда эрувчанлик хоссалари асос қилиб олинган. Шу муносабат билан витаминлар сувда эрийдиган ва ёғда эрийдиган витаминларга бўлинади. Липоат ва оротат кислота, витамин U витаминнамо моддалар жумласига киради.

### 9.2.1. Ёгда эрувчи витаминлар

Ушбу синф витаминларига А, D, E, K витаминлар киради.

**Витамин А** – ретинол, антиксерофтальмик витамин. Витамин А бета-ионон ҳосилалари гуруҳига киради. Витамин А инсон организмда турли функцияни бажаради. Витамин А нинг тоза препаратлари – бу тиник сариқ рангли ёпишқоқ ёғлар ёки оч сариқ рангли нинасимон кристаллар кўринишида бўлиб, органик эритувчилар ва ёғларда яхши эрийди. Витамин ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланadi ва ҳаво кислороди билан оксидланади. Уларни оксидлашдан витамин С ва витамин Е лар сақлайди.

Витамин А етишмасе текширилаётган ҳайвонларда мембраналар учун зарур бўлган холестерин ва фосфолипидлар синтези пасаяди. Организмнинг умумий сезгирлигини юқори даражада сақлашда витамин А нинг аҳамияти катта. Биомембранасининг ажралмас қисми сифатида нуклеин кислоталар, оксиллар, липидлар ва энергия алмашинувига сезиларли таъсир қилади.

Витамин А етишмаганида кўз мугуз қаватининг қуриши – *ксерофтальмия* (грек. хеҒоx –қурук, ophthalmos –кўз) ёш каналининг беркилиб қолиши натижасида вужудга келади. Бунинг натижасида конъюктивит, шох қаватининг юмшаши вужудга келади – кератомоляция (грек. keras –шох, malatia –парчаланиш); бу жараён жуда тез ривожланади.

Авитаминоз А (гиповитаминоз А) учун характерли белги бўлиб шапкўрлик (гемералопия) ҳисобланади. Касаллар қоронғи хонада нарсаларни бир-биридан ажрата олмайдилар, кундузи яхши кўрадилар. Инсон 1 кунда 1 мг витамин А истеъмол қилиши зарур. Ҳайвон маҳсулотларидан балиқ ёғида витамин А (19%), ҳайвон жигарида эса 8%, чўчка жигарида- 4% бўлади. Сариёғда – 0,4-0,5%, тухумда -0,4%, сутда- 0,25% бўлади.

Ўсимлик маҳсулотларидан сабзида 9%, кўк пиёз, кизил болгар қалампирда 2%, ўрикда 1,6%, ошқовоқда 1,5%, помидорда 1% бўлади. Сариёғни сариқ бўлиши, масалан, баҳор ва ёзда ҳайвонлар ўт орқали кўп каротин еса, улар сап-сариқ бўлиб чиқади. Технологик ишловда 20-40% витамин А йўқолади. Одамлардаги витамин А запаси 1-2 йилга етади. Унинг етишмаслиги фақат

болларда 4 ёшгача бўлиши мумкин. Кўп ейиш эса зарарланишга олиб келади.

А витамин эркин ҳолдагига қараганда маҳсулотлар таркибида чидамли. Масалан, сабзини қирқиб сақланса, витамин А миқдори ортади. Буни биосинтез билан тушунтириш мумкин. Кўплаб илмий текширувлар шуни кўрсатадики, витамин А кўплаб озиқ-овқат маҳсулотларида В активлигини яхши ёки тўла сақлайди. Баъзида (‘) 20% гача камайтириши мумкин. Ўсимлик маҳсулотларини кайнатилганини ейилса, А витамини яхши ҳазм бўлади. Сабзини ёғда қиздирилганда унинг хужайрасида мавжуд каротин ёғда эрийди. Бунда каротин миқдори камайган. Унинг камайиши температура ва сақлаш муддатига боғлиқ. 0-2<sup>0</sup>Сда 2 кун сақланса, 17%, 4 кунда 23% каротин камайган. 4 кунлик 12-13<sup>0</sup>С да сақлаш 40% каротинни парчалаган. 0-2<sup>0</sup>С да 4 кун пассеровка қилинган сабзи сақланса, каротин миқдори умуман камаймаган. Суткалик эҳтиёж: 2,7мг витамин А ёки 2-5 мг каротин.

**Витамин D** – кальциферол, антирахитик витамин. Унинг энг муҳим вакиллари D<sub>2</sub> ва D<sub>3</sub>.

D витамин рахит касаллигини даволаш хусусиятига эга. Кимёвий тузилишига кўра цериоллар гуруҳига оид бир неча бирикмалар шу ном билан юритилади. Улар орасида ҳақиқий витаминлар D<sub>2</sub> витамин – кальциферол ва D<sub>3</sub> витаминлардир.

(Ф)тоб нурлари таъсирида ёки танани ультрабинафша нурлари билан нурлантирилганда терида D витамин ҳосил бўлади яъни инсон организмида ёруғлик нури таъсири остида ҳосил бўлади. У йўгон ичакда кальцийни активлаштириш ва суяк минерализациясида иштирок этади. Катта кишиларда витамин D етишмаслиги ҳолатлари кам учрайди. У ёруғлик нури таъсири остида ҳосил бўлади, шунингдек жигар бир йил таъминлай оладиган D витамин запаси йиғиш қобилиятига эга. Лекин шимолда ишлайдиганлар, шахтёрларга овқатига D витамин кўшилади. Ёш организмлар учун D витамин зарур. D витамин овқатда бутунлай ёки етарли миқдорда бўлмаганида рахит касаллиги келиб чиқади. (I) авитаминоз) Касаллик аъзоларда кальций ва фосфор илмашинувининг бузилиши билан характерланади. Беморларнинг суягида кальций ва фосфор тузлари, асосан, кальций фосфат миқдори камайиб, суяклар юмшайди, оёқ суяклари кийшяди, килли катталашиб, унинг шакли ўзгаради. Рахит билан оғриган

болаларнинг тишлари яхши ўсмайди, калла суякларининг ортоси (ликилдок) тез битмайди.

D витамин асосан ҳайвон маҳсулотларида, сариёғда, тухум сариғида, жигарда, ёғларда ва балиқ мойида бўлади. Бундан ташқари у ўсимлик мойларида ва ачиткиларда ҳам етарли миқдорда мавжуд.

Ўсимлик маҳсулотларида витамин D нинг миқдори кўп эмас. Ҳайвон маҳсулотларидан жигар, товук тухуми, балиқ, сут, сариёғда кўп сақланади.

D-гиповитаминозда организмдаги оксил алмашинувида ўзгаришлар кузатилади. Талоқда ва тимусда парчланишича ортиши билан унинг синтези пасайган. Шундай ҳолларда болалар ва катталарда суякларнинг деминерализацияси юз беради, унча кучли бўлмаган таъсирлар суяклар синишига олиб келади. Қон зардобида Са ва Р миқдори ортиши ҳисобига юмшоқ тўқималарда Са йиғилади ва буйрақларда тош ҳосил бўлади.

Витамин D<sub>2</sub> прооксидант хусусиятга эга ёғ кислоталарининг ҳужайра мембраналарининг фосфолипидларини оксидланишидан сақлайди.

Витамин D етишмаслигининг организмдаги модда алмашинувида салбий таъсири иммун системада ҳам ўз аксини топади.

Ўсимлик маҳсулотларида D витамини йўқ. Ҳайвон маҳсулотларидан балиқ маҳсулотлари -30мкг%, тухумда -4,7мкг%, сутда -0,05 мкг%, сариёғда-1,3-1,5мкг%, сигир жигарида -2,5мкг% бўлади. Кўп истеъмол қилиш турли касалликлар келтириб чиқаради. D витамини чидамли деб ҳисобланади. Унинг оксидланган ёғлар парчалайди. Қуритишда 25-35% парчланади сут ва балиқ маҳсулотларига технологик ишлов берилса ҳам яхши сақланади.

Витамин К. Витамин К га асосан яшил ўсимликлар, айниқса қарам бой. Ҳайвонлардан олинган маҳсулотларда эса витамин К миқдори кам бўлади. Масалан, чўчка жигарида 0,4-0,8мкг/гр.

Витамин К одамда нормал ичак микрофлораси томонидан синтезланади. Витамин К мембрана фосфолипидлари, глкопротеидлар, липопротеидлар ва нерв ҳужайрасининг муҳим фосфолипиди – сфингозин синтезида қатнашади.

Витамин К нинг асосий биологик аҳамияти шундан иборатки, у жигарда қон ивишини таъминловчи оқсиллар синтезида қатнашади.

Витамин К анаэроб шароитда витамин С, В<sub>2</sub> иштирокида фосфорилланиш жараёнларини стимуллайди, макроэргик бирикмалар АТФ, креатинфосфат алмашинувида қатнашади. Витамин қатор оқсиллар синтези учун ва қатор ферментлар (гекоскиназа, фосфотрансфераза) фаолияти учун зарурдир.

**К витаминлар гуруҳи.** Бу гуруҳга цитрурусда 1,4-дигидрохалин халқасига ва изопреноид занжирларидан иборат биологик эгза К<sub>1</sub> ва К<sub>2</sub> витаминлар киради. К витаминнинг очилиши 10- йилларнинг охирида Дам ва сўнгра Алмқвицнинг жўжалар сунъий парҳезда боқилганда, уларда қоннинг ивиши секинлашиб, қон оқисининг чўзилишини қузатишдан бошланди. Қасаллик қон плазмасида қон ивиши учун зарур бўлган оқсиллардан бири – протромбин микдорининг камайиб кетишидан келиб чиқиши маълум бўлди.

К витаминнинг биокимёвий функцияси хали тўла аниқланган эмас. Лекин унинг жигарда протромбиннинг синтезланишидаги иштироки шубҳасиз.

К витамин манбалари ва унга бўлган эҳтиёж. К витамин ўсимликларнинг яшил япроқлари ва бошқа қисмларида айниқса кўп бўлади. У мева ва поллиз экинларидан фақат помидорда кўпроқ учрайди, ҳайвон жигарида ҳам етарли микдорда мавжуд.

**Витамин Е.** Витамин Е бир-биридан ароматик ядросидаги метил гуруҳлари сони ва жойлашиши билан фарқ қилувчи ҳосилалари токофероллардир. Альфа-токоферол энг юқори фаолликка эга.

Витамин Е сарик рангли, мой кўринишига эга, органик эригувчиларда яхши эрийди, кислота, ишқорлар ва қиздиришнинг таъсирига чидамли, лекин оксидловчилар таъсирига чидамсиз. Шу билан бирга ҳаво кислороди ва ультрабинафша нурларга ҳам.

Токофероллар фақат ўсимликларнинг яшил қисмида, айниқса, бошқоқиларнинг майсаларида ҳосил бўлади. Улар ўсимлик мойларида кўп бўладилар. Ҳайвон маҳсулотларида токофероллар кам.

В авитаминоз эса биологик мембраналар барқарорлиги ва ифталари бузилишидир. Бунда мембраналар фосфолипидлари ва структура оқсилларининг сифат ва микдор таркиби, шунингдек липидлар пероксидланиш маҳсулотлари микдори ҳам ўзгаради. Бу

ҳолат Е авитаминозда эритроцитлар мембранасида яққол кума ташланиб, шу витаминнинг камайиш даражаси билан бир вақтда эритроцитларнинг осмотик резидентлиги камайишига олиб келади.

Маълумки, хужайра мембранаси фосфолипидлари гормонлар рецепторлари ҳосил бўлишига, хужайранинг ўзаро таъсирларига масъул бўлган гликолипидлар билан мустаҳкам боғланган. В авитаминозда фосфолипидларни миқдор ва сифат таркиби ўзгарганда, хужайра мембраналари гликолипид таркиби ва уларга боғлиқ вазифалар ҳам ўзгаради. Суткалик эҳтиёж – 5 мг.

Е витаминлари гуруҳи, токофероллар. Е витамин кўпайиш витамини деб аталади. Бу моддаларга бўлган эътибор синтетик парҳез билан боқилган ҳайвонлар нормал ўсса ҳам, уларнинг кўпайишида бузилиш содир бўлиши билан боғлиқ.

Токофероллар ҳайвон ва ўсимлик маҳсулотларида жуда кек тарқалган. Улар яшил сабзавотлар, картошка, нўхат, қора унда ёпилган нон, зигир ва пахта мойида, гўшт тухум, сут, сариг таркибида мавжуддир. Баъзи ҳайвонлар тўқималари таркибида (йўлдош, гипофиз жигар ва мускулларда) доим маълум миқдорда токофероллар захираси бўлади, шунинг учун озуда токофероллар етишмаганда авитаминоз тез ривожланмайди.

## 9.2.2. Сувда эрувчи витаминлар

Сувда эрийдиган витаминлар қаторига В витаминлар комплекси, С ва Р витаминлар киради. С витамин ёки аскорбат кислота ҳул мева ва сабзавотларда айниқса кўп миқдорда учрайди; у цинг касаллигини даволайдиган ягона омилдир. С витаминга қон томирлари деворининг ўтказувчанлиги ва мўртлигини камайтирадиган Р витамин – цитрин ёки флаворон деб аталадиган омил яқин туради.

В витаминлар комплекси. В витаминлар комплекси турли маҳсулотларда, айниқса жигар экстрактида, ачитқиларда ва шоли кепагида биргаликда учрайдиган бир қанча алоҳида омилни ў доирасига олади. Бу комплексга аввало, биринчи бўлиб витамин номини олган, бери-бери касаллигини даволайдиган аневрин киради. У 1911 йилда Функ томонидан гуруч кепагидан ажратиб олинганида ягона модда деб ҳисобланган эди, лекин тез вақт орасида шоли кепагида, жигарда, ачитқиларда озуда

етишмаслигидан келиб чиқадиган бошқа касалликларни, хусусан, пеллаграни даволайдиган омил ҳам кашф этилди. Казимир Функ бу ишларда маълум бўлган витаминлар етишмаслиги билан боғлиқ касалликларни авитаминозлар деб атади. Витаминларнинг ўзини ҳам анча кўп хиллари бор эканлиги маълум бўлди. Ксерофтальмияга қарши омил аввалроқ А витамин номини олганидан шולי кепаги, ичтқи, жигардан ажратилиб олинган омиллар В витаминлар комплекси деб аталди. Уларни В<sub>2</sub>В<sub>3</sub> ва ҳоказо шаклида ифодаладилар.

**Тиамин В<sub>1</sub> витамин.** Бу витаминнинг тиамин деб аталишига сабаб унинг таркибида олтингургурт (юнонча – тио) ва аминогурух борлигидадир. Организмда тиамин етишмаслиги бери-бери касаллиги (полиневрит, периферик нервларнинг яллиғланиши)га сабаб бўлади. Бу касаллик фалажликка, юрак ва қон томирлари ҳамда ошқозон-ичак йўли ишининг бузилишига олиб келади, сув алмашинуви ҳам ўзгариб, шиш пайдо бўлади.

Организмнинг В<sub>1</sub> витаминга бўлган кундалик эҳтиёжи, тахминан, 2–3 мг тиаминга тенг.

**В<sub>2</sub> витамин, рибофлавин.** В<sub>2</sub> витамин баъзи микроорганизмларнинг, ёш каламушлар ва бошқа ҳайвонларнинг ўсиши учун зарур. Шу сабабли ҳам В<sub>2</sub> авитаминозининг асосий белгиси ўсишнинг тўхташидир. Одам организмда бу витамин ичак микрофлораси томонидан синтезланиб туради. Шунинг учун одамларда В<sub>2</sub> авитаминозини ҳосил қилиб бўлмайди, лекин узоқ вақт озуқа билан В<sub>2</sub> витамини истеъмол қилинмаганда лабларнинг бичилиши, тил шилимшиқ пардасида яллиғланиш ҳодисалари кузатилади.

Одамнинг В<sub>2</sub> витаминга бўлган кундалик эҳтиёжини аниқ белгилаш қийин бўлса ҳам кундалик озуқа таркибида организмга кирадиган ва ундан чиқадиган витаминнинг миқдорига қараб, ҳамда ҳайвонларда олиб борилган тажрибалар асосида бу эҳтиёж 1,5–2,5 мг эканлиги аниқланган. Рибофлавин асосан, ҳайвон миҳсулотларида (гўшт, буйрак, мия), балиқ, тухум, сут таркибида, айниқса, ачитқиларда кўпдир. Сабзавотларда эса унинг миқдори кимрок. Кундалик аралаш овқат, одатда, одам эҳтиёжини тўла тўминлаб туради.

**РР витамин, никотинат кислота, ниацин.** Никотинат кислота 1911 йилда биринчи марта Функ томонидан витамин тарикасида

ажратиб олинган ва каптарлардаги бери-бери касаллигини даволашда унинг самара бермаслиги кўрсатилган эди, Гольдоергер бу бирикма одамларда учрайдиган пеллагри итлардаги «Коратил» касалликларини даволашнинг аниқлигини, никотинат кислота витаминлар қаторига қўшилди. У пеллагрига қарши витамин деб ҳам аталади. РР витаминнинг етишмаслиги одамларда оғир касаллик-пеллагри пайдо қилади. Бу касалликнинг характерли белгилари дерматит, диарея (ич кетиш) ва оғир ҳолларда деменция (ақл пасайиши, нерв ва психик бузилишлар)дир.

Пеллагра сўзи итальянча pella ага – ғадир-будир тери маъносини англатади ва касалликнинг энг муҳим белгисини – дерматитни эслатади. Унинг келиб чиқиши ёмон овқатланиш, асосан маккажўхори унидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилиши билан боғлиқ эди. Лекин пеллагра касаллигининг сабаби фақат никотинат кислотанинг етишмаслигидан эмас. Бу касалликни даволашда никотинат кислотадан ташқари, таркибида аминокислоталар – триптофанни кўп тутадиган озиқ моддаларнинг муҳим аҳамиятига эга эканлиги аниқланди. Агар, РР – авитаминозига дучор бўлган каламушлар озиғига триптофан қўшиб берилса, авитаминознинг белгилари енгиллашади, лекин касаллик бутунлай тузалиб кетмайди. Одамнинг бир суткада никотинат кислотага бўлган эҳтиёжи 12–18 мг деб ҳисобланади, бироқ озуканинг калорияси ортиши билан витаминга бўлган эҳтиёж ҳам кўпайиб боради.

**В<sub>6</sub> витамин, пиридоксин, адермин.** В<sub>6</sub> витаминнинг касаллиги этилишига ёш каламушлар таркибида тиамин ва рибофлавин бўлган сунъий озукта билан боқилганда ҳам уларда тери касаллигини дерматит келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу дерматит пеллаграга учрайдиган тери яллигланишига ўхшаса ҳам, никотинат кислота билан даволанмайди, аммо, овқатга жигар, ачитки, шоли келганда кўшилса, анча тез тузалиб кетади. Одамнинг В<sub>6</sub> витаминга бўлган кундалик эҳтиёжи, тахминан, 1,5–2 мг ҳисобланади.

**В<sub>12</sub> витамин. Антианемик витамин. Кобаламин.** Қўнғир вақтлардан бери шифокорлар жигардан камқонликни даволаш учун муваффақиятли фойдаланиб келганлар. Лекин унинг даволаш натижаси нимага боғлиқ эканлиги қоронғу эди. 1929 йилда америкалик гематолог В. Б. Касл камқонликни даволашда иккита фактор иштирок этади, уларнинг биринчиси, ошқозон ширасидаги



«ички фактор» ва иккинчисини овқат таркибидаги «ташқи фактор» ларни фикрни баён қилди. Мана шу икки Касл факторларининг қўшилишидан ҳосил бўлган махсус комплекс камқонликнинг маносидир. У илиқда эритроцитларнинг етишиши учун зарурдир. Бу факторлардан биттаси етишмаса ҳам хавфли камқонлик юз беради. 1948 йилда жигар экстрактдан камқонликни даволайдиган бирикма кристалл ҳолда ажратиб олиниб, унга  $V_{12}$  витамин ёки антианемик витамин номи берилди.  $V_{12}$  витаминини ажратиб олиш ва уни камқонликдаги ажойиб таъсири ўрганилиши асосида «ички фактор»нинг табиати ҳам аниқланди. Ички фактор ошқозон ширасидаги оксил – мукопротеид бўлиб чиқди.  $V_{12}$  витамин ана шу оксил билан боғланган ҳолда ошқозон-ичак йўлида яхши сўрилар экан. Хавфли камқонликка дучор бўлган касалларнинг ошқозонида ана шу оксил – ички факторнинг бўлмаганидан  $V_{12}$  витамини яхши сўрилмайдди.  $V_{12}$  авитаминозининг асосий белгиси қон ҳосил қилиш функцияси ва нерв системасининг бузилиши билан кечадиган камқонликдир. Касаллик ошқозон шираси кислотасининг кескин пасайиши билан кузатилади, лекин хавфли камқонлик авитаминоз бўлса ҳам, у ошқозоннинг органик шикастланиши–ошқозон шилимшиқ пардасида Каслнинг «ички фактори»ни ишлаб чиқарилмаслиги туфайли келиб чиқади.

**Фолат кислота ва унинг ҳосилалари.** Сутни ачитувчи баъзи бактерияларнинг ўсиши учун жигар экстрактида мавжуд бўлган қўшимча факторнинг зарурлиги аниқланган эди. Сутни ачитувчи стрептококкнинг турли маҳсулотлар қўшилган муҳитда ўсишини ошириш билан, бу фактор буйракда, замбуруғларда, ачиткида, аниқса яшил япроқлар ва кўкатларда кўп эканлиги тасдиқланди. 1941 йилда Вильяме бу моддани жигардан ва шпинат япроқларидан ажратиб олиб, унга фолат кислота («фолиум» япроқ демакдир) номини берди.

Одамларда фолат кислота етишмаслиги, бошқа бир қатор витаминларнинг етишмаслиги каби, ичак флораси антибиотик моддалардан зарарланганда келиб чиқиши мумкин. Бундай шароитда ичакда фолат кислота ситезланмайди, шунингдек ичакда витаминларнинг сурилиши бузилганда рўй бериши мумкин. Фолат кислота авитаминозининг энг характерли белгиси қон ҳосил бўлишининг бузилиши ва унинг билан боғлиқ бўлган камқонлилик белгиларидир.

Ичакдаги микроорганизмлар бир кеча-кундузда 0,1-0,2 мг фолат кислота синтезлайди деб тахмин қилинади. Жигарда ҳам доимо етарли миқдорда фолат кислота мавжуд. Шунинг ҳам билан керакки, *p*-аминобензоат кислотага мухтож бўлган микроорганизмлар унинг ўрнига деярли тенг миқдорда фолат кислотани истеъмол қилади.

**Пантотенат кислота** – **В3 витамин**. Ачитки ва сут ачитувчи микробларнинг ўсиш шароитини ўрганиш давомида 1933 йили шолли кепагидан уларнинг ўсиш омили топишган эди. Бу омил хайвон ва ўсимликларнинг барча тўқималарида тарқалган учун ажратиб олинган моддага пантотенат кислота ёки пантотен (юнонча – ҳамма ерда деган маънони англатади) номи берилган эди. Бу омил етишмаганда хайвонларда ҳар хил патологик белгилар жўжаларнинг ўсишдан тўхташи, дерматит, каламуш ва бошқа хайвонлар жунини ҳамда патининг оқариши, каламушларда буғи усти беши некрози ва қон қуйилиши, иштаҳанинг йўқолиши, фалажлари, ички аъзолар касалликларининг белгилари пайдо бўлади. Шунинг учун бу модда турли номлар: антидерматит фактор, жигар филтрати фактори, ачитки фактори ва жўжаларни пеллаграга қарши фактор каби номлар билан аталган.

Ачитки, жигар ва тухум сариғи пантотенат кислотанинг манбаларидир. Ўсимликларнинг яшил япроқларида ҳам пантотенат кўп бўлади. Умуман, бу ҳар хил ўсимлик ва хайвон маҳсулотларида мавжуд. Одамларнинг пантотенат кислотага бўлган бир кунлик эҳтиёжи 10 мг деб ҳисобланади.

**С витаминни, аскорбат кислота, антискорбут.** Цингага асосий белгилари майда қон томирлари, айниқса, капиллярларнинг шикастланиши натижасида тери остига нуқталар кўринишида кўйилиши ва милқдан қон кетишидир. Касаллик даврида қон томирчаларининг деворлари мўртлашиб, улар осонлик билан ёрилади, томир деворларининг ўтказувчанлиги ортиб, қон элементлари ташқарига чиқади. Цинга касаллиги суякларнинг шикастланиши ҳам шикастлайди. Бунда суякларнинг синаши кўп бўғимларнинг шишиб оғриши, тишилдишларининг бузилиши кўп қолиши кузатилади. Цинга касаллигида дастлабки дефицит бириктирувчи тўқима оқсил – коллагеннинг ҳосил бўлишида бузилиш билан боғлиқ. С авитаминозга денгиз чўчкачаларининг суякларида коллаген миқдорининг камайиб кетиши аниқланган.

булдан ташқари, С витамин етишмаганда коллагеннинг тола шаклидаги олд бирикмаси (проколлаген) түпланеди. Бу ҳодиса ҳужайралар орасини цементлаб турувчи ва организмда таянч структуралар ҳосил килувчи моддаларда мукополисахаридлар алмининувининг бузилганлигидан дарак беради.

**Р витамин, ўтказувчанлик витамини, цитрин.** Бу витамин етишмаганда одамлар ва денгиз чўчкаларида қон томирлари деворининг ўтказувчанлиги ортади. Р витамин гуруҳига кирадиган флавонол пигментлар гликозидлар бўлиб, улар орасида энг зўр фаолиятга эга бўлгани рутин (кверцитрин глюкозиди)дир. Чой ўсимлиги баргидан Р витамин препарати ҳам олинган. Унинг асосий таъсир этувчи моддаси катехин ва галлат эфирларидир. Цитрус мевалари пуцидан гесперидин (цитрин) ҳам ажратиб олинган. Рутин ва гесперидин тузилишининг асосини флавоноид селети ташкил қилади:

**Биотин Н витамин.** Биотинни ачитқиларнинг ўсиши учун зарур бўлган («биос» ҳаёт) компонентларини ўрганиш жараёнида Кёгл (1935 йили) тухум сариғидан ажратиб олган эди. Кёгл 250 кг кўритилган тухум сариғидан 1,1 мг биотин ажратиб олишга муваффақ бўлди. Бир неча йил ўтгач, бу модда каламушларни (ва ҳайвонларни) ҳам тухум оқининг заҳарли таъсиридан сақлайдиган нормальум фактор Н витамин билан бир хил эканлиги аниқланди. Биотин бир қатор карбоксилланиш ва декарбоксилланиш реакцияларида муҳим роль ўйнайди. Булар орасида ёғ кислоталар синтезида иштирок этадиган специфик комплекс алоҳида аҳамиятга эга. Ацтил Коанинг пальматит кислотага айланиши орalik махсулот сифатида малонат орқали ўтади деб ҳисобланади. Ёғ кислотани синтезига олиб борадиган бу реакциянинг биринчи босқичи  $\text{CO}_2$  нинг фиксация қилиниши учун биотинга муҳтождир. Биотин табиатда жуда кўп тарқалган, аммо, турли материалларда ҳам миқдорда учрайди. У ҳайвон махсулотларидан жигар ва тухум сариғидан анчагина бўлади. Биотин микроорганизмлар ва ачитқилар, шунингдек барча юқори ривожланган ҳайвонларнинг нормал ҳаёти учун зарур. Одамларнинг биотинга бўлган қундалик эҳтиёжи 0,025 мг ҳисобланади, аммо, у овқат билан махсус киритилиши шарт эмас, чунки ичакдаги микроорганизмлар фаолияти натижасида қўшил бўладиган витамин организм талабини тўла таъмин этиб туради.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Витаминлар тўғрисида қанақа тушунчага эгасиз?
2. Витаминлар инсон организмига нима беради?
3. Ёғда эрувчи витаминларга қайси турдаги витаминлар **киради?**
4. Сувда эрувчи витаминларга қайси турдаги витаминлар **гуруҳи** киради?
5. Витаминлар комплекси деганда нимани тушунасиз?
6. Инсон организмига витаминларнинг етишмаслиги **қандай** оқибатларга олиб келади?

### 9.3. Витаминсимон моддалар.

**Парааминобензонат кислота.** Парааминобензонат кислота микроорганизмларнинг ўсиши учун жуда зарурдир. Бундан ташқари бу бирикма билан сичконлар жунининг оқаришини даволаш ҳам мумкинлиги маълум бўлди. Шунингдек, парааминобензонат кислотанинг ўсиш, жун, соч ва терининг нормал бўлиши учун зарур эканлиги аниқланди. Парааминобензонат кислотанинг организмдаги аҳамияти унинг суриккаб витамин-фолат кислотанинг таркибига киришига боғлиқ. Парааминобензонат кислотага бўлган қизиқиш Вуд томонидан қайд этилган воқеадан сўнг айниқса кучайиб кетди. У йирингли касалликлар (зотилжам, менингит, сузак ва бошқалар)ни даволаш учун кенг тадбиқ қилинадиган сульфамид препаратларнинг бактериоциатик таъсири муҳитга парааминобензонат кислота қўшилганда пасайиб кетишини кўрсатди. Бу икки бирикма қўшилишининг ўхшашлиги уларнинг бактериялар танасида ўсиш учун зарур бўлган битта сатх учун курашди, деган фикрни келтириб чиқарди. Рақобатли тормозлаш деб аталувчи бу тушунчага биноан, бактерияларнинг ўсиши учун зарур парааминобензонат кислота қўлинмайдиган сатхни сульфаниламид эгаллаб олса, муҳитда витамин етарли бўлган тақдирда ҳам унинг борланидиган ўрни банд бўлганлигидан микроорганизм учун зарур парааминобензонат кислота етишмаслиги вужудга келиб, микроб кўпая олмайди ва маълум вақтдан сўнг нобуд бўлади. Куйида келтирилган формулада парааминобензонат (витаминсимон модда) ва микробларни қўшишдан тўхтатадиган, медицинада кенг қўлланадиган сульфамид препаратлар структурасининг ўхшашлиги яққол кўринади. Парааминобензонат кислота жигарда, ачитқиларда, бугдой уруғида нисбатан кўп, сабзавотларда эса камроқ бўлади.

**Пангамат кислота.** В<sub>15</sub> витамин, пангамат кислота 1951 йили жуда кўп ўсимлик уруғлари, шולי келаги, ачитқи ва жигардан арилиб олинган. Унинг номи (юнонча рап-ҳамма ерда, gam – уруғ) ҳам уруғларда кенг тарқалган деган маънони ифодалайди. Уруғларда бу витамин етишмаслик белгилари маълум бўлмаса ҳам, организмда унинг препаратлари жигар, буйрак-томир касалликларида, мия қон томирларининг склеротик ўзгаришларида қўлланилади. Кимёвий жиҳатдан пангамат кислота O-глюкуронат

кислота ва ацетат кислота мураккаб эфирининг октометиленди азотли ҳосиласидир. Унинг биологик роли таркибидаги метил гуруҳларни кўчириш кобилияти билан боғлиқ бўлса керак. Ҳақиқатдан ҳам пангамат кислота метил гуруҳларнинг фаол донори сифатида холин, метионин ва креатин синтезида иштирок этади деган

**В<sub>7</sub> витамин, карнитин.** Витаминсимон моддалар гуруҳига киритиладиган яна бир бирикма карнитиндир. Бу бирикмани у вақтида Гулевич мускуллардан ажратиб олган эди, аммо, унинг витаминлик функцияси фақат кейинги йилларда маълум бўлди. Бу фактор ун курти *Genebrio molitor* озиғида бўлмаса, унинг личинкасида нобуд бўлар экан. Маҳсулотлардан тоза ҳолда ажратилиб олган моддага В<sub>7</sub> витамин номи берилди.

Шу вақтга қадар карнитин ҳашаротларнинг уч тури учун зарур эканлиги маълум. Карнитинни умуртқалилар организмига ташқаридан кириши учун эҳтиёж йўқ, чунки унинг мускулларида етарли микдорда эканлиги ҳайвонларнинг бу бирикмани олиши қила олишидан дарак беради. Карнитин хужайрада узун замонлар ёғ кислоталарнинг оксидланишида қатнашади: улар цитоплазмадан митохондрия матриксига кўчирилиши таъминлайди ёғ кислоталарнинг оксидланиш жараёни худди шу ерда ўтади.

**Инозит.** В витаминлар комплексида киритиладиган инанча ҳайвон ва ўсимлик тўқималарида қадимдан маълум бўлган компонент. Кимёвий тузилишига кўра гексагидрогексооксисебазон бўлиб, унинг изомерларидан фақат мезоинозит витамини биологик хоссасига эга. Инозитнинг В витаминлар гуруҳига киритилиши Вуллиннинг ёш сичқонларни синтетик парҳез билан бокиб ўтказиш тажрибаларига асосланган. Ёш сичқонлар боқилган парҳезда боқилган маълум витаминлар мавжуд бўлса ҳам уларнинг ўсиши сусайиб кетиб жунни тўкилиб кетган. Баъзан ҳайвонларда биотин етишмаганлик каби «кўзойнакли кўз» белгиси ҳам кузатилади. Жуннинг ўсишига таъсир этадиган пантотенат кислота, биотин ва парааминобензонат кислоталарининг парҳезга қўшилиши ҳам касалликни даволай олмаган. Парҳезга дондан олинган фитин билан жигардан олинган инозит қўшилганда эса касаллик йўқолган. Инозит баъзи ачитки ва замбуруғларнинг нормал ўсиши учун ҳам зарур. Инозит ҳайвон ва ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган.

Ҳайвонлар организмда у эркин ҳолда ёки фосфатидлар таркибида, мускуллар, жигар, буйрак, мия ва бошқа тўқималар таркибида учрайди. Ўсимликларда у, кўпинча метил эфири ёки инозит фосфат кислотанинг кальцийли ва магнийли тузи – фитин шаклида учрайди.

**Холин.** Холин лецитин ва бошқа фосфолипидлар таркибига кирадиган азот асоси бўлиб, организмда унинг бошқа функциялари ҳам бор: у ацетилхолинни ҳосил қилади ва лабиль (бекарор) метил гуруҳлар манбаи сифатида моддалар алмашинувида иштирок этади. Холиннинг етишмаслиги бошқа ҳайвонларда ҳам жигарнинг ёғли дегенерацияси ва буйракнинг геморрагик ўзгаришларига олиб келади, лекин бу ҳодисаларнинг юз бериши озуқа таркибига ҳам боғлиқ. Агар, озуқа таркибида оксил, айниқса, метионин тутувчи оксил кўп бўлса, холинга бўлган эҳтиёж тўла қондирилади. Холин ҳайвонлар организмда синтез қилинади ва унинг таркибига кирадиган метил гуруҳлар қисман бир углеродли компонентлар гемонидан, қисман метиониндан кўчирилади. Бу синтез фосфатид таркибида боғланган сериндан бошланиб, холин ҳамда фосфатидил холин шаклида намоён бўлади: Тухум сариғи холинга бой манбадир. Жигар ва буйракда холин етарли миқдорда бўлади. Холин бир қанча биологик функцияларга эга бўлса ҳам, унинг коферментлик роли йўқ. Бундан ташқари, озуқада оксил етарли бўлганида унинг авитаминози кузатилмайди. Шунинг учун баъзи олимлар холинни витаминлар ҳисобига киритмайдилар.

**Липоат кислота.** Липоат кислота тиаминпирофосфат билан бирга пирозум кислотанинг декарбоксиланишида иштирок этади. Бу жираёнда у кофермент вазифасини бажаради, шу сабабли у витаминсимон моддалар қаторига киритилади. Баъзи микроорганизмлар бу моддани синтез қила олмаганлигидан улар учун липоат кислота ўсиш омили ҳисобланади. Липоат кислота нимёний тузилиши жиҳатидан 6,8-димеркапто-каприлат кислотанинг халқали дисульфиди ёки 6,8-дитиооктонат кислотадр. У оксидланган ва қайтарилган шаклларда бўлиши мумкин.

**U витамин.** U витамин (5-метилметионин, ярага қарши омил) номи уни яра (лотинча—ulcus) ни даволаш хусусияти асосида берилган. Меъда ярасининг тузалишига сабзавотлар (масалан, варан) шираси яхши даво эканлиги амалиётдан маълум бўлганидан, унинг таркибида шундай таъсир кўрсатадиган витамин табиатли

модда бўлиши керак, деган фикрнинг туғилиши табиати билан  
Ўтказилган тадқиқотлар натижасида 1950 йилда  
сабзавотлардан, янги соғилган сутдан ва жигардан изланган витамин  
кашф этилди: меъда ярасини даволашда топилган модда кўп  
ширасига нисбатан 1000 марта фаолроқ бўлиб чиқди. Лекин бу  
касалликда U витамин қандай таъсир этиши маълум эмас.

Кимёвий табиати бўйича U витамин 5-метилметионин  
структурасига эга. Каламушларда U витамин алмашинмайдиغان  
аминокислота метионин ўрнини тўла боса олиши, метионин, холин  
креатин синтезида иштирок этиши аниқланган.

### 9.3.1. Антивитаминлар

Витаминларнинг очилиши кўпгина юқумли касалликлар  
даволаш ва олдини олишда муҳим роль ўйнади. Чунки бактерия  
ўзининг ўсиши ва кўпайиши учун витаминларнинг бўлиб  
коферментларни синтезлашга муҳтождир, организмга витамин  
структур аналогларини – антивитаминларни киритиш  
микроорганизмларни ҳалок бўлишига олиб келиши.  
Антивитаминлар одатда ферментлар фаол марказларини боғлаб  
олиб, у ердан витаминларни (кофермент) сиқиб чиқариш  
ферментларнинг рақобатли ингибирланишини вужудга  
келтирадиган. Антивитаминларга организмга киритилгандан  
гипо- ва авитаминознинг классик кўринишини келтириш  
чиқарадиган моддалар киритилади.

Ҳозирги вақтда антивитаминлар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Натурал витамин тузилишига ўхшаш бўлган структурага  
бўлган антивитамин.

2. Витаминлар кимёвий табиатини ўзгартирадиган ёки улар  
сўрилиши, транспорт қилинишини пасайтирадиган  
антивитаминлар.

Шундай қилиб, антивитаминлар деб таъсир механизмига боғлиқ  
бўлмасдан витаминлар биологик фаоллигини пасайтирувчи  
умуман йўқотувчи моддаларга айтилади. Витаминларнинг  
структураси ўхшайдиган аналогларидан ташқари биологик табиати билан  
эга бўлган антивитаминлар тафовут этилади. Уларга тиаминаз, I  
2 киради, витамин молекуласи парчаланишини вужудга келтирадиган,  
аскорбатоксидаза, витамин C ни парчаланишини катализлайдиган,  
авидин оксиди биотинни боғлаб нофаол комплекс ҳосил қилади.



## Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи қайси витаминларни биласиз?
2. Организмда витаминларни етишмаслиги қанақа салбий таъсирларга олиб келади?
3. Табиатда учрайдиган витаминлар тўғрисида маълумот қандай?
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қанча витаминлар бўлиши керак. Мисоллар келтиринг.
5. Организмдаги витаминларга бўлган суткалик эҳтиёж қанча?
6. Организмда қайси асосий витаминлар бўлиши керак, нима таъсири? Мисоллар келтиринг.
7. Витаминлар неча турга бўлинади ва қайсилар?
8. Витаминлар инсон организми учун қандай аҳамиятга эга?
9. Организмда витаминларнинг етишмаслиги қандай таъсирларга олиб келади?
10. Қайси маҳсулотлар сувда эрувчи витаминларнинг манбалари ҳисобланади?
11. Қайси нутриентлар организм ички муҳитининг нордон ва муҳим гуруҳлари манбалари ҳисобланади?
12. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирувчи қайси витаминларни биласиз?
13. Табиатда учрайдиган витаминлар тўғрисида маълумот қандай?
14. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қанча витаминлар бўлиши керак. Мисоллар келтиринг.
15. Организмдаги витаминларга бўлган суткалик эҳтиёж қанча?
16. Организмда қайси асосий витаминлар бўлиши керак, нима таъсири? Мисоллар келтиринг.

#### 9.4. Озиқ-овқат маҳсулотларини витаминларга бойлаш


Озуқа маҳсулотларининг сифатини, уларни биологик хусусиятларини кўтариш учун муҳим омиллардан бири бўлиб, уларни таркибидаги витаминларни миқдори ва хилма-хиллигини хизмат қилади. Витаминлар турли хил кимёвий тузилишга эга бўлиб, организмни ҳаётий фаолиятини фаол ушлаб туришга хизмат қилади. Витаминларни биологик фаоллиги, уларни фаол гуруҳ сифатида ферментларни катализ марказлари таркибига кириши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам витаминлар миқдори камайганда тегишли ферментларнинг фаоллиги пасаяди, оқибатда биохимик жараёнлар сусайиб, ишдан чиқа бошлайди. Бу эса витамин етишмаслиги билан боғлиқ бўлган ҳар хил касалликларга олиб келади.

Маълумки, инсон ва ҳайвон организмни ўзларига керакли бўлган витаминларни синтез қила олмайдилар, аммо, ўсимликлар бундай ноёб хусусият эгасидирлар. Улар табиатда топилган витаминларни (витамин В<sub>12</sub> дан ташқари) синтез қилиш хусусиятига эгадирлар. Микроорганизмлар ҳам кўп витаминларни синтез қилаоладилар. Кўриниб турибдики, ўсимлик ва микроб маҳсулотлари инсон ва ҳайвон учун алмаштин бўлмайдиган витамин манбаи бўлиб хизмат қилар экан.

Организмни витаминга бўлган муҳтожлиги икки йўл билан кондирилади: овқат ва организмдаги микроорганизмларни витамин синтез қилиш хусусиятлари орқали. Бир камерали ошқозон организмлар учун, витаминлар билан таъминлашни асосий шарт бўлиб, озиқ-овқат таркибида истеъмол қилиш ёки соф ҳолда витаминларни ёки уларни олд маҳсулотларини (органик витаминга микрофлора моддалар) қабул қилишдир, чунки бу организмларда микрофлора унчалик ривожланмаган бўлади. Қошунда туфайли витаминлар синтези деярли амалга ошмайди. Қошунда қайтарадиган ҳайвонларни ошқозон олди қисмида микрофлора бой бўлганлиги учун, витаминларга бўлган муҳтожликни уларнинг орқали кондириб туради. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озукани асосан ўсимликлардан тайёрланиши, уларни таркибидаги витаминлар (В<sub>12</sub>) ўсимликларда синтез бўлмаганлигини эътиборга олиб, ҳайвон озукасига қўшимча қилиб, микроорганизмлардан ажратилган сервитамин маҳсулотлар аралаштириб турилади.

### В, витаминнинг озука препарати.

Витамин В<sub>2</sub>-рибофлавин кимёвий табиатига кўра азот асосли бириктир. Диметилизааллоксазин, D-рибит спирти қолдиғи сакловчи бириктир. Унинг кимёвий тузилиши куйидагича:



Бу витамин оксидланиш-қайтарилиш ферментлари фаол ферментлари флавиномоно-нуклеотид (ФМН) таркибига киради. Унинг учун ҳам организмда бу витамин етишмаганда оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари сусайиб кетади. Бу витаминни чўчқаларга бериш меъёри 2-7 мг, ҳар бир килограмм озукага қўшиб берилади. Ҳайвонларга озука сифатига қўшилиб келинаётган ўсимлик маҳсулотларида В<sub>2</sub> витамини миқдори жуда ҳам кам. В<sub>12</sub> витаминини ҳар хил таксомик гуруҳга таъсирчан микроорганизмлар - бактериялар, ачитқи замбуруғлар, актиномицетлар синтез қиладилар, баъзибир штаммлар 1 мкг мушарраф суюкликга 1мг гача В<sub>12</sub> витаминини синтез қила қиладилар.

Озука рибофлавинни продуценти Eremthecium ashbyii ачитқи замбуруғини селекция қилиб тайёрланган штамми ҳисобланади. Рибофлавин ачитқи ҳужайраларини вакуоаларида тўллаиб, микроорганизмга ўзига хос бўлган сариқ ранг беради. Катта ҳажмда қўшилиб чиқариш учун алоҳида таркибга эга бўлган суюк озука қўшилиб тайёрланади экув материаллари эса махсус ускуналарда (микрочок ферментлар) ўстирилади.

Озука муҳити таркибига керакли микдорда соя уни, макижўхори экстракти, бўр (СаСо<sub>3</sub>), гидрол, шакар, К<sub>2</sub>НОР<sub>4</sub>, NaCl ва бошқа макро ва микроэлементлар қўшилади. Ферментерга қўшилишдан олдин озука муҳити стерилизация қилинади. Экув

материали сифатида *Eremothecium ashbyii* ни бугдойда ўстиришдан споралари ишлатилади.

Ўвиган бугдой бўқиш учун 30-35 минут давомида 100 зардобиди ушлаб турилади, кейин қуритилиб, 50-60 граммлин стерилизация қилинган флаконларга солинади. Флаконда бугдой уч маротаба стерилизация қилинади ва ундан кейин ачитқи замбуруғи сувдаги суспензияси билан экилади ва 7-8 кун давомида 29-30°C инкубацияга қўйилади. Қўрсатилган вақт ошгандан кейин 10 вакуум қурутгичда секин қуритилиб, суюқ экзв материаллари тайёрлашга юборилади.

Рибофлавин олиш учун продуцент 28-30°C да 72 соат давомида ўстирилади. Ҳар 8 соатда микроб ҳужайраларини, озуқа муҳити таркибини ва ҳосил бўлган витаминни назорат қилиб борилади.

Тайёр культурал суюқлик ферментация охирида, 5% қурут модда ва 14 мг/мг рибофлавин сақлаши керак.

Қуритиш жараёнида бу витаминни мўтадиллаштириш мақсади билан культурал суюқлик хлорид кислотаси билан рН 4,5-5,0 га тундорлаштирилади, ундан кейин вакуум-буғлатгич ускунада концентрлаштирилади. Олинган концентрат одатда, 5, 6 ва 10% витамин В<sub>2</sub> ва 20% қурук модда сақлаган бўлади. Қуруттириш витамин концентрати пуркаб қурутгич ускунасида, намлиги 5-10% қолгунга қадар қуритилади. Кейин кепак ва маккажўхори билан аралаштирилиб, 20 граммдан полиэтилен пакетчаларга солинган чикилади ва бу пакетчаларга қоғоз қопча солиб, тегишли этикеткалар билан жиҳозлантирилади. Тайёр маҳсулот витаминни миқдори 1% дан кам бўлмаслиги керак. Табиқатда маҳсулотни сақлаш даври 1 йил.

### **Витамин В<sub>12</sub> озуқа препаратлари.**

В<sub>12</sub> витамин таркибида 3 валентли кобальт ва бошқа радикал билан алмаша оладиган омин ҳамда циан группаларини сақлайди. Бу витамин суюқлигида қонни яхшилайдди, аминокислоталар ва амин бирикмалари синтезида қатнашади. Бу витамин ўсимликларда учрамайди ва уни инсонлар ва ҳайвонлар учун етказиб берадиган ягона манба-бу микроорганизмлардир. Бу витаминни сансов миқёсида ишлаб-чиқариш учун микроорганизмларни маҳсулот таянган биоценози ўстирилади. Бу биоценоз иссиқ метан бижгиш

реакциясини амалга ошириб, таркибида целлюлозо-парчаловчи, аммо, нификация қилувчи, карбонсувларни бижғитувчи, сульфит қилувчи ва метан ҳосил қилувчи бактериялар бор. Бу микроорганизмларни ферментациясини биринчи босқичида (10-12 кун давомида) термофил аммо, нификаторларни ва карбон сувларни бижғитувчи микроорганизмларни жадал ривожланиши кузатилади. Бу жараён паст нордон шароитда (рН 5,0-7,0) ўтади. Бу биоценозни бошқа гуруҳ қатнашчилари бижиш ишқорий шароитида (рН 7,0-8,0) ўтганда ривожланади. Бу даврда метан ҳосил қилувчи бактериялар кўпроқ кузатилади. Улар биоценозни бошқа иштирокчиларига қараганда В<sub>12</sub> витаминини 4-5 мартаба кўпроқ синтез қиладилар. Метан ҳосил қилувчи бактерияларни жадал ривож учун асосий субстрат бўлиб ёғ кислоталари ва тубан спиртлар ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу моддаларни озуқа муҳити таркибига киритилиши витамин синтезини кучайтиради.

Озуқа муҳити тайёрлаш учун одатда ацетон-бутанол ишлаб чиқаришидан қолган бардадан фойдаланилади. Барда тозаланиб, унга кобальт хлорид (4 гр /м<sup>3</sup>) ва 0,5% метанол қўшилади, 6,5 гача нордонлаштирилади ва унга 0,20-0,25% сульфит натрий солинади.

Бактерияларни саноат шароитида ўстириш учун, дастлаб экув материаллари (250 м<sup>3</sup> ҳажмли аппаратларда) тайёрлаб олинади (15-20 кун мобайнида), кейин экув материаллари темир бетондан соналган ҳажми 4200 м<sup>3</sup> бўлган ферментерларга юборилади, мана шу жойда метанли бижғиш жараёни ўтади. Янги тайёр бўлган барда ферментер ҳажмидан 25-30% лик микдорда ҳар қуни ферментерни тагига юбориб турилади. В<sub>12</sub> витамини сақлаган суспензия ферментерни тепа қисмидан олиб турилади. Ишчи цикл давомида ферментердаги рН, учувчан ёғ кислоталарини микдори, аммо, нийли азотни микдори назорат қилиб турилади ва доимий равишда температурат 55-57<sup>0С</sup> оралиғида ушлаб турилади. Бижғиш жараёнида 65% метан ва 30% СО<sub>2</sub> дан иборат бўлган газ аралашмаси ҳосил бўлади ва у иссиқлик манбаи сифатида ишлатилиши мумкин.

Ферментация маҳсулоти сифатида ҳосил бўлган тайёр культурал суюқлик, одатда 2,0-2,5% қуруқ модда ва 1,1-1,7 мг/л В<sub>12</sub> витамини сақлиниди. Қуритиш жараёнида витамин парчаланиб кетмаслиги учун, культурал суюқлик хлорид ёки фосфор кислотаси ёрдамида рН 6,3 га эга бўлади.

Шундай қилиб, тайёрланган культурал сувоқни газсизлантирилади, вакуум – буғлантиргич ускурмасини қуюлтирилиб, пуркагич –қуритгичлар ёрдамида қуритилади (5-10% намлик қолгунча).

Тайёр маҳсулотни физикавий хусусиятларини яхшиловчи мақсадида, кепак ёки маккажўхори уни қўшиб аралаштирилади. 25-30 кг дан полиэтилен қопларга солиб қопланади ва қогоз қопга солинади. Тайёр озуқа препаратида В<sub>12</sub> витамини энг камида 2,0 мг% бўлиши керак, препарат 1 йил мобайнида қуруқ ва салтанат жойда сақланади. Россияда чиқадиган препарат КМВ-1 (концентрат микробний витамин) деб юритилади. Бу препарат шунингдек, В гуруҳига кирувчи бошқа витаминлар алмашмайдиган аминокислоталар ҳам бор.

#### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озиқ-овқат маҳсулотларини витаминлар билан бойитиш деганда нималарни тушунасиз?
2. Инсон организми витаминларни синтез қила оладими?
3. Витамин озуқа препаратлари деганда нимани тушунасиз?
4. Тайёр маҳсулотларни физикавий хусусиятларини яхшилаш нималарга эътибор қаратилади?
5. Қайси гуруҳ витаминлари инсон организми учун кўпроқ фойдали, нима деб ўйлайсиз?
6. Витаминларни табиий ҳолда истеъмол қилинса фойдалими ёки бошқа усуллар биланми, бу тўғрисида қанақа фикрдасиз?

## Х БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ КИСЛОТАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

### 10.1. Озуқавий кислоталар ва уларнинг маҳсулот сифатига таъсири

Истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлар сифатига бўлган таъсирларини қондириш озиқ-овқат саноатининг энг муҳим бурчидир. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазали ва хушбўй ҳидли қилишда баъзи органик кислоталар ишлатилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларига қўшилган органик кислоталар маҳсулотларда содир бўладиган турли жараёнларда иштирок этиб, уларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Масалан, лимон кислота инверт шакари тайёрлашда ва ун оксилларининг бўкиш даражасини оширишда, альгин кислота-ивик ҳосил қилувчи, сирка кислота эса, консерваловчи модда сифатида ишлатилади. Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган кислоталарни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Карбон ёки мой кислоталар;
2. Оксикислоталар;
3. Аминокислоталар.

**Карбон кислоталар.** Молекуласида карбоксил гуруҳи  $-COOH$  бўлган органик модда карбон кислоталар деб аталади. Карбон кислоталарнинг турлари жуда кўп бўлганлиги учун уларни куйидаги турларга бўламиз:

1. Углеводород радикалининг табиатига кўра, карбон кислоталар туғилган, тўйинмаган, алифатик ва ароматик кислотларга бўлинади.


2. Карбоксил гуруҳнинг сонига кўра, карбон кислоталар бир асосли ва кўп асосли кислоталарга бўлинади.

3. Молекуласида углерод атомининг сонига кўра, карбон кислоталар паст молекуляр ва юқори молекуляр кислоталарга бўлинади.


Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган карбон кислоталар билан танишиб чиқамз.

**Чумоли кислотаси  $HCOOH$**  – ўткир ҳидли рангсиз суюқлик,  $101^{\circ}C$ да қайнайди. Сувда исталаган миқдорда эрийди. Инсон терисига тегса, уни куйдиради. У чумоли безларидан ажралиб чиқадиган суюқлик таркибида, шунингдек баъзи ўсимликларда (масалан, кичитки ўт баргларида), сийдик ва тер суюқликларида бўлиди. Илгарилари чумоли кислотани олиш учун чумолиларни

сувга бўктириб, сўнгра эритмани хайдаш йўли билан олинадиган. Ҳозирги вақтда у углерод (II)-оксид билан натрий шкарбонати олинади




Ҳосил бўлган натрий формиат тузини сульфат кислота билан парчалаб, чумоли кислота олинади.



Чумоли кислота кимё саноатида органик моддалар синтез килишда қайтарувчи сифатида, шунингдек оксалат кислота ( $\text{HOOC}-\text{COOH}$ ) олиш учун, озиқ-овқат саноатида-дезинфекцияловчи консерваловчи восита сифатида, тўқимачиликда саноатда газламаларни бўяшда кенг ишлатилади. Тиббиётда чумоли кислотасининг 1,25% ли спиртли эритмаси бод касаллигини даволашда қўлланилади.

Сирка кислота  $\text{CH}_3\text{COOH}$  ўзига хос ўткир ҳидли рангсиз суюқлик. У  $+16^\circ\text{C}$  дан паст температурада музга ўхшаш кристалл ҳолида қотади, шу сабабали “муз сирка кислота” дейилади. Сирка кислота сувда исталаган сувда микдорда эрийди, унинг сувдаги 9% ли эритмаси сирка дейилади ва овқатга нордон маза берувчи сифатида ишлатилади. 70-80% ли сирка кислота сирка эссенцияси дейилади. Сирка кислота табиатда кенг тарқалган. У сийда, ҳайвон териси ва ўсимлик организмда бўлади. Сут кислотаси маҳсулотлар ва ёғ-мой очиш жараёнида ҳосил бўлади.

Сирка кислота узоқ вақтлардан бери инсониятга маълум, chunki у вино ачиб қолганда ҳосил бўлади. Яқин вақтларгача сирка кислота икки усул-ёғочни қуруқ хайдаш ва спиртли суюқликларни бактериялар ёрдамида оксидлаш йўли билан олинар эди. Бунда ёғоч целлюлозаси ва вино – спирти хом-ашё бўлади. Этил спиртининг сирка кислотасигача оксидланиши сирка замбуруғлари деб аталадиган махсус бактериялар ёрдамида боради.




Сирка кислота олишнинг ҳозирги синтетик усули сирка альдегидни оксидлашга асосланган, бу альдегиднинг ўзи эса ацетилендан М. Г. Кучеров реакцияси бўйича олинади.



Метил ацетилен → сирка альдегиди → сирка кислота

Сирка кислота олишнинг бутанни катализаторлар иштирокида нисбатини асосланган янги бу усул катта аҳамиятга, чунки бу усул нисбат жihatдан жуда арзондир.



Сирка кислота турли-туман мақсадларда ишлатилади. Кимё саноатида ундан пластик массалар, турли хил бўёқлар, дорилармонлар, суъний тола, ёнмайдиган киноплёнка ва ҳ. к. олиш ишлатилади. Сирка кислота озиқ-овқат саноатида консерваторларни, меваларни, гўшт, баликларни консервация ва консерватор кўшиб сиркалаш, овқатга қўшиш учун ишлатилади. Сирка кислотанинг алюминий, хром ва темирли тузлари газламаларни ҳосил қилишда, тери саноатида ишлатилади.

Озуқавий кислоталар асосан технологик жараёнларда озуқавий маҳсулотлар сифатида ишлатилади. Умумий ҳолда олганда озуқавий кислоталарни озиқ-овқат саноатида 2 хил мақсадда қўлланилади:

1. Маҳсулотга маълум бир таъм бериш учун

2. Маҳсулотларнинг коллоид хусусиятига таъсир эттириш

Озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган барча органик кислоталар организм учун безарар ҳисобланади ва уларнинг қўлланилиши гигиеник жihatдан чегараланмайди.

Мой кислота  $\text{C}_3\text{H}_7-\text{COOH}$ —бузилиб, тахир бўлиб қолган мой ва унинг таркибида соф ҳолда учрайди. У мураккаб эфир ҳолида ўсимлик ва ҳайвон ҳайвон ёғи таркибида бўлади. Крахмал, шакар ёки крахмалнинг махсус микроорганизмлар ёрдамида бижғитилганда ҳам май кислотаси ҳосил бўлади.

Мой кислотанинг баъзи бир мураккаб эфирлари хушбўй моддалар ҳамда эритувчилар сифатида ишлатилади.

Бензой кислота  $\text{C}_6\text{H}_5\text{COOH}$  (ароматик карбон кислота)-122,4°C ҳолда суяқланадиган кристалл модда бўлиб, асосан сублиматланади ва сублимацияда оқ пластинкалар ҳосил бўлади. Бензой кислота сувда ёмон эрийди, температура кўтарилиши билан унинг эрувчанлиги кўшиб боради.

Бензой кислота ва унинг тузлари медицинада ишлатилади, унинг озик-овқат саноатида консерваловчи модда сифатида ишлатилади. Бензой кислотанинг мураккаб эфирлари атир тайёрлашда ишлатилади.

**Сут кислотаси( $C_3H_6O_3$ ).** Сут кислота 1780 йилда Швеле томонидан қатик таркибида топилган.

Сут кислотаси 2 хил шаклда ишлаб чиқарилади. 40% ли эритма ва 70% ли концентрат шаклида сут кислотаси ишлаб чиқарилади. Углеводларни сут кислотали бижғитиш орқали олинади. Унинг туз ва эфирлари—лактатлар деб номланади.

Сут кислота тери саноатида терига ишлов бериш, тўқимачилик саноатида тола ва матоларни бўяшда бўёқни маҳкамлайдиган дор сифатида, ҳамда медицинада ишлатилади.

Озиқ-овқат саноатида қандолат маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлар тайёрлашда, эфирлари эса нон пиширишда қандолатчилик маҳсулотлари ва музқаймоқ сифатини яхшилашда моддалар сифатида ишлатилади.

**Лимон кислотаси( $C_6H_8O_7$ )** - ўсимликларда кўп микдодда учрайди; у лимон, крижовник, малина, узум шарбати, олчақ ва тамаки таркибида бўлади. У хом лимон шарбатидан ёки глюкозадан айрим бактериялар ёрдамида бижғитиш йўли билан олинади. Лимон кислота рангсиз кристалл модда бўлиб, сувда яхши эриydi. Лимон кислота озик-овқат саноатида конфетлар, тортлар, алкогольсиз ичимликлар, қатлама-нон, желе, соус (қайлашда) тайёрлашда қўлланилади. У медицинада қонни узоқ вақт сақловчи модда сифатида ва тўқимачиликда читни бўяш ишларида ишлатилади.

**Олма кислотаси( $C_4H_6O_5$ ).** Олма кислотаси нордон тати билан бошқа кислоталардан ажралиб туради. У синтетик усул билан малеин кислотасидан ажратиб олинади. Унинг туз ва эфирлари—малатлар деб аталади. Олма кислотаси  $100^{\circ}C$  да киздирилганда  $CO_2$  га айланади. Озиқ-овқат саноатида кондитер маҳсулотларива салқин ичимликлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Вино кислота ( $C_4H_6O_6$ ).** Вино кислотаси вино ишлаб чиқаришдаги иккиламчи хом-ашёларни қайта ишлаб олинади. Одам организмига салбий таъсир этмайди. Унинг 80%и ошқозон ичак йўлларида бактериялар таъсирида парчаланиб кетади. Унинг туз ва эфирлари—тартаратлар деб аталади. Вино кислотаси озик-овқат

...нида химирни юмшатувчи ва ғоваклаштирувчи, медицинада  
... сифатида ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришда  
...ида.

**Янтар кислотаси ( $C_4H_6O_4$ ).** Янтар кислотаси адипин  
...нинг ҳосилаларидан ва янтар ҳосиласидан ажратиб  
... Унинг туз ва эфирлари сукцинатлар деб аталади. Янтар  
...нида  $235^{\circ}C$  да янтар ангидрид  $C_4H_4O_3$  га айланади. Озиқ-овқат  
...нида pH муҳитни бошқариш учун қўлланилади.

**Адипин кислотаси ( $C_6H_{10}O_4$ ).** Адипин кислотаси циклогексанни 2  
...чли оксидланиш орқали олинади. Унинг туз ва эфирлари –  
...лар деб аталади. Озиқ-овқат саноатида озуквий  
...лар сифатида ишлатилади. Алкоголсиз ичимликлар ва ун  
...лари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**Фумарин кислотаси ( $C_4H_4O_4$ ).** Фумарин кислотаси ўсимлик ва  
...ларда учрайди. Унинг туз ва эфирлари – фумаратлар деб  
...ида. Озиқ-овқат саноатида лимон ва вино кислотаси ўрнида  
...ишлатиш мумкин. Бу кислота токсик хусусиятига эга бўлганлиги  
...и унинг ишлатилиши чегараланган.

**Фосфор кислотаси ( $H_3PO_4$ ).** Унинг тузлари фосфатлар деб  
...ида. Асосан сўт, гўшт, балик маҳсулотларида учрайди. Озиқ-  
...ида кондитер маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар  
...ида ишлаб чиқаришда ишлатилади. Унинг тузлари хом-ашёларда ва  
... маҳсулотларда кўп учрайди.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озиқ-овқат саноатида қандай органик кислоталар  
...ида?
2. Карбон кислоталар озиқ-овқат саноатида қандай аҳамиятга  
...и?
3. Ароматик кислоталарнинг аҳамияти қандай?
4. Қапақа оксикислоталарни биласиз?

## ХИ БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФЕРМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

### 11.1. Ферментлар ва уларнинг хоссалари

Ферментлар, оксил табиатига эга бўлган, тирик организмда кечадиган ҳар хил кимёвий реакцияларда иштирок этадиган ва барча ҳаётий жараёнларни тезлатадиган биологик катализаторлардир. Ферментларнинг иштироки билан моддалар алмашинуви, ўсимлик ва ҳайвонлар организмда органик моддаларнинг ҳосил бўлиши, овқатнинг ҳазм бўлиши ва бошқа жараёнлар содир бўлади. Агар, оксил, углевод ва ёғларни тажрибахона шароитида парчалаш учун уларга кучли кислота ёки ишқор қўшиб юқори ҳароратда қайнатиш керак бўлса, тирик организмда эса шу жараён ферментлар таъсирида қисқа муддатда паст ҳароратда осонликча боради.

Бундан ташқари ферментлар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта роль ўйнайди.

Масалан, нон, пиво, чой, ачитилган сут маҳсулотлари, тузланган сабзавотлар ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам ферментларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сақланганда ҳам ферментларнинг иштироки каттадир. Баъзи ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаганда ферментлар таъсирида уларнинг сифати яхшиланади. Масалан, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, пишлоқларни сақлаганда уларнинг етилиши бунга мисол була олади. Баъзан эса озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда ферментлар бу маҳсулотларнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, сутнинг очик ҳавода турганда ачиб қолиши ва ҳақозолар ҳам ферментлар иштирокида боради.

Ферментлар оксил табиатли бирикмалар бўлганлиги учун улар оксилларга хос барча хусусиятларга эгадир. Ферментларнинг асосий хусусиятларидан яна бири уларнинг ўзига хослигидир. Ферментларнинг ўзига хослиги деганда шуни тушуниш керакки, маълум бир фермент фақатгина маълум бир реакцияни тезлата олади. Масалан, липаза ферменти фақат ёғларга, амилоза ферменти эса фақатгина крахмалга таъсир этиб, уни парчалаши мумкин.

Ферментларнинг хусусиятларидан бири уларнинг термолабиллигидир, яъни ферментларнинг фаоллиги ҳароратга боғлиқдир. Уларнинг фаоллиги  $50^{\circ}\text{C}$  гача ошиб боради. Бунда

сирроқ хил  $10^{\circ}\text{C}$  га ортганда ферментатив реакция 2-3 баровар тезлашгани аниқланган. Ҳарорат  $50^{\circ}\text{C}$  дан ошганда эса ферментлар осмонли табиатли моддалар бўлганлиги учун денатурацияга учрайди ва натижада ферментларнинг фаоллиги кескин пасайиб кетади. Шунинг учун ҳам таркибида кучли ферментлар мавжуд бўлган оғрик-оғикат маҳсулотларини, хусусан, мева ва сабзавотларни узок муддат давомида совук хоналарда ва махсус совўтгичларда паст Ҳароратда сақлашнинг боиси ана шундадир.

Ферментларга хос хусусиятлардан яна бири уларга рН муҳитининг (яъни шароитнинг кислотали ёки ишқорлиги) таъбиридир. Ҳар бир фермент маълум бир рН муҳитда жуда фаол таъбир кўрсатади.

Наъзи ферментлар кучсиз кислотали ва кучсиз ишқорли шароитда, баъзи бирлари эса нейтрал шароитда энг юқори фаолликка эга бўлади. Бундан ташқари ферментларнинг фаоллиги Ҳарорат ва рН муҳитдан ташқари, реакция муҳитда иштирок этувчи барча кимёвий моддаларга ҳам боғлиқ. Уларнинг баъзилари реакция тезлигини оширади, шунинг учун улар активаторлар деб юритилади. Активаторларга  $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$ ,  $\text{Mg}^{++}$ ,  $\text{Ca}^{++}$ ,  $\text{Zn}^{++}$  каби металл катионлари киради.

Наъзи бир моддалар эса ферментлар фаоллигини пасайтиради, шунинг учун улар ингибиторлар деб юритилади. Маҳсулотларда учрайдиган гербицидлар, дефолянтлар шундай моддалар каторига киради.

Ферментлар ўзига хос хусусиятларга кўра ва қандай кимёвий реакцияда иштирок этишига қараб, 6 та синфга бўлинади:

1. Оксиредуктазалар.
2. Гидролазалар.
3. Трансферазалар.
4. Лиазалар.
5. Изомеразалар.
6. Лигазалар (синтезазалар).

Оксиредуктазалар организмларда бўладиган ҳар хил оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида иштирок этувчи ферментлардир. Бу синфдаги ферментлар оксидазалар, пероксидазалар ва каталазалар киради. Оксидазалар водород атомлари ёки электронларни бевосита кислород атомига узатувчи ферментлардир. Ўсимликлар, мева ва сабзавотлар таркибида кўп

учрайдиган полифенолаксидазалар ферментини оксидазаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Маълумки, олма ёки картошка кесилса, кесилган жойи қорайиб қолади. Қорайиб қолишининг сабаби шундан иборатки, полифенолаксидаза ферменти таъсирида олма ёки картошкада полифеноллар оксидланиб, қорамтир рангли хинон бирикмаларга айланади. Шунинг учун ҳам мева ва сабзавотларни консервацияда қорайиб қолишнинг олдини олиш учун улар буг ёрдамида ёки иссиқ сув билан ишланади, чунки юқори ҳарорат полифенолаксидаза ферментларини ўлдиради. Натижада реакция амалга ошмайди.

**Пероксидаза ферменти** водород пероксид ёрдамида ҳар хил органик бирикмаларнинг оксидланишини катализловчи ферментдир.

Каталаза водород пероксиднинг сув ва молекуляр кислородга парчаланишини амалга оширувчи ферментлардир:



Гидролазалар мураккаб бирикмаларнинг сув ёрдамида парчаланиш реакцияларини амалга оширади. Бу гуруҳдаги ферментларга липазалар, пептидазалар, глюкозидазалар ва бошқалар киради.

Пептидазалар оксиллар ва полипептидларнинг гидролитик парчаланишини амалга оширади. Натижада мураккаб оксилларнинг парчаланишидан аминокислоталар, пептонлар ва бошқа оддий моддалар ҳосил бўлади.

Глюкозидазалар ҳар хил глюкозидларнинг дитри ва полисахаридларнинг гидролизланиш ва синтезланиш реакцияларида иштирок этади. Масалан, амилаза, сахароза, мальтоа, лактозаферментлари шундай ферментлар қаторига киради.

Трансферазалар маълум атомлар гуруҳининг бир бирикмадан иккинчи бирикмага кўчишини таъминловчи ферментлардир. Улар кўчириляётган гуруҳларнинг гурига қараб аминотрансферазалар, фосфотрансферазалар ва бошқаларга бўлинади. Бу синфга кирувчи ферментлар ҳайвот ва ўсимликлар организмларида бўладиган моддалар алмашинуви жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Лиазалар сув иштирокисиз маълум гуруҳларнинг ажралишини катализловчи ферментлардир. Бу ферментларнинг фаолияти

...фийиш ва қўш боғлар ҳосил бўлади ёки маълум хил турлар қўш боғларни бирикади. Лиаза гуруҳига кирувчи ферментлардан карбоксиллашлар табиатда жуда кенг тарқалган. Масалан, аминокислоталарнинг декарбоксилланиши натижасида карбонат аммиридан ва тегишли аминлар ҳосил бўлади. Айниқса, гўшт ва баллиқ оксилларининг чиришида шу реакция амалга ошади.

Изомераза синфига кирадиган ферментлар ҳар хил органик бирикмаларнинг изомерланиш реакцияларини катализлайди.

Лигазалар (синтетазалар) оддий молекулалардан мураккаб органик бирикмалар ҳосил бўлиш реакциясини таъминловчи ферментлардир. Бу синфга кирувчи ферментлар оксиллар, нуклеин кислоталар, ёғлар ва бошқа мураккаб органик бирикмалар ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эгадир.

Ферментлар (энзимлар) —хилма-хил биокимёвий ва кимёвий реакцияларни амалга оширувчи оксил табиатига эга бўлган биокатализаторлардир.

Ферментлардан биологик катализатор сифатида одамлар, турли хил соҳадаги амалий фаолиятларида кенг фойдаланиб келишмоқда. Ферментлар манбаи ҳайвон тўкималари, ўсимликлар хужайралари ва микроорганизмлар бўлиши мумкин. Ҳозирги замонда икки тарафдан ортик ферментлар борлиги аниқланган, улардан бир неча тарафдан алоҳида модда сифатида тоза ҳолда ажратиб олинган.

Микроорганизмлар ферментлар ишлаб чиқарувчи манба сифатида алоҳида кизиқиш уйғотади, чунки улар арзон муҳитда тез ўсаядилар. Ишлатиладиган озуқа таркибига қараб, керакли ферментни, хоҳлаганча тайёрлаш имкониятини берадилар. Бунинг устига кўпгина микроорганизмлар ферментларни ўз хужайра юзликларидан ташқарига чиқарадилар, бу эса микроорганизмлардан янада фаворроқ фойдаланиш имкониятини яратади.

Метаболизмнинг катта интенсивлигидан ташқари микроорганизмлар биомассасини ўсиш тезлиги жуда каттадир. Бу микромикт оралигида айрим вақтлари 24-72 соат ичида фермент ажратиш учун жуда катта миқдорда ҳом-ашё олиш мумкин, уни ҳайвон ва ўсимлик ҳом-ашёлари билан солиштириб бўлмайди.

Қўшлаб микроорганизмларнинг муҳим хусусиятларидан яна бири улар озуқа сифатида ҳар хил чиқиндилардан фойдаланиб ўсиш қобилиятига эгадирлар (целлюлоза, нефт углеводородлари, метан, метанол ва бошқалар). Микроорганизмлар фойдалана

оладиган айрим хом-ашёлар одам ва ҳайвонлар учун заҳарлидир. Шундай экан микроорганизмлар ферментлар синтез қилиш билан бир қаторда, атроф-муҳит муҳофазаси учун ҳам хизмат қиладилар.

Айрим ферментларнинг синтезланиш миқдори микроорганизмлар ҳужайрасида жуда юқори бўлиши мумкин. Масалан, рибулезобисфосфат карбоксилазанинг миқдори айрим вақтларда фототроф бактериялар синтез қиладиган сувда эрийдиган оксилнинг 40-60% ни ташкил этади.

Юқорида таъкидланганидек, кўп микроорганизмлар катта миқдорда културал муҳитга чиқадиган ферментлар ҳосил қиладилар. Бу ферментлар асосан оксил, крахмал, целлюлоза, ёғларни ва бошқа сувда эримайдиган моддаларни парчалайдиган гидролазаларга таълуқлидир. Бир қанча ферментлар фақат микроорганизмлардагина учрайди. Молекула ҳолидаги азотдан аммиак ҳосил қилишда иштирок этадиган нитрогеназа ферменти азотни ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган бактериялардагина учраши аниқланган.

Айрим бактерияларнинг характерли хусусиятларидан яна бири уларнинг анорганик субстратларини: аммиакни, нитритларни, сульфид ва олтингугуртни бошқа бирикмаларини, ва шунга ўхшаш икки валентли темирни оксидлаш қобилиятидир. Бундай жараёнларни амалга ошиши микроорганизмларда алоҳида ферментларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Бир қанча бактериялар ва сув ўтлари молекула ҳолидаги водород ҳосил қилиши ҳамда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини олиб борувчи дегидрогеназа ферментларини сақлаши аниқланган.

Кўпчилик бактериялар уларга метан, метанол, метилланган аминларни, углерод оксидини ва бошқабир хил углеродли бирикмалардан субстрат сифатида фойдаланиб, ўсиш ва ривожланишга ёрдам берадиган ферментларни синтезлаш қобилиятига эга. Атроф муҳитни, уни ифлослантирувчи бир қанча моддалардан тозалаш микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган ферментлар ҳисобига амалга оширилади, улар пластмасса, пестицидларни ва бошқа заҳарли мураккаб бирикмаларни оддий таркибий қисмга парчалаб юборадилар.

**Ферментлар классификацияси.** Қабул қилинган классификация тизимига биноан ҳамма ферментлар олти синфга бўлинади:



Оксидоредуктазалар;  
Гликоферазалар;  
Гидролазалар;  
Липазалар;  
Нуклеолазалар;  
Липазалар (синтезазалар).

Көп микродорда қўлланиладиган микроорганизмлар ферменти- гидролазалар синфига кирувчилардир (гликозидазалар, пептидазалар ва бошқалар).

Булар гликозид, пептид, эфир ва айрим бошқа боғларга сув иштирокида таъсир қилади. Гидролазалар кўпинча хужайра ишқорисидеги (экзоген) ферментлардир, улар хужайрадан чиқиб, муҳитда муҳитда тўпланади. Бу ферментларни олиш хужайра ишқорисидеги (эндоген) ферментларни ажратишга нисбатан қулай ва осондир.

Гликозидазалар. Гликозидазалар-гликозид боғларини гидролиз қилувчи ферментлардир. Булар кўп вақтлардан бери ўрганилади ва ишқорисидеги. Бу гуруҳга крахмални гидролиз қилувчи амилolitik ферментлар,  $\beta$ -амилазалар ва гликоамилазалар киреди. Кўп микроорганизмлар  $\alpha$ -амилаза ҳосил қилади,  $\beta$ -амилаза синтези эса осон кузатилади.

Амиллий мақсадларда қўлланиладиган  $\alpha$ -амилазани ажратувчи *Bacillus licheniformis*, *Bac. amyloliquefaciens*, *Aspergillus oryzae* ва бошқа микроорганизмлардир.  $\alpha$ -амилаза *Bac. licheniformis* дан олинадиган жуда юқори ҳароратга чидамли ва крахмални  $100^{\circ}\text{C}$  муҳитидаги ҳароратда гидролиз қилиш қобилиятига эгадир. Микроорганизмларнинг экстремал шароитда тараққий қилиш қобилиятини, яъни паст ва юқори ҳароратда, молекуляр кислород мавжуд бўлмаганда, ишқорли ва кислотали муҳитда, тузми юқори концентрациясида ўсиши кўпинча уларнинг ферментлари харақтери билан аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, микроорганизмларда жуда юқори фаол ферментатив реакция олиб бориш қобилияти мавжуд. микроорганизмлар, бошқа йўллар билан амалга ошириб бўлмайдиган жуда кўп жараёнларни ўзларининг махсус ферментлари тўғрисида амалга ошириш имкониятига эгадирлар.

Макро ва микроорганизмларда бир хил функцияли ферментлар,

ўзларининг хосса ва хусусиятлари жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин ва микроорганизмларда ўзининг фаоллигини юзига чиқариши учун алоҳида шароитга муҳтож бўлади. Шунинг учун турли хил микроорганизмлардаги ферментларни ўрганиш жуда муҳим вазифадир.

Глюкоамилаза—(1,4- $\alpha$ -D-глюкан-глюканогидролаза) асосан замбуруғларда кенг ўрганилган. *Asp. Niger* замбуруғида у молекуляр массаси 100 000 дальтон атрофида бўлган иккита гликопротеинлардан иборат. Демак, бу ферментнинг хусусиятлари бир-биридан фарқ қиладиган иккита формаси (шакли) мавжуд.

Декстраназа—(1,6- $\alpha$ -D-глюкан-глюканогидролаза) дёкистриндаги 1,6-гликозид боғига таъсир қилади.

Лактоза ёки  $\beta$ -галактозидаза ( $\beta$ -D-галактозид-галактогидролазалар)

лактозани глюкоза ва галактозага айлантиради. Бу фермент *E. Coli*, *Asp. niger*, *Sacch. cerevisiae*, *Curvularia inaequalis*, *Alternaria tenuis* ва айрим бошқа

микроорганизмларда синтез бўлади.

Инвертаза—( $\beta$ -D-фруктофуранозид-фруктогидролаза) сахарозани глюкозага ва фруктозага парчалайди. Уни *Aspergillus turkumi* вакиллари (*Asp. awamori*, *Asp. batatae*, *Asp. niger*), ачатки замбуруғи, *Bacillus subtilis* ва *Bac. diastaticus* ларнинг алоҳида штаммларини ҳосил қилади.

**Целлюлитик ферментлар** (целлюлазалар)—фаол оксилларнинг мураккаб комплекси, целлюлоза молекуласининг ҳар хил боғларига таъсир қилади, C компонент (экзонуклеаза) табиий ҳолдаги целлюлозага (пахта, филтр қоғози) таъсир қилади. C<sub>x</sub>-компоненти (эндонуклеаза) эрийдиган шаклга ўтказилган клетчаткани (карбосиметилцеллюлозани) гидролизлайди.

Целлюлоза билан бир қаторда микроорганизмлар целлюлоза ( $\beta$ -глюкозидаза) ҳосил қилади, бу фермент целлюлозани ва гемицеллюлозани парчалайди.

Целлюлозани гидролизининг охириги босқичи, глюкоза ҳосил бўлиши билан тугалланади.

Саноатда ишлаб чиқариладиган целлюлотик фермент препаратлари одатда C<sub>1</sub> ва C<sub>x</sub> ва шунга ўхшаш целлюлоза ва гемицеллюлоза ферментлари бўлиб, бу препаратларнинг рН кўрсаткичи 3, 0 дан 8,0 гача. Мана шу рН лар оралиғида улар

турғушлирир. Целлюлозани ҳосил қилувчилар кўпинча мицелийли замбуруғлардир, шулардан *Penicillium notatum*, *P. wortlii*, *P. triense*, *Trichoderma roseum*, *Verticillium albo-atrum* ва бошқалардир.

**Пектиназалар**—пектинни парчаловчи ферментлар синтез қилади. Пектолитик ферментлар комплекс ҳосил қилади, уни блокда компонентлари пектин молекуласини ҳар хил жойларидан парчалайди.

**Пектиназалар** (полигалактуроназалар) микроорганизмларда кенг тарқалган бўлиб ўсимликларда кам учрайди.

**Протеиназалар.** Протеиназалар ёки протеазалар (пептид-пептид-гидролазалар) оксил молекуласидаги пептид боғларини ўқиш реакциясини катализ қилади, натижада эркин аминокислоталар ди- ва полипептидлар ҳосил қилади. Бундай ферментлар жуда кўп. Улардан айримлари кристалл ҳолатда олинган. Микроорганизмлар протеиназаси ўзларининг ҳосилари билан тубдан фарқ қилиши мумкин. Улар нейтрал бўлиши мумкин (*Bacillus subtilis*, *Asp. terricola*), кислотали (*Asp. acidus*) ва ишқорли, яъни рН нинг ҳар хил даражасида фаолдирлар. Айрим микроорганизмлар бир қанча протеиназалар синтезлаш қобилиятига эгадирлар. Масалан, *Actinomyces fradiae* бундай протеиназа синтезлайди.

**Амилазалар**—бактерия ва замбуруғлардан олинган амилазлар крахмални кичик молекуляр шаклар: декстринлар, глюкозалар, малтозаларга парчалайди. Бактериал протеазалар пишлоқ пиширишда ватери ошлашда оксилларни бузишда қўлланилади. *Bacillus sp.* дан олинган глюкозоизомераза ферменти глюкозани фруктозага айлантиришда ёрдамлашади. Кейинги вақтларда олимлар диққат эътиборини қуйидагилар ўзига тортмоқда: цикло декстрин глюкозил трансфераза (ЦДГТ) га мослашиш, циклодекстринлар бирикмаларининг ишлаб чиқариш: кимёвий ва фармакологик ишлаб чиқаришда, озик-овқат молекулотлари сифатини оширишда, косметика ва бошқалар ишлаб чиқаришда зарурдир.

**Липазалар** — (3.1.1.3-триацил глицеролода гидролазалар липид (сегмент)нинг инувида иштирок этадиган, катта амалий қизиқиш уйғутидиган ферментлар.

Култура ўсадиган муҳитга ажратадиган липазаларни ишлаб

чиқарувчиларнинг кўпи мицелиали замбуруғлардир. Улардан *Aspergillus*, *Mucor*, *Geotrichum*, айрим ачитки замбуруғлар (*Candida*) ва бактериялардир (*Pseudomonas*). Липазалар триацилглицеролларни парчалаб ёғ кислоталари ва глицерин ҳосил қилади. Саноат асосида кўп миқдорда ишлаб чиқарилаётган ва кенг миқёсда халқ хўжалигида қўлланилаётган ферментлардан ташқари, кам миқдорда олинадиган ва кам соҳада қўлланиладиган бир қанча ферментлар ҳам бор, лекин буларнинг айримлари ўта даражада муҳимдир. Булар қаторига рестриктазалар (эндонуклеазалар), нуклеин кислоталарни парчаловчи ферментлар ва лигазалар—уларни синтезида иштирок қиладиган ферментлар киради. Бу ферментлар ген муҳандислиги илмий ишларини олиб боришда зарурдир. Буларни ҳам ҳар хил микроорганизмлар ишлаб чиқаради.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Ферментлар табиатан қанақа моддалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ферментларни озиқ-овқат саноатида ишлатилиши?
3. Ферментлар классификацияси деганда нимани тушунасиз?
4. Целлюлолитик ферментлар қанақа моддалар?
5. Мицелиали замбуруғларнинг вазифалари нималардан иборат?
6. Литпазалар қанақа ферментлар, уларни озиқ-овқат саноатида ишлатилиши?

### 11.2. Ферментларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Микроорганизмлар ферментларидан халқ хўжалигининг турли хил соҳаларида фойдаланиш жуда ҳам истиқболлидир. Ҳозирги вақтда микроорганизмлардан олинган фермент препаратлари саноатнинг кўп соҳаларида қишлоқ хўжалигида ва тиббиётда қўлланиб келинмоқда (33-жадвал).

Пиво ва вино тайёрлашда солод ўрнига замбуруғнинг амилаза фермент препаратидан фойдаланилади. Бу ишлаб чиқаришни арзонлаштиради ва ҳаражатларни камайтиради. Шунга ўхшаш амилаза эрийдиган крахмал, декстрин олиш учун ҳам ишлатилади. Амилаза ферменти билан берилган, сабзавот ва мевалардан олинган маҳсулотлар ўзининг таркибида кўп миқдорда қанд моддалари

...ни яхши ҳазм бўлади, айниқса, бу болаларга фойдалидир.

34-жадвал

Ишлаб чиқариш саноатида баъзи бир ферментларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган микроорганизмлар

Фермент	Замбуруғлар	Бактериялар
Амилаза	<i>Aspergillus oryzae</i> <i>Aspergillus niger</i>	<i>Bacillus amyloliquefaciens</i> <i>Bacillus licheniformis</i>
Глюкомилаза	<i>Aspergillus niger</i> <i>Rhizopus niveus</i> <i>Endomycopsis sp.</i>	
Пуллициза		<i>Klebsiella pneumoniae</i>
Декстриназа	<i>Penicillium sp.</i>	
β-Глюконаза	<i>Aspergillus niger</i>	<i>Bacillus amyloliquefaciens</i>
Глюкоизомераза		<i>Actinoplanes missouriensis</i>
Инертиза	<i>Aspergillus sp.</i> <i>Sacch. cerevisiae</i>	
Целлюлазалар	<i>Aspergillus niger</i> <i>Trichoderma roseum</i> <i>Trichoderma viride</i>	
Пектиназалар	<i>Aspergillus niger</i> <i>Aspergillus awomori</i>	
Протеиназалар	<i>Aspergillus niger</i> <i>Aspergillus oryzae</i> <i>Mucor mihei</i> <i>Mucor rouxii</i> <i>Mucor pusillus</i> <i>Endothia parasitica</i>	<i>Bacillus subtilis</i> <i>Bacillus amyloliquefaciens</i> <i>Bacillus licheniformis</i> <i>Bacillus stearothermophilus</i>
Липазилар	<i>Aspergillus oryzae</i> <i>Aspergillus awomori</i> <i>Candida cylindrical</i> <i>Mucor mihei</i> <i>Rhizopus sp.</i>	
Глюкооксидаза	<i>Aspergillus niger</i> <i>Penicillium amagaskiense</i> <i>Penicillium vitale</i> <i>Penicillium notatum</i>	
Катализа	<i>Aspergillus sp.</i>	
Декстилаза	<i>Aspergillus sp.</i>	
Ацетартиза		<i>Escherichia coli</i>
Фумариза		<i>Escherichia coli</i>
Пенициллинамидаза		<i>Escherichia coli</i>

Нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда амилаза хамирни ачишини тегиштиради ва ноннинг сифатини яхшилади. Кондитер

саноатида ачитқи замбуруғининг инвертазасидан (сахарозаси) фойдаланилади, сахарозани глюкоза ва фруктозага айлантириб беради, у сахарозани юқори миқдорида кристалланишининг олдини олади.

Замбуруғларнинг пектиназаси мева ва узум шарбатини тиндириш учун ишлатилади. Вино ишлаб чиқаришда узум шарбати чиқиш миқдорини кўпайтириш учун ва кофе ишлаб чиқаришда қўлланилади. Глюкоамилазадан пиво тайёрлаш саноатида пиводан декстрин қолдиғини тозалаш учун ишлатилади. Глюкоизомераза сахарозани ўрнига глюкоза-фруктозали шарбат олишда фойдаланилади.

Лактоза, лактозасиз сут олиш учун ишлатилади. Лактозалар ёрдамида таркибида кўп миқдорда лактоза бўлган сут зардобидан қанд (глюкоза, галактоза) олинади. Замбуруғларни глюкозаоксидазаси катта аҳамиятга эга, чунки булар озик-овқат маҳсулотларини глюкоза қолдиғидан ва молекуляр кислороддан озод қилади ва бу билан уларни сақлаш муддатини узайтиради.

Глюкозаоксидазани тухум кукунига, майонезга, пивога уларни узоқ муддатга сақлаш учун маълум миқдорда қўшилади. Бу фермент ёрдамида аскарбин кислотасининг (С-витамин) оксидланиши секинлашади.

Целлюлоза препаратидан картошкани қандлаштиришда, картошка ва ғалладан крахмал олишда, сув ўтидан агар,-агар, чиқаришни кўпайтиришда, сабзавот пастаси тайёрлашда, цитрус мевалари қобиғини ажратишда фойдаланилади ҳамда ўсимлик целлюлозасини қандгача парчалашда ишлатилмоқда.

Микроорганизмлардан олинган протеолитик ферментлар пишлоқ тайёрлашда, уни қуюклаштириш учун ишлатиладиган ренин ўрнини босиши мумкин, кейинчалик улардан гўшти юмшатиш (тендиризация) учун фойдаланила бошланди. Бундан ташқари, балиқ тузланганда унинг пишишини тезлатиш, вино ва пиво тайёрлашда ишлатилмоқда.

Липаза сутни қуруқ ҳолда ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган, пишлоқ тайёрлашда, унинг пишишини тезлаштириш учун, пишлоққа махсус таъм ва ёқимли ҳид бериш учун ишлатилади.

Тўқимачилик саноатида микроорганизмларнинг ферментлари зиғирнинг сомониға ишлов бериб, ундан тола олиш учун кўпдан бери ва кенг қўлланиб келинмоқда. Зиғирни намлаш жараёнида

интирок тадиган асосий микроорганизм сифатида *Clastridium* туркумига кирувчи анаэроб бактерия тан олинган. Намлаш вақтида ювнинг жараёнда зигир самонидан пектин моддаси парчалангани ва унинг толаси ажралиб чиқади.

Тери ишлаб чиқариш саноатида микроб протеаза ферменти терини ошлашда ва уни майинлаштиришда ишлатилади. Таркибида протеаза ва липаза бўлган комплекс препаратни ишлатиш натижасида жараён тезлашади ва юқори сифатли жун олиш имконияти вужудга келади.

Ювиш воситалари ишлаб чиқаришда, микроб ферментлари кенг миқорда қўлланилмоқда. Одатда уларга протеолитик, амилиолитик ва липолитик фаолликка эга бўлган *Bac. subtilis* ферментлари қўшилади. Препаратлар сиртки фаол моддалар билан биргаликда ишлатилади. Таркибида фермент бўлган ювиш воситалари ювиш муддатини қисқартиради, тўқималарни сақлашни қобилиятини ўзайтиради, чунки ювиш 40-60°C дан ошмаган ҳароратда олиб борилади.

Ферментларни қишлоқ хўжалигида қўлланилиши икки гунада олиб борилмоқда:

1. ҳайвонларни озукасида фойдаланилади.
2. фермент билан озукани ишлов бериб, уларни ҳазм бўлишини оширилади.

*Aspergillus oryzae* ни озукани муҳити юзасида ўстириш усули билан амилоризин-препарати олинади, бу асосан ўстирилган намбурғуннинг қуригани бўлиб, таркибидан  $\alpha$ -амилаза, декстриназа, мальтоза, глюкоамилаза ва протеаза бўлади. Глюкозаморин – кепикда ўстирилган *Asp. awamori* културасининг қуригани, таркибий қисми  $\alpha$ -амилаза, декстриназа, мальтоза, глюкоамилаза, Нордон протеиназа ва гемицеллюлозадан иборат. Амилосубтиллин препарати таркибида  $\alpha$ -амилаза, протеаза,  $\beta$ -глюконаза ва лизис қилувчи ферментлар бўлади.

Микроб ферментлари тиббиётнинг турли хил соҳаларида терапевтик восита сифатида ва клиник анализларни олиб боришда қўлланилади. Яллиғланиш жараёнларини ва куйишни даволаш учун протеиназа препаратлари қўлланилади. Одам организмида айрим ферментларни синтезланиши бузилганда, алоҳида ва комплекс ҳолда ферментлар истеъмол қилинади. Масалан, ошқозон ости ферментини функцияси бузилганда, таркибида протеиназа, амилаза ва

липаза комплекси бўлган препарат қабул қилинади.

Лактаза ва глюкоамилаза синтез қилиш қобилияти йўқолганда микроорганизмлардан олинган шу номли ферментлардан фойдаланилади. Овқат ҳазм қилиш жараёни бузилганда айрим вақтларда комплекс ферментлар ( $\alpha$ -амилаза, целлюлаза, липаза ва протеиназа) истеъмол қилинади. Микроб ферментларини тиббиётда қўллаш жуда истиқболлидир.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Ферментлар тўғрисида маълумот беринг?
2. Ферментларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ва халқ хўжалигида аҳамияти нималардан иборат?
3. Ферментларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг, улар нечта синфга бўлинади?
4. Ферментларнинг модда алмашинувидаги аҳамиятини тушунтириб беринг?



### 11.3. Ферментлар ишлаб чиқариш технологияси

Ферментларнинг продуцентларини ўстириш уларни қаттиқ ва суюқ озуқа муҳитларига экиш усуллари билан олиб борилади, қаттиқ озуқа муҳитларининг юза қисмида фақат аэроб микроорганизмларни ўстириш мумкин.

Суюқлик ичида ўстириш усулида асосан микроорганизмлар суюқ озуқа муҳитларида ўстирилади ва бунда ҳам аэроб ҳам анаэроб микроорганизмларни ўстириш мумкин. Ферментларнинг амалиёт продуцентлари аэроб бўлган микроорганизмлардир ва шунинг учун қаттиқ ва суюқ озуқа муҳитларида ўстирилганда уларга ҳаво билан таъминлаб турилади.

**Ферментлар продуцентларини ўстириш жараёнига таъсир этувчи омиллар:**

Ферментларнинг ҳосил бўлиш жараёнига ташқи муҳит шароити, озуқа моддалари таркиби, уларнинг миқдори, метаболитларнинг чиқиши, муҳитда фаол кислотанинг ўзгариши, ҳарорат, муҳитнинг эриган кислород билан тўйиниши, продуцент културасининг ҳолати ва ўстириш муддатлари, шунингдек бошқа омиллар таъсир этади. Бу омилларнинг аҳамияти ва фермент биосинтези жараёнига бўлган таъсир даражаси турлича бўлиб, улар асосан микроорганизмни ўстириш усули ва продуцентларнинг физиологик хусусиятларига бўйсинган ҳолда кечади. Бироқ, баъзи умумий қонуниятларга эътибор бериб ўтиш керак.

Микроорганизмларни ўстиришда қаттиқ ва қуруқ озуқа муҳитларининг намлиги жуда катта аҳамиятга эга. Агарда муҳитнинг намлиги 11-20% атрофида бўлса, микроорганизмлар умуман ўсмайди. Бирмунча кўпроқ ўсишни намлик 30% бўлганда кузатиш мумкин. Намликнинг 40-45% бўлиши микроорганизм културасининг мўътадил ўсишига ва спора ҳосил қилишига жуда қулай шароит ҳисобланади. Бу ҳолат спора ҳосил қилувчи фермент продуцентларининг экиш материалларини олишда ишлатилади. Муҳитнинг намлиги 53-58% бўлганда ҳосил қилинган ферментларнинг тўпланиши кузатилади. Намлик 60-68% бўлганда ферментларнинг биосинтези пасая бошлайди ва бу ҳолат озуқа муҳити ичида қирадиган ҳавонинг ёмон ўтиши билан тушунтирилади.

Култураларни қаттиқ озуқа муҳитида ўстириш натижасида

унинг таркибида куруқ моддаларнинг миқдори камайиб,  $\text{CO}_2$  нин сувга айланади. Шу сабабли, агарда микроорганизмни ўстириш ёпиқ идишларда (колба, махсус кюветалар ва ҳ. к.) олиб борилса, буғланиш натижасида намликнинг ортиши кузатилади. Агарда ўстириш жараёни очиқ идишларда олиб борилса, културани ва озуқа муҳитининг қуриб қолиши ва ҳосил бўлган махсулот фаоллиги камайиши кузатилади. Намликнинг даражаси ва мўтадиллиги ҳар бир ўстирилаётган продуцентнинг физиологик хусусиятларига, озуқа муҳит таркиби ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, ҳар бир омил тадқиқот йўли билан аниқланади.

Ўсаётган културани ҳаво билан таъминлаш даражаси кўпинча ўстириш усули ва фермент продуцентларининг физиологияси билан белгиланади. Бу жараён асосан уч мақсадни ўз олдига қўяди:

➤ *Ўсаётган микроорганизмларни ўсиш ва ривожланиши учун зарур бўлган кислород билан таъминлаш;*

➤ *Газ қўринишидаги моддалар билан ифлосланган ҳавонини чиқариб ташлаш;*

➤ *Микроорганизмларнинг ўсиш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликни қисман бартараф қилиш ёки чиқариб юбориш.*

Микроорганизмларни қаттиқ озуқа муҳити сиртида ўстиришда вужудга келган иссиқликни чиқариш масаласи катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун микроскопик замбуруғларни ўстиришда уларнинг ўсиш босқичларига катта эътибор бериш керак, чунки айнан шу гуруҳ микроорганизмлар қаттиқ озуқа муҳити сиртида ўстирилади.

Биринчи гуруҳ-замбуруғ спораси ёки конидияларини бўқиши ва ривожланишидир. Унинг муддати 10-12 соатга чўзилади. Бу босқич айтарли иссиқлик ажралоши билан кузатилмайди ва озуқа муҳит компонентлари ўзгармайди.

Озуқа муҳити сиртида пўпанак ҳосил бўлиши билан иккинчи босқич (тропофаза) мицелияларнинг фаол ўсиш босқичи бошланади. У одатда 12-40 соат ва шу билан бирга озуқа муҳитидаги моддаларни кўп миқдорда истеъмол қилиши, иссиқлик, ис гази ва сув ажратиши билан давом этади. Бунда микроорганизм озуқани мицелиялари билан тўлиқ ўраб олади. Айнан мана шу босқичда кўп миқдорда иссиқлик ажралади ва умумий ажраладиган иссиқликнинг 75-80% ини ташкил қилади.

1 тонна, култура бир соат давомида фаол ўсиш боскичида  $7,6 \text{ м}^3$  га яқин кислородни ўзлаштиради ёки ҳавога бўлган нисбатда эса  $10,7 \text{ м}^3$  ни ўзлаштиради. Замбуруғларни мўътадил ўсиши умумий ҳажмининг сарфи ўрта ҳисобда 1 тонна култура учун  $600-650 \text{ м}^3$  ни ташкил қилади.

Учинчи боскич (идиофаза) културани морфологик ва биохимиквий ихтисослашиши кузатилади, яъни бунда микроорганизмлар конидияларни ва иккиламчи метаболитларни ҳосил қиладилар. Ушбу боскичда микроорганизмлар хужайра ташкилига чиқарилувчи ферментларни ҳосил қиладилар. Бунда ўстириш хоналарида ҳароратни  $3-4^{\circ}\text{C}$  га тушириш ва ҳаво алмаштиришни 3-5 мартага камайтириш зарур.

Микроорганизмларни суюқ озуқа муҳитларида ўстириш давомида ҳам ҳаво билан таъминлашга ва ис гази билан инфлюсанган ҳавони ферментёрдан чиқиб кетиш режимида эътибор бериш керак. Масалан, бир култура ҳар хил аэрация шароитларида бир хил ферментни ҳар хил хусусияти билан ҳосил қилиши мумкин. Умуман олганда ҳаво билан таъминлаш микроорганизмни ўстириш жараёнини ва фермент ҳосил қилишни тезлаштиради.

Ўстириш давомийлиги ҳам муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, у максимум фермент ишлаб чиқариш самарадорлигини белгилайди. У жуда кўп омилларга боғлиқ: озуқа муҳити таркиби ва уни продуцентга узатиш усули, муҳитни ҳаво билан таъминланганлик даражаси, продуцент тури, фермент хусусияти ва бошқалардир. Ўстириш давомийлиги кўпинча продуцентнинг физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлади. Масалан, *B. mesentericus* ПБ учун – 36 соат бўлса, *Asp. awamori* учун эса 144 соатни ташкил этади.

#### **pH кўрсаткичининг таъсири.**

Микроорганизмларни қаттиқ озуқа муҳити сиртида ўстиришда муҳитнинг pH кўрсаткичи унинг намлиги кам ва кучли буферли бўлиши сабабли, ферментларнинг ҳосил бўлиш жараёнларига кам таъсир қилади. Лекин pH кўрсаткичи суюқ озуқа муҳитида довий ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, озуқани стерилизация қилишда ва културани ўстириш давомида тез ўзгаради.

Қаттиқ озуқа муҳитлари сиртида продуцентларни ўстириш жараёнида улар сув билан намланади ва намланган муҳитнинг pH кўрсаткичи 5,0-5, 6 ташкил қилади. Кўпинча озуқа муҳити сиртида ишлатилган ўсимлик бўлақчалари хлорид, сульфат ёки

сут кислоталарининг кучсиз эритмаси билан намланади ва уларнинг рН кўрсаткичи 4,5-5,0 атрофида бўлади. Кислоталарни кўшиш натижасида озуқа муҳити микроскопик замбуруғларнинг ўсиши учун селектив шароитга айланади. Бунда ҳаво ва озукани стерилизация қилиш харажатлари бир мунча камаяди.

Суюқ озуқа муҳитлари рН кўрсаткичи микроорганизмларни ўстиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Энг кўп эътиборни албатта, озуканинг бошланғич ва стерилизация ҳамда микроорганизм ўсиши пайтида катион ва анионларни истеъмол қилиши натижасида ўзгарадиган рН кўрсаткичига бериш керак. Шундай истеъмол натижасида културал суюқлик ё кислотали ёки ишқорли муҳитга ўтиб кетади.

Муҳитнинг мўтадил рН кўрсаткичи продуцентнинг хусусиятига боғлиқ шунга қарамай баъзи умумий қонуниятларни кўриш мумкин.

Замбуруғ ва ачитки микробларига ўхшаш организмлар рН кўрсаткичи 3, 8-5, 6 бўлган шароитда яхши ўсади ва фермент ҳосил қилади. Бактериялар эса рН кўрсаткичи нейтрал (6, 2-7, 4) қийматларда фаол ривожланади. Яна шундай маълумотлар борки, агарда рН кўрсаткичи фақат маълум бир қийматда ушлаб турилса бундай шароитда ўстирилган продуцент битта керакли ферментни ҳосил қилиши мумкин. Кўпчилик микроорганизмлар рН омили таъсирига жуда таъсирчан бўладилар ва бу кўрсаткичнинг сезиларли даражада салбий ёки ижобий томонга ўзгариши, уларнинг фермент ҳосил қилиш қобилиятларига бирданига таъсир қилади.

#### Ҳароратнинг таъсири.

Кўпгина ферментларнинг продуцентлари, хусусан микроскопик замбуруғлар, мезофил микроорганизмлар ҳисобланади ва уларнинг ривожланиши учун мўтадил ҳарорат 22-32°C атрофида бўлади.

Ферментларни бактериал продуцентлари орасида кўпгина термофиллари ҳам учрайди ва уларни мўтадил ўстириш ҳарорати 35-55°C дир. Масалан, *B. mesentericus* ПБ бактерияси 37°C ни талаб қилса, *Bac. diastaticus* 60-65°C ни, *Asp. oryzae* эса атиги 28-30°C ни талаб қилади. Ҳамда липаза ферментининг продуценти *Rhizopus microsporus* замбуруғининг фаол ривожланиши ва фермент ҳосил қилиши учун 40°C ҳарорат мўтадил ҳисобланади.

Саноатда термофил микроорганизмлардан фойдаланишнинг бир

кўпчи ижобий томонлари бор. Чунки уларни юқори ҳароратда устирилганда жараённинг стериллигига бўлган талабни ўз-ўзидан қамийтиради. Бундан ташқари термофил микроорганизмлар юқори ҳароратга бардошли бўлган ферментларни ҳосил қилади. Ҳарорат қисил бўлаётган фермент микдорининг ўзгаришида катта аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажралиб турувчи омилдир.

#### **Микро ва макроэлементлар таъсири.**

Микроорганизмларни ўстириш учун озуқа муҳитларини тайёрлашда фермент саноати ёки қишлоқ хўжалиги ўсимликлари қолдиқларидан кенг кўламда фойдаланилади. Қаттиқ озуқа муҳитлари асосан қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг қолдиқларини майдалаб, намлигини маълум даражага келтириб ва унга бошқа макро ва микроэлементларнинг эритмаларини аралаштириб тайёрланади.

Суюк озуқа муҳитлари тайёрлашда эса кам эрувчан компонентлардан микдори чекланган ҳолда фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда унинг эрмаган қолдиқлари озуқа муҳити ва культурал суяқликни қайта ишлашда халақит беради. Озуқа муҳити таркибига ҳар хил ўсимлик ва фермент саноати қайнатмалари ва гидролизатлари дағал филтратларини ҳамда спирт пардаси, микроблар биомассаси плазмолизатлари, аминокислоталар ва бошқаларни қўшиб тайёрлаш мумкин. Буларда йирик қолдиқларнинг бўлмаслиги тўхтовсиз ўстириш жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Суюк озуқа муҳитлари таркибида, одатда 2,5% дан 20% гача қуруқ моддалар эритма ҳолида бўлади. Муҳитнинг рН кўрсаткичи уни тайёрлаш вақтида ва стерилизациясидан кейин назорат қилинади.

#### **11.3.1. Углерод манбалари**

Гидролитик ферментлар асосан индуцибел табиатга эга бўлганлиги учун озуқа муҳити таркибига керакли бўлган ферментни фаол тўплаш мақсадида унинг индукторини қўшиш даркор.

Углерод манбаси микроорганизмлар учун энг керакли бўлган компонентдир, чунки барча организмларда энг асосий метаболик жараёнлар айнан шу элемент иштирокида амалга оширилади. Углерод манбаси вазифасини ҳар хил органик бирикмалар бажариши мумкин ва улар хужайра моддаларини бошланғич

материаллари ҳамда энергия манбаси сифатида ишлатилади.

Микроорганизмлардан гидролитик ферментларни олишди углерод манбасига алоҳида эътибор бериш керак, чунки улар шу комплекс ферментларнинг стимуляторлари бўлиб ҳисобланади. Агарда углерод манбаси (крахмал, пектин ва ҳ.к.) озуқа муҳитига кўп миқдорда қўшилса, улар ҳаракатсиз бўлиб қоладилар ва шунинг учун микроорганизм талабига қараб уларни қисм-қисм қилиб қўшиш керак.

Углерод манбасини танлаш албатта, микроорганизмнинг физиологик хусусиятларига ва у ҳосил қиладиган ферментнинг турига боғлиқдир ҳамда ҳар бир микроорганизм учун тадқиқотлар йўли билан аниқланади.

### 11.3.2. Азот манбалари

Муҳитда азот манбаси вазифасини минерал тузлар ёки азотнинг органик бирикмалари бажариши мумкин. Масалан, протеиназалар ҳосил бўлишида азот манбалари нафақат озуқа муҳитининг муҳим компонент сифатида, балки, биосинтез жараёнини фаоллаштирувчи вазифасини ҳам бажаради. Энг яхши натижалар муҳитга оксиллар ва уларнинг парчаланиш маҳсулотларини қўшиш йўли билан олинади.

Азотнинг органик манбаларига ҳайвонларнинг ҳар хил оксиллари (пептон, казеин, гемоглобин, желатин, тухум оксили), ўсимлик хом-ашёлари оксиллари (ёғсизлантирилган соя, маккажўхори экстракти), микроорганизмларнинг биомассаси ҳамда оксилларнинг кислотали, ишқорли ва ферментатив гидролизатлари, аминокислоталар ва бошқа бирикмалар киради.

Азотнинг ноорганик манбалари сифатида асосан ҳар хил азот кислотаси ва аммо, нийнинг тузларидан фойдаланилади. Ноорганик азот манбаларини танлашда катион ва анионларнинг физиологик таъсирига эътибор бериш керак. Муҳит рН кўрсаткичини ишқорий ёки кислотали томонга ўзгариши продуцентнинг биосинтетик хусусиятига қаттиқ таъсир қилади.

Кўп тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, азотнинг органик манбаларидан фойдаланиш ноорганикларга нисбатан кўпроқ ижобий ҳисобланади. Лекин уларни биргаликда маълум ўрганилган миқдорда ишлатилса, уларнинг таъсири кўп ҳолларда ижобий томонга бурилади.

Озуқа муҳитида азот ва углероднинг нисбати шундай бўлиши керакки, микроорганизм иккала элементга ҳам муҳтожлик сезимслиги керак. Бир элемент танқислигини иккинчи элемент нисобига тўғрилаш мумкин эмас. Масалан, глюкозаоксидаза ва каталаза ферментларини *Penicillium vitale* замбуруғи азот ва углероднинг ўзаро нисбатига қараб ҳосил қилади ва ушбу нисбатни ўзгартириш йўли билан ёки глюкозаоксидаза, ё бўлмаса каталаза олини мумкин.

### 11.3.3. Фосфор манбалари

Фосфор элементи озуқа муҳитига фосфор кислотаси тузи ёки органик бирикма, фитин шаклида қўшилади. Фосфор муҳит учун энг зарур бўлган элементдир, чунки у ҳужайрада энергия алмашинуви жараёнида АТФ, АДФ ва АМФ таркибига киради.

Микроорганизмлар логарифмик ўсиш фазасида фосфор элементини жуда кўп миқдорда талаб қилади. Чунки бу босқич ҳужайра моддаларини ва биокимёвий жараёнларнинг интенсивлигига тўғри келади. Одатда бу даврда 83-91% гача бўлган фосфор озуқа муҳитидан микроорганизм биомассасига ўтади.

Фосфор протеаза, амилаза, пектолитик каби ферментларнинг биосинтезини тезлаштиради. Агар, фосфорни фосфор кислоталарининг тузи кўринишида табиий қайнатмалари бор муҳит таркибига қўшилса энг яхши натижаларга эришиш мумкин.

### 11.3.4. Витаминлар манбалари

Микроэлементларсиз, витаминларсиз ва ўстириш моддаларисиз микроорганизм ҳужайрасидаги моддалар алмашинуви жараёнини тўлиқ ўтиши эҳтимолдан узоқдир. Лекин ҳамма микроорганизмлар ҳам ўсиш ва ривожланишлари учун бу бирикмаларни қўшилишини талаб қилавермайди. Шу нуқтаи назардан назардан келиб чиқиб микроорганизмлар икки турга бўлинади:

➤ *Ауксоавтотрофлар* – витаминларни ташқаридан қўшилишини талаб қилмайдиган микроблар бўлиб, улар ўзлари ушбу моддаларни синтез қилиш қобилиятларига эга;

➤ *Ауксогетеротрофлар* – витаминларни синтез қила олмайдиган микроорганизмлар гуруҳи бўлиб, улар учун албатта, озуқа муҳити таркибига витаминларни қўшиши керак.

Агарда ауксоавтотроф микроорганизм ўстирилувчи муҳитга витаминлар ва ўстирувчи бирикмалар қўшилса, улар бу

продуцентнинг ўсиши ва ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Агарда ауксогетеротроф продуцент озукасига жуда ҳам кам микдорда юқорида зикр этилган моддалар қўшилса, уларнинг ўсиш ва ривожланиши сезиларли даражада тезлашади. Афсуски жуда кўп продуцентлар ауксогетеротроф организмлар бўлиб, улар ферментлар биосинтезида қатнашувчи В витаминлар гуруҳи комплекси (В<sub>1</sub>, В<sub>3</sub>, В<sub>5</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>8</sub>), яъни биотин, инозит, пантотем кислотаси, тиамин, пиридоксин ва бошқаларнинг озукادا бўлишига муҳтождирлар.

Биотин аминокислоталарнинг ҳосил бўлиш реакцияларида қатнашади, бир неча ферментларнинг фаол марказига киради ва кислоталарининг карбоксилланиш ва декарбоксилланиш жараёнларини катализлайди. Инозит эса фосфор кислотасининг олти молекуласи билан бирикиб ачитқи микробларни ўсишга тезлаштирувчи инозитфосфор кислотасини ҳосил қилади. Пантотем кислотаси КОА таркибига кириб, хужайрадаги энг муҳим модда алмашинув жараёнларида иштирок этади.

Макро- ва микроэлементлар озукa муҳитларининг ажралиш қисми ҳисобланади. Кўп металл ионлари ферментларнинг фаол маркази таркибига киради ёки ферментларнинг структурасини таъинлашда ва организмдаги ферментатив фаолиятни таъминлашда иштирок этади. Ҳозиргача маълум бўлган ферментларнинг 1/4 қисми металлоферментлар ҳисобланади. Улар нафас олиш жараёнини, оксидланиш-қайтарилиш реакциясини, аминокислоталар, шакарлар, нуклеотидлар, пиримидин асосларнинг синтезларини фаоллаштиради, биокутбли оксил молекулаларни гликогенлар, нуклеин кислоталари ҳосил бўлишини ҳамда уларнинг трансформацияси ва парчаланишини бошқарадилар.

Ҳамма металлоферментлар икки гуруҳга бўлинади:

➤ *Биринчи гуруҳ ҳақиқий металлоферментлардир, яъни улар металл ионлари ва оксил молекулалари ўртасида бузилмас бов ҳосил қилиб, ионитлардан ўтказилганда ҳам парчаланмайди.*

➤ *Иккинчи гуруҳ металлоферментлари эса диализ жараёнида металл ионлари билан бўлган боғни узадилар ёки ферментлар бошқача ишлов бериш жараёнида каталитик фаолиятини йўқотадилар. Бу гуруҳ ферментларига яна ташиқаридан металллар қўшилса улар фаоллигини тиклайдилар.*



Оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида темир, мис, марганец, рун, бор ва молибден талаб қилувчи ферментлар иштирок этади.

Умуман олганда микроорганизмларда борадиган барча жараёнлар макроэлементлардан ташқари микроэлементларнинг иштирокига муҳтождир. Шунинг учун, айниқса синтетик озуқа муҳитлари тайёрлашда микроэлементларнинг улуший миқдорини таъбиборга олиш лозим.

#### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари.

1. Ферментларни ўстиришда қайси усуллардан фойдаланилади?
2. Ферментлар продуцентларини ўстириш жараёнига қайси омиллар таъсир этади?
3. Ўстириш давомийлигига рН муҳитнинг таъсири қандай бўлиди?
4. Ферментларни ишлаб чиқариш технологиясида углерод манбаларидан фойдаланиш усулларини гапириб беринг?
5. Фосфор ва витамин манбалари ферментлар фаоллигига таъсир кўрсатадими?

## ХИ БОБ. ОЗУҚАВИЙ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ВА АРОМАТИЗАТОРЛАР

### 12.1. Озиқ-овқат қўшимчалари

Озиқ-овқат қўшимчалари деганда, асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини, хоссаларини, барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда, уларга янги хоссалар бериш ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маҳсулотлар тайёрлаш учун қўшилаётган турли табиий ва сунъий усуллар билан олинган моддалар гуруҳи тушунилади. Маҳсулотларга қўшилаётган қўшимчалар истеъмолчиларнинг соғлигига салбий таъсир этмаслиги керак. XIX асрнинг охирига келиб кимё ва озиқ-овқат sanoatларининг ривожланиши, инсоният сонининг кўпайиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг янгидан-янги турларини тайёрлаш қўшимчаларга бўлган талабини кучайиб кетишига сабаб бўлди.

Озиқ-овқат қўшимчалари бир неча турга бўлинади:

- 1) Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини пардозловчи моддалар;
- 2) Озиқ-овқат маҳсулотларининг структурасини ва физик кимёвий хоссаларини ўзгартирувчи моддалар;
- 3) Озиқ-овқат маҳсулотларини ширинлаштирувчи моддалар;
- 4) Озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш муддатини узайтирувчи моддалар;
- 5) Озиқ-овқат маҳсулотларига хушбўй ҳид берувчи моддалар.

**Озуқавий қўшимчалар:** туз, зираворлар–қалампир, долча, қалампир мунчок, мускат ёнғоғи, ширинлаштирувчи модда сифатида асал ва бошқалар инсон томонидан бир неча асрдан бундан қўлланилмоқда. Бироқ, озуқавий қўшимчалардан кенг миқдорда фойдаланиш XIX аср охирида бошланди, у аҳоли сонининг ўсиши билан, уларнинг шаҳарларда зичлашуви, анъанавий озиқ-овқат технологиясини такомиллаштириш лозимлиги, кимёнинг ютуқлари махсус мўлжалланган маҳсулотларни яратиш билан боғланган. Кўпгина яқка тартибдаги истеъмолчиларда мавжуд бўлган нотўғри фикрларга қарамадан келиб чиқиш мумкин бўлган касалликларнинг ўткирлиги, содир этилиш тезлиги ва оғирлиги бўйича озуқавий қўшимчаларни минимал хавф-хатар туғдирувчи моддалар қаторига қўшиш керак.

Кимёвий моддаларнинг заҳарлилиги каби муҳим масалаларни ҳам тағбирдан холи қолдирмаслик керак. Одатда заҳарлилик дегенда, моддаларнинг тирик организмга зарар келтириш қobiliяти тушунилади. Шунини айтиш лозимки ихтиёрий кимёвий бирикма маълум шароитларда зарарли бўлиши мумкин, шунинг учун, мутахассисларни фикрича, моддалардан фойдаланиш таклиф этиладиган усулда унинг зарарсизлиги тўғрисида гапириш тўғрироқ бўлади. Бу ерда доза (организмга бир суткада тушадиган модда миқдори), истеъмол давомийлиги, режим, унинг организмга тушиш йўллари ва ҳоказолар муҳим роль ўйнайди. Организмга таъсир этиш самараси ҳам турлича бўлиши мумкин (ўткир, узок давом этадиган). Гигиеник тартиб ва қоидаларини белгилаш мақсадида йўл қўйиладиган концентрациялар (ЙҚК) тадқиқотларга асосланади. ЙҚК катталиги аниқланганда омилларнинг жуда катта миқдори инobatга олинади. Тадқиқотлар махсус ташкилотлар томонидан ўтказилади ва маълум қоидалар билан тартибга солинади.

Ошқавий кўшимчаларнинг фақат жуда муҳим гуруҳларини кўриб чиқамиз.

## 12.2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини ва пардозловчи моддалар

### 12.2.1. Озиқ-овқат бўёқлари

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини пардозловчи моддалар ичида озиқ-овқат бўёқлари (пигментлар) алоҳида ўрин тутди. Истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос ранги бўлишлигига ва шунга кўра сифатини белгилашга кўникаб олганлар. Шу билан бирга кўпгина ҳолларда тайёрланган маҳсулотларнинг ранги ўзига тегишли бўлган рангдан бошқача рангда, баъзида эса маҳсулот ёқимсиз кўринишда бўлиб қолади. Бу ҳолатида истеъмолчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган иштиёқини сусайтиришга, иштаҳасини бўғилишига ва овқат ҳазм бўлиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Озиқ-овқат маҳсулотларига ва ярим фабрикатларга хилма-хил ранглар бериш учун ва синтетик (органик ва анорганик) бўёқлардан фойдаланилади. Бўёқлар кўпроқ қандолат маҳсулотлари, яхна

ичимликлар, маргарин, майонез ва баъзи консервалар тайёрлашни ишлатилади.

**Табиий бўёқлар.** Бу бўёқлар бўёвчи моддалардан ташқари кўпгина биологик актив моддалар: витаминлар, глюкозидлар ва органик кислоталарга бойдир.

**Эфир мойлари ва бўёвчи моддалар.**

**Целлюлозанинг оддий эфирлари** – метил эфир (метилстеллюлоза) ва этил эфир (этилстеллюлоза)–музқаймоқ тайёрлашда, қандолат маҳсулотлари, соуслар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Желеловчи моддалар сифатида бошқа маҳсулотлар ҳам, шу жумладан, фосфолипидлар, масалан, тухум леститинлар ҳам ишлатилиши мумкин.

**Озуқавий сирти-фаол моддалар (СФМ).** Уларга сирт таранглигини пасайтирувчи моддалар гуруҳлари киради. Улар майин дисперсион ва мустақкам коллоид системалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Одатда СФМ молекулалари дифил тузилишига эга, яъни гидрофил ва гидрофоб гуруҳларига эга. Гидрофил гуруҳлар сувда эрувчанликни таъминлайди, гидрофоб гуруҳлар эса, кутбсиз эритувчиларда эрувчанликни таъминлайди. Мас тарзда улар фазаларнинг ажралиш юзасида жойлашади. Уларнинг асосий физик-кимёвий ва бу ердан эса технологик хоссалари ҳам гидрофил ва гидрофоб гуруҳларнинг кимёвий тузилишлари ва молекуляр массаларининг нисбатига боғлиқ. Гидрофил гуруҳларнинг тури бўйича сирт-фаол моддалар ионли ва ноион турларга бўлинади. Биринчи гуруҳ ионларга диссоциацияланади, улардан баъзилари сирт фаол, бошқалари (ионларга қарши) фаол эмас. Сирт фаол ион зарядининг белгисига қараб улар анионли, катионли ва амфотерларга бўлинади. СФМ нинг молекулалари сувда диссоциацияланмайди.

СФМ ёрдамида гетероген система ҳисобланмиш озиқ-овқат хом-ашёлари, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг хоссаларини ростлаши мумкин.


Ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда минглаб тонна СФМ ишлаб чиқарилмоқда.

Бир атомли ва кўп атомли спиртларнинг, моно - ва дисахаридларнинг ҳосилалари–асосий озуқавий сирт-фаол

моддалар ҳисобланади. Турли тузилишга эга бўлган кислота қолдиқлари уларнинг структуравий компонентлари ҳисобланади.


Одатда озик-овқат саноатида қўлланиладиган СФМ лар индивидуал (якка) модда ҳисобланади. Булар кўп компонентли ариллашмалардир. Препарат номи фақатгина асосий маҳсулотга мос келади. СФМ озик-овқат саноатининг барча тармоқларида имплементда қўлланилмоқда. Саноатда қўлланиладиган СФМ нинг асосий гуруҳларнинг кўриб чиқамиз.


Моно-диастилглицеринлар (Моно-, диглицеридлар) ва уларнинг ҳосилаларини астилглицеринларни гидролизлаш ёки глицеринни юкоримолекуляр ёғ кислоталар билан этерификациялаш ёрдамида олинади; уларга Т-1 эмулгаторини ҳам киритиш мумкин.




Моно-ва диглицеринлардан нон ишлаб чиқаришда фойдаланиш нон сифатини яхшилаш, нонни эскириш жараёнини секинлаштиришга ёрдам беради, макарон саноатида жараённи механизациялаштиришга олиб келади, макарон маҳсулотлари сифатни оширади, ёпишқоклигини пасайтиради, маргаринда пластиклик хоссаларини оширади.

Карбон кислоталар билан этерификацияланган моноглицеридларнинг ҳосилаларидан ҳам фойдаланилади:






моноглицерид ва диацетилвино  
кислота эфири (ДАВА-эфир)



моноглицерид ва олма кислотани  
эфири

Бу маҳсулотлар нонвойликда, қандолат маҳсулотлари, қанд ишлаб чиқариш саноатида, музқаймоқ ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Табиий ва синтетик равишда ишлаб чиқарилган фосфолипидларни озиқ-овқат саноатининг нонвойлик, қандолатчилик ва маргарин ишлаб чиқариш тармоқларида ишлатишади.



фосфатид кислотанинг аммонийли  
тузи (ФОЛС эмулгатори)

Табиий фосфолипидлар (фосфатидлар, фосфатидли концентрат) ўсимлик мойларидан гидрастациялаб олинади. Ўсимлик мойлари таркибида 60% гача фосфолипидлар ҳамда 40% гача триастилглицеринлар мавжуд. Бу фосфолипидлар таркибига 25% гача фосфолипидилхоликлар (леститинлар), 25% гача фосфотидилэтанолалинлар, 16-17% дифосфатидилглицеринлар,

қамда 5-10% фосфатид кислоталар киради. Улар нон, унли қандолат маҳсулотлари, шokolод, ичимликлар, музқаймоқ ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган синтетик фосфолипидлар таркиби билан табиийларидан молекулаларида азотли асосларнинг бўлмаслиги билан фарқ қилиди. Улар турли фосфолипид кислоталарнинг аммонийли ёки нитрийли тузларини триглицеридлар билан ҳосил қилган мураккаб арилашмалари ҳисобланади.


Улардан шokolод ишлаб чиқаришда фойдаланиш қакао ёғини тежашга олиб келади, маргарин саноатида ёғ фазаси 40-50% бўлган қам ёғли маргаринларни олиш имконини беради. Маргарин ишлаб чиқаришда Т-1 эмулгатори ва фосфатид концентратларнинг 3:1 нисбатдаги аралашмаси Т-Ф эмулгаторидан фойдаланилади.



**Полиглицерин эфирлари** – ёғ кислоталарнинг полиглицерин билан бирикишидан ҳосил қилган мураккаб эфирлардир. Бундан ташқари, бу маҳсулотлар эркин полиглицеринларга, бироз миқдорда моно-, ди-, триглицеридларга эга. Озиқ-овқат саноатининг нон, қандолат ва маргарин ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланилади.

**Сахароза эфирлари.** Таркиби бўйича табиий кислоталарнинг сахароза билан ҳосил қилган мураккаб эфирлари ҳисобланади. Бу бирикмалардан жуда кенг қандолат маҳсулотлари, нонвойлик, музқаймоқ ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

**Сорбит эфирлари** – олти атомли спирт сорбит ва табиий кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб эфирлар.

Олий ёғ спиртларнинг (R – спирт колдиғи) ва карбон кислоталарнинг ҳосилалари:






Улар озиқ-овқат саноатининг деярли барча тармоқларида қўлланилади.

Сут кислотанинг олий ёғ кислоталар билан ҳосилалари. Уларни стероил сут кислота ва унинг тузлари (натрий стелат ва кальций стелат) киради.

**Озукавий бўёқлар.** Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини аниқлайдиган моддалар орасида озукавий бўёқлар муҳим ўринга эга. Истеъмолчилар озиқ-овқат моддаларнинг маълум рангига кўникма ҳосил қилдилар, бунда улар маҳсулот рангини унинг сифати билан боғлайдилар. Шу билан бир вақтда замонавий озиқ-овқат технологияси шароитида маҳсулотлар кўпинча ўзларининг дастлабки, истеъмолчи учун одатий рангини ўзгартиради, айрим ҳолларда эса ёқимсиз рангга эга бўлади. Бу, шубҳасиз, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчи учун камроқ жозибали қилади, иштаҳага ва овқатни ҳазм қилиш жараёнига таъсир қилади. Озиқ-овқат маҳсулотларига ва ярим тайёр маҳсулотларга турли ранг бериш учун табиий ва синтетик (органик ва анорганик) бўёқлардан фойдаланилади. Қандолат маҳсулотлари, ичимликлар, маргарин, айрим турдаги консерваларни ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришда улардан кенг фойдаланилади.




**Кармин** – кизил бӯёк, антрахинон ҳосиласи




Кармин кошенилдан – Африкада ва Жанубий Америкада ўсувчи кактусларда яшовчи ҳашаротлардан олинади.

**Алканин** – 1.4 – нафтохиноннинг ҳосиласи



**Куркума** – табиий сариқ бӯёк, кўп йиллик Занжабиллар оиласига мансуб ўсимлик – *Curcuma longa* дан олинади.



Сунда ёмон эриганлиги сабабли куркума спиртли эритма шунингиде ишлатилатилади.

**Дибӯёк** – кизил навли узумнинг ва қорақат (маржон дарахти мониси) резаворининг туппасидан тўқ кизил рангли суюқлик

кўринишида олинади. Унинг таркибига бирикмалар аралашмаси, шу жумладан антоцианлар ва катехинлар киради.


Маҳсулотни энобўёқ билан бўягандан кейинги оладиган ранги муҳитнинг рН ига боғлиқ. Нордонлаштирилган объектлардаги қизил ранг нейтрал ва кучсиз ишқорий муҳитларда энобўёқ маҳсулотга кўк тус беради. Шунинг учун эно бўёқ қандолот саноатида муҳитнинг керакли рН ини яратиш учун органик кислоталар билан бир вақтда қўлланилади.

Охирги пайтларда сариқ, пушти-қизил бўёқлар сифатида таркибига антицианол кирувчи қизил мевасининг, қизил ва қора смородиналар, кюквя, брусника шарбатларида сақланувчи пигментлар: антоционлар ва катехинларни сақловчи чой пигментлари лавлагидан ажратиб олинган қизил бўёққўлланила бошланди.

**Қанд колери (карамел)** – шакарни карамелланишидан олинган қорамтир бўялган маҳсулот. Унинг сувли эритмалари ёқимли ҳид таратувчи тўқ жигари рангли суюқлик. Ичимликларни, қандолот маҳсулотларини бўяшда ва ошпазликда ишлатилади.

Синтетик бўёқлар орасидан фойдаланишга рухсат этилган қуйидаги бўёқларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Индигокармин** (индегидисулфокислотанинг динарийли тузи)



Индигокармин сувда эриганда тўқ-кўк рангли эритма ҳосил қилади. Қандолот саноатида ва қанд-рафинад ишлаб чиқаришда фойдаланилади.




нитратлардан фойдаланиш тиббиёт ходимларининг эътирозини сабаб бўлмоқда ва текширишларни талаб қилмоқда.

**Калий броматинни (КВrO)** унни оқартирувчи сифатида фойдаланилади, бироқ ундан фойдаланиш В, РР витаминларини ва метионинни парчаланишига олиб келади.

### **Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари**


1. Озуқавий сирти-фаол моддалар деганда нимани тушунасиз?
2. Озуқавий бўёқларга қандай бўёқлар киради?
3. Қандай синтетик бўёқларни биласиз?
4. Рангни ростловчи материаллар қандай вазифани бажаради





Кислотали ёки ферментатив гидролиз пайтида 2 молекула глюкоза, синил кислота ва бензолдегид ҳосил бўлади. Амигдалинда сақланувчи синил кислота заҳарланишга олиб келиши мумкин.

**Ванил гликозиди** – ванил қаламчаларида сақланади (қуруқ моддаларга nisbatan 2%), унинг ферментатив гидролизланишида глюкоза ва ванилин ҳосил бўлади:



Ванилин озиқ-овқат ва атир-упа саноатида қўлланиладиган қиммат баҳо хушбўй модда. Картошкада, бақлажонда салонин гликозиди учрайди, у картошкага аччиқ, ёқимсиз таъм бериши мумкин. Бу айниқса, картошка пўстлоғи ёмон тозаланган бўлса сезилади.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Гликозидларнинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Снигрин гликозиди қандай хоссага эга?
3. Ванилин гликозиди қандай олинади?

## 12.5. Озиқ-овқат маҳсулотларини структураси ва физик-кимевий хоссаларини ўзгартирувчи моддалар

Озуқавий қўшимчаларнинг бу гуруҳига озиқ-овқат маҳсулотларининг реологик хоссаларини (консистенциясини) ўзгартирувчи қуйидаги моддалар кириши мумкин: қуюлтирувчилар, желе ва студень ҳосил қилувчилар, озуқавий сирти-фаол моддалар (СФМ), озиқ-овқат маҳсулотлари физик ҳолатининг турғунлаштирувчилари, етилтирувчилар.

Бу гуруҳга киритилган озуқавий қўшимчаларнинг кимевий табиати турличададир. Улар орасида табиат томонидан яратилган ва сунъий йўл билан, жумладан кимевий синтез йўли билан олинган маҳсулотлар ҳам бор. Уларга аралашмалар ва индивидуал бирикмалар ҳам киради.

**Қуюлтирувчилар, желе ва студень ҳосил қилувчилар.** Озуқавий қўшимчаларнинг бу катта гуруҳи озиқ-овқат саноатида юқори қовушқоқликка эга бўлган коллоид эритмаларни (қуюлтирувчилар), юқори молекуляр компонент ва паст молекуляр эритувчидан иборат, окмайдиган поликомпонент системаларини-студенларни (студент ҳосил қилувчилар) ва структуралаштирилган коллоид системаларини, гелларни тайёрлаш учун ишлатилади.

Улар орасидан табиий озуқавий қўшимчаларни (желатин, нектин, натрий алгинати, агароидлар, крахмал, ўсимлик камедлари) ва сунъий йўл билан олинадиган моддаларни, шу жумладан табиий объектлардан олинадиган моддаларни (метилцеллюлоза амиллопектин, модификацияланган крахмал) кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Желатин** – турли молекуляр массали (50-70 минг) полипептидлар ва уларнинг агрегатлари аралашмасидан иборат бўлган оксилли маҳсулот ҳисобланади, таъм ва хидга эга эмас.

Желатин ҳайвон суягини, кемирчагини ва пайини қайнатиб олинади. У иссиқ сувда эрийди, совутилганда сувли эритмалари студень (ивик) ҳосил қилади. Желатин желе (мевали ва балиқли) ва музқаймоқ тайёрлашда, ошпазликда ишлатилади.

**Крахмал ва модификацияланган крахмаллар.** Крахмал, унинг фракцияси (амилопектин), қисман гидролизланиш маҳсулотлари – декстринлар ва модификацияланган крахмаллар қуюлтирувчилар, студень ҳосил қилувчилар ва желеловчи моддалар сифатида қандалатчилик ва нонвойлик саноатларида, музқаймоқ

ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Мамлакатимизда буғдой нони ишлаб чиқаришда оксидланган ва диалдегидланган (модификацияланган) крахмаллардан фойдаланишга рухсат берилган.

**Пектин моддалар.** Пектиннинг студень қилиш қобилияти унинг молекуляр массасидан (полимерланиш даражасидан), унинг молекуласи таркибига кирувчи метил гуруҳлари сонига (метилоксилланиш даражаси) ва эркин карбоксил гуруҳлари миқдорига, уларни металл билан алмашилишига боғлиқ бўлади. Карбоксил гуруҳларини этерификациялаш даражасига қараб юқори ва паст этерификацияланган пектинлар мавжуд. Улар дастлабки хом—ашёдан кислотали ёки ишқорий экстракциялаб ёки ферментли парчалаш йўли билан олинади. Табиати турлича бўлган пектинлар студень ҳосил қилиш қобилияти бўйича катта фарқ қилади. Яхши сифатли пектинлар цитрус мевалар пўстлоғидан ва олмадан, пастрок сифатлилари эса, шакар ишлаб чиқариш чиқиндиси лавлаги туппасидан олинади. Пектин мустаҳкам студенни фақатгина шакар ва кислота иштирокида ҳосил қилиб, уларнинг нисбати турлича бўлиши мумкин. Сувли эритмаларда унинг молекуласида сақланувчи карбоксил гуруҳларнинг диссоциацияланиши содир бўлади ва у макроанионга айланади. Кислотали муҳит пектиндаги карбоксил гуруҳларини диссоциацияланишига тўсқинлик қилади, молекулаларнинг электростатик итарилишини пасайтиради. Қандларнинг бўлиши пектиннинг гидратациясини камайтиради ва студень структурасини ҳосил бўлиши пайтида унинг молекулаларини бир—бири билан бириктиришга ёрдамлашади.

Студеннинг структура каркасини, бинобарин, гелни ҳосил бўлишида водород боғлари катта роль ўйнайдилар.

Юқори этерификацияланган пектинлар қандолот саноатида (мармелад, желе), мева шарбатлари, музқаймоқ, балиқ консервалари, майонез ишлаб чиқаришда ишлатилади. Паст этерификацияланган пектинлар эса—сабзавот желеси, паштетлар, студенлар тайёрлашда қўлланилади.

**Агар-агар, ва бошқа агароидлар** —"Углеводлар"мавзусида ёритилган эди. Улар денгизда ўсадиган сув ўтларидан олинади. Бу сув ўтлари Оқ денгиз ва Тинч океанида ўсади ва хоссалари билан бир-биридан фарқ қилади. Агар, совуқ—сувда бироз эрийди, лекин унда бўқади. Иссик сувда коллид эритма ҳосил қилади, бу эритма



совутилганда шишасимон, яхши мустаҳкамликка эга бўлган студенга айланади. Агар-агар, қандолат саноатида желели мрмелад, пастила, зефир ишлаб чиқаришда, гўшт ва балиқ студенларини, желе, пудинглар олишда, музқаймоқ тайёрлашда музкристаллари ҳосил бўлишини олдини олиш учун, шарбатларни тиндиришда қўлланилади.

**Агароид** (Қора денгиз ағари). Қора денгизда ўсувчи филлофора сув ўтларидан олинади. Совуқ сувда ёмон эрийди, иссиқ сувда коллоид эритма ҳосил қилади, уни совутиш пайтида чўзилувчан қонсиценцияга эга бўлган студень ҳосил бўлади. Студень ҳосил қилиши агар - агарга нисбатан 2-3 марта паст.

Кимёвий табиати бўйича агар, ва агроидга фурцеларан яқинрок. **Фурцеларан** – денгиз сув ўти-фурцелариядан олинандиган полисахарид. Студень ҳосил қилиш қобиляти бўйича у олдин кўриб чиқилган агариодлар ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Мармелад ва желели конфетларни тайёрлашда қўлланилади.

**Алген кислоталари ва натрий алгенат.** D-маннурон ва L-гулурун кислоталар қолдикларидан ташкил топган полисахаридлар; боғланиши 1-4 β. Улар кўнғир сув ўтларидан олинади. Алгин кислоталар сувда эрмайди, лекин уни бириктириб олади, натрий алгинат эса сувда яхши эрийди. Қуюлтирувчи, желе ҳосил қилувчи моддалар ва эмулгаторлар сифатида қўлланилади. Мармелад, мева желелари, конфетлар ишлаб чиқаришда, шарбатларни тиндиришда қўлланилади.

## 12.6. Ширинлаштирувчи моддалар

Озиқ-овқат саноатида, ошпазликда, уй шароитида овқат тайёрлашда қадимдан ширин таъмга эга бўлган ширинловчи моддалардан кенг фойдаланилган. Асал, ўсимликларнинг ширбатлари ва мевалар уларнинг дастлабкилари ҳисобланади. Ҳуғун кундалиқ турмушда ишлатиландиган асосий ширинлаштирувчи модда – сахароза ҳисобланади.

Сўнги вақтларда овқатланиш тўғрисидаги фан талабларини инобатга олиб, яъни паст калорияли, ҳамда бир қатор касалликлар билан, биринчи навбатда диабет билан оғриган кишилар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида сахарозанинг ҳам табиий, ҳам сунъий алмаштирувчиларни ишлаб

чиқариш кенгайтирилмоқда. Озиқ-овқат санотида крахмалдан тайёрланган ширинлаштирувчи маҳсулотларни: патока (паст кандланган, карамел, глюкоза патокалари), глюкоза-фруктоза қиёмлари, глюкозадан фойдаланиш кенгаймоқда. Бу маҳсулотларнинг кимёвий табиати билан сиз танишсиз, шунинг учун бу мавзуда асосий эътиборни бошқа маҳсулотларга қаратамиз.


**Асал**—гулларнинг гул нектарларини асаларилар томонидан қайта ишланган маҳсулотларидир. Ёқимли таъм ва ҳидга эга. Асалнинг таркиби, ранги ва хушбўйлиги кўпинча асалари томонидан нектари олинган ўсимликлар билан аниқланади. 75% моно – ва дисахаридлари, шу жумладан 40% га яқин фруктозани, 35% глюкозани ва 2% сахароза, 5, 5% – крахмалга эга. Витаминлардан (100 гр да мг ҳисобиди) куйидагилар мавжуд: С-2, В<sub>6</sub>-0,10, фалацин-15,00(мкг), жуда оз миқдорда-В<sub>2</sub>, В<sub>1</sub>. Микроэлементлардан(мкг%): темир-800, йод-2,0, фтор-100, колганлари жуда оз миқдорда мавжуд. Органик кислоталар 1,2% бўлади.

Асал овқатланишда ва дори-дармон сифатида, ҳамда қандолат ва нон санотида, ичимликлар тайёрлашда ишлатилади.

**Солод экстракти** – арпа солодидан тайёрланган сувли экстракт бўлиб, моно ва олигосахаридлар (глюкоза, фруктоза, малтоза, сахароза), оксиллар, минерал моддалар, ферментларнинг аралашмасидан иборат. Сахароза миқдори 5% га етади. Қандолат санотида, болалар овқатланиши учун маҳсулотларни тайёрлашда қўлланилади.


**Лактоза – суг қанди** болаларнинг овқатланишида ва махсус қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатилади.

**Кўп атомли спиртлар (полиоллар).** Улардан ширинлатувчилар сифатида сорбит ва ксилит кенг қўлланилмоқда. Улар баъзида қандли спиртлар деб аталади.




Ксилит ва сорбитнинг сахарозага нисбатан ширинлиги 0,85 ва 0,6 ни ташкил қилади. Улар амалда организм томонидан деярли тулиқ ҳазм қилинади. Ксилит, бундан ташқари, тишларнинг ҳолатига ижобий таъсир қилади, ошқозон шираси ва ўт ажралишини оширади.

Синтетик моддалардан эриш ҳарорати 228-229°C, ширинлиги сахарозадан 300-500 марта кўп бўлган ок кристаллсимон модда-сахариндан фойдаланилади.




У одатда ширинлиги сахарозадан 500 марта кўп бўлган натрийли тузлар кўринишида истеъмол қилинади. Шунинг учун унинг дозаси жуда кичик бўлиши мумкин. Сахарин истеъмол қилиниши билан онкатни ҳазм қилиш тракти орқали ўтади ва унинг 98% и сийдик билан чиқади. ФАО томонидан ҳар 1 кг маҳсулотга 5 гр миқдорда ишлатишга рухсат этилган. Бироқ, унинг зарарсизлигини яна ўрганиш талаб этилади ва уни кундалик овқатланишда истеъмол қилиш мумкин эмас. Диабет билан касалланган беморлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез пишлоқлар, ичимликлар, сакич ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Цикломатлар - аччиқ таъмсиз ёки ширин таъмга эга бўлган, қайнатишда, пиширишда барқарор бўлган, сувда яхши эрийдиган бирикмалар. Ширинлиги сахарозаникидан 30 марта кўп:



натрий цикломат



кальций цикломат



Ушбу мавзуда биз кўшимча микрофлоранинг (бактериялар, мумбуруғлар, ачиткилар ва бошқа микроорганизмлар) ҳаёт фаолиятини секинлаштирадиган ёки тўхтатадиган, бинобарин, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланишини узайтирадиган кимёвий консервантларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу бирикмалар зарарсиз бўлиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг органолептик хоссаларини ўнгиртирмасликлари керак. Уларнинг самарадорлиги, фойдаланиш усуллари уларнинг кимёвий табиатига, концентрациясига, айрим ҳолда муҳитнинг рН га боғлиқ бўлади. Баъзи ҳолларда бир нечта консервантларнинг аралашмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бироқ, бунда консервантлар кўшилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бирча озиқ-овқат маҳсулотлари учун ярокли бўлган универсал консервант йўқ, жуда кенг тарқалган консервантлардан бири бўлиб олтингугурт (IV)-оксид  $\text{SO}_2$  (сулфид ангидрид) ҳисобланади. Сулфид кислотанинг тузларидан ( $\text{Na}_2\text{SO}_3$ ,  $\text{NaHSO}_3$ ) ҳам фойдаланилади. Сулфид ангидрид сувда яхши эрийди (сулфид кислота) ва антимикроб таъсирига эга. Сулфид ангидрид, сулфид кислотанинг тузлари (сулфитлар) моғор замбуруғлар, ачиткилар, айрим бактерияларнинг ўсишини тўхтатади. Шарбатларни, мева-сабзавот пюреларини, повидлоларни ва ҳоказоларни сақлаш учун ишлатилади. Сулфатлар-дегидрогеназа ингибиторлари, тозаланган киртошқа ва кесилган мева ва сабзавотларни қорайишдан сиклайдиган оқартирувчи материал сифатида қўлланилади. Сулфид ангидрид витамин  $\text{B}_1$  (тиамин) ва битонни парчалайди, шунинг учун маҳсулотларни барқарорлаштириш учун ундан фойдаланмаслик керак.

**Сорбин кислота**  $\text{CH}_3-\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2-\text{COOH}$  ва унинг калийли, нитрийли ва кальцийли тузлари мева, сабзавот, балиқ ва гўшт маҳсулотлари, маргарин ишлаб чиқаришда консервант сифатида қўлланилади. Сорбин кислота озиқ-овқат маҳсулотлари жойланадиган материалларга ишлов бериш учун ишлатилади.

**Бензой кислота**  $\text{C}_6\text{H}_5-\text{COOH}$  ва унинг тузлари (бензоатлар).

У кўпгина резаворлар таркибига киради ва кенг тарқалган табиий консервант ҳисобланади. Бензой мева-резавор маҳсулотларни тайёрлашда, натрий бензоати эҳса балиқ консервалари, маргарин, ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.



Ушбу мавзуда биз кўшимча микрофлоранинг (бактериялар, мумбуруғлар, ачиткилар ва бошқа микроорганизмлар) ҳаёт фаолиятини секинлаштирадиган ёки тўхтатадиган, бинобарин, озик-овқат маҳсулотларининг сақланишини узайтирадиган кимёвий консервантларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу бирикмалар зарарсиз Пулиши, озик-овқат маҳсулотларининг органолептик хоссаларини ўзгартирмасликлари керак. Уларнинг самарадорлиги, фойдаланиш усуллари уларнинг кимёвий табиатига, концентрациясига, айрим шартда муҳитнинг рН га боғлиқ бўлади. Баъзи ҳолларда бир нечта консервантларнинг аралашмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бироқ, бунда консервантлар кўшилган озик-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бирча озик-овқат маҳсулотлари учун яроқли бўлган универсал консервант йўқ, жуда кенг тарқалган консервантлардан бири бўлиб олтингугурт (IV)-оксид  $SO_2$  (сулфид ангидрид) ҳисобланади. Сулфид кислотанинг тузларидан ( $Na_2SO_3$ ,  $NaHSO_3$ ) ҳам фойдаланилади. Сулфид ангидрид сувда яхши эрийди (сулфид кислота) ва антимиқроб таъсирига эга. Сулфид ангидрид, сулфид кислотанинг тузлари (сулфитлар) моғор замбуруғлар, ачиткилар, айрим бактерияларнинг ўсишини тўхтатади. Шарбатларни, мева-сабзавот пореларини, повидлоларни ва ҳоказоларни сақлаш учун ишлатилади. Сулфатлар-дегидрогеназа ингибиторлари, тозаланган киртошка ва кесилган мева ва сабзавотларни қорайишдан сақлайдиган оқартирувчи материал сифатида қўлланилади. Сулфид ангидрид витамин  $B_1$  (тиамин) ва битонни парчалайди, шунинг учун маҳсулотларни барқарорлаштириш учун ундан фойдаланмаслик керак.

**Сорбин кислота**  $CH_3-CH=CH-CH_2-COOH$  ва унинг калийли, натрийли ва калцийли тузлари мева, сабзавот, балиқ ва гўшт маҳсулотлари, маргарин ишлаб чиқаришда консервант сифатида қўлланилади. Сорбин кислота озик-овқат маҳсулотлари жойланадиган материалларга ишлов бериш учун ишлатилади.

**Бензой кислота**  $CH_3-COOH$  ва унинг тузлари (бензоатлар) ҳам

У кўпгина резаворлар таркибига киради ва кенг тарқалган табиий консервант ҳисобланади. Бензой мева-резавор маҳсулотларни тайёрлашда, натрий бензоати эса балиқ консервалари, маргарин, ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**Формалдегид ва уротропин**  $C_6H_{12}N_4$  маҳсулотларнинг чегараланган қисмини консервацияда қўлланилади. Россияда лосос балиқларининг икрасини консервацияда ишлатилади.

**Органик кислоталар ва уларнинг тузлари:** чумоли кислота  $H_2CO-OH$ ; протион кислота  $CH_3-CH_2-COOH$ ; лимон кислота. Чумоли кислота тузлари таъм берувчи модда сифатида (туз ўрнини босувчи) қўлланилади. Пропион кислота қандолат ва нонвойлик саноатида, лимон кислота эса қандолат ва маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

## 12.8. Озуқавий антиоксидловчилар


Липидлар таркибига кирувчи тўйинмаган ёғ кислоталарнинг оксидланишини секинлаштирувчи моддалар антиоксидловчилар деб аталади. Одатда улар ёғ ва ёғли маҳсулотларда ишлатилади. Табиий антиоксидловчилардан токоферолларни айтиб ўтиш лозим, улар бир қатор ўсимлик мойларида учрайди. Синтетик антиоксидловчилардан- бутилоксанизол (БОА) ва бутилокситолуол (БОТ), ёғли маҳсулотларга, биринчи навбатда, эритилган, ошпазлик ва қандолатчилик ёғларига ишлатилади.

### 12.8.1. Ароматизаторлар

**(Хушбўйлаштирувчилар).** Ароматизаторлар—таъм ва хушбўйликни кучайтирувчи моддалар бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларига уларнинг органолептик хоссаларини яхшилаш мақсадида қўшилади. Улар шартли равишда тарзда ва табиийга ўхшаш моддаларга бўлинади. Биринчилари мевалардан, сабзавотлардан ва ўсимликлардан шарбатлар, эссенциялар ёки концентратлар кўринишида, иккинчилари эса синтетик ва ноанъанавий усулда олинади. Охири гуруҳ бирикмаларини олиш усуллари турлича бўлиши мумкин. Мамлакатимизда синтетик маҳсулотлардан фойдаланишга ва уларни болалар овқатланиш маҳсулотларига ишлатишга рухсат этилмайди. Ароматизаторларнинг кимёвий табиати турлича бўлиши мумкин. Улар таркибига кўп сонли компонентлар кириши мумкин. Уларнинг орасида эфир мойлари, алдегидлар, спиртлар ва мураккаб эфирлар ва ҳоказолар мавжуд.



Хушбўйликка ва таъми кучайтирувчи таъм берувчи моддалардан концентратлар, биринчи ва иккинчи овқатларни шилб чиқаришда қўлланиладиган L-глутамин кислота ва унинг туширига мавжуддир.



|

$\text{NH}_2$

натрий глутамат

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озуқавий СФМ лар қандай хоссаларни намоён этади, гидрофобми, ёки гидрофилми? Нима учун?
2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг рангини ростловчи материалларни айтиб беринг.
3. Нима учун кислота ва шакар иштирокида мустаҳкам студень ҳосил бўлади?
4. Озуқавий қўшимчаларга токсикология нуктаи-назаридан баҳо беринг.
5. Студень нима?
6. Маҳсулотларнинг ташқи кўринишини яхшиловчи озуқавий қўшимчаларга нималар киради?
7. Озиқ-овқат маҳсулотларининг структураси ва физик-кимёвий хоссаларини ўзгартирувчи озуқавий қўшимчаларга тавсиф беринг.
8. Табиий ва синтетик ширинлаштирувчи моддаларнинг фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
9. Табиий асалнинг сахарозага нисбатан озуқавий қиймати нима билан асосланади?
10. Қандли диабет билан оғриган касалларга қайси ширинлаштирувчи моддаларни истеъмол қилиш тавсия этилади ва нима учун?

## ХIII БОБ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

### 13.1. Озиқ-овқат маҳсулотларини ифлослантирувчи манбалар

Инсон эҳтиёжларининг бирламчиси – бу озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёждир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай мамлакатда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш доимо диққат эътиборда бўлади.

Мамлакат иктисодиётининг ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларининг ҳал этилиши, ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланишига бошқа омиллар қаторида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ҳам катта таъсир кўрсатади. Маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичларига, уларни қайта ишлаш шароитларига, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларининг сифатига боғлиқ бўлади.

Халқаро эксперт ташкилотлари мониторинги натижаларига кўра жаҳонда қатор озиқ-овқат хом-ашёси ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар катта хавф туғдириши аниқланди. Жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиёти ривожланишининг ҳозирги босқичидаги хавфли маҳсулотларга ўсимликшунослик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотлари киритилган. Ҳозирги кундаги экологик ҳолат, ҳаво, сув ҳавзалари ва ернинг ифлосланиши муаммолари микробиологик, физиологик, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари билан зарарланишлар, озиқ-овқат маҳсулотларини касалланишига ҳамда бошқа турдаги бузилишларнинг кўпайишига олиб келди. Ушбу муаммоларнинг келиб чиқишига пестицидлар, гербицидлар ва бошқа ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар, ҳайвон ва кўшларни ўстиришда доривор, гормонал, ўсишни тезлаштирувчи ва бошқа препаратлар кенг қўлланилиши сабаб бўлмоқда. Ушбу кимёвий препаратлар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида йиғилади ва инсон организмга ўтиши оқибатида турли касалликлар кўпайишига сабаб бўлади. Бу муаммолар барча ривожланган мамлакатларда жамоатчилик эътиборига тушиб, бирламчи ишлаб чиқаришда озиқ-овқат маҳсулотларига боғлиқ хавф хатарларни

кўпийтиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини белгилаб берди.

Бирча озуқавий моддалар соғлом тана учун мувофик инсбитларда ва мувофик миқдорларда фойдалидир. Аммо, таомда қимма вақт юкори миқдорларда зарарли таъсирни келтириб чиқарувчи микрокомпонентлар мавжуд бўлади. Уларга биринчидан, маълум шароитларда истеъмол қилинганда токсик таъсирини келтириб чиқарувчи маҳсулотлар мансуб. Биологик фаол моддалар табиий токсикантлар, иккинчидан ишлаб чиқариш, еттиштириш (хайвонларни озиклантириш) ёки маҳсулотларни сиклаш, технологиясининг бузилиши натижада озик-овқат маҳсулотларига тушадиган, токсик моддалар – инфлослантирувчиларга киради.

**Табиий токсикантлар.** Табиий токсикантларга биоген аминлар, баъзи бир алколоидлар, цианоген гликозитлар, кумаринлар ва бошқа бирикмалар киради.

**Биоген аминлар.** Биоген аминлар деб номланувчи табиий токсикантлардан ичакларни куйдирувчи таъсирга эга бўлган серотонин, кирамин, гицамин, кабилар асосан мева ва сабзавотлар таркибида, масалан, помидорда 12 мг/кг, олхўрида 10 мг/кг гача, шу билан бирга шоколадда 27 мг/кг гача серотин мавжуд. Помидор катта миқдорларда истеъмол қилинганда организмда формалогик дозаларга тенг келадиган серотонин кириши мумкин.

**Тирамин** кўпинча ферментлаштирилган маҳсулотларда (хомашё таркибида тирамин миқдори 1100 мг/кг гача етиши мумкин), шу билан бирга баъзи бир балиқ маҳсулотлари бўлиши сиркаланган селдда 3000 мг/кг гача бўлиши мумкин.

**Гицомин** – қон айланиш реакцияларини бузилиши, масалан, бош оғриғини чақиради. Унинг миқдори кўп ҳолларда пишлоқда 10 дан 2500 мг/кг гача, балиқ консерваларида, қуритилган балиқда 2000 мг/кг гача мавжуд. Қон босими (гепиртония) бор беморларга пишлоқ ва балиқ маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Организмга бироз кучсизроқ таъсир килувчи биоген аминлардан: пуресцин (баъзи бир пишлоқларда 680 мг/кг гача ва консерваланган сода 120мг/кг) ва кадаверинни (баъзи бир пишлоқларда 370 мг/кг гача ва консерваланган тунэцда 100 мг/кг гача) айтиб ўтиш лозим.

Бунда путрецин ва кадаверин (шу жумладан сперцидин) балик маҳсулотларини сақлаш вақтида кўпаяди.

Гицолин миқдори 100мг/кг дан ортиқ бўлган маҳсулотлар соғлиқ учун зарарли ҳисобланади, шунинг учун гицолиннинг бундай миқдори мавжуд бўлган маҳсулотларни савдога чиқариш тақиқланади.

**Алколоидлар.** Алколоидлардан энг кўп тарқалган бўлиб, кофеин ва у билан учрайдиган теоброин ва теофин ҳисобланади.

Улар кўпинча асаб тизимини кўзғаттириб, бу ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ келавермайди.

Бевосита кофе донида ва чой япроклариди, хом-ашёнинг турига қараб кофеин миқдори 1 дан 4 гача етиш мумкин. Кофе ва чой ичимлиги таркибида, табиийки уларни миқдори кам бўлади.

Дозаси ва таёрланиши усулига қараб кофе ичимлиги таркибида кофеин миқдори 1050 мг/гр чой ичимлиги таркибида 350 мг/гр гача бўлиш мумкин. Пепси-кола ва кока-кола туридаги ичимликлар таркибида 100 мг/гр ва ундан юқори бўлиши мумкин. Шунинг учун турли кофе ва чой ичимлиги асаб тизимини кўзғатганлиги учун кўп кишиларга тунги пайтда ичиш шунинг билан бирга пепсикола ва кока кола туридаги ичимликларни болаларга куннинг исталган вақтида ичиш тавсия этилмайди.

Аммо, шуни такидлаб ўтиш лозимки турли алкалоидларни кунига 1000 мг дан мутассил тарзда истеъмол қилиш алкаголикларнинг спиртга бўлган интилишига ўхшаш бўлган доимий эҳтиёж ҳосил қилади. Кофеиннинг бундай меъеридан ортиқ истеъмол қилиш алкаголизмга ўхшайди ва "кофеинизм" деб номланган. Шубҳасиз кофеинни ва алкалоидларнинг доимий истеъмол қилиш ҳатто соғлом одамларга ҳам тавсия этилмайди. Яна картошка таркибида мавжуд бўлган соланин ва ихаконин ҳақида. Улар цероид алкалоидлар гуруҳига киради. Картошканинг ўсиши ва яшил рангга кириши натижасида картошканинг пўстлоғида яшил рангли қисмида соланин (ихаконин) миқдори 10 мартагача ортиши ва 500 мг/кг гача етиши мумкин. Соланин ўртача токсикликга эга бўлган модда бўлиб, катта миқдорларда организмга кирганда захарланишга хос бўлган (нафас қисиши, кўнгил айниш) белгиларини чиқаради. Бизнинг бахтимизга бу алкалоидлар кучли аччиқ таъмга эга бўлиб, картошканинг пўстлоғидан тозалашда олиб ташланади.

**Цианоген гликозидлар.** Бирқатор меваларда ферментатив ёки кислотали гидролиз натижасида асаб тизимини жароҳатловчи синил кислотасининг ҳосил қилувчи айрим цианоген амидгидларининг гликозидлари (таркибида қанд мавжуд бўлган моддалар) учрайди.

Цианоген гликозидларнинг энг кўп тарқалгани бўлиб, асосан диннаклар таркибида учрайдиган (масалан, бодомда 5 дан 8 гача, шифтоли, олхўри ва ўрик данаклари таркибида 4 дан 6 гача) амигдалин ҳисобланади. Шунинг учун аччиқ ўрик ва бодомни кўп истеъмол қилиш ярамай, корхоналарда аччиқ бодомни ишлатиш чекланади.

Данакли мевалар (олча, шафтоли, ўрик) дан фойдаланиб тайёрланган эритмаларда амигдалин кислотасини ҳосил қилиб гидролизланади ва бу соғлиқ учун зарарлидир. Шунинг учун бундай эритмаларни узоқ вақт (1 йилдан ортиқ) сақлаш тавсия этилмайди.

Шу билан бирга данакли меваларнинг мурабболари хавфсиз ҳисобланади, чунки, амигдалинни гидролизловчи ферментлар қиздириш натижасида нофаол ҳолатга ўтади ва синил кислотасининг ҳосил бўлиши юз бермайди.

Баъзи бир ўсимликларда (барча сабзавотларда) бошқа табиий токсикантлар, масалан, кумаринлар ҳам учрайди.

Киши ўзини табиий токсикантларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун иложи борича хилма-хил овқатланиши, яъни синарвали овқатланишнинг иккинчи қондасига амал қилиш лозим.

### 13.1.1. Ифлослантирувчилар

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўсимликларни етиштириш ёки ҳайвонларни озиклантириш, шунинг билан бирга маҳсулотларга технологик ишлов бериш жараёнининг бузилиши натижасида, ифлосланган муҳитнинг таъсири натижасида озик-овқат маҳсулотларида токсик моддалар пайдо бўлиши мумкин. Улар ифлослантирувчилар деб аталади. Уларга асосан токсик элементлар, микотоксинлар, пестицидлар, антибиотиклар ва бошқа бир қатор бирикмалар киради.

**Токсик элементлар.** Одатда 8 элемент: симоб, кўрғошин, кадмий, мишяк, рух, мис, темир ва калайи токсик элемент ҳисобланади. Улардан биринчи 3 таси катта хавф туғдиради.

**Симоб** – кумулятив (тўпланувчи) таъсирга эга бўлган жуда токсик захар, шунинг учун ёш ҳайвонларда, қари ҳайвонлардагига нисбатан кам, йиртқич ҳайвонларда эса улар озикланадиган манбалардагига нисбатан кўп миқдорда мавжуд бўлади. Бу хусусият билан йиртқич балиқлар масалан, симоб 0,7 мг/кг гача тўпланиши мумкин бўлган тунецга ўхшаш балиқлар ажралиб туради. Шунинг учун йиртқич балиқларни овқатга ишлатмаган маъқул. Бошқа ҳайвон маҳсулотларидан симоб "тўпловчилар" бўлиб, ҳайвонларнинг буйраги ҳисобланади ва бу ерда симоб 0,2 мг/кг гача тўпланиши мумкин. Албатта бу хом маҳсулотга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Буйрак овқат пишириш жараёнида 2-3 соатдан сувга ботирилиб, бир неча марта суви алмаштирилади ва икки марта қайнатилади, бу маҳсулотда қолган симоб миқдорини 2 мартагача камайтиради.

Ўсимлик маҳсулотларидан ёнғокда, какао донида ва шоколадда (0,1мг/кг гача) симоб энг кўп учрайди. Қолган маҳсулотларнинг кўпчилигида симобнинг миқдори 0,01-0,03 мг/кг дан ошмайди.

**Кўрғошин** – юкори токсик захар кўпчилик ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларида унинг миқдори 0,5-1,0 мг/кг дан ошмайди. Кўрғошин йиртқич балиқларда (тунецда 2,0 мг/кг гача), чиганоқлилар ва қисқичбақа симонларда (10 мг/кг гача) кўп учрайди.

Кўрғошин миқдорининг кўпайиши асосан, маълум миқдордаги кўрғошин билан қопқоғи ва ёнлари кавшарланиб тайёрланган йиғма жез идишга жойланган консерваларда кузатилади. Афсуски кавшарлаш баъзида сифатсиз бўлади (кўрғошин пуфакчалари ҳосил бўлади) ва консерва банкалари маҳсус лак билан қопланса ҳам, ҳамма вақт ёрдам беравермайди.

Камдан-кам ҳолларда бу идишда асосан узоқ вақт сақланганда, консерва маҳсулотларида 3мг/кг гача кўрғошин тўпланиши ва бу албатта соғлиқ учун зарарли бўлиши мумкин, шунинг учун бундай йиғма жез идишларда маҳсулот 5 йилдан ортиқ сақланмайди.

Кўрғошин билан катта миқдордаги ифлосланиш этилланган бензиннинг ёнишида содир бўлади. Бензинга октант сонини ошириш учун 0,1% миқдорда қўшилган, тетраэтил кўрғошин,

кўрғошиннинг ўзи, унинг ноорганик маҳсулотларига нисбатан, учувчанроқ ва заҳарлироқдир. У тупроқга осон тушади ва озик-овқат маҳсулотларини заҳарлайди. Шунинг учун серкатнов автомобил йўллари яқинида етиштирилган маҳсулотлар таркибида кўрғошин миқдори кўп бўлади. Йўл ҳаракати интенсивлигига қараб, бу хавфли ҳудуд 10 дан 500 м гача бўлган масофани олиши мумкин.

Шунинг учун йўл ёқаларига манзарали дарахтлар экилиши ёки см-хашак учун мўлжалланган экинлар экилиши керак. Аммо, бу кўпинча ҳисобга олинмайди ва кўпинча йўл ёқаларига кўрғошин билан ифлосланган мевалар берувчи мевали дарахтлар экилади.

Дания мамлакати маҳсулотларни заҳарлашга қарши кураш юзасидан жуда яхши намуна кўрсатди. У ерда мана бир неча йилдан буён автомобилларда этилланган бензиндан фойдаланиш тикикланади ва асосий сабзавотлардаги (картошка, сабзи, пиез) кўрғошиннинг табиий даражаси 2-3 мартага қисқарди. Бизда ҳам этилланган бензинга нисбатан шундай салбий муносабат пайдо бўлади деб умид билдирамиз.

**Кадмий** — ўта токсик элемент. Табиий кадмий озик-овқат маҳсулотларида кўрғошинга нисбатан 5-10 марта кам миқдорда мавжуд.

Унинг катта миқдорлари какао кукунида (0,5мг/кг гача), ҳайвонларнинг буйрақларида (1,0 мг/кг гача) ва балиқда (0,2мг/кг гача) кузатилади.

Кадмийнинг миқдори, йиғма жез тарада сақланган консерваларда ҳам катта бўлади, чунки кадмий ҳам кўрғошин каби қавшарлаш воситалари таркибига кириб, сифатсиз бажарилган қавшарлашдан маҳсулотларга ўтади.

Озик-овқат маҳсулотларига хом-ашёлардан инсон саломатлиги учун хатарли миқдордаги токсик элементлар технологик ишлов беришнинг бузилиши натижасида кириши мумкин.

Ўсимлик хом-ашёсида улар таркибида симоб, кўрғошин, каби токсик элементлар мавжуд бўлган заҳарли химикатларни ишлатиш қоидалари бузилган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Токсик элементларнинг юқори миқдори, ҳаво ва сувни етарлича тозаланмаган ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлословчи ишлаб чиқариш корхоналари яқинидаги ҳудудларда пайдо бўлиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида, токсик элементлар, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат берилмаган металллардан тайёрланган жиҳозлар билан таъсирлашганда (озуқавий мақсадлар учун пўлат ва эритмаларнинг жуда чегараланган миқдорларига рухсат этилади) пайдо бўлиши мумкин. Аммо, токсик элементлардан қўрғошин, кадмий кабилари, консервалаш саноатида, кавшарлаш технологияси бузилган, пайванд чокли жез идишлардан фойдаланилганда пайдо бўлиши мумкин.

35-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларидаги токсик элементларнинг рухсат этиладиган чегаравий миқдорлари

Маҳсулотлар	Қўр- ғошин	Кад- мий	Мишяк	Симоб	Мис	Рух
Дуккакли донлар	0,5	0,1	0,2-0,3	0,02-0,03	10	50
Шакар ва конфет	1,0	0,1	0,5	0,02-0,03	10-20	50
Сут ва сут маҳсулотлари	0,1	0,03	0,05	0,005	1,0	5
Ўсимлик ёғи ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	0,1	0,05	0,1	0,05	1,0	5-10
Янги ва музлатилган сабзавотлар, резаворлар ва мевалар	0,04-0,5	0,03	0,2	0,02	5,0	10,0
Йиғма жез идишга қадокланган сабзавотлар, резаворлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	1,0	0,05	0,2	0,02	5,0	10,0
Янги мол ва парранда гўшти	0,5	0,05	0,1	0,03	5,0	20
Йиғма жез идишга консерваланган мол ва парранда гўшти	1,0	0,1	0,1	0,03	5,0	70
Янги ва музлатилган балиқ	1,0	0,2	1,0-5,0	0,3-0,6	10	40
Йиғма жез идишга консерваланган балиқ	1,0	0,2	1,0-5,0	0,3-0,7	10	40
Ичимликлар	0,1-0,3	0,01-0,03	0,1-0,2	0,005	1,0-5,0	5,0-10



Санитария назорат ташкилотлари томонидан озиқ-овқат хом-ишеси ва тайёр маҳсулотлар таркибидаги токсик элементлар миқдорларига катъий меъёрлар ўрнатилган. Кўпчилик маҳсулотлар учун токсик элементлар концентрацияларининг рухсат этилган энг катта миқдорлари белгилаб қўйилган.

Болалар ва парҳезбоп овқатланиш учун мўлжалланган маҳсулотлар таркибидаги токсик элементлар миқдорига катъий талаблар ўрнатилган. Масалан, дукакли дон экинлари учун кўрғошин миқдори 0,3 мг/кг кадмий миқдори 0,03 мг/кг бўлишига рухсат этилади. Жадвалда қалайи ва темир концентрацияларининг рухсат этилган миқдори кўрсатилмайди. Қалай миқдори фақат йиғма жез банкларга жойлашган консерваларда назорат қилиниб, 200 мг/кг гача (болалар учун мўлжалланган консерваларда 100мг/кг) бўлган миқдорга рухсат этилган.

Темир миқдори фақат пиво, вино каби ичимликлар (15 мг/кг), ёғлар ва мойлар (5 мг/кг) учун меърланади. Концентрланган (куритилган, сублимацияланган) ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларида токсик элементларнинг рухсат этилган концентрациялари, бошланғич маҳсулотларга қайтадан ҳисобланиб аниқланади.

Саломатлик учун зарарсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш учун, озуқавий хом-ашёлар ва тайёр маҳсулотларни доимий назорат қилиб туриш—озик-овқат саноати мутахассисларининг вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Уйдаги овқатланишда хом, консерваланган маҳсулотларни кўрғошин билан ифлосланишини назорат қилиб бориш лозим.

Ҳатто қисқа муддат сақлашга мўлжалланган йиғма жез банкларга жойлашган консерваларни шиша банкларга жойлаш тавсия этилади, чунки, ҳаво кислороди таъсирида жез банкларнинг емирилиши тезда ортиб кетади ва бир неча кун ичида маҳсулот таркибидаги кўрғошин (ва қалай) миқдори бир неча марта ортади.

Шу билан бирга сиркаланган тузланган ва нордон маҳсулотларни рухланган идишларда сақлаш мумкин эмас (маҳсулотларни рух ва кадмий билан зарарланишнинг олдини олиш мақсадида), чунки рухланган қатлам таркибида бир канча миқдорда кадмий мавжуд бўлади.

Безак учун мўлжалланган чинни ва сопол идишларда таомни тийёрламаслик ва сақламаслик керак (яъни таом учун эмас, балки,

безак учун мўлжалланган идишларда), чунки идишнинг сири, айниқса сариқ ва қизил рангдаги сир таркибида кўрғошин ва кадмий тузлари мавжуд бўлиб, бундай идишлар таом учун ишлатилганда осонгина овқатга ўтади.

Маҳсулотларни тайёрлаш учун фақатгина озукавий мақсадларга мўлжалланган махсус идишлардан фойдаланган маъкул чиройли пластмасса қоплар ва идишларга ҳам худди шулар таалуқлидир.

### 13.2. Микотоксинлар

Булар моғор замбуруғларнинг (мико-замбуруғлар) токсинлари бўлиб жуда кичик микдорларда ҳам токсин таъсирига эга шунинг учун улар озиқ-овқат маҳсулотларида охирги ўн йилликларда текширилиши ўта сезгир усуллари пайдо бўлгандан сўнггина аниқланди. Микотоксинлар ҳосил қилувчи замбуруғлар билан асосан ўсимлик маҳсулотлари зарарланади. Бу моғор замбуруғларининг ривожланиши учун мувофиқ шароитлар бўлиб бир озгина баланд ҳарорат (85% атрофида) ҳисобланади.

Шунинг учун маҳсулотлар шу шароитда сақланганда юзаси моғор билан қопланган бўлса, уларни тозалаб ўтирмасдан яхшиси ташлаб юборган маъкул, чунки моғор билан маҳсулотнинг юзасигина қопланган бўлсада, улар ишлаб чиқараётган токсинлар маҳсулотларнинг кўриниши ва консистенциясини ўзгартирмасдан анча чуқурга сингиши мумкин.

Микотоксинлар кўпинча қаерда учрайди? Энг хавфли микотоксинлардан бири бўлиб, канцероген таъсир қилиш хусусиятига эга бўлган—афлотоксин ҳисобланади (табиатда микотоксинлар кўп учрайди, аммо, улардан бешта асосий вакили чуқурроқ ўрганилган бўлиб, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, С<sub>1</sub>, С<sub>2</sub>, М<sub>1</sub> лотин ҳарфлари билан белгиланади). Микотоксинлар кўпинча ерёнғокда ва маккажўхорида учрайди (Янги маккажўхорида табиий юқори намлик натижасида афлотоксинлар ишлаб чиқарувчи замбуруғларнинг ривожланиши учун қулай шароит юзага келади).

Иккинчи кўп учрайдиган микотоксин—патулин бўлиб, у ҳам канцероген таъсир қилиш хусусиятига эга. У кўпинча моғорлаган олмада, шунинг билан бирга бошқа меваларда ва сабзавотларда, резаворларда, ёки моғорлаган мева ва резаворлардан тайёрланган шарбат ва джемларда учрайди.

Чириган маккажӯхори сӯталарида яна бир хавфли микотоксин-зеарале кўп учрайди. Ўсимликларда кам учрайдиган бошқа микотоксинлар (Т-2 ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Ҳайвон маҳсулотларида микотоксинлар, фақатгина сўт таркибида, шунда ҳам моллар моғорланган ем-хашак билан озиқлантирилганда учрайди.

Уй шароитларида микотоксинлар нотўғри тайёрланган (санитария талабларини бузган ҳолда) ёки нотўғри сақланган моғор босган, мева-резавор шарбатларда ва джемларида пайдо бўлиши мумкин.

Агар, бочкадаги маҳсулот юзаси тўлиқ моғор билан қопланган бўлса, бундай маҳсулотни ташлаб юборган маъқул, чунки, бундай юзаки "иктисод" соғлиқнинг жиддий ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Моғорларнинг токсинлари маҳсулот ичига жуда тез сингади, аммо, улар рангсиз-бўлганлиги сабабли, сингиш даражасини кўз билан кўриб бўлмайди. Ана шуларни ҳисобга олиб, қисман чириш билан зарарланган мевалар ва резаворларни истеъмол қилиш ярамайди.

**Пестицидлар** (заҳарли-химикатлар) — булар қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий моддалар бўлиб, маданий ўсимликларни бегона ўсимликлардан, зараркундалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган, шунинг билан бирга уларнинг таркиби, жуда хилма-хил бўлиб, кимёвий бирикмаларнинг 12 синфини ўз ичига олади.

Улардан қуйидаги тўрттаси кенг тарқалган бўлиб булар: хлороорганик (гексахлорциклогексан туридаги); карбонатлар (севин туридаги); симоб органик (гранозон туридаги). Дунёда қўлланиладиган мингдан ортиқ пестицид препаратларидан бизнинг мамлакатимизда 100 дан ортигидангина фойдаланишга рухсат этилган бўлиб, аммо, бу рўйхат доимий кенгайиб бормоқда.

Пестицидларни ишлатиш жуда самаралидир. Улар қишлоқ хўжалик экинлари зараркундаларининг анчасини йўқ қилади. Олимларнинг ҳисоблашларига қараганда уларсиз, биз ҳосилнинг 1/3 қисмидан ажралган бўларканмиз.

Пестицидларни тўғри ишлатиш натижасида, уларнинг маҳсулотларида сақланиб қоладиган қолдиқ микдори меъёрдан ошмайди ва сира зарарсиз ҳисобланмайди. Ёмон томони шундаки

уларни нотўғри ишлатиш (пуркаш муддатлари ва дозасининг бузилиши), уларнинг маҳсулотлардаги микдорининг ортишига ва соғлиқнинг бузилишига олиб келади.

Бундан ташқари, битта ўсимлик учун улар тез-тез алмаштириб турилсада, зараркуналаларнинг бу пестицидларга тез ўрганишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Маҳсулот таркибида пестицидлар микдорининг олдини олиш учун, уларни яхшилаб ювиш лозим, чунки пестицидлар асосан уларнинг юзасида тўпланади.

Агар, маҳсулотларнинг пўстлоғини тозалаш (олма, нок) имконияти бўлса, яъни улар экологик тоза шахсий томорқаларда эмас, балки бозордан сотиб олинган бўлса, буни амалга ошириш лозим.

**Нитратлар** – азот кислотасининг  $\text{HNO}_3$  тузлари бўлиб, ҳар қандай тирик, ўсимлик ва ҳайвон организмнинг азотмоддаларининг алмашинувининг меъёрий маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун "нитратсиз" маҳсулотлар табиатда учрайди.

Ҳатто инсон организмда ҳам бир сутка давомида 100 мг ва ундан ортиқ нитратлар ҳосил бўлади ва алмашинув жарёнларида иштирок этади.

Аммо, нима учун нитратларнинг хавфли эканлиги ҳақида гапирилади.

Улар катта микдорларда истеъмол қилинганда (нитратларнинг, рациондаги руҳсат этиладиган микдори ҳақида кейинроқ гапирамиз), нитратлар овқат ҳазм қилиш жарёнида нитритларгача тикланади (токсикроқ бирикмаларга), кейингиси қонга тушгандан сўнг метгемоглобинемияни чақирishi мумкин. Бундан ташқари нитратлар аминлар билан биргаликда канцероген фаолликка эга бўлган нитрозаминларни ҳосил қилиш мумкин (яъни саратон касаллигини келтириб чиқарувчи).

Нитратларнинг катта микдорлари ичимлик суви ёки маҳсулотлари билан қабул қилинганда 4-6 соатдан сўнг кўнгил айниши, нафас қисиши, тери тўқималари ва кўз шиллигининг кўкариши кузатилади. Бунинг барчаси умумий ҳолсизлик, бош айланиши, бўғимларда оғриқ, юрак уришининг тезланиши билан бирга юз беради.

Бу ҳолда биринчи ёрдам бўлиб, ошқозони ювиш, фиоллаштирилган кўмир, тузли кучсизлантиргичларни қабул қилиш, тоза ҳавода бўлиш қўлланилади. Нитратларнинг зарарсиз миқдори қанча?

Катта ёшдаги одамлар учун нитратларнинг рухсат этиладиган миқдори 325 мг/суткани ташкил қилади. Маълумки, ичимлик сувидан нитратлар миқдори 45 мг/л ни ташкил қилади. Кунига ичимлик суви тахминан 1,0-1,5 л, кўпи билан 2,0 л сув ишлатилган (чай, биринчи ва иккинчи таомлар), озик-овқат маҳсулотларини, истеъмол қилиш тавсия этилади. Шундай қилганда катта одам сув билан биргаликда 68 мг атрофида нитратларни истеъмол қилинади.

Бундан келиб чиқадики, озик-овқат маҳсулотларида 27 мг нитратлар қолади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича озик-овқат маҳсулотлари таркибидаги нитратларнинг токсик таъсири, ичимлик сувидагига қараганда 1,25 марта кучсизроқ намоён бўларкан, яъни суткасига озик-овқат маҳсулотлари билан 320 мг нитратларни истеъмол қилиш амалда зарарсиз ҳисобланади.

Озуқавий нитратларининг асосий манбалари нималар? Амалда булар фақат ўсимлик маҳсулотларидир. Ҳайвон маҳсулотлари билганимиздек уларни жуда кам саклайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек нитратлар ўсимликларда азот алмашиниши маҳсулоти бўлганлиги сабабли, улар ўсимликларнинг энг фаол стилиш вақтида катта миқдорларда йиғилади. Кўпинча бу ҳосилни йиғиб олишдан олдин намоён бўлади.

Шунинг учун етилмаган сабзавотлар (кичик ковоклар, бақлажонлар) ва картошка, шунинг билан бирга эртанчи сабзавотлар таркибида нитратлар миқдори, меъерий териб олиш даражасида экилган сабзавотлардагига нисбатан кўп бўлади. Бундан ташқари сабзавотлардан нитратлар миқдори, азотли ўғитларни (нафақат минерал, балки органик ўғитларни ҳам) потўғри қўллаганда ҳам ортиши мумкин. Бу ерда биз нитратларнинг тўпланиши ҳақида умумий тушунчаларни келтирдик. Аммо, турли хил ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Нитратларни ўзига хос "тўпловчилари" ҳам мавжуд. Буларга яшил баргли сабзавотлар: салат, ревен, петрушка, шовул кабилар мисол бўлиб, улар 200-300 мг/% гача нитратларни тўплаши мумкин. Лавлаги 140 мг/%ча нитратларни тўплаши

мумкин (бу рухсат этиладиган энг катта концентрация), баъзи бир навларида бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Бошқа сабзавотларда нитратлар миқдори кам бўлиб, картошкада – 25 гача, эртанги сабзида – 40, кечкисида – 25, қовоқчаларда – 40, бодрингларда – 15 гача, оқ бошли карамда – 90 гача, кечкисида 50 мг% гача нитратлар тўпланиши мумкин. Мевалар резаворлар ва полиз экинлари таркибида нитратлар жуда оз (10 мг/% дан кам) бўлади.

Ўсимликларда нитратлар бир текисда тақсимланган. Масалан, карамда нитратлар: асосан ўзагида, бодринг ва редискада–пўстлоғида, сабзида эса–тескариси. Сабзавотлар ва картошкани ювганда ўртача 10-15% нитратлар йўқотилади. Иссиқлик ишлови берилганда бундан ҳам кўп бўлиб, асосан қайнатишда 40 дан (лавлагига) 70% гача (карам, сабзи) ёки 80% гача (картошка) нитратлар йўқотилади.

Нитратлар кимёвий фаол бирикмалар бўлганлиги сабабли, сабзавотларни сақлаш вақтида уларнинг миқдори камайди: бир неча ой ичида 30-50% гача.

Озуқавий нитратлар ҳақида тушунчага эга эканмиз, энди уларнинг саломатлик учун кўрсатадиган аниқ хавф –хатарини тасаввур қилишга ҳаракат қиламиз. Нитратларнинг асосий манбаларини кўриб чиқамиз. Яшил-сабзавотлардан (салат, петрушка, укроп ва бошқалар) бошлаймиз. Уларни истеъмол қилиш амалда кўпинча 100 гр дан, кўпинча 50 гр дан, яъни бир порция билан суткалик дозани 1/3 қисмини олиш мумкин. (Юқорида нитратларнинг хавфсиз дозаси, озиқ-овқат маҳсулотларида 320 мг атрофида эканлигини айтиб ўтган эдик). Энди лавлагига ўтамиз. Маълумки, уни фақат қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш мумкин.

Қайнатишда (40%) ва тозалашда (10%) нитратларнинг ярми йўқотилиб, умумий овқатланиш ташкилотлари 125 гр қайнатилган лавлагини тавсия қилар экан, биз лавлагига билан 100 мг (суткалик дозанинг 1/3 қисмидан озроқ) нитратларни истеъмол қилишимиз мумкин. Картошка ва карам қайнатилган ҳолда 300 гр лик порциялар билан истеъмол қилинади. Тозалаш ва ошпазлик ишлов беришвақтида бу маҳсулотларнинг бир порцияси билан 60 мг га яқин нитратларни истеъмол қилишимиз мумкин.

Қолган сабзавотлар ва ошпазлик ишловлари билан ҳам шунга ўхшаш, ҳисоблашлар амалга оширилган эди. Бу ҳисоблашларнинг

кўрсатишича сабзавотларни табиий ва қайта ишланган ҳолда одатдагича истеъмол қилиш билан биз ҳеч қачон нитратларнинг суткалик хавфсиз меъёридан ошира олмас эканмиз.

Бундан ташқари самарали овқатланиш бўйича тавсияларга биноан фақат бир хил, масалан, картошка ва карам маҳсулотлари истеъмол қилиш ярамайди.


Дарҳақиқат, маҳсулотлар суюқлик тавсия этиладиган ўртача миқдорини кўрадиган бўлсак, картошкани суткасига 265 гр, сабзавотлар ва полиз экинларини – 450 гр дан (100 гр карамни ҳам ҳисобга олганда) истеъмол қилиш мумкин экан. Бундай рацион бизга кўпи билан 200 мг нитратларни истеъмол қилар эканмиз. Ҳисоблашларнинг кўрсатишга амалда асосий илдимевалар, сабзавотлар, полиз экинлари ва сабзавотлар билан, (маҳсулотлар таркибидаги нитратларнинг амалдаги миқдорини ҳисобга олган ҳолда) овқатда истеъмол қилинадиган нитратларнинг миқдори 100 мг дан ошмас экан. Бунда нитратларнинг тахминан 1/3 қисми лавлагини билан, бироз миқдори карам ва картошка билан, қолган 10% дан озроғи эса, бошқа сабзавотлар ва мевалар билан, истеъмол қилинар экан. Агар, самарали овқатланиш қоидаларини бузадиган бўлсак, масалан, фақат сабзавотлар билан, бунинг устига ҳам сабзавотлар билан (ҳунига 1,5 кг ҳам сабзавотларни) овқатланадиган бўлсак, бу ерда хавфсиз миқдорида 2 марта (650 мг) кўп нитратларни истеъмол қилишимиз мумкин ва бунга эътибор беришимиз керак.

Кўшимча хавфсизлик чораларини кўриш учун, овқатланиш турли туманлигини назарда тутадиган, самарали овқатланишнинг иккинчи қоидасини эсга олиш ортиқча бўлмайди.

Шунинг учун доимий тарзда, бунинг устига кунига уч мартадан фақат бир сабзавотни масалан, лавлагини хўрак қилиш тавсия этилмайди. Овқатланишда мева ва сабзавотлар миқдорини нитратлар билан захарланишдан хавфсираб, чеклаш ярамайди, бу фақат бизни керакли витаминлардан жудо қилади холос.

Бундан ташқари жамоатчиликнинг талабига биноан ҳозир сабзавот етиштириш жойларида ва савдо баъзаларида катъий назорат ўрнатилмоқда. Демак, нитратлардан хавфсирамаслик керак ва шунинг билан бирга ҳам сабзавотларни хаддан ортиқ истеъмол қилмаслик ҳам керак.

**Нитрозаминлар.** Нитратлар баъзи бир шароитларда нитритларгача қайтарилиши, улар эса, иккиламчи ва учламчи аминлар билан таъсирлашиб (улар табиатда кўп) концераген N-нитрозаминларни ҳосил қилиши юқорида айтиб ўтилган эди.



Радикалларнинг ( $R_1$  ёки  $R_2$ ) табиатига қараб жуда турли –туман нитрозаминлар (улардан 100 дан ортиғи концераген таъсирига эга) ҳосил бўлиши мумкин. Бу бирикмалар синфининг икки вакили - нитрозадименэтиламин ва нитрозодиэтиламин жуда кўп учрайди. Нитрозаминлар, дудланган гўшт ва нитратлар қўшиб тайёрланган колбаса маҳсулотларида (80 мгк /кг) тузланган ва дудланган балиқда –(110 мгк/кг гача) кўп учрайди. Янги гўшт ва балиқда нитрозоминлар учрамайди ёки 1 мгк/кгдан кам миқдорларда учрайди. Ўсимлик маҳсулотларидан асосан тузланган–сиркаланган маҳсулотларда ичимликлардан–пивода учраб уларнинг миқдори 12мгк/л гача етиши мумкин.

### Полициклик ароматик углеводлар

Нитрозоминлар, улар ҳам кучли канцерагенлар ҳисобланади. Бугунги кунда бу бирикмалар синфининг, маҳсулотларга термик ишлов бериш натижасида ҳосил бўладиган 200 дан ортиқ вакиллари маълум. Полициклик углеводларнинг энг маълум вакили бўлиб бензапирен (тўғри кимёвий номи –3,4 – бензапирен) ҳисобланади. У кофе донини қовуришда 0,5 мгк/кг гача, ноннинг куйган нон қобиғида –0,5 мгк/кг гача ҳосил бўлади. Донни қуриштириш вақтида кўнғир кўмир ёки мазут тутуни билан 4 мгк/кг гача, уй шароитида дудланган балиқ ёки гўштда –1,5 мгк/кггача бензопирен учраб, бундан ҳам катта концентрациялар (50 мгк/кг гача) учраши мумкин.

Биз яна бир марта иқроор бўлдикки, дудланган гўшт, балиқ ва бошқа лаззатли таомлар, хавфсизлик нуқтаи–назаридан фақат лаззатли таом бўлиб қолиши керак ва фақат байрамларда, оз-оздан истеъмол қилиниши керак.



### 13.3. Озуқавий аллергия

Кейинги йилларда овқат ва овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликлардан кенг тарқалганларидан бири бўлиб, одам организмнинг иммунитет системасига ўзига хос таъсири билан исосланадаган баъзи бир озик моддаларнинг қабул қилинмаслиги яъни озуқавий аллергиялар ҳисобланади. Бу касаллик ҳақида оммавий адабиётлар қарийиб йўқ, шунинг учун уни батафсилроқ кўриб ўтамыз.

Озуқавий аллергия қандай вужудга келади? Кўп ҳолларда у қонга таомнинг баъзи бир оқсиллари ёки полипептидлари тушиш натижасида вужудга келади.

Оқсиллар ошқозонда ва ичакларда парчаланadi. Оқсилларни парчаловчи, турли-туман катта микдордаги ферментлар. Ошқозон ва ичаклардаги ширалар ва ичак деворлари таркибида мавжуд бўлиб, гуёки улар оқсилларни кафолатлаши керакдек ҳисобланади. Аммо, ҳақиқатда бу бошқачароқ бўлади. Аниқланишича оқсиллар қонга фақат аминокислоталар ҳолида эмас, балки пептидлар шаклида ва ҳатто тўлиқ ўзгармаган ҳолда ҳам кам микдорларда сурилар экан, аммо, шунинг таъсири ҳам катта бўлар экан.

Бу ҳодисанинг биологик мақсадга мувофиқлиги шундан иборатки, ичаклардан организм учун бегона бўлган оқсил ёки полипептик молекулаларининг кириши, организмда бу моддаларнинг анти-моддаларини ишлаб чиқаришга ва шу билан, организмнинг иммунитет ҳимояси ошрилади.

Бундан ташқари, оқсилларнинг парчаланиши жарёнида ҳосил бўлган пептидлар организм томонидан фойдаланиадиган маълум биологик гармонол фаолликка эга бўлади. Овқат ҳазм қилиш жарёнида ҳосил бўладиган ва қонга тушадиган баъзи бир пептидларнинг таъсир қилиши ҳақида қисман маълумот бор. Аммо, оқсилларнинг қонга ўзгармаган ҳолда ёки полипептидлар шаклида сурилишининг организмда кўрсатадиган фойдали таъсири бир қаторда яъни аниқроғи у ёки бу озик-овқат маҳсулотларига нисбатан озуқавий аллергия ҳам кузатилиши мумкин. Касаллик реакциялари таъсирлари ич кетиш, терининг қизариб қичиши, илфас қисишида намоён бўлиши мумкин. Бунда организм кўтара олмайдиган озик-овқат маҳсулотларининг ҳар бир кейинги истеъмол қилинишида касаллик реакциялари камаймасдан аксинча

кучлироқ намоён бўлади. Аллергия инсон организмнинг маълум турдаги моддага нисбатан бу модда билан олдинги контакт натижасида юзага келган шахсий сезгирлиги натижаси бўлиб хисобланади.

Инсон қонига бегона ҳужайралар ёки молекулалар тушганда уларга қарши антителалар ҳосил бўлади. Қонга антигенлар такроран кирганда антителалар улар билан реакцияга киришиб уларни нофаол ҳолатга олиб келади. Аммо, шу билан бирга антигенларнинг организмни киришида махсус реагентлар-антителалар ҳосил бўлиб улар нафақат қон зардобиди балки қон ҳужайраларида ва баъзи тўқималарда мавжуд бўлади. Қонга антигенларнинг иккинчи марта кириш билан бу антигормонларнинг реакциялари юқори фаолликдаги моддалар ҳосил бўлиши билан структураси ва алмашилиши ўзгаради. Улар қонга ажралиб чиқади ва аллергиянинг клиник кўринишни ривожланишига олиб келади. Аллергик реакцияларни чакирувчи антигенлар аллергенлар деб ном олган. Антигенлар ва аллергенлар инсон қонига турли йўллар билан (масалан, ҳаводан ўпка орқали, тери орқали) кириш мумкин. Бу йўллардан бири овқат ўтадиган ошқозон-ичак тракти хисобланади. Озуқавий аллергиянинг нафақат инсон организми учун антиген хисобланган, озуқавий органлар билан балки, овқатга тушган нооддий паст молекулали бирикмалар таъсиридан ҳам юзага келиши мумкин бу мураккаб паст молекулали бирикмалар гаптенлар вазифасини бажариши, яъни инсон организмдаги оқсиллар билан бирикиб шу билан уларни бегона оқсилларга айлантириши мумкин. Бу бегона оқсиллар ўз навбатида реакцияларни баъзи ҳолларда эса аллергик табиатга эга бўлган жавоб реакцияларни чакириши мумкин. Оддий молекулали бирикмаларнинг овқатга ва ундан кейин қонга тушиб инсон организмда оқсиллар билан бирикиши киши жигарида содир бўлиб, бу ерда шу органнинг оқсил ҳужайралари озуқавий, аллергиянинг бу турининг намоён бўлиши, халқ хўжалигидава биринчи навбатда хўжаликнинг кимёлаштириш билан боғлиқ бўлиб, бу баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларида инсон организми учун оддий бўлмаган турли-туман молекулали бирикмаларнинг пайдо бўлиши ва йиғилишига сабаб бўлади. Озуқавий аллергиянинг профилактикаси ва даволаш усуллари, организм кўтара олмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини суткалик рациондан олиб ташлаш, яъни

тўрқибиди аллергенлар ва паст молекулали гаптенлар бўлмаган элементлардан пархезлар яратиш билан боғлиқ. Шу касалликка чилинган одамларни озуқавий аллергияни чакирувчи оксиллар кўпинча резаворларда ва меваларда бундан кейин эса сутда, тухумда, балиқда шунинг билан бирга бошқа маҳсулотларда ҳам учраши мумкин. Агар, озуқавий аллергияни чакирувчи озиқ-овқат маҳсулоти аниқланган бўлса (масалан, кулупнай ёки тухум), унда бу маҳсулотни озуқа рационидан чиқариш ва уни хоссалари билан яхши бўлган аммо, аллергияни чақирмайдиган бошқа маҳсулот билан алмаштириш лозим.

Озуқавий аллергияни бир неча озиқ-овқат маҳсулоти чақирган қоллар бироз мураккаброк саналади, чунки бу ҳолда уларни озуқа рационидан чиқариш, у ёки бу турдаги озиқ-овқат етишмовчилигини келтириб чиқаради. Бу ҳолларда врачга (врачга умуман озуқавий аллергиянинг барча турларида мурожаат қилиш лозим) мурожаат қилиш керак бўлади.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озуқавий аллергия ва уни юзага келиш сабаблари?
2. Табiiй токсикантлар ва ифлослантурувчилар, уларнинг манбалари ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги миқдори?
3. Нитратларнинг инсон организми учун зарари сабаби нимада? Дуздланган маҳсулотларни нима учун муттасил истеъмол қилиш мумкин эмас?
4. Нима сабабдан қандолатчилик саноатида аччиқ бодомдан фойдаланиш қатъий чегараланган?
5. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги токсик элементлар ва уларнинг нил кўйиладиган концентрацияларини айтиб беринг?
6. Нима учун озуқа рациониди помидор маҳсулотларини суистеъмол қилиш мумкин эмас?
7. Нима учун болаларга пепси-кола ва кока-кола туридаги ичимликларни бериш тавсия этилмайди?
8. Қайси озиқ-овқат маҳсулотларида соланин мавжуд ва у нима учун инсон ҳаёт-фаолияти учун зарарли?
9. Асосий ифлослантурувчиларни айтиб беринг?
10. Канцероген моддалар манбаларини айтиб беринг.

### 13.4. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги муаммолари

Инсониятнинг ички ва ташқи савдо орқали олинadиган озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжи каттадир. Кўпчилик давлатларда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулоти валюта манбаи бўлади, чунки улар халқаро савдо жараёнларида иштирок этадилар.

Ички ва ташқи бозор сифати юқори бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотини ҳар томонлама назорат қилади ва бу масала ривожланаётган давлатларда муҳим аҳамиятга эга, чунки уларда озиқ-овқат маҳсулоти маълум хавфларни туғдириши мумкин ва бунинг жиддий муаммога айланганлиги озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига катта қизиқиш уйғотади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси, халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотига қарашли қонуний қўмита озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича Женевада 1983 йилда ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 1/3 қисми истемол қилингунгача заҳарланган бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқотишлари уларнинг ифлосланиши, заҳарланиши, улар туфайли пайдо бўладиган касалликларни инобатга олганда, ҳар йили тахминан 7,7 дан 23 миллион АҚШ долларига тенг бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг нисбий хавфсизлигига, токи эски ингредиентлар ва технологиялар билан мослаштирилмагунча, ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас.

Сақлаш муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари заҳарланишга олиб келади ва бундай озиқ-овқат маҳсулотлари ошқозон-ичак йўлига таъсир этиб, ҳар хил касалликларни, масалан, гастритни келтириб чиқаради.

Гастритнинг аломатлари: ошқозонда оғриқ, диарея, қусиш ва ҳоказо. Бундан ташқари аллергия, овқатдан очлик, кимёвий заҳарланишларни ҳам кузатиш мумкин. Натижада микроорганизмларнинг (микотоксинлар, инфекцияланган ва паразит) табиий таркиби ўзгаради. Хавфсиз маҳсулотлар турлари 1-жадвалда келтирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошдан-оёқ кузатиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида соҳа

мутахассислари иш олиб бормокдалар ва қуйидагиларни тавсия қиладилар:

а) озик-овқат маҳсулотлари таркиби кўриб чиқилиб, ҳимоя воситалари ҳамда қўшимчалар тавсия қилинади;

б) йиғиштириб олинадиган ҳосилдорликни ва ҳайвонот оламидан олинадиган озик-овқат маҳсулотларини сифатини назорат қилиш;

в) тез ўсишни таъминлайдиган моддаларни қўллаш (масалан, гумус, антибиотиклар, ўғитлар);

г) табиий ва ҳайвонот токсинлари;

д) сотиш формаси ва микроорганизмлар;

е) халқаро озуқа қўшимчалари, заҳарланган жиҳозлар, сиртлар, пакетлар ва тозаловчи моддалар (воситалар).

Барча кимёвий муаммолар озик-овқат маҳсулотининг якуний босқичида бўлиши мумкин.

Озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган моддалар: қўшимчалар, бўёқлар ва ароматизаторлар, антибиотиклар, озик-овқат қўшимчалари, антибиотик ва токсинларга чидамлик, ўғитлар ва ўсиш стимуляторлари (нитратлар).

Гормонлар, нурлаш (суистеъмол қилиш, фирибгарлик), микробиологик зарарланиш, микотоксинлар ва бошқа табиий ядхимикатларнинг бирикмалари, пестицидлар, инсектицидлар, гербицидлар, фунгицидлар. Қадоқлаш ва безатишдан юқадиган хавфлар. Кимёвий ифлосликлар – дорилар, ишлаб чиқариш жараёнида юқадиган (экспорт), сохта саботаж.

### 13.4.1. Озик-овқат қўшимчалари

Озик-овқат маҳсулотларидаги қўшимчалар сақлаш муддатини узайтириш ёки овқатланишдаги қийматини ошириш, ҳамда озик-овқат чиқиндиларини камайтириш ва бу хавфларнинг ошишига олиб келади, лекин сақлаш муддатининг узайишини таъминлайди. Сақлаш жараёни қўшимчалари кислоталилик (ацетатлар, сут ва олий кислоталар) ва антикислоталарни (нитратлар, нитритлар, сулфитлар, протонлар, сорбентлар, бутил гидроксоний ва гидроксоний) ўз ичига олади.

Кўпчилик истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларидаги кўшимчалар билан қизиқишади чунки кўшимчалар – сунъий бўёқлар ва ароматизаторларни сақлаб қолган маҳсулотлардан, одам саломатлигига таъсир этадиган хавфнинг олдини олинади. Бунга жавобан совутилган ҳолатда сақланадиган табиий маҳсулотларга талаб катта бўлади. Кўпчилик давлатларда бундай кўшимчаларнинг қўлланишига рухсат берилган, фақат у ягона бўлиши ва унинг концентрацияси албатта кўрсатилиши керак.

**Пестицидлар.** Пестицидлар, инсектицидлар, фунгицидлар замонавий агросаноат секторининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот «соғлом овқат» талабларига жавоб бериши керак. (фосфорорганик бирикмалар). Заҳарланишга олиб келадиган овқат таркибида бу маҳсулотлар кўп қисми ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларда маҳсулот ва сабзавотларнинг деярли 3/4 қисмида пестицидлар бор, чунки истеъмолчилар асосан маҳсулотнинг ташқи кўриниши ва безатилганига эътибор берадилар. Пестицидли маҳсулот, ташқи кўриниши бежирим бўлсада, заҳарли моддаларни ўзида сақлаган бўлиши мумкин. Истеъмолчиларни пестицид қолдигининг озиқ-овқат маҳсулотидagi миқдори қизиқтиради ва унинг 0 га тенг бўлишини жуда ҳам исташади.

Пестицидларнинг маълум миқдори инсониятга катта зиён етказиши мумкин, чунки уларнинг токсинлари (бу изланиш орқали исботланган) қашшоқликга олиб келади. Шунга қарамасдан қолдикнинг максимал даражаси мингдан бир қисмидан ошмаслиги керак. Бу даража, айниқса агросаноат маҳсулотларини хом-ашё сифатида экспорт қиладиган ва информация берадиган давлатлар уларни истеъмол қилишда, тайёр маҳсулотнинг пестицидлардан ҳоли бўлишига ваколат бера оладиганлар учун муҳимдир. Пестицидларни ҳаддан ташқари қўллаш атроф-муҳитга, одам ва ҳайвонот соғлиғига хавф туғдириши мумкин.

Пестицидларни қўллаш омборхонадаги жиҳозларнинг замонавийлиги, уларнинг марказий бошқарилиши, ҳосилнинг кўп қисмини сақлашга маҳсулот сифатининг бузилмаслигига олиб келади.

**Цианидлар.** 1 кг оғирликга 2-3 мг миқдорда киритилган цианидлар одам учун ўлимни чақиради. Улар глюкозидларда

жойлашган бўлиб, уруғда, ядрога, жамғариладиган меваларда – ўрик, гилос, шафтоли, бодом, баргда, илдизларда учраши мумкин. Уруғ ёки данакни ўсимлик барглари ёки илдизи сиқиб чиқаради, ювилади ва сувда сақланади, иситилади ва бижитилади, (куритишдан аввал) ва цианидли бирикмалардан тозаланган ҳолатда истеъмол қилинади.

**Боғланган аминлар.** Боғланган аминлар (гистамин) аминокислоталарнинг декарбоксилатлари дисстрес – эффектни стимуляция қилиши мумкин. Улар гўшт, тери, уй паррандалари, банан, тоmat каби меваларнинг табиий бирикмалари ҳисобланади. Овқат рационада уларнинг даража нормаси мускуллар ишини текис бошқариш учун зарур бўлади. Улар худди шундай табиий учрайдиган гистонлардан декарбоксилазани (парранда, пишлок ва шаробларнинг бижғиш жараёнида) ҳосил қилади.

Баъзи бир микроблар скумбрия балиғини титиб юборади. Булар ичида салмонелла бактериялари ва гистидинни декарбоксиллайдиганлари ҳам бўлади. Гистидин овқат қабул қилингандан сўнг заҳарланишни чақиради (балиқ аллергияси) ва бу ҳолат одатда қирғоқ бўйидаги районларда учрайди, чунки у ерда ушланган балиқ бевосита истеъмол қилинади, ёки дудланади ва бу жараён денгиздан узоқда амалга оширилса, балиқ тезда совутилмайди. Касалликнинг аломатлари: ҳароратнинг кўтарилиши, бош оғриғи, оғизнинг яллиғланиши, диарея, тутқанок ва булар зарарланган овқатни қабул қилгандан 1 соатдан сўнг пайдо бўлади. Заҳарланган балиқда катта миқдорда тетрадоксин ҳосил бўлади ва у балиқнинг ички органлари олиб ташланмаганда кузатилади. Бу балиқ минг йиллаб заҳарланиши мумкин, лекин Ҳиндистон ва Хитойнинг қирғоқ олди районларида тез ушланади. Булар, бош айланиши, қусиш, диарея, ошқозонда оғриқ ва шални пайдо қилиши мумкин. Тана ҳароратининг кўтарилиши ҳар 10 дақиқадан сўнг кузатилади.

### **13.5. Озиқ-овқат чақирадиган заҳарланишларнинг назорати**

Озиқ-овқат маҳсулотларини хом-ашёси атроф-муҳит, заҳарланган маҳсулот ва ишчи-хизматчилар орқали озиқ-овқат маҳсулотини заҳарловчи организмлар билан ифлосланиши мумкин. Агар, озиқ-овқат маҳсулоти заҳарланиши муваффақиятли назорат

килинса, озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш занжири орқали захарланишни йўқотиш чоралари муҳим бўлади.

**Хавфлар таҳлили ва критик назорат нукталари (ХТКНН).** ХТКНН хавфларни идентификациялаш, баҳолаш ва бошқариш учун системали ёндашиш ҳисобланади. У озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги учун назорати кўпроқ структураланган ёндашув ҳисобланади, даладан ликобчагача ва, анъанавий инспекция, ҳамда сифат назорати процедураларни қўллайдиган ёндашишга нисбатан устун туради.

Барча якуний маҳсулотлардан намуна олиш ва синаш учун Бирон бир процессор имконият бера олмайди. Ҳатто барча маҳсулот синалганда ҳам, имкониятларни қайд қилиб бўлмайди, яъни нотўғри намуна, одам хатоси ёки бошқа камчиликлар туфайли хатоликлар пайдо бўлиши мумкин.

Агар, маҳсулот аниқланиш натижасида спецификациядан ташқарида бўлса, фақат маҳсулотни қайта ишлаш, тузатиш ёки парчаланиши зарурий имконият ҳисобланади. Аммо, баъзи бир жараёндаги муҳим босқичлар мониторингланса ва бошқарилса бу ҳолатдан қутулиш мумкин. Бу натижалар операторни жараённинг назоратдан четланилиши ва хавф пайдо бўлиши, тузатиш чораларини кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантиради.

## Таърифлар

1. Хавф – бу рухсат берилмаган захарланиш, атроф-муҳит ёки озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига таалуқли организмнинг ўсиши ёки инфекцияланиш ва ёки озиқ-овқат маҳсулотларида микроб метаболизмида пайдо бўладиган ёки учрайдиган бегона бирикма. Хавфни аниқлаш ва баҳолаш мумкин, масалан, эпидемиологик маълумотларни кўриб чиқиш, қайта ишлаш, сақлаш ва озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш жараёнини баҳолаш орқали ва озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки тайёрлашдан сўнгги ишлатиш орқали.


2. Куч – хавфнинг миқдори ёки у пайдо бўлган ҳолда олинадиган натижанинг натижаси даражаси.

3. Таҳлика – хавф учраши эҳтимолигининг қиймати ёки ҳар хил хавфлар тарқалиши натижаси.



4. Критик чегара – бу мумкин эмасликдан мумкинликни билувчи критерий. У чегарани белгилаши мумкин ёки махсулотни хавфли эканлиги ва сифати ёмонлиги ҳақидаги физикавий, кимёвий ва биологик тавсифларни тасдиқлайди.

5. Критик назорат нуқтаси (КНН)- бу операция (амалий, процедура, жараён ёки маҳаллий) ёрдамида огоҳлантирувчи ёки назорат чоралари ишлаб чиқарилади ва улар хавфларни ёки уларнинг кўпайишини бартараф қилиши, йўқотиши, минимумга етказиши мумкин.



КНН учун талаблар қуйидагилардан иборат:

- маълум нуқтада бир ёки бир неча хавфларни огоҳлантириш, назорат қилиш ва ҳеч бўлмаса, минимумлаштиришга қодир бўлган операция;

- фаоллик билан боғланган хавфларни (ва таҳликани маълум нуқтада ошишига йўл қўймаслик керак;

- хавф назорати учун критерий ўрнатилиши ва шарт қўйиш;

- КНН ни шартли равишда мониторинглаш;
- агар, мониторинг натижалари специфик критерийларни йўқолганлигини кўрсатса, керакли ҳаракатлар қабул қилиниши керак.

**Мониторинг – бу қайта ишлаш ёки сотиш мулоҳазаларининг ҳар бир критик назорат нуқтасида ўрнатилган критерийларга жавоб беришини қайд қилиш. У систематик кузатишни, ўлчаш ва ёки қайд қилиш хавфларининг назорати учун муҳим омилларни бартараф қилиш.**

Таққослаш – бу ХТКНН системаси ўрнидалигини ва режалаштирилгандай ишлашини аниқлаш учун ишлатиладиган кўшимча тестлар ёки олдинги мониторинг қайд қилган натижаларни кўриб чиқиш.

ХТКНН элементларидан кўпчилиги маълум давр ичида ишлатилиб келинди. Фақат охириги йиллардаги ҳар хил элементлар систематик мулоҳазалар ҳосил қилиш учун бирлаштирилди.

Режалаштириш ва тақсимлашнинг систематик усули бора-бора актуал жараёнларни муваффақиятли ўтказиш учун имконият беради ва бунга ишонч ҳосил қилиш зарур.

ХТКНН концепцияси биринчи бўлиб, озиқ-овқат саноати томонидан Денверда, (USDA) 1971 йилда қабул қилинди. 1973 йилда ХТКНН концепцияси паст кислотали консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари заводларининг FDA томонидан текшириш учун, 1975 йилда USDA томонидан гўшт саноати корхоналарини текшириш учун қабул қилинди ва 1980 йилда Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ва озиқ-овқат маҳсулотини микробиологик текшириш (спецификациясини) халқаро комиссияси (VPH 82/37) барча ривожланаётган давлатларда қўллаш учун ахборот ишлаб чиқарди.

Овқатланиш бўйича тузилган комиссиянинг кодекси ҳозирги пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари саноатига ХТКНН системасини амалий киритишни талаб қилапти. Яқинда ЕУ(EV) ни қонунларни (ЕС Директива 91. 43. УУС) ҳам 1993 йилдан бошлаб ЕИ криветка маҳсулотларини экспорт қилишни истаган давлатлар сифат системасини бошқаришга асосланган ХТКНН ни қўллашларини тавсия қилади. Сифат системасини бошқаришга асосланган ХТКНН (USFDA) АҚШнинг озиқ-овқат маҳкамаси томонидан ҳам қўллаб қувватланапти, миллий Океан ва атмосфера админстрацияси,

денгиз маҳсулотларини инспекциялаш дастури ва АҚШни денгиз маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар учун талаб ҳисобланади.

### 13.5.1. Нурланиш

Озиқ-овқат туфайли касалланишни, нурланишни қўллаш орқали ҳам назорат қилиш мумкин озиқ-овқат маҳсулотини гамма-нурларга экспозициялашни, озиқ-овқат маҳсулотини нурлашда қўлланиладиган  $Co^{60}$  дан чиқадиган бошланғич нурни махсус ишлаб чиқарадиган, медицина маҳсулотларини стерилизациялаш ва радио автографияларни ўз ичига олади. Ионлайдиган нурланиш турли хил патогенлар учун летал бўлади ва органолептик ўзгаришлар минимал бўлади. Радиациянинг ўтиши тез содир бўлади ва уни қадоқланган озиқ-овқат маҳсулоти учун қўллаш мумкин. Нурланиш давридаги озуқаларнинг йўқотилиши бошқа турдаги қайта ишлашда йўқотилишлардан ошмаслиги кўрсатилган. Аммо, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти ҳосил қилиш усули сифатида ионловчи радиацияни ишлатиш зарарли. Нурлаш жараёнида, масалан, хоссалари номаълум бўлган уникал радиолитик моддалар (URP<sub>2</sub>) учраши мумкин, аммо, улар баъзи бир ҳолларда табиий учрайдиган бирикмаларга ўхшашлиги кўрсатилган. Нурлаш жараёнида барча микроорганизмларнинг четлаштирилиши кейинчалик тегишли микрофлора бўлмаслигидан патоген микроорганизмларни тез ўсишига имконият яратиб бериши ҳам мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулоти биопарчаловчилар мавжудлигида ҳам нурланиши (аммо, боғланган токсинлар ўзгармай қолиши) мумкин. Озиқ-овқат маҳсулоти нурланганлигини аниқлаш учун ҳозирча бирон бир восита мавжуд эмас. Бир қатор давлатларда нурлашни чегараланган озиқ-овқат маҳсулотлари учун қўллашади.

### Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари қандай назорат қилинади?
2. Сақлаш муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинса, қандай оқибатларга олиб келади?
3. Кимёвий муаммони қайси озиқ-овқат маҳсулотларида кузатиш мумкин?
4. Озиқ-овқат қўшимчаларига нималар киради?
5. Пестицидлар қандай моддалар?
6. Цианидлар деганда нимани тушунаси?
7. Озиқ-овқат маҳсулотлари чақирадиган заҳарланишларнинг назорати деганда нимани тушунаси?
8. Критик назорат нуқтаси нима?
9. Нурланиш ҳодисаси қанақа жараён?

#### XIV БОБ. РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ АСОСЛАРИ

Инсон ҳаёт фаолияти давомида доимо иш бажаради. У уйлар ва корхоналар куради, станоклар ва машиналарни бошқаради, ерга ишлов беради ва экинлар экади, илмий ва бадий асарлар ёзади, минглаб фойдали ишларни бажаради. Инсон тинч турган, ётган ҳолатида ҳам ўзи билмаган ҳолда ишлашни давом эттиради, чунки унинг юраги қисқаради, нафас олиш ҳаракати содир бўлади, организмнинг ҳар бир хужайрасида моддалар алмашинуви содир бўлади.

Иш бажариш жараёнида содир бўлган энергия йўқотилиши овқатланиш ва нафас олиш, яъни овқат ва кислороднинг тушиши ва фойдаланилиши ҳисобига қопланади.

Инсон организми нафақат иш бажаради, балки унда тана тўқималари ва хужайраларининг, ҳамда хужайра ичи компонентларининг қурилиши ва янгиланиши содир бўлади. Баъзи хужайралар ҳалок бўлади, улар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Хужайраларнинг ҳаёти давомида хужайралар ичи компонентларининг бир неча марта алмашинуви содир бўлади. Бу жараёнлар учун қурилиш материали талаб қилиниб, уни фақат овқатланиш натижасида олинishi мумкин.

Баъзи биологик фаол бирикмалар, яъни маълум гормонлар ва коферментлар (оксил-ферментларнинг керакли қуйи молекуляр таркибий қисмлари) инсон организмида «витаминлар» деб ном олган, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида учрайдиган махсус моддалардан ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, овқатланиш организмнинг энергетик йўқотишларини қоплаш, тана тўқималари ва хужайраларини қуриш ва янгилаш ва организм функцияларини ростлаш учун организмга олуқавий моддаларнинг келиши, ўзгариши, сўрилиши ва организмда ассимиляциясидан иборат бўлган мураккаб жараён ҳисобланади.

Овқатланиш жараёнида ташқи муҳит омиллари озиқ-овқат моддалари кўринишида овқат ҳазм қилиш органлари билан таъсирлашади, овқат ҳазм қилиш ферментлари таъсирида унришларга учрайди, лимфа ва қонга келади ва шу тарзда организмнинг ички омилларига айланади.

Организмга керакли озукавий моддаларнинг мувофиқ нисбатда ва керакли вақтда келишини таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади.

Овқатни ҳазм қилиш биокимёсини била туриб, рационал овқатланиш асосларини ўрганиш мумкин. Рационал овқатланиш нима? Моҳияти бўйича бу овқатланишнинг учта асосий принципига риоя қилишдир:

1. Овқат билан келиб тушадиган энергия ва инсон ҳаёти давомида сарфланадиган энергия ўртасидаги мувозанат, бошқача қилиб айтганда, энергия баланси.

2. Инсон организмнинг маълум миқдордаги ва нисбатдаги озиқ-овқат моддаларига бўлган талабини қондириш.

3. Овқатланиш режимида риоя қилиш (овқатни аниқ бир вақтда қабул қилиш ва ҳар бир овқатланишда маълум миқдордаги овқатни истеъмол қилиш).

Бу қоидаларга риоя қила туриб, иккита мажбурий шартларни инобатга олиш керак.

1. Маҳсулотларга озиқ-овқат моддаларини максимал миқдорда сақлайдиган ошпазлик ишлови бериш.

2. Овқат тайёрлаш ва сақлашнинг санитария-гигиения қоидаларига риоя қилиш.

#### **14.1. Рационал овқатланишнинг биринчи қоидаси –энергия баланси**

Инсон организми учун зарур бўлган барча энергия овқатдан келиб тушади. Овқатни организмда ҳазм бўлиши ва фойдаланилиши нимаси биландир ёнишга ўхшайди. Ҳақиқатдан ҳам, маҳсулотларнинг кўпчилик қисми, шу жумладан углеводлар ва ёғлар иссиқликка (энергияга), карбонат ангидрид газига ва сувга айланади. Фақат оксил организмда бир қатор оксидланмаган, сийдик билан ажралиб чиқадиган маҳсулотларга (мочевинага) айланади. Шунинг учун дастлаб калорияликни (яъни, энергия ажратиш қобилияти) махсус асбобда –калориметрда аниқланган. Бу асбоб ажралиб чиққан энергияни осонликча аниқлайди. Маълум бўлишича, калориметрда 1 гр углеводлар ёнганда ўртача 4, 3 ккал, 1 гр ёғлар ёнганда – 9,45, 1 гр оксиллар ёнганда – 5,65 ккал энергия ажралиб чиқади (1 ккал = 4,184 Жоул).

Кейинчалик аниқланишича, озиқ-овқат моддаларининг бир қисми организмда ҳазм бўлмайди (масалан, оксиллар ўртача 94,5%

ги) ва у ёки бу кўринишда ахлат массаси билан организмдан чиқариб юборилади. Бундан ташқари, юқорида қайд ўтилгандек, оксиллар организмда тўла ёнмайди.

Ҳозирги вақтда овқатнинг 1 гр оксиллари 4 ккал, 1 гр ёғлари – 9,1 гр, углеводлари эса – 4 ккал энергия беради деб ҳисобланади.

Шу тарзда, овқатнинг кимёвий таркибини аниқлаб, инсон бир суткада қанча энергетик материал олишини осонликча ҳисоблаш мумкин.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари кимёвий таркибининг махсус жадвали мавжуд бўлиб, у бўйича хоҳлаган озиқ-овқат маҳсулотининг калориялигини ҳисоблаш мумкин. Мисол учун, қуйидаги жадвалда айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг калориялиги (энергетикқийматини) келтирилган (одатда, энергетик қиймат маҳсулотнинг 100 гр истеъмол қилиб бўладиган қисмига тўғри келадиган кило калория билан ифодаланади).

*36-жадвал*

**Айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг энергетик қиймати**

Маҳсулот	Энергетик қиймати, ккал	Маҳсулот	Энергетик қиймати, ккал
Жавдар нони	170	Сут	59
Бугдой нони	240	Сариёғ	749
Пирожноелар	320-540	Россия пишлоғи	371
Шакар	379	Кунгабоқар мойи	899
Қайнатилган картошка	82	Қайнатилган треска	78
Олма	39	Борщ	270
Қайнатилган мол гўшти	254	Мол гўшти котлетлари	220
Сосискалар	220-320	Узум шарбати	71
Тухум (бир донаси)	63		

Энергияни сақланиш қонуни мутлақ ҳисобланиб, тирик организмда, шу жумладан, инсон танасининг хужайраларида ҳам амал қилади. Шунинг учун нормал овқатланиш нормал яшашни таъминлаш учун келиб тушадиган энергия билан сарфланадиган энергия орасидаги тахминий баланси назарда тутати.

Калорияли овқат киска муддат етишмаганда организм кўпинча заҳира моддаларни, асосан, ёғ ва углеводларни (гликоген)

сарфлайди. Овқат қисқа муддат ортиқчалик қилса, унинг ҳазм бўлувчанлиги ва фойдаланилиши камаяди, ахлат массалари ва сийдик ажралиб чиқиши кўпаяди. Энергетик қийматли овқат узоқ муддат етишмаганда, организм томонидан нафақат захирадаги ёғлар ва углеводлар, балки оқсиллар ҳам сарфланади, бу биринчи навбатда скелет мускуллари массасининг кичрайишига олиб келади. Натижада организмнинг умумий кучсизланиши содир бўлади.

Узоқ муддатда калорияли овқат истеъмол қилинганда ёғларнинг ва углеводларнинг бир қисми организм томонидан бевосита истеъмол қилинмайди, тери ости ёғи кўринишида ёғ хужайраларида йиғилади. Бунинг оқибатида тана массаси ортади, кейин эса киши семиради.

Кўриниб турганидек овқатланишнинг ўртача меъёрини аниқлаш керак. Биз овқат билан қанча энергия олишимизни аввалдан биламиз. Энди у қандай сарфланишини билишимиз керак.

Организмда энергия сарфланишининг учта йўли борлиги мутахассислар томонидан аниқланган: биринчидан, асосий алмашиниш, иккинчидан овқатнинг ўзига хос динамик таъсири, учинчидан, мускул фаолияти. Бу тушунчаларни кейинчалик бир неча марта кўриб чиқамиз. Шунинг учун уларнинг маъносини ёритамиз.

**Асосий алмашиниш.** Асосий алмашиниш – ҳаётни тўлиқ тинч ҳолатда сақлаш учун инсонга керак бўладиган энергиянинг минимал миқдори ҳисобланади. Бундай алмашиниш одатда қулай шароитларда ухлаш вақтида содир бўлади. У одатда енгил жисмоний иш билан банд бўлган эркакка (ёши - 30 да, тана массаси – 65 кг) ёки аёлга (ёши – 30 да, тана массаси – 55 кг) ҳисобланади. Асосий алмашиниш эркакларда ўртача 1600 ккал, аёлларга эса 1400 ккал ни ташкил қилади. У ёшга (кичик болаларда у масса бирликда катталарга нисбатан 1,3 - 1,5 марта баланд), тананинг умумий массасига (шунинг учун кўпинча асосий алмаштириш тананинг 1 кг. га ҳисобланади), яшашнинг ташқи шароитларига ва кишининг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Доимий жисмоний фаолият билан машғул бўлган кишиларда асосий алмашиниш одатда сезиларли даражада юқори (30%гача) бўлади.

**Овқатнинг ўзига хос динамик таъсири.** Олимларнинг аниқлашларича, овқатни ҳазм қилишда, бирор бир мускул



фаолиятсиз энергия сарфланади. Бунда оксилларни ҳазм бўлиши нг кўп энергия сарфини талаб қилади, улар овқатни ҳазм қилиш трактига маълум даврда тушганда асосий алмашинишни амалга оширади (30-40% гача). Ёғларни қабул қилганда асосий алмашиниш 4-14%га, углеводларни қабул қилганда 4-7%га ортади. Ҳаттоки, чой ва кофе асосий алмашинишни оз миқдорда (8% гача) оширилишига ёрдам беради. Аралаш овқатланишда ва истеъмол қилинадиган озуқавий моддаларига мувофиқ миқдорда бўлганда асосий алмашиниш ўртача 10-15% га ортади.

**Мускул фаолиятига энергиянинг сарфланиши.** Жисмоний фаолият энергия алмашиниш қийматига катта таъсир кўрсатади. Ақлий меҳнатда энергия сарфи жуда оз миқдорда ортади. Жадвалда турли жисмоний фаолиятда энергия сарфи бўйича мисоллар келтирилган (массаси 60 кг бўлган киши учун 1 соатда килокалория ҳисобида). Агар, кишининг оғирлиги стандарт массадан юқори бўлса, энергия сарфи ҳам пропорционал тарзда ортади ва аксинча кам бўлса — камаяди.

Аникланишича, эрталабки нонуштага қўшимча тарзда 100 гр пирожноени истеъмол қилиш 400 ккал ортикча энергия ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ортикча энергияни сарфлаш учун 3-4 км югуриш ёки бир неча юз марта ўтириб туриш керак бўлади.

Меҳнат фаолияти давомида энергия сарфи фаолиятнинг турига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Энергиянинг максимал сарфланиши шахтёрларда, металлургларда, юк ташувчиларда, ер қазувчиларда, ўроқчиларда кузатилади, минимал сарфланиш эса — ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишиларда кузатилади.

Агар, энергия сарфининг барча турларини умумлаштирадиган бўлсак (асосий алмашиниш, овқатнинг ўзига хос динамик таъсири, нидаги ва уйдаги мускул фаолияти), у катта энергия сарфини талаб қилмайдиган, жисмоний меҳнат билан машғул бўлган (масалан, хизмат кўрсатиш соҳаси ишчиларида) эркакларда бир суткада ўртача энергия алмашинуви 2750-3000 ккал, ўша гуруҳдаги аёллар учун 2350-2550 ккалга тенг. Ақлий меҳнат кишиларида эса (хизматчилар, операторлар) энергия сарфи анча паст бўлади: 2550-2800 ккал эркаклар учун ва 2200-2400 ккал аёллар учун. Бироқ, оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлган эркакларда (юк ташувчилар, ўрмон кесувчилар ва ҳоказолар) энергия сарфи юқори 3990-4300 ккал ни ташкил қилади. Ўз навбатида уларнинг

овқатланиши учун сарфланадиган энергияни қоплайдиган, яъни жуда калорияли бўлиши керак.

37-жадвал

Фаолиятнинг турли кўринишларида энергиянинг сарфланиши

Фаолият тури	Энергия сарфи, ккал/соат	Фаолият тури	Энергия сарфи, ккал/соат
Уйку	60	Лабораторияда тик турган ҳолда ишлаш	160-170
Ухламасдан ётиб дам олиш	65	Хотиржам ҳолда юриш	190
Овоз чиқариб ўқиш	90	Тез юриш	300
Иш бошқариш	100	Югуриш	360
Ўтирган ҳолда лабораторияда ишлаш	110	Чангида юриш	420
		Эшкак эшиш	150-360
Ювиш, дазмоллаш, йиғиштириш сингари уй юмушлари	120-240	Сузиш	180-400
		Велосипедда юриш	210-540
		Конки учиш	180-600

18 ёшгача бўлган болаларда ва 60 ёшдан ошган кексаларда энергия сарфи пасаяди: биринчиларида – тана массасининг кичиклигидан, иккинчиларида эса – алмашилиш жараёнлари ва жисмоний фаолият тезлигининг пасайиши ҳисобидан содир бўлади.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, овқатнинг суткалик калорияси энергия сарфидан доимо 300 ккал юқори бўлса (бу суткалик калориянинг тахминан 1/10 қисми, яъни 100 гр ли ширмой булочка), кунига 15-30 гр, 1 йилда 5,4-10,8 кг ёғ захира кўринишида тўпланади.

Юқорида биз овқатланишнинг фақат бир томонини – энергетик томонини, яъни инсоннинг меъёрдаги ҳаёт фаолияти учун овқат билан тушадиган энергия ва инсон сарфлайдиган энергия ўртасида нисбий мувозанат яратиш кераклигини ўргандик. Бу "озуқавий" энергияни исталган йўллар билан, масалан, фақат ёғ ҳисобидан ёки

факат оксиллар ёки углеводлар ҳисобидан олиш мумкин дегани эмас.

Организм учун калориянинг олинмиш йўллари ва калория олинадиган моддалар гуруҳи катта аҳамиятга эга. Инсоннинг меърадаги ҳаёт фаолияти учун маълум нисбатда оксиллар, ёғлар ва углеводлар, ҳамда овқатнинг микрокомпонентлари-витаминлар ва минерал моддалар керак бўлади. Ва бу ерда биз овқатланишнинг иккинчи қондасига—организмнинг озуқавий моддаларга бўлган талабини қондиришга келамиз.

#### **14.2. Рационал овқатланишнинг иккинчи қондаси —асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган талабни қондириш**

Ер юзи аҳолиси овқатланиш учун минглаб турдаги маҳсулотлардан фойдаланади ва улардан тайёрланган овқатлар ҳам турличалиги билан фарқ қилади. Бунда овқатланиш маҳсулотларининг барча турлари озуқавий моддалар: оксиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва сувнинг турли комбинацияларидан иборат бўлади.

Инсон озуқа рационининг энергетик қиймати унинг таркибига кирувчи оксиллар, ёғлар ва углеводларга боғлиқ. Углеводлар энергия ташувчи вазифасини бажарса, ёғлар ва оксиллар эса, ниҳоят энергия ташувчи вазифасини бажаради, балки оксиллар пластик мақсадлар учун зарур материаллар ҳисобланадилар.

Маълумки, скелет мускуллари ва асаб системаси хужайралари ўз фаолиятлари учун энергия манбаи сифатида углеводлар таркибига кирувчи глюкозадан фойдаланилади, юрак мушакларининг ишлаши учун эса, ёғларнинг таркибий қисми бўлган ёғ кислоталари керак бўлади. Оксиллардан энергетик материал сифатида фойдаланиш организм учун жуда ноқулай: биринчидан, оксиллар жуда камёб ва қимматбаҳо озуқавий модда ҳисобланади, иккинчидан, энергия ижралиб чиқиши билан содир бўладиган оксилнинг оксидланишида жуда зарарли таъсирга эга бўлган моддалар ҳосил бўлади.

Аниқланишича, соғлом одам рационада оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг оптимал нисбати 1: 1,2: 4 га яқин бўлади. Бу нисбат инсон организмнинг ҳам пластик, ҳамда энергетик талабларини максимал қондириш учун жуда қулай. Оксиллар кўп ҳолларда

умумий калориянинг 12% ини, ёғлар эса 30-35% ини ташкил қилиши керак.

1 грамм ёғларнинг ёниш иссиқлиги, айтиб ўтилганидек, ўшанча микдордаги оксилларни ёки углеводларни ёниш иссиқлигидан анча кўп бўлади. Жисмоний меҳнат улуши ва энергияга бўлган талаб ошган ҳолатдаги рациондаги оксиллар микдори рацион умумий калориясининг 11% гача камайтирилиши мумкин (калория етказиб берувчилар сифатида ёғлар ва углеводлар улуши ошганда).

Шундай қилиб, инсонга қанча ва қандай нисбатларда оксиллар, ёғлар ва углеводлар кераклигини биламиз. Бирок, ўз-ўзидан оксиллар, ёғлар ва углеводлар турли таркибга эга. Энди оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг қайси компонентлари ва қанча микдорда кераклигини кўриб чиқамиз.

**Оқсил компонентларининг рациондаги оптимал нисбати.** Инсон учун озиқ-овқат маҳсулотлари 8 та алмашиб бўлмайдиган ва 12 та алмашинадиган аминокислоталардан иборат. Меъёрдаги овқатланиш учун маълум микдорда алмашиб бўлмайдиган ҳамда алмашинадиган аминокислоталар талаб қилинади. Алмашиб бўлмайдиган ва алмашинадиган аминокислоталарнинг талаб этиладиган нисбати кишининг ёшига боғлиқ бўлади.

Алмашиб бўлмайдиган аминокислоталар (цистин ва тирозинни ҳисобга олганда) мактаб ёшидаги болаларнинг овқатида тахминан 40% ини, катта ёшдагилар учун 36% ини ташкил қилиши керак, яъни суткалик меъёр оқсил учун 80-90 грамм бўлганда (катта ёшдагилар учун), оптимал нисбатда 30 гр га яқин алмашинмайдиган аминокислоталарни истеъмол қилиши керак. Агар, аминокислоталардан ҳеч бўлмаганда биттаси белгиланган оптимал микдордан кам бўлса, аминокислоталарнинг умумий микдорини қоникарли деб бўлмайди. Алмашинадиган аминокислоталарнинг нисбати ҳам айрим ҳолларда аҳамиятга эга, бироқ, жиддий эмас.

Барча алмашиб бўлмайдиган ва алмашинадиган аминокислоталарга эга, ёки идеал оқсил деб аталувчи оқсил табиатда мавжуд эмас. Бирок, гўштда, балиқда, паррандада, тухумларда, сут ва сут маҳсулотларида сақланадиган оқсиллар тўла қимматли оқсиллар ҳисобланади, чунки уларда идеал оқсиллардагидек, ёки ундан ортиқ микдорда алмашинмайдиган аминокислоталар мавжуд. Ўсимлик оқсиллари кўп бўлишига

карамасдан тўла қийматли ҳисобланмайди, чунки уларнинг айримлари идеал оксилга қараганда анча кам миқдорда алмашиб бўлмайдиган аминокислоталарга эга. Масалан, бугдой ва жавдар оксилларида, ўз навбатида бугдой ва жавдар нонларининг оксилларида лизин (оптималга қараганда деярли 2 марта кам), ҳамда треонин, изолейцин ва валин етарли миқдорда сақланмайди.

Кундалик ҳаётда инсон овқатланишида ҳайвон ва ўсимлик оксилларининг аралашмасидан фойдаланилади. Бу аралашма идеал ҳисобланмайди, чунки агар, идеал оксилнинг биологик қиймати 100% деб қабул қилинса, у ҳолда аралашманинг биологик қиймати 70% ни ташкил қилади. Шундай қилиб, инсоннинг оксилга бўлган суткалик талаби оксил сифатига боғлиқ, истеъмол қилинадиган оксиллар қанчалик тўла қийматли ҳисобланса, суткалик меъёр шунчалик юқори бўлади (маълум бир чегарагача) ва аксинча, истеъмол қилинадиган оксиллар таркиби бўйича идеал оксилларга қанчалик яқин бўлса, бу меъёр шунчалик кичик бўлиши лозим (назарий жиҳатдан 53-63 г). Ўсимлик оксиллари тула қийматли бўлмасда, улар инсоннинг овқатланишида муҳим ўрин тўтади. Ҳайвон ва ўсимлик оксилларининг оптимал нисбати 60:40 дан 50:50 гача (ўсимлик оксилининг сифатига қараб), ўртача 55:45 атрофида бўлади.

#### **14.3. Ёғ компонентларининг рациондаги оптимал нисбати**

Ўсимлик мойлари жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки улар кўп миқдорда тўйинмаган ёғ кислоталар (алмашиб бўлмайдиган озукавий моддалар), ҳамда ҳужайраларни ва ҳужайра ичидаги структураларни янгилаш учун керакли бўлган фосфолипидларга эга. Ўсимлик мойлари инсоннинг озукавий рационда ёғларнинг умумий миқдорининг камида 30% ини ташкил қилиши керак.

Жаҳон статистикасининг гувоҳлик беришича, ривожланган мамлакатлар аҳолисининг суткалик рационда ёғлар улуши доимо ошиб бормоқда. Бу ёғларнинг юқори энергетик қиймати, сифатининг яхшилиги ва аҳоли учун камёб эмаслиги билан асосланади. Бирок, озиқ-овқат рационда ёғларнинг, айниқса, тўйинган ҳайвон ёғларининг кўп миқдорда бўлиши, атеросклероз ва юрак қон томири касалликларининг ривожланишига олиб келади.

Озиқ-овқат рационада ёғ кислоталарнинг қуйидаги нисбати оптимал ҳисобланади: тўйинган ёғ кислоталар 30%, монотўйинмаган ёғ кислоталар (олеинкислота)–60%, политўйинмаган ёғ кислоталар-10%. Овқатланиш рационада ўсимлик ва ҳайвон ёғларининг нисбати 3:7 га тенг бўлганда, юқоридаги шарт бажарилади.

**Углеводларга бўлган оптимал талаб.** Инсон озуқавий рационининг углеводларга бўлган эҳтиёжини (365-400г) асосан крахмал ҳисобига қондиради. Бироқ, бу рационда целлюлоза, гемицеллюлоза, пектин, ди- ва моносахаридлар (сахароза, лактоза, глюкоза, фруктоза ва бошқалардан) ҳам мавжуд. Шакар (сахароза) ва қандолат маҳсулотларини (катта миқдорда шакарга эга) истеъмол қилиш ошиб бормоқда, бу соғлиқ учун хавfli, чунки сахароза ошқозон-ичак трактида тезда глюкоза ва фруктоза молекулаларига парчаланади, глюкоза қонга тез сўрилади ва ошқозон ости безининг (ўзига хос бўлган) инсулин секрециясини келтириб чиқаради. Қонга келиб тушадиган глюкоза миқдори ҳаддан ташқари катта, инсулиннинг секрецияси кучаяди, бу бир томондан организмдаги углевод ва липид алмашинувига тез таъсир қилади, бошқа томондан эса бир қатор бошқа гормонларнинг синтези ва секрециясига сезиларли таъсир қилади, яъни инсон организмнинг меъёрдаги гармонал фаолияти ўзгариши мумкин. Шунинг учун суткалик озиқ-овқат рационада моно- ва дисахаридларнинг миқдори 50-100гр дан ошмаслиги тавсия қилинади (50 гр-енгил жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганлар учун, 100 гр–оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганлар учун). Шуниси муҳимки, бу миқдор ҳар бир алоҳида овқатланишда тенг тақсимланиши керак.

Қанд истеъмол қилиш ва тиш кариесининг ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. Ортикча миқдорда қанд истеъмол қилиш қандли диабет касаллигини келтириб чиқариш омилларидан биридир.

### **Озиқ-овқат толаларига бўлган оптимал талаб**

Соғлом киши рационада озиқ-овқат толалари ва биринчи галда пектин ва клетчатка каби ўсимлик толалари албатта кириши керак. Бу моддаларнинг тавсия этиладиган миқдори бир суткада 10-15 гр ни (шу жумладан 9-10 гр клетчатка ва 5-6 гр пектин моддалар)

иникил қилади. Ўсимлик толалари ошқозон-ичак трактининг мотор функциясини яхшилайди, ичакда тўхтаб қолиш ҳолатларини биртараф этишга кўмаклашади. Уларнинг овқатдаги миқдори ва йўгон ичак раки ҳосил бўлиши ўртасида тесқари боғлиқлик борлиги иникланган.

**Витаминларга бўлган талаб.** Қадимдан кишиларни гипо- ва ивитаминоз (гиповитаминоз-авитаминознинг бошланғич босқичи) натижасида оғир касалликларга дучор бўлган. Цинга (милк касаллиги), пеллагра, рахит, полиниврит, анемия (камқонлик) ва гемофилиянинг (кучли қон кетиш) айрим турлари, ҳамда бошқа кўпгина шуларга ўхшаш касалликлар овқатда у ёки бу витаминларнинг кескин камайиши натижасида келиб чиқади. Ҳозирги вақтда бу касалликлар тиббий билимларнинг кенг ташвиқ қилиш ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари амалга ошираётган чоралари боис нисбатан кам учрамоқда.

Бизнинг кунларимизда айрим шахсларнинг ва ҳаттоки аҳоли гуруҳининг вегетарианлик (рациондан ҳайвон маҳсулотларини тўла чиқариб ташлаш, гўшт емаслик) билан машғул бўлиши жиддий хавф туғдирмоқда. Бунда организмга  $V_{12}$  витамини тушмайди ва анемия ва бу витаминнинг етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган бошқа ғайритабiiй аломатларни ривожланишига олиб келади.

Айтиб ўтиш лозимки, сабзавотлар, мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш вақтида уларда витаминлар миқдорининг тўхтовсиз пасайиши содир бўлади. Шунинг учун мўътадил ва совуқ иқлимли мамлакатларда қиш-баҳор фаслларида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида витаминлар миқдори камайган даврда, дорихоналарда мавжуд бўлган поливитамин препаратларидан (фақат врач маслаҳати билан) тавсия этилган миқдорларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Минерал моддаларга бўлган талаб.** Озиқ-овқат маҳсулотларининг сабзавотлар, мевалар, нон ва сутдан иборат одатдаги тўплами инсон организмни минерал моддаларга бўлган талабини қондиради.

Мамлакатимизда ва бошқа мамлакатларда шундай туман ва нилоятлар аниқланганки, уларнинг тупроғида у ёки бу минерал модда кам миқдорда мавжуд бўлади. Бу эса ушбу моддаларни аҳоли томонидан старли миқдорда истеъмол қилинмаслигига ва маълум ғайри табiiй аломатларни ривожланишига олиб келади. Шунинг

учун оммавий истеъмол қилинадиган маҳсулотларга етишмайдиган минерал моддаларни қўшилади. Масалан, ош тузига йод (қалқонсимон безининг мезърда фаолият кўрсатиши учун) ёки сувга фтор (тишлар қарисини профилактикаси учун) қўшиш амалга оширилади.

37-жадвалда 18-29 ёшдаги катталар учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларига ва энергияга бўлган ўртача талаб тўғрисидаги маълумотлар келтирилган (ўртача талаб –эркак ва аёллар организми талаблари ўртасидаги ўртача арифметик қиймат).

### 38-жадвал

#### Катта ёшдаги кишининг озиқ-овқат моддаларига ва энергияга бўлган ўртача эҳтиёжи

Асосий озуқавий моддалар	Катта ёшдаги (18-29 ёшли) кишининг суткалик эҳтиёжи	Асосий озуқавий моддалар	Катта ёшдаги (18-29 ёшли) кишининг суткалик эҳтиёжи
Оқсиллар, гр		В <sub>2</sub> (рибофлавин), мг	2,0
Ёғлар, гр	85	РР (ниацин), мг	19
Ҳазм бўладиган углеводлар, гр	102	В <sub>6</sub> , мг	2,0
шу жумладан моно- ва дисахаридлар	382	В <sub>12</sub> (кобаламин), мкг	3
Минерал моддалар:	50-100	В <sub>9</sub> (фолацин), мкг	200
кальций, мг	800	С (аскорбин кислота), мг	70
фосфор, мг	1200	А (ретинол эквивалентига нисбатан), мкг	1000
магний, мг	400	Е (токоферол), мг	10
темир, мг	14	Д, мкг	2,5
Витаминлар:	1,7	Энергетик қиймат, ккал	
В <sub>1</sub> (тиамин), мкг			2775
-10 мг а-токоферол = 15 халқаро бирлик			
-2,5 мкг D витамини = 100 халқаро бирлик			



#### 14.4. Рационал овқатланишнинг учинчи принципи - овқатланиш режими

Кўпгина кишиларнинг овқатланиш режими иштаҳа билан ростланади. Иштаҳанинг ўзи нима ва унга қандай муносабатда бўлиш керак?

Ҳар бир кишида оч қолиш хиссиёти бўлади, у инсон организмга тўғри яшаши учун моддалар алмашилиш жараёнида сарфланган энергия, пластик материаллар, витаминлар ва минерал моддаларни ташувчи овқатнинг янги турини қабул қилиш тўғрисида сигнал беради. Бу хиссиётнинг физиологик-биокимёвий моҳияти куйидагича. Фараз қилинишича, бош мия катта ярим-шарларнинг қобиғида озуқавий марказ жойлашган, у қонда глюкоза концентрациясининг пасайиши, ошқозоннинг бўшалиши ва бошқа шунга ўхшаш турли импульслар таъсирида қўзғалади. Озуқавий марказнинг қўзғалиши иштаҳани ҳосил қилади, унинг даражаси озуқавий марказнинг қўзғалиш даражасига боғлиқ. Бироқ, озуқавий марказнинг қўзғалиш инерцияси натижасида иштаҳа овқат қабул қилингандан кейин анча вақт давомида сақланиб туради. Бунинг сабаби, овқатнинг дастлабки порцияларини ҳазм бўлиши ва сурилиши 15-20 минут давом этади. Уларнинг қонга тушиши бошлангандан кейин озуқавий марказ дам олиш сигналин беради. Очлик хиссиёти нафақат инсонларга, балки ерда яшовчи барча жонзотлар учун ҳам хос хусусият ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, овқатда узоқ вақт мобайнида бирор бир маҳсулот бўлмаса, у ҳолда шу маҳсулотни истеъмол қилишга кучли истак туғилади. Буни шундай тушунтириш мумкинки, айнан шу маҳсулотда инсон организми учун етишмайдиган у ёки бу элементлар мавжуд бўлади, уларга бўлган организм талаби ошиши туфайли, инсоннинг бу маҳсулотга бўлган соғинчи ортиб боради. Ушбу ҳолда иштаҳа жуда тўғри сигнал беради ва биз унга эътибор беришимиз керак.

Кўп ҳолларда иштаҳани қандай тийиш мумкин деган савол туғилади. Овқатни тез-тез истеъмол қилиш (кунига 5-6 марта) озуқавий марказнинг қўзғалишини бостиради. Бундай пайтда бирта олма ёки бир стакан кефир кифоядир. Иштаҳани қўзғалмаслиги учун тузланган ва ўткир (аччик) маҳсулотларни, алкоғолл ичимликларни истеъмол қилмаслик керак. Алкоғол нафақат

организмни захарлайди, балки иштахани кўзгатувчи таъсирга ҳам эга.

Демак, иштаҳанинг юқори бўлиши соғлиққа зарар келтириши мумкин, бироқ унинг бутунлай бўлмаслиги ҳам зарарлидир.

Овқатни иштаҳа билан ейиш ҳамма вақт хузур бағишлайди. Иштаҳанинг ривожланиши учун вақт керак. Овқатланишда танаффуслар қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу танаффуслар ёш болаларда катталарникига қараганда қисқарок бўлиши керак.

Бу танаффуслар қандай бўлиши керак? Овқатланиш вақтида нимани ва қанча ейиш керак? Бошқача қилиб айтганда, катта ёшдаги соғлом кишининг овқатланиш режими қанақа бўлиши лозим?

### **Овқатланиш режими тўртта асосий қоидага асосланади**

Тўғри овқатланиш режимининг биринчи қоидаси – овқатланишнинг мунтазамлиги, яъни сутканинг айнан бир вақтида овқатланиш ҳисобланади. Ҳар бир овқатланиш организмнинг маълум бир реакцияси билан бир вақтда содир бўлади. Бунда сўлак, ошқозон шираси, ўт, ошқозонности беши шираси ва ҳоказолар ажралади, бунинг устига буларнинг барчаси керакли вақтда содир бўлади. Овқатни ҳазм қилиш жараёнида овқатнинг ҳидига, кўринишига ва бошқаларга жавобан сўлак ва ошқозон ширасини ажралиши каби шартли рефлектор реакциялари катта аҳамиятга эга бўлади. Шартли рефлектор реакциялари занжирида вақт омили, яъни инсонни сутканинг маълум бир вақтида овқатланиш одати муҳим аҳамиятга эга. Овқатланиш режимида доимий занжирни ишлаб чиқиш организмни овқатни қабул қилиш ва ҳазм қилишга шартли рефлекторни тайёрлаш учун катта аҳамиятга эга.

Тўғри овқатланиш режимининг иккинчи қоидаси бўлиб, сутка мобайнида тез-тез овқатланиш ҳисобланади. Бир ёки икки марта овқатланиш мақсадга мувофиқ эмас ва соғлиқ учун зарарли. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, икки мартали овқатланишда уч ёки тўрт мартали овқатланишга нисбатан кишилар миокард инфаркти ва ўткир панкреатитга кўпроқ чалиниши кузатилади. Бу бир марта овқатланишда истеъмол қилинадиган овқат миқдорининг ҳаддан ташқари ортиқчилиги билан тушунтирилади.

Соғлом кишилар учун уч ёки тўрт мартали овқатланиш, жумладан: эрталабки нонушта, тушлик, кечки овқатланиш ва ётишдан олдин бир стакан катиқ ичиш тавсия этилади. Агар, широк туғулса, овқатланиш режимига бир ёки икки марта кўшимча овқат қабул қилишни киритиш мумкин: эрталабки нонушта ва тушки овқатланиш орасида ва тушлик билан кечки овқатланиш орасида. Табиийки, бунда кўшимча овқатланиш бир кунлик умумий истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Тўғри овқатланиш режимининг учинчи қоидаси ҳар бир овқатланишда рационал овқатланишга максимал роя қилиш ҳисобланади. Ҳар бир овқатланишда (эрталабки нонушта, тушлик, кечки овқатланиш) маҳсулотлар тўпламида организм учун керак бўлган оксиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар ва минерал моддалар рационал нисбатда бўлиши керак.

Тўғри овқатланиш режимининг тўртинчи қоидаси бир кун давомида истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ҳар бир овқатланиш бўйича физиологик тақсимлаш ҳисобланади. Кўп сонли кузатувлар орқали тасдиқланишича, инсон бир суткалик рациондан умумий калориянинг  $2/3$  қисмидан ортиқроғини эрталабки ва тушки овқатланиш вақтида, қолган  $1/3$  қисмидан камроғини кечки овқатланишда олиши фойдали экан.

Эрталабки, тушки, кечки овқатланишларнинг вақти кишининг иш фаолиятига қараб кенг ораликда ўзгариши мумкин. Бирок, эрталабки ва тушки овқатланишлар орасидаги вақт 5-6 соат, тушки ва кечқурунги овқатланишлар орасидаги вақт ҳам 5-6 соат бўлиши муҳимдир. Амалга оширилган тадқиқотлар шуни тавсия этадики, кечки овқат билан уйқунинг бошланиши орасидаги вақт 3-4 соат бўлиши керак.

Тўғри овқатланиш режими ривожланаётган бола организми учун жуда муҳимдир. Янги туғилган болаларни ҳар 3-3,5 соатда овқатлантириш тавсия этилади.

Бирок жуда кўп ҳолларда овқатланиш тартибида жиддий бузилишлар кузатилади. Эрталабки нонушта жуда кучсиз бўлади, ёки умуман бўлмайди, ишда тўла қимматли бўлмаган тушлик; ишдан кайтгач уйда жуда ҳаддан ортиқ кечки овқат. Бундай овқатланиш бора-бора инсон саломатлигига жуда салбий таъсир қилади. Биринчидан, мўл-кўл кечки овқатланиш миокард

инфаркти, гастрит, ярали касалликлар, ўткир панкреатид касалликларининг келиб чиқиш имкониятини кучайтиради. Овқат қанча кўп ейилса, киши қони таркибида липидлар (ёғлар) концентрацияси шунчалик кучли ва узоқ муддатда кўпаяди, бу организмда атеросклероз касаллигини келтириб чиқаради. Ҳаддан ташқари меъдидан ортик овқатланиш овқатни ҳазм қилиш шираларини (ошқозон ва ошқозон ости ширалари) кўп ажралиб чиқишига олиб келади. Бир қатор ҳолларда бу бирин-кетин ошқозон фаолиятининг бузилишига, ошқозон гастрити ёки ярали касалликларни (ёки ўн икки бармоқли ичак касалликлари) ёки ошқозон ости безларининг яраланиш сабабчиси бўлади.

Кечкурун, ишдан сўнг инсоннинг энергия сарфи одатда катта бўлмайди. Энергия сарфи тунги уйку пайтида анча пасаяди, шунинг учун кечкурун кўпроқ овқатланиш, истеъмол қилинган углеводларнинг кўпчилик қисми тўла оксидланмаслигига, ёғларга айланишига ва ёғ тўқималарида тўпланишига олиб келади. Шундай қилиб, асосий овқатланишни кечкурун амалга ошириш семиришга олиб келади.

Кўп ҳолларда, айниқса, аёлларнинг овқатланиш режимида бузилишлар кузатилади, яъни улар тўла қимматли тушки овқатланишнинг ўрнига пирожний, ширмой ёки булочкалар, қандолат маҳсулотлари истеъмол қиладилар. Бу овқатланишнинг жиддий бузилиши ҳисобланади, чунки бундай ҳолларда организм учун зарур бўлган озиқ-овқат моддалари ўрнига келиб тушган углеводлар ҳазм қилинмайди ва ёғ тўпланишига, организм семиришига олиб келади. Қандолат маҳсулотлари одатда кўп миқдорда тез эрийдиган ва осон ҳазм бўладиган углеводларга бой бўлади, улар глюкоза кўринишида қонга келиб тушади, нисбатан қисқа муддатда қонда глюкоза концентрациясини оширади. Бу ошқозон ости безлари учун катта зўриқиш ҳисобланади. Бундай зўриқишларнинг бир неча марта такрорланиши унинг эндокрин функцияларини бузилишига олиб келиши мумкин, бу эса қандли диабетни келтириб чиқаради. Рационал овқатланиш тўғрисида юқорида юритилган барча мулоҳазалар фақат соғлом кишиларга тааллуқлидир. Касал кишиларнинг овқатланиш режими тўғрисида эса махсус диетологлар иш олиб боришади.

Шундай қилиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тавсия қилинадиган истеъмол қийматлари ва рационал овқатланиш

қондалари билан танишдик. Лекин бизни аввало, қанча озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кераклиги қизиқтиради. Мутахассислар озик-овқат маҳсулотларининг ўртача кимёвий таркибидан, "ўртача" киши истеъмолининг тавсия қилинадиган қийматидан ва аҳоли овқатланишининг қабул қилинган анъаналаридан келиб чиққан ҳолда маҳсулотларнинг шартли суткали тўпلامини ҳисоблаб чиққанлар.

Тавсия қилинган тўпламни айнан қабул қилмаслик керак. Кўплаб маҳсулотлар ўзаро алмашинадиган бўлади. Масалан, баликни гўшт ўрнига ҳафтада 1-2 марта, дуккаклиларни ёрма ўрнига 2 ҳафтада бир марта таомномага киритиш мумкин.

Маҳсулотларга совуқ ва иссиқ ишлов бериш пайтида йукотишлар вужудга келади. Совуқ ишлов бериш деганда, ёрмаларни аралашмалардан тозалаш, пишлоқнинг пўстлоғини олиб ташлаш, сабзавотларни тупроқдан тозалаш, шикастланган қисмларни олиб ташлаш, мева ва резаворларни уруғлардан тозалаш, гўштни суяк ва пайлардан тозалаш, балиқларни сузгичлардан, бошидан, суякларидан, айрим ҳолларда терисидан тозалаш тушунилади.

Озик-овқат моддаларининг иссиқ ишлов беришдаги йўқолиши ишлов беришнинг турига боғлиқ (ковуриш, кайнатиш, ёпиш). Одатда, бу йукотишлар бевосита истеъмол пайтидаги йўқотишлар билан биргаликда жамланади (истеъмол пайтидаги йукотишлар—порцияларга бўлиш пайтида, тарелкадаги қолдиқлар, тасодикий бузилиш ва ҳоказо). Бу йўқотишлар йиғинди ҳолда оксиллар учун 10%, ёғлар учун 16%, углеводлар учун 15% ни ташкил қилади.

Шунинг учун маҳсулотларнинг асл истеъмол қилинган миқдори магазиндан сотиб олинганидан 15-60% гача (маҳсулот турига қараб), ўрта ҳисобда—учдан бир қисмга кам.

Шуни ҳисобга олиш керакки, "ўртача статистик" катта ёшдаги кишининг оксилларга, ёғларга, углеводларга бўлган талабини тўла қондирадиган маҳсулотларнинг суткалик тўплами, витаминларга, айникса, С витаминига бўлган талабни қондира олмайди. Бу тақчиллик 20-40% ни ташкил қилади. Бу айникса, қишки-бахорги мавсумда кучли намоён бўлади (шуни айтиш керакки, айнан шу даврда кишининг касалликларга кўрсатадиган қаршилиги пасаяди). Шу сабабли, агар, витаминлар етишмаслигини тиббий компенсациялаш учун (қарам, кўкатлар билан) шароит етишмаса,

поливитамин препаратлардан фойдаланиш тавсия этилади (камида бир курс –20-30 кун –кишда, худди шундай курс –баҳорда ҳам).

#### 14.5. Инсон ҳаётининг турли даврларида озиқ-овқат моддаларига бўлган талаб

Инсоннинг овқатланиши унинг умри мобайнида жиддий ўзгаришларга учрайди, бу организм физиологик функцияси ва моддалар алмашинувининг ўзгариши билан боғланган.

Мазкур тушунча моҳиятининг бир қанча қарама-қарши изоҳлари мавжуд.

Бу ҳолат барча ўқувчилар ишлаб-чиқариш мастерлари ва усталарини ҳамда пухта ўйланган дидактик усуллар системасининг аниқ мақсадга мувофиқлигини талаб қилади. Бу дидактик усуллар фанлар аро алоқаларни ўқувчилар онгига сингдиришга ёрдам беради.

Педагог ва тарбиячилар фанлараро алоқаларни кўп ҳолда моҳиятини тўла англамай бошқа фанларни ўрганишдан олган билимларини ўз фанларини анча чуқур ва тўлиқ олиб бориш учун фойдалана олиш сифатида тушунадилар. Бироқ, фанлар аро алоқаларни таълим берилаётган объект билан олиш ва тарбияга педагогик таъсир кўрсатаётган ўқувчилар ўқув жараёнида қандай иштирок этишларига қаратмоқ лозим ва зарур.

Шу нарса маълумки озиқ-овқат технологияси мутахассислигини янги инновацион технологиялар асосида ўқитишда озиқ-овқат технологиясининг назарий асослари, озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг физик-кимёвий хусусиятлари, гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси, техник микробиологияси, овқатланиш физиологияси, витаминология, озиқ-овқат кимёси, педагогик технология ва педагогик маҳоратни ва бошқа кўшимча мутахассислик фанларининг ўқитилиши алоҳида ўрин тутди.

### **16.3. Анъанавий дарс ўтишнинг қисқа баёни ва уни замонавий дарс ўтиш усуллари билан таққослаш**

Анъанавий методикага асосланиб билим ва тарбия бериш бутун дунё педагоглари томонидан танқидга учраган. Замонавий ўқитишда янги ўқитиш усулларида қоида ва тушунчалар устивордир. Эски технологияда реал дунё объектлари билан ишлаш ҳажми ва мазмуни жиҳатидан жуда камдир.

Етакчи таълим соҳаларини ўрганиш устида ўқув материалларини катта ҳажмини ўзлаштириш билан чекланади. Ўқитишда анъанавий ёндашувларни асосий тавсифларини кўриб чиқамиз.

**Қўлланиш:** Билимни узатиш ва мавжуд маданий-ижтимоий тажрибани қўллаб қувватлаш.

**Ўқитишни ташкил қилиш:** касбий фаолият ва касбий тийёргарликни таъминлаш, янги тажрибани ўзлаштириш мақсадида ўқитишни янги инновацион технологиясини ишлаб чиқиш.

**Ўқитувчининг роли:** билимлар узатувчиси ўрганилаётган материални ўзлаштириш мақсадида тузилган ўқув жараёнини ташкилотчиси.

Анъанавий ўқитишнинг одатдаги тавсифи педагогикада куйидагича тавсифланади:

- янги материалларни деярли ҳаммаси ўқувчи томонидан оғзаки баён қилинади;
- дарсликлар, маъруза матнлари асосан мустақил иш учун қўлланилади;

- аудитория дарсларида айрим ҳолларда ўқувчиларни диққатини бўлмаслик мақсадида педагогик тушунчалардан қўлланилади.

Билимларни текшириш: асосан машғулот вақтида сезиларли катта қисми узоқ муддат талаб қиладиган назорат ишлари ёрдамида ўтказилади.

Аксарият ҳолларда ишни фронтал усули қўлланилади. Мустақил ишнинг миқдори жуда камдир. Ўқитишни бундай усулини жиддий камчилиги талабаларни машғулотлардаги пассивлиги, бундан келиб чиққан ҳолатда паст ўзлаштириш фаоллиги, паст ўқувчилар эътиборсиз қолиб кетади.

- билимлар талабаларга нотайёр ҳолда тақдим этилади.

- педагогика бошқарув фаолияти кўпинча фақат билимларни қабул қилиб олиш билан чекланиб олинган билимлардан фойдаланиш миқдори маҳорати ва кўникмалари шакллантирилади.

#### Қуйидаги жадвалда таълимнинг замонавий ва анъанавий усуллари қиёсланади.

№	Анаванвий ёндашув	Замонавий ёндашув
1	Ўқитувчи бошқарувчи ўқувчи етакловчи.	Ўқувчи ўқув жараёнида фаол катнашади.
2	Асосий эътибор ўқиш мазмунига қаратилган.	Асосий эътибор ўқитиш жараёнига қаратилган.
3	Ўқув мақсади аниқ эмас.	Ўқув машғулоти музокарада аниқланади.
4	Билимлар монолог орқали етказилади.	Ўқитувчи ва ўқувчи билим жараёнида катнашиб диалог фаолияти қўлланилади.
5	Ўқувчи билимини пассив ҳолда қабул қилади.	Ўқувчилар билимини актив ҳолатда билиб узайтирилади.
6	Ўқувчининг тўғри жавобини нормал қабул қилади.	Ўқитувчи саволларига турли хил жавобларни рағбатлантиради.
7	Машғулотлар дастурланади ва қатъий тузилади.	Машғулотлар ўқувчиларни талабларига қараб ташкил этилади.
8	Хатоларга юқоридан пастга қаралади.	Икки томон ҳам хатоларни тузатиб тажрибасини оширади.

Ҳозирги давр ўқув жараёни педагогик технологияларни тadbик қилиш билан характерлидир.

Педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим технологияларининг илмий асосларини ишлаб-чиқиш, педагогик инновациялар, муаллифлик мактаблари ва янги технологияларни эксперимент қилиш билан боғлиқдир. Бу тажрибалар муайян тизимни ишлаб чиқиш ва умумлаштиришни талаб этади.

Педагогик технологияга яхлит ҳодиса сифатида қаралади. Технологиянинг интерфаол сифатлари, таркибий қисмлари, тузилмаси, функционал тавсифи, коммуникатив хусусиятлари, тарихийлиги ва узвийлиги тадқиқ қилинмоқда.

“Технология”, “Педагогик технология” тушунчалари ҳамон тадқиқотлар бўлишини тақозо этади.

Педагогик технологиялар таснифларини асослаш, технология турлари мазмунининг ёритилиши, бу технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш йўллариини белгилиш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Ўқитувчилик касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Ҳар бир ўқитувчининг муҳим ҳаётий ўрни ўз ишининг устаси бўлишидир. Мастер жуда илғор, билимдон ёки ўз ишини моҳирлик билан бажарувчи деб ифодаланади.

Ўқувчи маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Ўқувчи аввало, педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогиканинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади.

Маҳорат-бу алоҳида қудрат. Юқори ва кичик даражада уста бўлиши мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эримшмаслик ҳам мумкин, ҳақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гўзалдир.

Педагогик маҳоратга етишиш ўқувчининг муайян шахсий сифатлари билан амалга оширилади.

Педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни шунингдек, педагог шахси унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

Таълим мазмунини сифатли такомиллаштириш педагогикада бугунги кунда янги йўналиш-педагогик инновациясиз амалга ошириш мумкин эмас.

Инновацион жараёнларнинг хусусиятлари, янгиликларини тадбиқ этиш, ўқувчиларнинг касбий салоҳиятлари, хусусиятлари билан белгиланади. Педагогик инновациялар педагогик технологиялар билан узвий боғлиқ бўлади.

Педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим технологиялари, илмий асосларини ҳамда тажриба усулларини такомиллаштириш, янги технологияларни тизимлаштириш ва умуллаштиришга қаратилган таълим мазмунини янада ривожлантириш ўқув жараёнида янги технологик муаммоларни қўйиш ва ҳис этишни талаб этади.

“Рационал овқатланиш асослари” бўлимини ўқитишда инновацион технологиялар самарадорлиги таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Мавзуга асосланган ҳолда ўқитишни янги педагогик технологиялар асосида ўрганиб чиқамиз.

### 16.3.1. Дарсни ташкил этиш

Ташкилий қисми – 3 минут;

I. Гуруҳ навбатчисини ахбороти, гуруҳ талабалари билан саломлашиш; даволатни гуруҳ журналида қайд этиш - 5 минут;

II. Ўқувчилар билимини баҳолаш: - 10 минут бўлиб, унда ўқувчиларга олдинги дарс юзасидан қуйидаги саволлар бериш тавсия этилади.

1. “Рационал овқатланиш” деганда қанақа овқатланиш тури киритилади?

2. Янги педагогик технологияни ўқув жараёнида қўллашда нималарга эътибор қаратилади?

3. Инновацион технологиялар ўқитишнинг юқори самарадорликка эришишда афзаллик томонларини тушунтириб беринг.

4. Ўқувчиларнинг тўғри овқатланиб боришини ташкил этишда нималарга эътибор берилади?

5. Рационал овқатланишнинг инсон организмидаги аҳамияти деганда нимани тушунасиз?

III. Ўқувчиларни мустақил фикрлай олишлари ва фаоллигини ошириш учун ўқувчиларга янги мавзу юзасидан муаммоли саволлар берилади:

Мавзунинг номи олдинги дарсда ўқувчиларга эълон қилинган бўлиши керак – бу жараён учун 15 минут ажратилади;

- Болалар овқатланишида таомларнинг озукавий кийматининг аҳамияти нималардан иборат?

- Тайёрланган истеъмолга ярокли овқатларни текширув-низоратидан ўтказишдан мақсад нима?

- Овқатланишнинг рационал асослари нималардан иборат, гапириб беринг?

- Саволларга жавоблар дастлаб ўқувчилар томонидан ёритилади, кейин ўқитувчи томонидан қўшимчалар киритилади ва яхши жавоб берган ўқувчилар рағбатлантирилади.

### **16.3.2. Дарс режаси. “Озиқ-овқат кимёси” фанининг “Рационал овқатланиш асослари” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар самарадорлиги**

Фан. “Озиқ-овқат кимёси” фанининг “Рационал овқатланиш асослари” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар самарадорлиги.

**Дарснинг мақсади:** Талабаларга аҳоли гуруҳларининг турли ёшдаги инсонлари учун озиқ-моддалари ва энергияга физиологик эҳтиёжларнинг ҳозирги вақтда тавсия этиладиган овқатланиш рационали ва рационга қандай моддалар кирадиган бўлса, ёш болалар овқати таркибида ҳам худди ўша моддалар, яъни оксиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар, витаминлар, сув бўлмоғи кераклиги тўғрисида тушунча бериш.

Овқатланишни ташкил этиш бир мунча қийинроқ жараён бўлиб, овқатланиш рационали инсоннинг ёшига тўғри келадиган миқдор ва ҳажмдаги овқатга қарабгина эмас, балки овқат пишириш усулига қараб ҳам ҳар хил тузилади.

Инсонларнинг тўғри овқатланиб боришини ташкил этиш, умрни узайтиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Рационал овқатланишда овқатларнинг қай даражада тайёрланганлиги ҳамда санитария ходимларининг овқатланишни назорат қилиб боришларида қўпинча шу таомга ишлатиладиган калорияли маҳсулотларнинг бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда улардаги озиқ моддалар, оксиллар, ёғлар, углеводлар,

витами́нлар, минерал моддалар миқдори ва калориялар сони ҳисоблаб чиқилади.

Анализ натижалари ҳар қайси ёш гуруҳи учун белгиланган физиологик эҳтиёжлар ва масалликлар билан солиштириб турилишини ўрганиш талаб этилади.

**Тарбиявий мақсади:** Инсон организми ташқи муҳитдан энергия келиб туришига муҳтож бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга организмга келиб тушадиган озиқ моддалар (оксиллар, ёғлар, углеводлар) энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотларида витаминлар, минерал моддалар ва бошқа таркибий қисмлар бўлади. Булар энергия манбаи бўлиб ҳисобланмасада, организмдаги моддалар алмашинуви учун зарурдир.

Қатъий белгиланган тартибда овқатланиш физиологик жиҳатдан аҳамиятга эгадир, чунки шунинг натижасида ҳазм безлари фаолиятида шартли рефлекс пайдо бўлади. Овқатни ҳазм қилишга тайёр бўлиб турган меъдага келиб тушади, натижада озиқ-моддаларнинг ўзлаштирилиши анча яхшиланади.

Инсоннинг ёши ва меҳнат фаолиятининг шарт-шароитларига қараб бир кеча-кундузда уч маҳал ёки тўрт маҳал овқатланиш тавсия этилади. Айрим овқат маҳаллари учун овқат миқдорининг қандай тақсимланиши ва таомларнинг нималардан иборат бўлиши, кишининг ёшига ҳамда меҳнат режимининг табиатига боғлиқдир.

Овқатланиш тўғрисидаги фаннинг энг муҳим вазифаси юрак-қон томир касалликларибилан инфекцияон касалликлар, шунингдек хавфли ўсмаларнинг олдини олиш ва сонини камайтиришда овқатнинг қандай роль ўйнашини ўрганишдир.

Тўғри овқатланишнинг илмий асослари, инсоннинг жинси, ёши, ишининг характери, жисмоний тарбия билан шуғулланиш-шуғулланмаслигига, аҳоли турмушининг шароитлари ва иқлимга қараб рационда қанча озиқ моддалар бўлиши кераклиги тўғрисида тавсиялар ва маълумотлар беради.

Ажратилган вақт – 2 соат.

Дарснинг ўқитиш жойи: фанлар бўйича назарий хона;

**Дарсни жиҳозлаш:** Маҳсулотлар сифатини текшириш учун маҳсус жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари.



Тайёр маҳсулотлар кўпинча инсоннинг сезги органлари орқали ишлатилиши қилинади. Органолептик усулда маҳсулотларнинг таъми, ҳиди, ранги, консистенцияси аниқланади.

Дарсни ташкил этиш: Янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда ўқитувчи талабаларга мавзу бўйича тушунча беради:

“Рационал овқатланиш асослари” мавзусини ўқитишда янги педагогик технологияларга асосланган “Венн диаграммаси, Кластер, Синквейн усулларида фойдаланишга оид педагогик ўйинлар” асос этган схемалар:

Овқатланиш жараёнида ташқи муҳит омиллари озиқ-овқат моддалари кўринишида овқат ҳазм қилиш органлари билан тўқсирлашади, овқат ҳазм қилиш ферментлари таъсирида ўчаришларга учрайди, лимфа ва қонга келади ва шу тарзда организмнинг ички омилларига айланади.

Организмга керакли озуқавий моддаларнинг мувофиқ нисбатда ишлатилиши керакли вақтда келишини таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади.

Овқатни ҳазм қилиш биокимёсини била туриб, рационал овқатланиш асосларини ўрганиш мумкин.

Рационал овқатланиш нима? Моҳияти бўйича бу овқатланишнинг учта асосий принципларига риоя қилишдир:

1. Овқат билан келиб тушадиган энергия ва инсон ҳаёти давомида сарфланадиган энергия ўртасидаги мувозанат, бошқача қилиб айтганда, энергия баланси бўлиб ҳисобланади.

2. Инсон организмнинг маълум миқдордаги ва нисбатдаги озиқ-овқат моддаларига бўлган талабини қондириш.

3. Овқатланиш режимига риоя қилиш (овқатни аниқ бир вақтда қабул қилиш ва ҳар бир овқатланишда маълум миқдордаги овқатни истеъмол қилиш).

Бу қоидаларга риоя қила туриб, иккита мажбурий шартларни инобатга олиш керак.

1. Маҳсулотларга озиқ-овқат моддаларини максимал миқдорда сақлайдиган ошпазлик ишлови бериш.

2. Овқат тайёрлаш ва сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш.

Мавзу асосида талабаларга муаммоли саволлар билан мурожаат қилинади:

1. Тайёр маҳсулотларнинг органолептик хоссаларининг

Ўзгарган-Ўзгармаганлигини ва шу ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш;

2. Таомларнинг кимёвий таркибида ўзгаришлар бор-йўқлигини аниқлаш ва буларнинг сабабларини топиш;

3. Маҳсулотда зарарли аралашмалар, овқатга ишлатилмайдиган қўшимчалар ва бошқалар бор-йўқлигини топиш;

4. Қай ҳолда ва қанчалик бактериялар билан ифлосланганлигини ҳамда микрофлора таркибини белгилаш;

5. Эпидемиологик маълумотларни, инфекцион касалликлар кўзгатувчиларнинг юқиш эҳтимоли бор-йўқлигини аниқлаш;

6. Маҳсулот сақлаб қўйилганда хоссалари ўзгариб қолган бўлса, шу ўзгаришларга сабаб бўлган шароитларини белгилаш;

7. Маҳсулотнинг қандай хоссалари айниб қолганлигига қараб уни тарқатиш ёки йўқ қилиб ташлаш шароитларини белгилаш;

#### 16.3.2.1. Мавзунинг структурали мантикий схемаси

Таомлар сифатини аниқлаш усуллари: кимёвий, микробиологик, маҳсулотлар сифатига давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан қўйилган талаблар, сифат назорати ўтказиш жараёнлари, назарий ўтказиш вақти, назорат усуллари ва турлари, назоратни олиб боровчи шахснинг вазифаси ва экспертиза хулосалари.

Мавзу баёнида мавзуга оид назорат саволлари, таянч сўз ва иборалар, муаммоли саволлар берилади.

**Иш режими:** вақт фонди, технологик-асбоб ускуналардан фойдаланиш берилган.

Маҳсулот сифатини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари “ГОСТ 154-92” га асосан “Маҳсулот сифати бошқаруви” термини орқали аниқланиши ва уларни аҳоли талаб истаклари асосида ишлаб-чиқаришни назарда тутати.

Озиқ-овқат маҳсулотлари гигиена экспертизасининг bosқичлари:

1- тайёргарлик bosқичи – экспертиза ўтказадиган мутахассис амалдаги барча норматив ҳужжатлар билан (ГОСТ, ТШ, ВТШ) танишиб чиқиши керак.

2- Маҳсулотга қўшиб юборилган ҳужжат билан (сертификатлар, анализларнинг намуналари, намуналар олинганлиги тўғрисидаги актлар ва бошқалар) билан танишиш;

3- Маҳсулот намуналарини – тара, маркировка, ҳолатини кўздан

кечириб чиқиш, текшириб кўриш учун 5-10% ғилофланган маҳсулотларни очиб кўриш. Тара ўзгариб қолган бўлса, унга раҳна етган бўлса, кўпроқ ғилофларни, тарада ўзгаришлар бўлмаса, 10% дин кам ғилофланган маҳсулотлар очиб кўрилади;

4- Маҳсулотнинг органолептик хоссаларини тегишли широйтларда (ҳароратда, ёруғликда) текшириб кўриш;

5- Кўздан кечириш натижалари тўғрисида акт тузиш;

6- Маҳсулотнинг айниб қолганини кўрсатадиган аломатлар топилса, лабораторияларда текшириб кўриш учун намуна олинади.

7- Лабораторияда текшириб кўриш ва маҳсулотнинг сифати ҳамда уни тарқатиш шаройтлари тўғрисида узил-кесил хулоса чиқариш ва расмийлаштириш;

Таомларнинг озуқавий қиймати муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Узоқ муддатда калорияли овқат истеъмол қилинганда ёғларнинг ва углеводларнинг бир қисми организм томонидан бевосита истеъмол қилинмайди, тери ости ёғи кўринишида ёғ ҳужайраларида йиғилади. Бунинг оқибатида тана массаси ортади, кейин эса киши семиради.

Кўриниб турганидек овқатланишнинг ўртача меъёрини аниқлаш керак. Биз овқат билан қанча энергия олишимизни аввалдан биламиз. Энди у қандай сарфланишини билишимиз керак.

- Организмда энергия сарфланишининг учта йўли борлиги мутахассислар томонидан аниқланган:

- биринчидан, асосий алмашиниш,
- икинчидан, овқатнинг ўзига хос динамик таъсири,
- учинчидан, мускул фаолияти.

### Муаммоли назорат саволлари

- Асосий алмашиниш жараёнлари тўғрисида маълумот беринг?

- Овқатланишнинг ўзига хос динамик таъсири деганда нимани тушунасиш?

- Мускул фаолиятининг овқат истеъмолига таъсири нималардан иборат?

Сухбат усули янги материаллар билан баён қилинса, ўқувчилар томонидан кўпроқ дарс материаллари сақланади ва хотирасида узоқ қолади.

Янги ўрганилган материаллар ва илгари ўзлаштирилган материалларни умумлаштириш - 10 минут;

Тушунтирилган материалларни мустаҳкамланиши учун ўқитувчи ўқувчиларга чуқур ва кенгрок мазмунга эга бўлган саволлар билан муружаат қилса яхши натижаларга эришади.

#### **Дарсни яқунлаш – 5 минут;**

Умумлаштирилган саволлар билан айрим ўқувчиларнинг берган жавобларини баҳолаш, тўла ўзлаштирмай қолган айрим тушунчаларни тўлдиради.

Уйга бериладиган вазифани аниқ ва иложи борича дарсни яқунловчи кўнғирок чалинмасдан бериб бўлиш керак. Шунингдек, вазифаларни бажаришни тушунтириш қандай материаллардан фойдаланиш, уларни қаердан олиш, тавсия этилган адабиётларни боб, бетларини аниқ кўрсатиб берилиши лозим.

Мавзуга оид кўшимча адабиётлардан фойдаланиш ўқувчилар билимини янада чуқурлаштиради.

Муаммоли саволлар ёрдамида мавзуга ёндашиш назарий билимларни чуқур ўзлаштириш учун шарт-шароитлар кейинчалик мустақил билим эгаллаш учун имкониятлар яратади.

Ўқувчиларни билим олишга муносабатлари кўп жиҳатдан ўқитувчини методик маҳорати ва билимига боғлиқдир. Чунки, ўқувчиларда таълим олишга қизиқиш катта ва қобилият ривожланган бўлса, билимларни эгаллашга ижобий-муносабат шакллантирилса, улар ўқув материалларини пухта ўзлаштирадилар.

Ўқитувчи янги мавзунини баён қилади ва имконият даражасида кўргазмаларни куруллардан кўпроқ фойдаланиб, маҳсулотларнинг озуқавий киймати, инсон организми учун зарур бўлган бошқа моддалар, рационал овқатланишнинг инсон организмидаги аҳамияти ва бошқалар ҳақида гапириб беради.

Янги материаллар билан таништириш ва уни ўқувчилар онгида идрок этишни таъминлаш - 40 минут; янги материаллар билан таништириш жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Уларда бир қатор саволлардан фойдаланилади.

#### 16.4. Дарс ўтиш бўйича тавсиялар

Дарсни кўпроқ амалиёт билан боғлаб ўтиш, муаммоли мнърузалар ва муаммоли саволларни талабаларга кўпроқ бериш, ўйинли дарс машғулоти ташкил этиш, рационал оқатланишнинг илмий асослари тўғрисидаги маълумотларни талаба ўзи мустақил ўрганиши учун уларни китоб билан ишлашга ўргатиш ҳамда мавзуга оид амалий малака ва кўникмалар ҳосил қилиш зарур бўлади. Муаммоли ўқитиш шароитида ўқув жараёнининг мустақкам асоси талабаларни мустақил фикрлашга мунтазам тайёрлаш, шахсий фазилат сифатида улардаги баҳоланадиган мустақилликни шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланади.

Ўқитувчи билимлар ўзлаштирилишининг назоратини ўтказиб бўлгач, талабаларни муайян тоифадаги вазифаларни ечиш методикаси билан таништиради. Топшириқни бажариш якунлангач, ўқитувчи унинг боришини ва талабалар ишлари натижаларини таҳлил қилади, гуруҳ билан биргаликда ечими топилмаган муаммоли саволларни муҳокама қилади, уларнинг ечимини топишда талабалардан кичкина гуруҳлар тузиб, муаммоли вазиятларни биргаликда муҳокама қилишга киришилади ва ҳар бир талаба фикри инobatга олинади, шу аснода саволларга ечимлар топилади.

Амалий вазифа ва муаммоларни ечишдаги талабаларнинг умумий фаолиятини ташкил этишнинг самарали шакли тадбиркорлик ўйинларидир. Маълумки, тадбиркорлик ўйинлари талабаларнинг коллектив фаолиятини ташкил этишни билдиради, бу жараёнда унинг бўлғуси касбий фаолиятининг ашёвий ва ижтимоий мазмунини яратилади. Тадбиркорлик ўйинлари талабаларни амалий тайёрлашнинг педагогик вазифалари тизимини ечишга қаратилган. Буларга 1-навбатда реал касбий фаолият шароитида қўлланиладиган амалий малака ва кўникмаларни шакллантириш, амалий вазиятлар ва шунга мос ҳаракат усулларини ишлаб чиқишни таҳлил қиладиган фикрлаш қобилиятларини шакллантириш керак бўлади.

Муаммоли маъруза талабаларнинг фақат тингловчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлишини тақазо қилади. У илмий тафаккур услубини ривожлантиради. Муаммоли вазифалар ахборот

мазмунини янгилаш ва янги билимлар олиш орқали таҳлилга тушуниш ва изоҳлашга ўрганилаётган илмий муаммоларни назарий жиҳатдан фикрлашга диққатни жалб қилади.

Муаммоли маъруза давомида талабаларда мавжуд бўлган билимлардан фойдаланилади, улар янги ахборотлар билан боғлиқ равишда янгиланишни амалга оширадилар.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишни ташкил этиш натижасида талабаларда касбий билим, малака ва кўникмалар ҳамда фикрлаш қобилиятларини ўстиришнинг ижодий имкониятлари юзага келади.

Муаммоли технологияни амалга ошириш учун куйидаги тавсияларни берган бўлар эдик:

- энг долзарб, аҳамиятли мавзуларни танлаш;
- ўқув ишларининг барча турларида муаммоли ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш;
- муаммоли ўқитишнинг энг мақбул тизимини ишлаб чиқариш, дарслик, ўқув қўлланма ва методик тавсияномалар яратиш;
- шахсий ёндашув ва ўқитувчи маҳорати;
- дидактик усуллардан фойдаланиш;
- ўқув жараёнида педагогик ўйинларни қўллаш;
- гуруҳда кичкина гуруҳлар ташкил этиш ва уларни тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- кичкина гуруҳларда ўзаро мулоқатни ташкил этиш;
- ҳар бир талаба фикрини эркин баён этиши учун шароитлар яратиш;
- талабалар фикрини бўлмаслик ва уларнинг мустақил фикрини хурмат қилиш;
- фаол қатнашган талабаларни рағбатлантириш;
- “Кластер” услуби, “Ақлий ҳужум”, “Венн диаграммаси”, “Зигзаг” усули, “Кейс стади”, “Домино” ва кўпгина педагогик ўйинларни жорий этиш.

#### **16.5. Интерфаол стратегиялардан фойдаланиб ўтиладиган ўқитишнинг инновацион технологиялари**

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да баркамол шахсни тарбиялаш учун таълим тарбия бериш тизимида янгича ёндашувни анъанавий эскирган дастурлар ўрнига

миънавий янги педагогик технологиялар услуб ва воситаларни қўллашни талаб этилган.

Замонавий дарс бериш технологияси ихчам, қулай шу билан бирга талабани ўз таъсирчанилиги билан банд қиладиган, унинг кизиқишларини, эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган лойиҳа, услуб ва воситаларга таяниши лозим. Бу усул ва лойиҳалар ҳозирги замонавий янги педагогик технологияларга асосланган интерфаол усуллар бўйича дарс ўтишга асосланган.

Янги педагогик технологияларни “Озиқ-овқат кимёси” фанини ўқитишда қўллашда талабаларнинг ижодий фикрлаш жараёнини бошқариш, тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб мавзуни биргаликда муҳокама қилиш ва пассив тингловчини ҳам жалб этиш мақсадида бу усулни “Рационал овқатлаш асослари” мавзусида кўриб чиқамиз.

Вақт тақсимоти: биринчи босқич-тайёрлов – 10 минут.

Иккинчи босқич-даъват этиш (чакирув) – 15 минут.

Учинчи босқич-англаш – 32минут.

Тўртинчи босқич мулоҳаза (фикрлаш) – 20 минут.

Бешинчи босқич уйга вазифа – 3 минут жами 80 минут.

Ўқув материаллари:

“Рационал овқатланиш асослари” мавзусидан маъруза матни ва ўқув-услубий мажмуа, тарқатма материаллар.

“Рационал овқатланишни ташкил этиш” жараёнининг жадвали

1.2.3.4.5 рақамлари ёзилган карточкалар.

Мавзу бўйича асосий таянч сўз ва иборалар талабаларга берилади ва улардан кичик гуруҳлар тузиб муҳокамага қўйилади, муҳокама давомида мавзу бўйича “синквейн” ва “кластер” усулини қўллаб, талабалар эътиборини яна мавзуга жалб этилади.

1. Овқат ва овқатланиш– (нима? от)

2. Рационал овқатланиш (қандай? сифат)

3. Инсон нима учун овқатланади? Маҳсулотларнинг озуқавий қиймати? – (нима иш бажаради, феъл).

4. Рационал овқатланишни ташкил этиш.

5. Овқатланишнинг гигиеник хусусиятлари мавзусида сўровномалар тарқатиш.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари:

Бу мавзуни ўргангандан сўнг талаба:

- Хом-ашё, ярим фабрикалар ва тайёр маҳсулотни кимёвий таркибини билади.
- Маҳсулот сифатини назорат қилишни ва уларни экспертиза қилиш усулларини тушунади.
- Маҳсулот сифатини оширишда турли хил аспектларни қўллайди.
- Овқатланишда рационал овқатланади. Овқат таркибидаги оқсиллар, ёғлар, углеводлар миқдорини фарқлай олади.
- Турли хил аҳоли гуруҳларини касбига қараб ва иқлим шароитига қараб овқатланишини фарқлайди.
- Тўғри овқатланишни илмий асослаб бера олади.
- Тўғри овқатланишнинг инсон организмидаги аҳамиятини билади ва овқатдан заҳарланишларни олдини олишни фарқлайди.

### Машғулотнинг бориши

Машғулот босқичлари	Муаллимнинг вазифаси	Талабалар
Тайёрлов	Ташкилий қисмдан сўнг талабага тўп ўйини таклиф қилинади (Рационал овқатланиш атамаларини айтишдан иборат)	Командалар берилган муаммоли вазиятни тез ва чаққон бажарадилар.
II. Даъват (чақирув)	Талабаларни кичик гуруҳларга уюштириш учун 1,2,3,4,5 рақамли доирачалардан иборат карточкалардан фойдаланилади. Дарснинг мавзуси мақсади ва кўзланган натижаларни муҳокама қилиб, гуруҳлар сардори бу ҳақда қисқача ахборот берилиши лозимлигини айтади.	Кичик гуруҳларга бўлиниб машғулотга тайёргарлигини билдирадилар. Машғулот мавзуси ва ундан қутиладиган натижаларга ўз мулоҳазаларини билдирадилар.
III. Англаш	Саволлар беради: Овқат ва овқатланиш нима, тушунтириб беринг?	Ҳар бир талаба ўз фикр ва мулоҳазалари ни билдирадилар.



<p>IV. Мулоҳаза-фикрлаш</p>	<p>Талабаларга стратегиясининг тушунтириб, нима учун рацион тузилади, ҳар хил ёшдаги инсонлар рационал овқатланишининг аҳамияти нималардан иборат? Мавзусидаги атама сўзларга ҳар бир кичик гуруҳларга “синквейн” тузишни топширилади.</p>	<p>Талабалар кичик гуруҳлар таркибида биттадан таянч сўз танлаб “синквейн” тузадилар.</p>
<p>V. Уйга вазифа</p>	<p>Талабаларга стратегиясининг тушунтирадиган ва ҳар бир кичик гуруҳларда биттадан таянч сўзларга “кластер”лар тузишни топширади. “Рационал овқатланиш” мавзусига кластер тузиш.</p> <p>Ўқитувчи “Кластер”лар тақдимотини баҳолайди, ҳар бир гуруҳ ва унинг аъзолари фаолиятига яқун ясайди. Фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p>	<p>Талабалар бу муаммоли вазиятларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар ва иборалар танлаб олиб “кластер”лар тузадилар ва тақдим этадилар. “Кластерлар” тузишда маъруза матнлари ва дарсликлардан фойдаланилади.</p>
	<p>Талабаларга янги мавзуда “вени диаграммаси” тузиш вазифа қилиб берилади.</p>	<p>Бу уйга вазифа сифатида топширилади ва талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ўрганилади</p>

## 16.6. “Рационал овқатланиш асослари” мавзусида инновацион технологиялар лойихаси

### “Когнитив соҳада”

- “Овқат ва овқатланиш”нинг мазмун-моҳиятини схематик тарзда тушунтириб беради;
- “Рационал овқатланиш” асослари тўғрисида маълумот беради;
- Тайёр маҳсулотларнинг озукавий қиймати тўғрисида тушунча беради.
- Маҳсулотлар таркибидаги оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг хоссаларини алоҳида “Кластер” дан фойдаланиб изоҳлайди?
- Тайёр маҳсулотларни пиширишда содир бўладиган физик-кимёвий хусусиятларни тушунтиради;
- Психомотор (ҳаракатга) оид соҳада :
  - Лаборатория шароитида оксиллар денатурациясини, уларнинг ивиши, қотишини аниқлайди;
  - Пишириш жараёнида маҳсулотларнинг юмшаши, ароматик моддаларнинг ҳосил бўлишини аниқлайди;
  - Маҳсулотининг органолептик хусусиятларини аниқлашни уддалайди;
- Аффектив (ҳиссиётга оид) соҳада :
  - Маҳсулотларни тайёрлашда бўладиган физик-кимёвий ўзгаришларнинг аҳамиятини ҳис этади;
  - Маҳсулотларни тайёрлашда пиширишнинг аҳамиятини ҳис этади;
  - Рационал овқатланишнинг илмий асослари тўғрисида маълумотга эга;
  - Рационал овқатланишда “Димланган мол гўшти” таоми ҳам ишлатилади бу таом қандай инсонлар рационига киритилади?
  - Муаммоли вазият ва уни ўрганиш. Талабаларга тарқатма материаллар тарқатилади:

## **“Димланган мол гўшти” ишлаб чиқаришнинг зиг-заг усулида ўрганиш**

Масалликларни истеъмол қилишга яроқли ҳолатга етказиш технологик жараён деб аталади. Ишланиши лозим бўлган дастлабки маҳсулотлар ва материаллар хом-ашё деб аталади.

Ҳозирги вақтда тайёр маҳсулотлар озиқ-овқат ишлаб – чиқариш корхоналарида тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулот тегишли давлат стандартлари, меъёрий-техник ҳужжатлар асосида ишлаб-чиқилган, биологик тоза ҳамда сифат гувоҳномасига эга бўлиши керак.

Хом-ашё истеъмол учун тайёр масаллик ҳолатига дарров етказила қолмайди. Дастлаб у тайёрлаш цехларида ишлаб-чиқарилиб, ярим тайёр масаллик ҳолига келтирилади. Хом-ашёдан ярим фабрикат ҳосил қилиш учун механик усуллар, саралаш, ювиш, тозалаш усуллари қўлланилади. Хом-ашёни дастлабки ишлаш, уни иссиқ ишлови билан бирга тайёрланади, димланган гўшт консерваси ҳам.

Маромига етказиладиган цехларда истеъмолга тайёрланган маҳсулот тайёр маҳсулот деб аталади.

Мавзуни талабаларга “зигзаг” усулида ўқитиш усулидан фойдаланишда, авваллабор мавзуга оид маъруза материалларидан таркатма материал тайёрланади.

Гуруҳдаги талабалар ўзаро кичик гуруҳларга бўлинадилар, бунини махсус тайёрланган карточкалар 1. . . . 2. . . . 3. . . . 4. . . . 5 гача санаш орқали гуруҳланади.

**“Димланган мол гўшти” ишлаб-чиқаришда “Вени диаграммаси ” тузиш.**

Гўшт хом-ашёси оксилга бой 14,5-23% гача. Гўшт ва гўштли ич маҳсулотларида D витамини, B ва PP витаминлар гуруҳи бор. Гўшт минералга бой: унда темир, кальций, фосфор тузлари ва бошқа тузлар бор. Гўштни сифати унинг семизлигига боғлиқ.

Гўштни қабул қилишда унинг сифати органолептик усулда текширилади, шубҳа қилинган тақдирда эса гўшт лаборатория текширувига юборилади. Санитария назорати тамғаси бўлмаган гўшт ишлаб-чиқаришга берилмайди.

**“Вени диаграммаси” тузиш**

Ўзига хос жиҳат	Умумий жиҳатлар	Ўзига хос жиҳат
Гўшт умумий овқатланиш муассасаларига музлатилган, совутилган ҳовридан тушурилган ва баъзан тузланган ҳолда келтирилади.	Гўштни ишлаш куйидаги жараёнларни ўз ичига олади: а) музидан тушириш; в) ивитиш б) ювиш, қуритиш ва тамғасини қирқиш; г) гўштни бўлаклаш.	Тузланган гўштни сифати янги гўшдан паст бўлади. Гўштни тузлаганда оксил моддаларнинг хоссалари ўзгаради. Гўштни ивитганда озик-моддаларнинг бир қисми йўқолади.
Гўштни сиртида микроорганизм ва уларнинг споралари кўп бўлади	Гўшт илиқ сувда ювилса, (25-30 <sup>0</sup> C) сиртидаги микроорганизм тухумлари 95-99% гача йўқолади.	Микроорганизмлар орасида айнитувчи ва касаллик кўзғатувчилари ҳам бўлиши мумкин.
Гўштни суягидан ажратиш, бўлаклаш ва тозалашда куракнинг уст томонини пастга қилиб, столга қўйилади ва гўшт, биллак ҳамда тирсак суякларининг пайи кесилади.	Тозаланган биқин қисми қовурганинг ўрта қисми сиртидаги мускул қатламидан иборат. “Димланган мол гўшти”, “Филе”, биқин қисми ва умуртқа қисмидан иборат.	Гўшт бўлаklarини суягидан ажратгандан кейин, пай ва ортиқча ёғидан тозаланиб, четлари кесиб ташланади.

<p>Ирим тайёр масаллик тайёрлаш ва гўштни димлаш:          Ранги янги гўштга хос, табиий. Ҳиди тицирилган, янги гўштга хос бўлиб, қизармаган ва ҳеч қандай ёд ҳидлари бўлмаслиги керак.</p>	<p>Гўшт бўлақларининг шакли бир хил ва тўғри бўлади.          Димланган гўштнинг консистенцияси зич ва юмшоқ бўлиши керак.</p>	<p>Сели чиқмаслиги ва ёғ микдори 15%гача бўлиши керак.          Зираворлар (мурч, туз, лавр барги)          Гўштга хос, ҳеч қандай ёд хиди йўқ.          Қуруқ моддалар микдори 18-20%, ош тузи 1,5-2,5%.</p>
<p>Ярим тайёр маҳсулотни қадоклашдан олдин банканинг мустаҳкамлиги, чидамлилиги текширилади.</p>	<p>Сувда ювилиб, бўғда стерилизация қилинади.</p>	<p>Банка чеккалари алоҳида текширувдан ўтказилади.</p>
<p>Тўлдирилган банклар прессланади.</p>	<p>Герметиклиги сувлик назорат ваннасида 80-85°C ҳароратда текширилади.</p>	<p>Анализ ўтказиладиган ванналар ок рангли гигиеник тоза бўлиши керак.</p>
<p>Герметик маҳкамланган банклар автоклав корзинасига яхшилаб жойлаштирилиб, стерилизация қилинади.</p>	<p>Консерваларни биринчи ва иккинчи ҳолатда стерилизациялаш инструкциялар асосида олиб борилади:  <u>30-120-60</u>          120°C          20-115-30          ----- ;          115°C</p>	<p>Барча жараёнлар гўштни сақлашдан, ишлашдан ва автоклавга жойлашгунча бўлган вақт 2 соатдан ошмаслиги керак.</p>

“Вени диаграммаси”- интерфаол усуллардан бири бўлиб, 2 тушунчани ўзига хос ва иккаласи учун “умумий бўлган” хислатларни ажратиб идрок этишга мўлжалланган ва талабаларни фикрлаш қобилиятини фаол ривожлантирувчи усулдир.

Ушбу мавзу бўйича талабаларга “Кластер” тузиш топширилади: “Кластер” сўзи гунча боғлам маъносини англатади ва қуйидагича изоҳланади.

“Кластер” икки босқичда тузилиб, ахборотни ёзиш ва туркумлаш демакдир.

“Кластер” биринчи босқичда “мия хужуми” орқали ахборотлар йиғади;

“Кластер” иккинчи босқичда “мия хужуми” орқали йиғилган тушунчалар ўзаро боғлиқлиги белгиланиб, туркумлар гуруҳларга ажратилади.


“Мия хужуми” 1963 йилда Осберн томонидан кашф этилган.

## КЛАСТЕР ТУЗИШ

Мол гўштининг кимёвий таркиби:

Таркиби:

4 та гистологик элементлардан иборат.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов. *Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида*. Тошкент, "Ўзбекистон", 2006 й.
2. И.А. Каримов. *Ўзбекистон - буюк келажак сари*. Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёти, 2008 й.
3. *Химический состав пищевых продуктов. Под редакцией Скурихина И.М., и Шатерникова В.А. М: Легкая и пищевая промышленность, 1998 гр. с. 281-325.*
4. Бурштейн А.И. *Методы исследования пищевых продуктов*. -Киев, Госмедиздат, 1993, 645 с.
5. *Методы анализа пищевых, сельскохозяйственных продуктов и медицинских препаратов. Перевод с английского под редакцией А.Ф. Наместникова. М: Пищевая промышленность, 2004-743 с.*
6. Степанова Е.Н. *Витамины. Химический состав пищевых продуктов*. М: Пищевая промышленность 1999 гр.Марх А.Т. , Зыкина Т.Н. , Голубев В.Н. *Технохимический контроль в консервном производстве М. Пищевая промышленность, 1998 гр. 410 с.*
7. Л. Қаюмова. *Озиқ-овқат хам-аиёси ва маҳсулотларнинг кимёвий таркиби*. Т:Ўзбекистон, 2001 й.
8. Загибалов А.Ф. , Зверькова А.С. , Титова А.А. , Флауменбаум Б.Л. *Технология консервирования плодов и овощей и контроль качества продукции. М: Агропромиздат 2001 гр. , с-280-348*
9. Батурин А.К. *Химический состав и энергетическая ценность пищевых продуктов*. Справочник Макканса и Уиддоусона. СПб: Проффикс. 2003г. 560с.
10. Бельгер. *Субликрометоды анализа органических веществ*. М: Мир. 2008г. 230с.
11. Марх А.Т, Крисевова Т.Г. *Химико-технический контроль консервного производства*. М. Пищепромиздат. 1999г. 436с.
12. Фалунина З.Ф. *Лабораторный практикум по общей технологии пищевых продуктов*. М. Пищевая промышленность. 1998г. 272с.
13. Урдушева Б., Ахмедов А. *Консервалашнинг назарий асослари ва технологияси фанидан лаборатория ишларини бажаришига доир услубий қўланма*. Жиззах. 2009 й. 52б.
14. М. Худайбердиева. *Касб маҳорати. Дарслик. Тошкент "Ўзбекистон миллий файласуфлари жамияти" нашриёти. 2010 йил.*
15. Норқулова З.Т. *"Озиқ-овқат кимёси" фанидан маърузалар матни. Жиззах. 2010 йил.*



16. Скурихин И.М., Нечаев А.П. *Все о пище с точки зрения химика*. М. : Высшая школа, 1991.
17. Богатков С. В. *Химия пищевых продуктов. Учебное пособие*. -М. : МТИПП, 1999г.
18. Барковский В.Ф. , Горелик С.М. , Городенцева Т. В. *Физико-химические методы анализа*. -М. : Высшая школа, 1993.
19. Скурихин И.М., Волгорева М.Н. *Химический состав пищевых продуктов. Справчник I и II т. т.* -М. : Агропромиздат, 2004г.
20. Павлоцкая Л.Ф., Дуденко Н.В., Эдельман М.М. *Физиология питания*. -М. : Высшая школа, 1999 гр.
21. Бровка О.Г. , Гордиенко А.С. , Дмитриева А.Б. и другие. *Товароведение пищевых продуктов*. -М. : Экономика, 1999 гр.
22. Хайдар-Заде Л.Н. *Пищевая химия. Маърузалар матни*. Бухоро 2010 й.
23. А.П. Нечаев. *Пищевая химия*. М. : Высшая школа. 2007 гр.
24. А.А. Азизходжаева. "Педагогик технология ва педагогик маҳорат". Тошкент "Меҳнат" 2005 йил

## МУНДАРИЖА

Суз боши.....	3
1.1. Озиқ-овқат кимёси фанининг мақсади ва вазифалари.....	5
1.2. Инсоннинг озикланишида оксилли моддаларнинг аҳамияти.....	8
1.3. Оксилларнинг овқатлик ва биологик қиймати.....	15
1.3.1. Оксилларнинг озукавий қиймати.....	22
1.4. Оксилларнинг тузилиши ва аминокислота таркиби.....	27
<b>II БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги пептидлар.....</b>	<b>36</b>
2.1. Пептидларнинг физиологик аҳамияти.....	36
2.2. Пептидли гормонлар, нейропептидлар, фазофаол пептидлар, пептидли токсинлар, пептидли антибиотиклар, таъм берувчи пептидлар ва протекторли пептидлар.....	41
<b>III боб. Хом-ашё таркибидаги оксиллар.....</b>	<b>54</b>
3.1. Бошоқли хом-ашё оксиллари. Дуккакли ўсимликлар таркибидаги оксиллар.....	62
3.2. Ёрмалар. Уларнинг кимёвий таркиби.....	71
3.3. Мева-сабзавотларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти.....	82
3.4. Хом-ашёлар таркибидаги оксиллар. Гўшт ва сут таркибидаги оксиллар.....	90
Такрорлаш учун муаммоли назорат саволлари.....	93
<b>IV БОБ. Оксилли озуқа маҳсулотларининг янги турлари.....</b>	<b>94</b>
4.1. Оксилларни зарурий аминокислоталар билан бойитиш.....	97
4.2. Оксилли озуқа маҳсулотларининг янги турлари.....	104
4.3. Ўсимликлардан олинadиган оксил концентратлари.....	114
<b>V БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги оксилларнинг функционал хусусиятлари.....</b>	<b>117</b>
5.1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёлар таркибидаги сув. Эрувчанлик сув билан бирикувчанлиги ва ёғлар билан бирикувчанлиги.....	117
5.2. Гўшт хом-ашёларининг кимёвий таркиби.....	127
Триптофан.....	130
Треонин.....	130
Метионин.....	130
Фениллананин.....	130
Изолейцин.....	130
Валин.....	130
Лизин.....	130
Лейцин.....	130
Гистидин.....	130
Макроэлементлар, мг.....	135
Микроэлементлар, мкг.....	135
5.3. Уй ва ёввойи паррандалар гўшtlарининг кимёвий таркиби.....	138
Уй паррандалари гўшtlининг энергия бериш қуввати.....	139
5.4. Сут хом-ашёси таркибидаги оксиллар.....	142
5.5. Технологик ишловларда оксилларнинг ўзгариши.....	147
Оксил денатурацияси.....	147

5.5.1. Оксилларнинг агрегацияси.....	148
5.5.2. Оксил деструкцияси.....	149
5.5.3. Мушак оксиллари. Бириктирувчи туқима оксиллари уларнинг денатурацияси, қотиши. Коллаген дезагрегацияси. Студень олиш. Гўшти юмшатиш.....	152
5.5.4. Иссиқлик ишловларида оксилларнинг ўзгариши.....	158
5.5.6. Ҳайвон ва балиқ гўшти пиширилганда оғирлигининг камайиши.....	165
5.5.7. Сут, тухум, сабзавот ва дуккакли донлар оксилларининг ўзгариши...	169
<b>VI БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги углеводлар.....</b>	<b>171</b>
6.1. Углеводларнинг умумий тавсифи.....	171
6.2. Моносахаридлар тўғрисида маълумотлар.....	176
6.3. Полисахаридлар тўғрисида маълумотлар.....	180
6.4. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда углеводларнинг ўзгариши. Углеводларнинг гидролизи.....	183
6.5. Ретроградация. Крахмал деструкцияси. Ферментатив деструкция. Модификацияланган крахмал. Декстринизация.....	192
6.6. Меланоидлар ҳосил бўлиши.....	197
6.7. Крахмалнинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги миқдори.....	200
6.8. Туқима ҳужайралари углеводлари. Уларнинг таркибига хоссалари.....	204
6.9. Крахмалнинг иссиқлик таъсирида ўзгариши.....	209
6.10. Ҳужайра деворларининг углеводи.....	211
<b>VII БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги липидлар. Липидлар (ёғлар) тўғрисида маълумотлар.....</b>	<b>214</b>
7.1. Липидлар.....	214
7.2. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги ёғларнинг ўзгариши.....	217
7.3. Ёғларнинг кимёвий таркиби, хоссалари ва аҳамияти.....	219
7.4. Ёғга ўхшаш моддалар ва уларнинг тавсифи.....	228
7.5. Ёғларнинг иссиқлик таъсирида ўзгариши.....	231
7.6. Озуқа липидлари.....	234
<b>VIII боб. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддалар.....</b>	<b>238</b>
8.1. Инсон организмда минерал моддаларнинг аҳамияти.....	238
8.2. Макроэлементлар.....	239
8.2. Ультрамикрэлементлар.....	245
<b>IX боб. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминлар ва уларнинг инсон организмдаги вазифалари.....</b>	<b>248</b>
9.1. Витаминлар.....	248
9.2. Витаминлар ва уларнинг хоссалари.....	255
9.2.1. Ёғда эрувчи витаминлар.....	256
9.2.2. Сувда эрувчи витаминлар.....	260
9.3. Витаминсимон моддалар.....	267
9.3.1. Антивитаминлар.....	270
9.4. Озиқ-овқат маҳсулотларини витаминларга бойитиш.....	272

<b>X БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталар ва уларнинг таъсири</b> .....	<b>277</b>
10.1. Озуқавий кислоталар ва уларнинг маҳсулот сифатига таъсири .....	277
<b>XI БОБ. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ферментларни қўллаш</b> .....	<b>282</b>
11.1. Ферментлар ва уларнинг хоссалари.....	282
11.2. Ферментларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	290
11.3. Ферментлар ишлаб чиқариш технологияси .....	295
11.3.1. Углерод манбалари.....	299
11.3.2. Азот манбалари.....	300
11.3.3. Фосфор манбалари .....	301
11.3.4. Витаминлар манбалари .....	301
<b>XII боб. Озуқавий ва биологик фаол қўшимчалар ва ароматизаторлар</b> ..	<b>304</b>
12.1. Озиқ-овқат қўшимчалари.....	304
12.2. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини ва пардозловчи моддалар.....	305
12.2.1. Озиқ-овқат бўёқлари .....	305
12.3. Ранг ростловчи материаллар.....	313
12.4 Азотли моддалар. Гликозидлар ва дубил моддалар (ошловчи моддалар) ..	315
12.5. Озиқ-овқат маҳсулотларини структураси ва физик-кимевий хоссаларини ўзгартирувчи моддалар .....	317
12.6. Шириллаштирувчи моддалар .....	319
12.7. Консервантлар.....	322
12.8. Озуқавий антиоксидловчилар.....	324
12.8.1. Ароматизаторлар .....	324
<b>XIII боб. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги</b> .....	<b>326</b>
13.1. Озиқ-овқат маҳсулотларини ифлосланттирувчи манбалар.....	326
13.1.1. Ифлосланттирувчилар .....	329
13.2. Микотоксинлар .....	334
13.3. Озуқавий аллергия .....	341
13.4. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги муаммолари.....	344
13.4.1. Озиқ-овқат қўшимчалари.....	345
13.5. Озиқ-овқат қақирадиган заҳарланишларнинг назорати.....	347
13.5.1. Нулланиш .....	351
<b>XIV боб. Рационал овқатланиш асослари</b> .....	<b>353</b>
14.1. Рационал овқатланишнинг биринчи қондаси –энергия баланси .....	354
14.2. Рационал овқатланишнинг иккинчи қондаси –асосий .....	359
озик-овқат моддаларига бўлган талабни қондириш .....	359
14.3. Ёғ компонентларининг рақондаги оптимал нисбати .....	361
14.4. Рационал овқатланишнинг учинчи принципи - .....	365
овқатланиш режими.....	365
14.5. Инсон ҳаётининг турли даврларида озик-овқат моддаларига бўлган талаб.....	370
<b>XV боб. Агроф – муҳит Химикатлари</b> .....	<b>377</b>

15.1. Микотоксинлар.....	378
15.2. Денгиз биотоксинлари.....	379
15.3. Ұсымлик токсикантлари.....	380
15.4. Овқатланишдаги хавфлар.....	380
15.5. Атроф-мухитни зарарсизлантиришдаги истиқболли йўналишлар.....	381
<b>XVI боб. Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллашнинг аҳамияти.....</b>	<b>397</b>
16.1. “Озиқ-овқат кимёси” фанини “Рационал овқатланиш асослари” бўлимини ўқитишда инновацион технологиялар самарадорлиги.....	398
16.2. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш.....	401
16.3. Анъанавий дарс ўтишнинг қисқа баёни ва уни замонавий дарс ўтиш усуллари билан таққослаш.....	403
16.3.1. Дарсни ташкил этиш.....	406
16.3.2. Дарс режаси. “Озиқ-овқат кимёси” фанининг “Рационал овқатланиш асослари” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялар самарадорлиги.....	407
16.3.2.1. Мавзунинг структурали мантикий схемаси.....	410
16.4. Дарс ўтиш бўйича тавсиялар.....	413
16.5. Интерфаол стратегиялардан фойдаланиб ўтиладиган ўқитишнинг инновацион технологиялари.....	414
16.6. “Рационал овқатланиш асослари” мавзусида инновацион технологиялар лойиҳаси.....	418
<b>КЛАСТЕР ТУЗИШ.....</b>	<b>423</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>424</b>